Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

4-сон, 2017

1997 йилдан чиқа бошлаган.
Йилда тўрт марта чиқади.

Тошкент – 2017

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Бош муҳаррир:
Касимов Р.С.

Таҳрир ҳайъати:

Азизов Х.Т
Ахмеджанов К.Б.
Тошматов Ш.А.
Маликова Г.Р.
Раҳимова Д.Н
Умарова Н.Т
Турғунов О.К.
Хамедов И.А.
Рахманов Қ.С.
Исломқулов А.Х.
Маҳкамов О.М.
Рустамбеков И.Р.
Чўтпўлатов М.Ч.

Таҳририят:
Кабулова Д.
(масъул муҳаррир)

Мусаҳҳиҳлар:
Абдуллаева Г., Абдуллаева М.,
Шорихсиева А.

Саҳифаловчи ва дизайнер:
Рашидов С.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.

Таҳририят манзили:
100003, Тошкент,
Ислом Каримов кўчаси, 45
Мурожаат учун телефон:
232-60-76, 232-60-77

E-mail: Jurnal95@dba.uz

Буюртма:
ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
10.04.2013 йилда 0201-сон билан рўйхатга олинган.
Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.
Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

Мундарижа

Содержание

ДАВЛАТЧИЛИК АЛГОРИТМИ
Алгоритм государственности

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.....5

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ 2017-2021 й.
Стратегия действий 2017-2021 гг.

Назаров Н. Ҳаракатлар стратегияси ва миллий тотувлик..... 27

Хашимова Н. Концептуальные основы стратегии инвестиционной политики в условиях модернизации и структурных преобразований экономики.....31

БОШҚАРУВ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ
Теория и методология управления

Холов А. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашда "ақлий марказлар"нинг ўрни ва роли 41

Юсупов С. Мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари 48

Хонназаров Р. Ўзбекистонда халқ табобати соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш ва самарали бошқариш.....53

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲА МЕНЕЖМЕНТИ
Гражданское общество и менеджмент социальной сферы

Абдураҳимов М. Архивларни бошқариш тизимида стратегик менежмент усулларидан фойдаланиш самарадорлиги 58

Амиров З. Ҳуқуқий тарбиянинг амалга оширилиш ҳолати: ОАВ мисолида.....65

Сияева Г. Процессы политической социализации молодёжи в Узбекистане.....71

Саидов С. Жамият ижтимоий модернизациясида "учинчи сектор"нинг ўрни.....76

Имамов У. Давлат идораларининг халқ олдидаги масъуллиги ва истеъмолчилар ҳуқуқлари 81

Utegenov O. Local self-governing bodies to improve the legal status as a subject of public environmental control 89

ИҚТИСОДИЙ СОҲА МЕНЕЖМЕНТИ
Менеджмент в сфере экономики

Арабов Н. Меҳнат бозори инфратузилмасининг самарали ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари 93

Ахмедов И. Халқаро маркетинг тамойиллари ва маркетинг тадқиқотини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари.....102

Имамова Д. Государственная поддержка в заключении внешнеторговых контрактов.....109

Каюмов Р. Современные подходы к организации инвестиций в Узбекистане.....117

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ
Правовые аспекты государственного управления

Саипов И. Конституционно-правовые основы деятельности органов прокуратуры по обеспечению защиты прав и свобод человека 124

Умидуллаев Қ. Маҳаллий ижроия органларида ижро интизомини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари 131

Хайитов Х. Қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш масалалари 137

Ҳусанов О. Конституция - халқ онги, ижоди маҳсули.....143

МИНТАҚАЛАР МЕНЕЖМЕНТИ
Менеджмент регионов

Иноятов У. Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили..... 146

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ
Информационные технологии и электронное правительство

Мухаммадиев Ж. Обеспечение информационной безопасности Республики Узбекистан.....155

Садиков С. Совершенствование государственного управления в рамках создания и развития "электронного правительства" в Узбекистане 162

Элмуратова У. Инновацион таълим-тарбия тизимига актларни қўллаш масалалари.....167

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ
Зарубежный опыт

Нематов Ж. Маъмурий процедураларнинг институционал асосларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил..... 171

Раимова Н. О некоторых особенностях правовой регламентации коммерческой конфиденциальной информации по законодательству зарубежных стран.....185

Хамдамова Ш. Конституциявий қонунчилик тизими: миллий ва хорижий тажриба 193

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги улуғ айём – мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллик байрами билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Йигирма беш йил – тарих учун бир лаҳза, холос. Шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизни, энг аввало, Конституциямиз билан боғлашимиз, албатта, бежиз эмас. Нега деганда, Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир.

Қадрли юртдошлар!

Бугун Конституциямизнинг 25 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, Асосий қонунимизни яратишда унутилмас хизмат қилган инсонлар номини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида ,1990 йил июнь ойида тузилган Комиссиянинг икки йиллик машаққатли меҳнати натижасида Конституциянинг биринчи, иккинчи ва сўнгра учинчи лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу Комиссия аъзоси сифатида мен ана шу тарихий жараёнда бевосита иштирок этганимни доимо фахр билан эслайман. Конституциянинг яратилиши билан боғлиқ қизғин баҳс-мунозаралар, турли ғоя ва фикрлар ҳали ҳам хотирамда.

Асосий қонунимиз икки марта - 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилди. Лойиҳалар муҳокамасида кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг тараққиёт йўли, унинг келажагига дахлдор кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирди.

Умумхалқ муҳокамаси якунларига кўра, Бош қомусимиз лойиҳасига 100 га яқин тузатишлар киритилди ва 1992 йил 8 декабрь куни Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради.

Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса арзийди, албатта.

Айни пайтда биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.

*Айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, салоҳият ва имкониятларимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик. Чунки ўзимиз шу ишни қилмасак, ҳеч ким бу хатоларни четдан келиб бизга айтмайди. Биз ўз келажагимизни ўзимиз қурамиз. Бу йўлда хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳар томонлама чуқур ўйлаб, **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**ни қабул қилдик. Мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги **тизимли ислоҳотларнинг "йўл харитаси"**га айланди.*

Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида шу йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Биз бу борада кўпгина қонунлар халқимизга маъқул эмаслигини, улар эл-юртимиз манфаати учун ишлаши кераклигини ҳисобга олган ҳолда шундай йўл тутдик . Бу ишларни келгусида албатта давом эттирамиз.

да "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ" деган ғоя асосида катта ишлар

амалга оширилди. Бу ишлар Конституциямизнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришда яна бир улкан қадам бўлди.

Албатта, бу ҳақда узоқ ва батафсил гапириш мумкин. Лекин бугунги тантанали маросим янгича мазмун ва йўналишда ўтаётганини ҳисобга олиб, мен фақат энг муҳим ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Жорий йил якунлари ва янги йилга ном бериш тўғрисида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда Олий Мажлис палаталарига тақдим этиладиган Мурожаатномасида атрофлича фикр юритилади, албатта.

Биз кириб келаётган янги йилга халқимизнинг хоҳиш-истаклари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ном берамиз. Ўйлайманки, у сизларга албатта маъқул бўлади.

Маълумки, бу йил давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.

Ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари – парламент, халқ депутатлари кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустаҳкамланмоқда.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида туманлар даражасида халқ депутатлари кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтгача пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Биз бу борада адолатни тиклаб, Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритдик. Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам энди ўз вакиллари – депутатлар орқали туманларни бошқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу йил 24 декабрда илк бор пойтахтимиз туман кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Ана шу сайловларда эл-юрт учун чинакам жон куйдирадиган, одамийлик фазилатлари ва гражданлик позицияси билан аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган инсонлар халқ ноиблари этиб сайланадилар, деб ишонамиз.

Ўтган даврда ижро этувчи ҳокимиятни демократлаштириш ишлари ҳам изчил олиб борилди. Ҳукуматнинг вазифа ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ва масъулияти кучайтирилди. Бу Конституциянинг 7-моддасида мустаҳкамланган ***"Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир"*** *деган улуғвор ғоянинг амалий ифодаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.*

Шу билан бирга, ***ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби судда аниқ бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги*** *тўғрисидаги конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди. Албатта, бу қоидани ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш, биринчи навбатда, судларнинг чинакам мустақиллиги, уларнинг адолатли фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқ.*

Шу мақсадда биз суд тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Жумладан, ягона суд амалиётини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди. Биз бу борада жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиб, ўз тарихимизда биринчи марта шундай янгиликни амалга оширдик. Шу асосда судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

Содда қилиб айтганда, судья муддатсиз даврга тайинлансин, лекин у доим халқпар-

вар бўлиб, адолатли иш олиб борсин. Судья адолатли ҳукм чиқариши учун аввало халқни, унинг ҳаётини, дарду ташвишларини яхши билиши керак.

Ана шу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилишлари мумкин. Хабарингиз бор, илгари ҳар бир туманда бундай судлар бўлмагани туфайли одамлар ўз муаммоларини вақтида ҳал қилолмасдан сарсон бўлар эди.

Судларнинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида янги тайинланаётган судьялар тегишли ҳудуд жамоатчилиги, маҳалла фаоллари муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Биз нима учун бундай тартибни жорий этдик?

Кўпгина жойларда одамлар судларнинг раисини аксарият ҳолатда танимаслиги, суд идоралари эса халқ ҳаётидан, унинг дарду ташвишларидан узоқлиги маълум бўлди.

Эндиликда фуқароларнинг ижобий фикри мавжуд бўлган тақдирдагина судьяликка номзодлар лавозимга тайинланмоқда.

Суднинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, суд ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олишга жиддий эътибор қаратилди.

Шу мақсадда суд ишларини сайёр тартибда кўриш йўлга қўйилди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида судлар томонидан 373 минг 256 та иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 169 минг 289 таси ёки 45 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди.

Ишларни назорат тартибида кўриш муддатлари уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Чунки, илгари Олий суд масъулиятни ўз зиммасига олишни истамас эди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд оворaю сарсон бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Кўпчилик яхши билади, илгари қарийб 90 фоиз жиноий ишлар қайта терговга юборилар эди. Эндиликда судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш тартиби бекор қилинди. Бу эса суд ва тергов органларининг ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ҳолбуки, илгари битта оқлов ҳукми чиқариш ҳам судлар фаолиятида ўта кам учрайдиган ҳодиса эди.

Терговнинг сифати яхшиланиб, терговчилар масъулияти оширилди. Хусусан, шу давр мобайнида тергов органлари томонидан 238 та ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермагани аниқланди. 302 та ҳолатда жавобгарликка тортиш муддати ўтгани, 370 та ҳолатда айбдорлар қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани инобатга олинди. 549 та ҳолатда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотгани, 1 минг 636 та ҳолатда қилмишда жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Ана шундай асосларга таяниб, 3,5 мингдан ортиқ жиноят иши тугатилди.

Ҳар бир ҳукмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инобатга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида судланувчиларга, айниқса, ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланмоқда. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун яна бир бор имконият берилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида – 152 нафар, Ёшлар

иттифоқи кафиллиги асосида – 18 нафар, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида – 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафиллиги эътиборга олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Масалан, биргина Шайхонтоҳур туманида 15 нафар шахсга нисбатан жазо тайинлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафиллиги эътиборга олинди.

Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди, 11 нафар шахс жавобгарликдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланди.

Ҳурматли маросим қатнашчилари, келинг, ўзимизга бир савол берайлик: аслида, одамни суд қилишдан мақсад нима? Уни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш эмасми? Жиноятчиликнинг олдини олиш эмасми?

Лекин инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, аввалambор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Аҳоли билан ўтказилаётган очиқ мулоқот натижалари бир ҳақиқатни яққол кўрсатмоқда: суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Шунинг учун ҳам ўтган ҳафтада ***"Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"****ги Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмайди. Бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилади.*

Жиноят ишлари доирасида ноқонуний усуллар билан олинган ҳар қандай маълумотлардан, жумладан, аудио ва видео материаллардан, ашёвий далиллардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Қийноққа солиш, ҳимояга бўлган ҳуқуқни бузиш, инсонни алдаш ва тергов жараёнида бошқа ноқонуний усулларни қўллаш ман этилади.

Далилларни сохталаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик жорий қилинади.

Эндиликда адвокатлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу далиллар тергов ва суд идоралари томонидан мажбурий текширилиши ва баҳоланиши керак.

Қийноққа солиш каби ноқонуний усулларни қўллашни қатъиян чеклаш мақсадида тергов ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Энг муҳими, ноқонуний усуллар қўллаш тўғрисидаги бironта ҳам хабар эътиборсиз қолмаслиги шарт. Прокуратура органлари ҳар бир ҳолат бўйича чуқур текширув ўтказиб, айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлайди.

Нега мен бу ҳақида куйиб-пишиб гапиряпман? Президент фармон қабул қилди, шу билан ҳамма нарса ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ўйламанглар. Лекин бу фармон ҳали фақат қоғозда, уни амалга ошириш учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, кутилган натижага эришиш қийин бўлади.

Биз суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият бераётганимиз бежиз эмас. Чунки, Конституциямизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ушбу ислоҳотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир.

Бу жараёнда энг асосий эътибор фуқароларимизга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилди. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу асосда аҳоли учун мақбул бўлган усуллар – "ишонч телефонлари" ва тезкор алоқа телефонлари орқали ҳамда видеоконференцалоқа воситасида мурожаат қилиш тартиби жорий этилди.

Фуқароларимизнинг Конституцияда муҳрлаб қўйилган ***давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини*** *таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги кунда фуқароларимиз мансабдорлар олдига эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдига бормоқда. Бу – катта ўзгариш.*

Айни вақтда кўп раҳбарлар булар ҳаммаси вақтинча, бир йиллик иш, деган хом хаёл билан юрибди. Аммо улар шуни қулоғига қуйиб олсин, кўприклар аллақачон ёниб кетган. Энди ҳеч қачон орқага қайтмаймиз.

Жорий йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказди. Бу қабулларда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этди.

Бу тадбирларда фуқаролар томонидан кредит ажратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари қарорларига доир, бандлик ва иш ҳақи тўловлари, тадбиркорлик, электр ва табиий газ таъминоти, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалаларга оид 22 минг 186 та мурожаат билдирилди. Мурожаатларнинг 6 минг 484 таси жойида ҳал этилди, 15 минг 702 таси тегишли органларга кўриб чиқиш учун топширилди. 94 та ҳолат юзасидан хизмат текширувлари тайинланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди.

Илгари Бош прокуратура, суд ва бошқа органлар раҳбарларининг вилоятларга боришга вақти йўқ эди. Улар Тошкентда ўтириб иш кўрар эди. Шунинг учун ҳаётдан, одамларни қийнаётган муаммолардан узоқлашиб кетган эди.

Шу борада яна бир муҳим ҳужжат – "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида" янги Қонун қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ***ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш*** *имконияти янада оширилди.*

Бундан кейин фуқароларимиз ҳар қандай давлат органи, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланади. Нима учун бундай қоида жорий этилди? Одамлар сўраб борса, тумандаги энг кичик амалдор ҳам бирорта ҳужжатни уларга бермайди. Бунга катталар рухсат бермайди, деб баҳона қилади. Энди бундай "ўйин"лар кетмайди. Нега деганда, эндиликда Президентдан бошлаб энг қуйи бўғиндаги раҳбарларгача халқимиз хизматида бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларимиз тизимини такомиллаштириб бориш ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ***"Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли"*** *ҳамда* ***"Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида"*** *деган нормаларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди.*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти такомиллаштирилди. Унинг жазони ижро этиш муассасаларида назоратни амалга оширишга оид ваколатлари кенгайтирилди.

Адашиб жиноят йўлига кирган ёки содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни жамиятга, оиласи бағрига қайтариш муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади. Нега деганда, улар ҳам Ўзбекистон фуқаролари, шу юрт фарзандларидир.

Бугунги тарихий сана арафасида мен Президент сифатида ўзимнинг конституциявий ваколатимдан фойдаланиб, судлар томонидан ҳукм қилинган 2 минг 700 нафар шахсни афв этиш тўғрисидаги Фармонни имзоладим.

Бундай Фармон Ўзбекистон тарихида биринчи марта қабул қилинди.

Мен шу ўринда бир нарсани алоҳида тушунтириб ўтмоқчиман. Юридик соҳадан йироқ бўлган одамлар амнистия ва афв деган тушунчаларнинг фарқига бормаслиги сир эмас.

Ҳаммамизга яхши маълум, шу вақтгача мамлакатимизда ҳар йили амнистия актлари қабул қилинар эди. Амнистиянинг асосий мазмуни шундан иборатки, у аввал жиноятлар тоифасини белгилаб беради, кейин эса ана шу жиноятлар тоифасига тушадиган шахслар аниқланади.

Албатта, амнистия жиноят содир этган одамларни кечириш бўйича муҳим механизмлардан бири. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олдиндан чуқур ўрганмасдан туриб жавобгарликдан озод қилишни белгилаш қилмишига пушаймон бўлмаган, етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахслар ҳам амнистия доирасига кириб қолишига сабаб бўлган. Бу масалада, минг афсуски, коррупция ҳолатлари ҳам бўлган деб айтсак, тўғри бўлади. Прокуратура, ички ишлар ва суд идораларида ҳам бундай номаъқул ишларга йўл қўйилган.

Бу эса амнистияга тушган кимсаларда жазони ҳис этмаслик, бизга ҳамма нарса мумкин, деган нотўғри кайфиятнинг шаклланишига олиб келган.

Энг ёмони, амнистияни қўллашда жабрланган тараф ва жамоатчилик фикри инобатга олинмаган, бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, афсуски, амнистия бўйича озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, махсус комиссия томонидан жазо ўтаётган ҳар бир шахс билан алоҳида суҳбат ўтказилди, у яшаган маҳалла аҳли, жабрланган одамларнинг фикри ўрганилди.

Бу жараёнда содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси, суд тайинлаган жазонинг қанчалик адолатли экани ҳам эътиборга олинди. Чуқур таҳлил ва ўрганишлар натижасида чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни билиб-билмай содир этган, тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларнинг аниқ доираси белгиланди ва айнан шундай шахслар афв этилди.

Ўйлайманки, Президент томонидан кечирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишончни оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшади, жамиятда ўз ўрнини топади.

Мен бундан ҳам кўпроқ одамни афв этишга ҳам тайёр эдим, лекин жамиятимиз ҳали бунга тайёр эмас. Бунинг учун жамиятимизда афв этилаётган маҳкумларни кафилликка олиш муҳити ва масъулияти тўла қарор топиши керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратишни жоиз, деб биламан.

Маълумки, давлат органларига кадрларни танлашда эскидан сақланиб қолган, қўштирноқ ичидаги бир "тизим" мавжуд эди. У ҳам бўлса, яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ. Бундай номаъқул ёндашув туфайли кўплаб ёшларимиз, малакали мутахассисларимиз "беайб айбдор бўлиб", яқин қариндошларининг қилмишлари учун жабр тортиб келдилар.

Ўзингиз айтинг, бу адолатданми? Менинг фикримча, адолатдан эмас. Нима сабабдан бир жиноят учун бутун бир авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши керак?

Демократик нормаларга ҳам, ҳаётнинг бугунги талабларига ҳам мутлақо тўғри келмайдиган бундай адолатсиз "тизим"дан биз энди бутунлай воз кечамиз.

Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 37-йилида

қилинган адолатсизликлар ўзи етарли албатта. Бундай ярамас ишлар бизнинг ҳаётимизда энди мутлақо бўлмаслиги керак.

Ҳурматли юртдошлар!

*Конституциямизнинг 37-моддасида белгиланган **мажбурий меҳнатни тақиқлаш** тўғрисидаги қоидага қатъий амал қилиш учун йил давомида бир қатор ишлар бажарилди. Хусусан, таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси тузилди. Депутат ва сенаторлардан иборат ишчи гуруҳлар республикамизнинг барча ҳудудларига чиқиб, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича парламент назоратини амалга оширмоқда.*

Мана, бу йил ҳаммангиз кўрдингиз, эшитдингиз, биз бюджет ташкилотлари ходимлари ва талабаларни мажбурий равишда пахта теримига чиқаришни қатъиян тақиқладик.

Пахта мавсумида Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича тизимли мониторинг йўлга қўйилди.

Бу муҳим масалани аввало ўзимиз қаттиқ назоратга олганимиз туфайли бironта салбий ҳолат аниқланмади. Амалга оширилган ишлар самараси халқаро ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Бу ҳолат тарихимизда биринчи марта Ўзбекистонга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн ҳамда Дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шоҳид томонидан ҳам эътироф этилди.

Таъкидлаш керакки, Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари ўз аксини топган. 2018 йил ушбу декларациянинг 70 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланади. Биз ҳам инсон ҳуқуқларига оид биринчи универсал халқаро ҳужжат бўлган мазкур декларациянинг мазмун-моҳиятини атрофлича тарғиб этиш учун махсус Давлат дастурини қабул қиламиз.

Ана шундай амалий тадбирларимизнинг якуни сифатида 2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё халқаро анжуманини ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқдамиз.

*Ҳаммангизга аёнки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ўтган даврда ушбу идораларнинг фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинди. **Халқ манфаатларига хизмат қилиш** улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди.*

Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида янги дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Маҳаллалар, кўчалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида 114 мингдан ортиқ видеокузатув воситаси ўрнатилди. Уларнинг ёрдамида 10 мингга яқин жиноят фош этилди.

Йил давомида жиноятчилик даражаси 2016 йилга нисбатан 14 фоизга камайди ва бунда ана шу ишларнинг аҳамияти катта бўлди.

Янги йилдан бошлаб жиноят содир этилмаётган маҳалла профилактика инспекторининг ойлик иш ҳақига 50 фоиз устама қўшиб берилади. Аксинча, ўз ҳудудида жиноятнинг кўпайишига йўл қўйган профилактика инспекторининг ойлигидан эса 50 фоиз ушлаб қолинади.

Узоқ тумандан келиб профилактика инспектори бўлиб ишлаш мумкин эмас. Шунинг учун уларни уй-жой, хизмат машиналари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бераяпмиз.

Бу соҳадаги мақсадимизни қисқача ифода этадиган бўлсак, ***биз келажакда эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратишимиз керак.***

Албатта, "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш натижасида бу борадаги ишларимиз самараси янада ортиб боради.

Айни вақтда бу ишлар катта йўлнинг бошланиши, дастлабки босқич эканини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Жамиятимизда ***"Қонун ва адолат – устувор, жиноятга жазо – муқаррар"*** *деган принципни қарор топтириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.*

Мазкур йўналишдаги эътиборга молик ишлар қаторида ***коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими*** *яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.*

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавфли иллат билан курашдаги куч ва имкониятларини бирлаштириш имконини берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгармоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди.

Маълумки, Асосий қонунимизда ***"Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши"*** *тўғрисидаги норма белгилаб қўйилган. Унинг ижросини амалда таъминлаш мақсадида* ***Маъмурий ислоҳотлар концепцияси*** *қабул қилинди.*

Концепцияга асосан давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та устувор йўналиши белгиланди ва махсус "йўл харитаси" бўйича 100 дан ортиқ ижро ҳокимияти органлари фаолияти қайта кўриб чиқилмоқда.

Маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад – ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат.

Шу борада бир фикрни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимизни истардим.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси аввалambор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ.

Шу мақсадда яна бир муҳим ҳужжат – ***"Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"****ги Фармон қабул қилинди.*

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим. Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум.

Мана, биз Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини, Тошкент шаҳрида эса Ислом цивилизацияси марказини барпо этмоқдамиз. Бу ишларни кимгадир кўз-кўз қилиш учун амалга ошираётганимиз йўқ. Мақсадимиз – ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни болаларимиз онгига сингдириш. Шу йўлда бизнинг буюк аждодларимиз қандай улуғ ишларни амалга оширганлари ҳақида улар ана шундай масканларга келиб ўзлари учун керакли бўлган энг муҳим бўлган билим ва тасаввурларга эга бўлади. Энг асосийси, уларнинг қалбида бой тарихимиз, маданий меросимиз билан фахрланиш туйғуси камол топади.

Айни пайтда фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг замон талабларига мос келмаслиги ҳам сир эмас. Ушбу соҳага бир пайтлар эътиборимизни сусайтириб юборганимиз оқибатида кўпгина муаммолар йиғилиб қолганини очиқ айтиш лозим.

Боғча тарбиясини кўрган боланинг онги, дунёқараши қандай юқори бўлишини бугун кимгадир исботлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳеч қандай ҳожати йўқ.

*Бу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиб, **Мактабгача таълим вазирлиги** ташкил этилди. Мазкур вазирлик зиммасига маъмурий ислоҳотлар доирасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бир қатор муҳим вазифалар юкланди.*

Бу борада қабул қилинган дастурга мувофиқ яқин 3-4 йил мобайнида юртимиздаги барча ҳудудларда – бу катта шаҳарлар бўладими ёки олис қишлоқ ва овуллар бўладими, минглаб янги боғчаларни қуришимиз зарур. Уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаб, малакали тарбиячи ва мутахассислар, янги методика билан таъминлашимиз керак.

Ўзингиз тасаввур қилинг, қишлоқда яшаётган оналар учун, опа-сингилларимиз учун ўз фарзандини боғчага бериш имконияти қандай янги, қандай кенг шароитлар туғдиради. Бола боғчада соғлом турмуш асосида, мактабга тайёр бўлиб вояга етади.

Ҳурматли аёлларимиз боласидан кўнгли тўқ бўлиб, ижтимоий меҳнат билан, уй-рўзғор ишлари билан бемалол шуғулланади. Қолаверса, уларда дам олиш, ўз соғлиғи ҳақида ўйлаш учун озгина бўлса ҳам шароит пайдо бўлади.

Шунинг учун мактабгача таълим соҳасида ана шундай улкан ислоҳотларни ҳаётга жорий этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Қанчалик қийин бўлмасин, бу тарихий вазифани амалга оширишимиз шарт ва уни барчамиз биргаликда албатта бажарамиз.

Ҳурматли дўстлар!

*Маълумки, Конституциямизнинг 53-моддасида **"Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва муҳофаза этилишининг кафолати"**, деб белгилаб қўйилган. Бу фикрнинг амалий исботи сифатида жорий йилда миллий валютамиз – сўмнинг эркин конвертациясига йўл очилди.*

Божхона тўловлари ставкалари 2 баробар пасайтирилди, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишлар бекор қилинди.

Халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш мақсадида, энг аввало, кучли иқтисодиётни барпо этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ҳар томонлама рақобатбардошлигини таъминлашимиз зарур.

Бугунги кунда дунё миқёсида шафқатсиз рақобат тобора кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш бўйича биз узлуксиз иш олиб боришимиз керак.

Нега деганда, бу масала ҳозирги вақтда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантириш, Ватанимизнинг ёруғ келажагини бунёд этишнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

*Яқинда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармон айни шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан ғоят муҳим аҳамиятга эга.*

Азиз юртдошлар!

***Фуқароларимизнинг Конституцияда мустаҳкамланган ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш** борасида йил давомида қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 24 мингта, шаҳарларда 187 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди.*

Аҳолини марказлаштирилган тармоқлар орқали сув билан таъминлаш мақсадида 218 та лойиҳа амалга оширилиб, 350 минг кишининг сув таъминоти яхшиланди.

Қишлоқ врачлик пунктлари негизида 800 га яқин оилавий поликлиникалар, 400 дан

зиёд тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам хизматлари 1 минг 260 та махсус транспорт воситаси билан таъминланди. 300 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаси таъмирдан чиқарилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги ишларга келгуси йилда ҳам алоҳида устувор аҳамият қаратамиз.

Ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтож инсонлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароит яратиб бериш масаласига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан устувор аҳамият қаратилди.

Шу борада жорий йилнинг ўзида ногиронларга 2 триллион 600 миллиард сўм пенсия ва нафақалар тўланди.

Кам таъминланган, уй-жойга муҳтож 1 минг 200 дан ортиқ ногирон фуқароларга арзон уй-жой ажратиш бўйича шартномалар имзоланиб, бошланғич тўловлар учун 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Меҳнатга лаёқати чекланган 972 нафар ногирон аёлга касаначилик билан шуғулланиш учун тикув машиналари олиб берилди ва улар учун доимий даромад манбаи яратилди. Шу тоифага мансуб фуқароларга 7 мингдан ортиқ протез-ортопедия воситалари, 6 минг 500 дан ортиқ ногиронлик аравачалари, 1 минг 600 га яқин эшитиш аппаратлари бепул берилди.

Ногиронлиги бўлган ва нафақа ёшидаги фуқароларнинг даволаш-профилактика муассасаларида бепул даволаниши учун 23 минг 500 га яқин йўлланма ажратилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Лекин аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга малакали тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича ҳали олдимизда кўп вазифалар турибди.

Шунинг учун бу борадаги ишларимизни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилиб, соҳада чуқур ўрганишлар ўтказилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ***"Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"****ги Фармон қабул қилинди ва бу борада қўшимча имтиёз ва имкониятлар берилди.*

Бу йўналишда яна бир муҳим ҳужжат - "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинади.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил этилаётган Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси самарали фаолият кўрсатиши керак. Шунингдек, ёлғиз қариялар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган махсус тузилма ўз ишини кучайтириши талаб этилади.

Бундай савобли ишларни рўёбга чиқаришда жамоатчилигимиз, бутун халқимиз албатта фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Ҳурматли маросим иштирокчилари!

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича олдимизда улкан ва муҳим вазифалар турганини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада ҳар қандай ислоҳот конституциявий тамойил ва қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур.

Бизнинг мақсадимиз - халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу - биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир. Такрор айтишга тўғри келади - одамларимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни бугун кутмоқда.

*Шу сабабли биз ўз фаолиятимизни **"Буюк келажагимиз бугундан бошланади"** деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур.*

Бу ҳақда сўз юритганда, эътиборингизни қуйидаги устувор масалаларга қаратмоқчиман:

Биринчидан, давлат органларининг кундалик фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши шарт.

***"Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак"** деган принцип барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак. Албатта, раҳбарларнинг ишга муносабатини ўзгартиришга ҳаракат қиляпмиз, лекин онгу тафаккури қотиб қолган раҳбарларни ўзгартириш қийин бўлмоқда.*

Мунтазам равишда жойларга чиқиб, одамларнинг эҳтиёжлари, муаммолари билан яшаш ва уларнинг ечимини топиш вазифаси мансабдорлар томонидан хўжакўрсинга эмас, балки амалда таъминланиши зарур.

Маълумки, биз халқ ичига кириб бориш, аҳоли билан мулоқот ўрнатиш йўлида биринчи қадам сифатида ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналарини ташкил этдик. Улар одамларнинг кўплаб муаммоларини ечишда амалий ёрдам берадиган яхлит тизимга айланди. Бир йилда 1,5 миллионга яқин мурожаат кўриб чиқилди.

Бугунги кунда аҳолимизнинг Халқ қабулхоналарига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Ушбу тузилмаларнинг давлат органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишдаги роли борган сари кўпроқ сезилмоқда.

Барчамиз яхши тушунамиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ўсиши, кўпгина муаммолар ҳал қилиниши билан Халқ қабулхоналарига мурожаатлар камайиб боради. Шунинг учун бу қабулхоналар имкониятларини биз давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига йўналтирамиз.

Шу мақсадда барча давлат идоралари ва Адлия вазирлиги қошидаги "Ягона дарча" марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни Халқ қабулхоналари орқали самарали ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Шу муносабат билан Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига ушбу масалалар билан бевосита шуғулланиш вазифасини юклаш кўзда тутилмоқда.

*Мазкур хизмат таркибида янги тузилма ташкил этиб, унга **Тезкор давлат хизматлари агентлиги** деб ном берсак, айни муддао бўларди.*

Маълумки, ҳаммамиз деярли ҳар куни турли идораларга мурожаат қиламиз. Дейлик, нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келади.

Ана шундай, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган ишлар учун одамларнинг қанча вақти, асаби кетади. Шуларнинг ҳаммасини бир жойда, марказлаштирган ҳолда, тезлик билан ҳал қилса бўлади-ку!

Мамлакатимизда барча шаҳар ва туманларда, мисол учун, олис Чимбой ёки Қўрғонтепа туманида ҳам аҳолига давлат хизматларини кўрсатадиган идоралар мавжуд. Улар халққа хизмат қилиш учун тузилган. Лекин, афсуски, аксарият ҳолларда улар халқдан узилиб қолган, десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Аслида XXI асрда – Интернет ва ахборот коммуникациялари даврида бу ишларнинг барчасини уйдан чиқмасдан туриб, компьютер ёки уяли телефон орқали бажариш имкони бор-ку!

Ривожланган давлатларда бундай тизим аллақачон йўлга қўйилган. Шу тизимни юртимизда ҳам жорий этишга, нима, имкониятимиз йўқми? Бор, албатта. Фақат биз бу масалага қандайдир арзимас, майда масала, деб қарашга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки,

инсон ҳаёти, инсон манфаати билан боғлиқ соҳаларда майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шунинг учун биз энди давлат хизматларини кўрсатиш борасидаги ишни мутлақо янгича асосда ташкил этамиз. Энди давлат хизматларини кўрсатадиган ташкилот ва тузилмалар бевосита жойларга, маҳаллаларга чиқиб, аҳолига хизмат кўрсатади.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги Халқ қабулхоналари бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб, назорат қилиб боради.

Жанубий Кореяда 750 турдаги давлат хизматлари кўрсатилар экан. Сеул шаҳри маъмурияти вакиллари келиб, Тошкент шаҳрида ҳам шундай хизматларни йўлга қўйиш бўйича ёрдам беради.

Ана шундай тизимни йўлга қўйсак, ўйлайманки, халқимизга катта енгиллик яратилади, одамлар биздан рози бўлади.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига дахлдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 15 кун муддатда ушбу масала бўйича Президент қарори лойиҳасини киритиш вазифаси топширилади.

Иккинчидан, халқ ҳокимиятчилиги ҳақидаги конституциявий тамойилнинг асл моҳиятини барчамиз чуқур англаб етишимиз зарур.

Бунинг учун турли даражадаги ижро ҳокимияти органларининг халқ вакиллари – парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бериш амалиётини кенг жорий қилиш керак. Парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати механизмларини янада ривожлантиришимиз зарур.

Ҳар бир давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

Шу билан бирга, давлат идоралари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳам ушбу тамойилни амалда қарор топтиришнинг ажралмас шарти ҳисобланади.

Одамларимиз давлат органлари, шунингдек, ўзлари сайлаган вакиллар нима билан шуғулланаётганини билишлари, уларнинг фаолиятига холисона баҳо бера олиши учун барча имкониятларни яратишимиз даркор.

Учинчидан, биз учун энг катта бойлик бўлган аҳоли саломатлигини сақлашга оид конституциявий нормалар ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиши лозим.

Бу борада малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, касалликлар профилактикаси, патронаж ва скрининг хизматларини замонавий даражага кўтариш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш биринчи даражали вазифамиз бўлиб қолади. Жамиятда соғлом турмуш тарзини ва тиббий маданиятни оммалаштириш бўйича ҳам жиддий иш олиб боришимиз зарур.

Тўртинчидан, бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага – ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт.

Ижтимоий адолат – бу сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрликдир.

Жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз – бу адолатли қонунлар қабул қилишдан иборат.

Қисқача айтганда, қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қилади ва унга итоат этади.

Бешинчидан, фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш – ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир.

Биз бугун, демократик ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларимизнинг салоҳияти тўла намоён бўлишини таъминлашимиз лозим. Бу борада кўппартиявийлик тизими, партияларараро баҳс-мунозара, фикрлар ва дастурлар ўртасидаги рақобатни жадал ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, ***халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига*** *айланиши зарур. Ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликлар, долзарб муаммоларни дадил кўтариб чиқиш улар фаолиятида асосий мезон бўлиши керак.*

Олтинчидан, бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – фуқаролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, ҳуқуқ ва бурч боғлиқ эканига оид принципни изчил амалга оширишдан иборат.

Бу принцип мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайдиган конституциявий асосдир.

Биз барчамиз – фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнақи учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулмиз.

Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳити, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни асраш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб бораётган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Еттинчидан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу конституциявий қоиданинг изчил амалга оширилиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган барча ишларимизнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Биз иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш сиёсатини бундан кейин ҳам қатъий давом эттирамиз. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдида пайдо бўладиган тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш масаласи давлат раҳбари сифатида менинг доимий эътиборим ва назоратимда бўлади.

Яна бир бор алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ***тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатига хиёнат,*** *деб қабул қилиш керак.*

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, мамлакат ташқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаши ҳақидаги конституциявий қоиданинг ижросини сўзсиз таъминлашимиз шарт.

Афсуски, шу вақтга қадар чет элларда меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига етарлича эътибор берилмади, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Бугунги кунда юртдошларимиз чет элда фақат қора меҳнат билан эмас, илм-фан, банк-молия, ахборот-коммуникация технология соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Ана шу ҳолатни инобатга олиб, хорижда қонуний асосда меҳнат қилаётган, таълим олаётган фуқароларимизга бўлган муносабат бугунги кунда тубдан ўзгариб бораётга-

нини таъкидлаш зарур. Ўзбекистон ҳукумати бундан буён ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳар томонлама ҳимоя қилади.

Бу ишларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни бошладик. Россия билан меҳнат миграцияси бўйича келишувга эришилди. Ўзбекистондан махсус делегациялар бориб, хориждаги ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш бўйича маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Чет эллардаги юртдошларимизга консуллик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, уларнинг юртимизга бемалол келиб-кетишлари, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Биз бу ишларни келгусида янада кенгайтирамиз.

Яна бир муҳим масала – Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Биз бу фикрни янада теран англаб олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан, ***Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.***

Биз жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришни ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадларга етишнинг энг муҳим омили, деб биламиз. Шу мақсадда дунёдаги барча узоқ-яқин давлатлар, биринчи навбатда қўшни мамлакатлар билан самарали алоқаларимизни янада кучайтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Уларнинг барчасига яқин ҳамкорлик учун миннатдорлик билдириб, масъулиятли фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз жонажон Ватанимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқишдек юксак мақсад йўлида кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз.

Ишончим комил, ана шу олижаноб мақсадларга эришишда давлат органлари, кенг жамоатчилик, барча фуқароларимиз ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Конституцияга амал қилинишининг кафили сифатида жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзимнинг нафақат вазифам, энг аввало, муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.

Ҳеч шубҳасиз, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз янги-янги авлодлар учун ҳаёт қомуси, даврнинг ўзи ўртага қўядиган долзарб муаммоларни ечиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Сиз, азизларни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўришни тилайман.

Яратганнинг ўзи юртимизни бало-қазолардан асрасин, эзгу ишларимизда доимо мададкор бўлсин!

www.president.uz сайти,
7.12.2017 йил.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ БИЛАН ТАНИШИБ ЧИҚҚАН МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

Озод Ҳусанов, *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори, юридик фанлар доктори.*

Халқ, мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйновчи ҳуқуқий-сиёсий ҳужжат - Конституциямиз қабул қилинганлигига бу йил 25 йил тўлганлиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Ўзбекистон Президенти томонидан Конституциямизнинг аҳамиятига лўнда ва аниқ баҳо берилиб, конституциянинг барча нормалари ҳаётда ўз ифодасини топиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бу борада қилинаётган ва қилиниши зарур тадбирлар қайд этилиб, яқин вақтдаги асосий вазифаларимиз, конституциянинг энг муҳим қоидалари:

- давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги;
- халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги;
- инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, айбсизлик призумпцияси инсон ва суд фаолиятида бош принцип эканлиги;
- давлат ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик принципи асосида боришига эришиши, бу қоида ва принципларни ҳаётга татбиқ қилиш, ислоҳотлар натижасини ҳар бир инсон бугунги кунда ҳис қилишини таъминлаш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Президент кўрсатмалари шунчаки кўрсатма бўлмасдан, улар пухта ўйланган, илмий ва ҳуқуқий асосга эгалиги билан аҳамиятлидир.

Биз шу кунгача ислоҳотлар натижаси албатта намоён бўлади, у қачондир бизнинг ғаётимизга ижобий таъсир ўтказади, деган сўзларни эшитишга ўрганиб қолган эдик. Президентнинг: "Одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур", - деган сўзлари барчанинг дилидаги гап бўлди. Келажакда у қачон бўлишини кутмай, "Буюк келажагимиз бугундан бошланади", - деган шиор билан яшаш, шу шиорнинг ҳаётийлигини таъминлаш ҳар бир фуқарони фақат келажакка эмас, бугунги кунга бўлган ишончини оширади.

Маърузада кейинги бир йил ичида муҳим ишлар амалга оширилгани таъкидландики, бунга барчамиз гувоҳ бўлдик ва улар қўшимча далилга муҳтож эмас.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йилида амалга оширилган ишлар "халқ давлат учун эмас, давлат халқ учун" деган қоидани тўла тасдиқламоқда. Халқнинг, фуқароларнинг мурожаатларини ҳал қилишнинг самарали йўллари татбиқ қилинганлиги хориж мамлакатлари мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Суд соҳасидаги ислоҳотлар ҳам янги-янги усулларни қўллаш, амалиётга татбиқ қилиш йўли билан амалга оширилмоқда, айниқса, судьяликка номзод танлашда маҳалланинг фикрига таяниш, жамоатчилик фикри асосида, ҳаётда адашган, ўз қилмишидан пушаймон бўлган шахсларни жазодан озод қилиш, уларга енгил жазо тайинлаш, кафилликка бериш каби судлов ҳаётида мутлақо янги бўлган шундай институтлар яратилмоқдаки, улар фуқаролик жамиятига хос, ҳар қандай мамлакат аҳолиси орзу қиладиган тартиблардир. Худди шунингдек, судлар томонидан ҳар қандай ишни кўриб, қайта терговга қайтармасдан жазо тайинлаш ёки оқлов ҳукми чиқариш ҳолати суд тажрибасида муҳим ижобий ҳолат ҳисобланади.

Қариндошларнинг судланганлиги инсонлар ҳаётида салбий роль ўйнаши социализм

даври иллати эканлигига барҳам бериш вақти етганлиги ҳақидаги Президент фикри барчанинг дилидаги гап бўлди.

Турли сабаблар билан жиноятчилик йўлига кириб, тегишли жазони ўтаётган кўпгина фуқароларни муддатидан олдин жазодан озод этиш масаласига ҳам қонунийлик, адолат нуқтаи назаридан ёндашилганлик ва бу масалага янгича баҳо берилганлиги ҳам маърузада таъкидланди. Ҳақиқатда ҳам ҳар йили мамлакатимизда конституция кунига бағишлаб амнистия эълон қилинар эди. Амнистия - умумий афв бўлиб, унинг натижасида ўз қилмишига пушаймон бўлмаган, тузалиш йўлига кирмаган шахслар ҳам озодликка чиқиб кетар эди. Ҳар бир амнистиядан сўнг жиноятлар сони кескин кўпайиб кетганлиги сир эмас.

Бу йил жиноят йўлига кириб, жазо олганларни жазодан озод қилишнинг янги йўли танланди. Президент томонидан Конституциянинг 93-моддаси 23-бандига асосан, ҳукм қилинган шахслардан 2700 нафари авф этилди. Бу Ўзбекистоннинг 26 йиллик тарихида биринчи марта қилинган иш сифатида эътироф этилди. Афв этилган ҳар бир шахснинг жинояти, шахси, тузалиш йўлига кирганлиги, пушаймонлиги эътиборга олинди. Натижада, қилган ишидан пушаймон бўлмаган, тузалиш йўлига кирмаган шахслар асоссиз жазодан озод бўлиши ҳолларига барҳам берилди.

Маърузада матбуот эркинлиги, жиноятчиликка қарши кураш ҳақида гап борар экан, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олишда самарали усуллар жорий қилинганлиги таъкидланди. Масалан, милиция нозирларини автомобиль, уй-жой билан таъминлаш, маошларини улар бажарадиган ишига қараб кўпайтириш ва камайтириш масалалари.

Маърузада ҳуқуқий, сиёсий масалалар билан бир қаторда, иқтисодиётга, аҳоли турмуш фаровонлигига боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Бунда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар таҳсинга сазовордир.

Айниқса, "тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатига хиёнат деб қабул қилиш керак", - деган сўзлар тадбиркорликнинг энг кучли ҳимояси бўлишига шубҳа йўқ.

Президентнинг Ўзбекистон фуқароларини мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам ҳимоя қилишни йўлга қўйиш ҳақидаги фикрлари Конституциямиз тантанасидир.

Президент томонидан илгари сурилган:

- "Халқ давлат органлари учун эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган принципни рўёбга чиқариш;
- "халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", - деган принципни амалга ошириш;
- энг катта бойлик бўлган аҳоли саломатлигини сақлашга оид конституциявий нормалар ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланишини таъминлаш;
- энг муҳим конституциявий қоида - ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш;
- фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларни таъминлаш - ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти эканлиги;
- фуқаролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, ҳуқуқ ва бурч боғлиқ эканига оид принципни амалга ошириш;
- тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолиши;
- мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш ҳақидаги конституциявий қоиданинг ижросини таъминлаш каби саккизта устувор йўналиш мамлакат, халқ тақдирига ўз таъсирини кўрсатади ва ривожланган фуқаролик жамияти қуришни тезлаштиради.

Нигора Умарова, *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Маънавият ва маърифат" кафедраси мудири, сиёсий фанлар номзоди, доцент*

Миллатлар ва халқлар тарихида уларнинг тақдирида ўчмас из қолдирадиган саналар бўлади. Саккизинчи декабрь - Ўзбекистон халқи учун том маънодаги тарихий саналардан бири. Куни-кеча биз шу санада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллик байрамини тантана қилдик. Асосий Қомусимизнинг чорак асрлик тўйини нишонлашга муносиб тайёргарлик кўрилди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинди, "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишони таъсис этилди. Байрам муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросим ҳам ўзининг байрамона шукуҳи билан ажралиб турди. Давлатимиз раҳбари бу маросимда сўзлаган нутқда ҳам тантанаворлик уфуриб тургани бежиз эмас.

Ахир ўтган 25 йил ичида бу ҳужжат ҳаётимизда юз берган қанчадан-қанча ўзгаришларга ҳуқуқий замин бўлди. Лекин мустақиллик бўлмаганида бу ҳужжатнинг ўзи ҳам бўлмас эди. Биз Конституциямизни мустақилликнинг бир йиллиги ўтар-ўтмас қабул қилдик. Дарвоқе, Ўзбекистон собиқ СССР давлатлари ичида биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди. Шу тариқа Конституциямизда мустақиллик ғояси муҳрланди, суверен мамлакат сифатида мавжудлигимиз эълон қилинди.

Шўролар даврида Ўзбекистонда амал қилган барча конституциялар моҳиятан мамлакатимизнинг СССРга қарамлигини ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилган. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси эса ўзининг туб моҳиятига кўра мутлақо янги ҳужжат бўлди, унинг барча моддаларига мустақиллик, инсонпарварлик, адолат ғоялари сингдирилди. Айтиш мумкинки, бу ҳужжат озодлик истагида пайдо бўлди.

Аслида, янги Конституция ишлаб чиқиш ғояси илк бор 1990 йил мартда илгари сурилди. Қомусимиз кўп сонли баҳслар ва пешона тери маҳсули сифатида дунёга келди. Бу ҳужжат устида икки ярим йил меҳнат қилинди, у иккита умумхалқ муҳокамасида тобланди, халқдан тушган таклифлар билан бойитилди, етти карра биринчи Президентимиз қаламидан ўтказилиб, пишитилди. Ўша даврни эслаб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шундай деди: "Бугун Конституциямизнинг 25 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, Асосий қонунимизни яратишда унутилмас хизмат қилган инсонлар номини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз. Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида 1990 йил июнь ойида тузилган Комиссиянинг икки йиллик машаққатли меҳнати натижасида Конституциянинг биринчи, иккинчи ва сўнгра учинчи лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу Комиссия аъзоси сифатида мен ана шу тарихий жараёнда бевосита иштирок этганимни доимо фахр билан эслайман".

Кези келганда айтиш жоизки, Конституция қабул қилинганидан буён кечган давр унинг нақадар етук ва нуфузли ҳужжат эканини тўла тасдиқлади. Шу вақтгача эришган ютуқ, натижа ва марраларимизни Қомусимиз билан боғламай иложимиз йўқ. Якунланаётган 2017 йилда амалга оширилган ўзгаришларни мисол қилиб олайлик. Бунинг учун Президентимизнинг Конституция байрамидаги нутқига мурожаат қилиш ўринли: "Маълумки, бу йил давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди... Улар одамларнинг кўплаб муаммоларини ечишда амалий ёрдам берадиган яхлит тизимга айланди. Бир йилда 1,5 миллионга яқин мурожаат кўриб чиқилди". Айтиш мумкинки, бу қабулхоналар орқали ўз муаммоларини ҳал қилган ҳожатманд кишилар, уларнинг оила аъзолари, яқинларининг қалбига меҳр уруғлари қадалди. Уларнинг давлат идораларига ишончи беқиёс даражада ошди.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Низомулмулк ўзининг "Сиёсатнома" аса-

рида мазлумларни қабул қилиш қоидалари ҳақида мушоҳада юритади. Унингча, "подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда, подшоҳ мазлумларнинг олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқаса, унда золимлар оқибатини ўйлаб, қўрқиб бедодлик қилмайдилар". Эътибор берадиган бўлсак, бундай ёндашув мазлумларнинг ҳожатини чиқаришдан кўра, зулмнинг олдини олиш, замонавий тилда айтганда, амалдорларнинг зулми профилактикасига хизмат қилади. Шунга ўхшаш, Президентнинг Виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари, бир томондан, одамларнинг ҳожатини равон қилишга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, мансабдор шахсларнинг ўз ҳокимиятини суиистеъмол қилишдан тийилишига олиб келди.

Умуман, 2017 йилда амалга оширилган ислоҳотлар "давлат халққа хизмат қилиши керак" деган инсонпарвар ғояга бўйсундирилди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Бугунги кунда фуқароларимиз мансабдорлар олдига эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдига бормоқда". Рақамларга мурожаат қилайлик. Мансабдор шахслар иштирокида жойларда ўтказилган сайёр қабулларда 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этиб, 22 минг 186 та мурожаат билдирилди, уларнинг 6 минг 484 таси жойида ҳал этилди, 15 минг 702 таси тегишли органларга кўриб чиқиш учун топширилди, 94 та ҳолат юзасидан хизмат текширувлари тайинланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди. Президентимиз нутқидан олинган ушбу рақамлар 2017 йил давлатнинг халққа юзланиши йили бўлганини, одамларни рози қилиш йили бўлганини кўрсатади. Сайловолди курашда "халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилни шиор қилиб олган Ш.М.Мирзиёев бу формулага содиқ қолганини далиллайди. Конституциямизда эса бу қоида 2-моддада мустаҳкамланган: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар".

Аслида, 2017 йил ҳам "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб бежизга номланмади. Халқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштиради, давлатнинг халққа қайишишини таъминлайди, халқчил қарорлар қабул қилишга асос бўлади. Шу маънода, буюк Алишер Навоий бобомизнинг: "Одамий эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами" деган сатрларини яна бир бор такрорлаш ўринли. Яъни бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш - одамийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмайди, деб таъкидлаган улуғ бобомиз. Бу ўлмас сатрлар бошқарувнинг оғир юкини елкасига олган давлатимиз раҳбари фаолиятининг ўзига хос қоидасига айланган, десак муболаға бўлмайди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев маърузасида сарҳисоб қилинган 2017 йилни амалга оширилган ишлар салмоғи, ислоҳотлар кўлами билан ўлчаш ўринли. Шу бир йиллик муддатда Ўзбекистон давлати янада етук, янада салоҳиятли, янада қудратли бўлди, десак хато қилмаймиз. Бунда Конституция нормаларининг ҳаётбахш самарасини ҳам кўриш мумкин. Чунки бу ҳужжат мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий ўзаги, муваффақиятларимиз гарови бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам биз Конституциямиз мазмун-моҳиятини чуқур билишимиз, олдимизда турган муаммоларни ҳал қилишда Асосий Қонунимиздан жавоб топишга интилишимиз зарур.

Актам Холов, *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти*

Эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси сифатида эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг мустаҳкам кафолати сифатида юртимизда бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши борасида асосий пойдевор бўлиб келмоқда.

Маърузада Президентимиз Ш.Мирзиёев Конституциямизнинг яратилиш тарихига қисқача тўхталиб, уни ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканлигини таъкидлади. Шунингдек, маърузада 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармони асосида тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг "йўл харитаси"га айланганлиги эътироф этилди.

Мамлакатимизда Конституциямизда белгилаб берилган қоида ва тамойиллар негизида самарали миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсиб бораётгани, айниқса, аҳамиятлидир.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг: "Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур" деган концептуал фикрлари салоҳият ва имкониятларимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилишни тақозо этади.

Маърузада Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ" деган ғоя асосида қуйидаги ислоҳотлар амалга оширилганлиги таъкидланди: 1) давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилганлиги; 2) Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилиб, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари такомилашаётганлиги; 3) Тошкент шаҳрида туманлар даражасида халқ депутатлари кенгашлари таъсис этилганлиги; 4) Ҳукуматнинг вазифа ва ваколатлари доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ва масъулияти кучайтирилганлиги; 5) ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби судда аниқ бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги тўғрисидаги конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилганлиги; 6) ягона суд амалиётини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилганлиги; 7) Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилиб, судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинганлиги ва маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилганлиги; 8) суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлаш мақсадида "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучай-

тириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинганлиги; 9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилганлиги; 10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти такомиллаштирилганлиги.

Фуқароларимизнинг Конституцияда муҳрлаб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланганлиги "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган принципал ғояни ҳаётга татбиқ этиш имкониятини берди.

Конституциямизнинг 37-моддасида белгиланган мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисидаги қоидага қатъий амал қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси тузилди. Депутат ва сенаторлардан иборат ишчи гуруҳлар республикамизнинг барча ҳудудларига чиқиб, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича парламент назоратини амалга ошираётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Президент Ш.Мирзиёевнинг маърузадаги "Биз келажакда эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратишимиз керак" деган фикрлари келгусида "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишда ўз ифодасини топади. Мазкур йўналишдаги эътиборга молик ишлар қаторида коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Конституциямизда белгиланган "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши" тўғрисидаги норманинг ижросини амалда таъминлаш мақсадида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Концепцияга асосан давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та устувор йўналиши белгиланди ва махсус "йўл харитаси" бўйича 100 дан ортиқ ижро ҳокимияти органлари фаолияти қайта кўриб чиқилаётганлиги ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратиш имкониятини беради.

Маърузада "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармон доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида фикр юритилиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилганлиги фарзандларимизни мактабгача ривожланиш имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилганлиги замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Президент Ш.Мирзиёев ўз фаолиятимизни "Буюк келажагимиз бугундан бошланади" деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун қуйидаги устувор масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди:

биринчидан, барча давлат идоралари ва Адлия вазирлиги қошидаги "Ягона дарча" марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни Халқ қабулхоналари орқали самарали ташкил этиш, Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати таркибида янги тузилма ташкил этиб, унга Тезкор давлат хизматлари агентлиги деб ном бериш;

иккинчидан, халқ ҳокимиятчилиги ҳақидаги конституциявий тамойилнинг асл моҳиятини барчамиз чуқур англаб етишимиз, турли даражадаги ижро ҳокимияти органларининг халқ вакиллари - парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бериш амалиётини кенг жорий қилиш;

учинчидан, биз учун энг катта бойлик бўлган аҳоли саломатлигини сақлашга оид кон-

ституциявий нормалар ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиши учун малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, касалликлар профилактикаси, патронаж ва скрининг хизматларини замонавий даражага кўтариш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш;

тўртинчидан, бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага - ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлаш;

бешинчидан, фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш - ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда партиялараро баҳс-мунозара, фикрлар ва дастурлар ўртасидаги рақобатни жадал ривожлантириш муҳим;

олтинчидан, бизнинг яна бир муҳим вазифамиз - фуқаролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, ҳуқуқ ва бурч боғлиқ эканига оид принципни изчил амалга ошириш;

еттинчидан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги;

саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, мамлакат ташқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаши ҳақидаги конституциявий қоиданинг ижросини сўзсиз таъминлашимиз шартлиги таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, "Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезони", деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишда давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг фаол иштироки юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни таъминлайди.

Назаров Н.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА МИЛЛИЙ ТОТУВЛИК

Мақолада Ҳаракатлар стратегияси ва миллий тотувлик масалаларига асосий эътибор қаратилиб, ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда дастурий ҳужжатда илгари сурилган вазифаларнинг ўрни, уларнинг жамият аъзолари, хусусан, ёшларнинг ғоявий тарбиясида ҳам муҳим омил эканлиги илгари сурилган. Шунингдек, миллий тотувлик ва ижтимоий тараққиётнинг узвий алоқадорлиги масалалари таҳлил этилиб, қатор хулосалар илгари сурилган.

В данной статье рассматриваются влияния Стратегии действий на национальное согласие, так как в данном программном документе выдвинуты основные задачи в обеспечении единства и взаимопонимания, которые являются важном фактором в идейном воспитании членов общества, особенно молодёжи. Кроме того, анализированы вопросы взаимосвязи национального единства и социального прогресса, выдвинуты обоснователные выводы.

This article discusses the impact of the Strategy of Action on national consensus, as this programm document put forward the main tasks in promoting unity and understanding, which are an important factor in the ideological education of members of society, especially the youth. In addition, the issues of the relationship of national unity and social progress are analyzed, and substantive conclusions are proposed.

Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон жамиятида тараққиётнинг долзарб вазифаларини белгилаб берувчи директив ҳужжат сифатида мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, жамият ҳаракатдаги жараён сифатида муайян мақсадларни қамраб олувчи стратегик йўналишга эга бўлган бирлик экан, у доимо тараққиётнинг оптимал моҳиятидан манфаатдор бўлган сиёсий етакчининг диққат, марказида бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши миллий тараққиётни таъминлашда янгича босқич бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: "Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди"[1]. Дарҳақиқат, мустақиллик бугунги миллий тараққиётимиз учун асос бўлиб, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ижтимоий-сиёсий ривожида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани - бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз"[2].

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар барқа-

НАЗАРОВ Насриддин, *сиёсий фанлар доктори, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори.*

рорлигини мустаҳкамлаш, миллий менталитетда ўзига хос бунёдкорлик жиҳатларини янада рағбатлантириш, жамиятда миллий ва диний бағрикенглик муҳитини юксалтириш каби жиҳатларга эътибор қаратиш ривожланишнинг миллий модели моҳиятини таъминлашда зарур омил бўлди. Яъни:

1. Мамлакатнинг халқаро майдондаги муваффақияти бевосита ижтимоий-иқтисодий соҳадаги қатъий қадамлар, жумладан, давлатнинг бош ислоҳотчилик мақомини сақлаган ҳолда либераллаштира бориш сиёсатини илгари суриш, ушбу усул орқали бозор муносабатларига ўтишнинг миллий характери таъминлаб борилди.

2. Жамиятда касаначилик ва ҳунармандчиликка кенг йўл очиш орқали ўзбек менталитетидаги бунёдкорлик хислатларини иқтисодий ҳаётнинг муҳим тармоғига айлантиришга эришила борди.

3. Давлатнинг бош ислоҳотчилик мақоми кўп миллатли Ўзбекистон жамиятида тотувликни таъминлашнинг миллий асосларини яратдики, бугунги кунда Ҳаракатлар стратегиясида миллий тотувликни таъминлаш тараққиётнинг бош омили сифатидаги дастурий ҳужжат, ушбу концептуал ғоянинг амалий ифодасининг аҳамиятини белгилаб берди.

Шу билан бир қаторда, ушбу Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар Ўзбекистон жамиятининг истиқболдаги ривожини таъминлаб, турли миллат вакилларидан иборат бўлган жамият аъзолари тафаккурида келажакка ишонч руҳини ривожлантириш, аҳолининг бунёдкорлик қобилиятини рағбатлантириш, шунингдек, мамлакат фуқароларининг маданий-маънавий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, миллий тотувликни таъминлаш орқали аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириб, мамлакат фуқароларининг ўзлигини англаш, давлат органларининг фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масъулиятини янада оширади ва бу янгиланаётган жамият шароитида ўта муҳимдир. Миллий тотувликка асосланган тараққиётимизда фуқаролик жамияти институтлари роли ошиб, давлат ўз функцияларини босқичма-босқич ўз-ўзини бошқариш институтлари зиммасига юклаб бораверади. Ушбу жиҳат Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар кўламини кенгайтириб, миллий тараққиётнинг оптимал ривожини таъминлаб боришида муҳим. Айниқса, полиэтник (кўп миллатли) ва поликонфессионал (кўп диний конфессияли) Ўзбекистон шароитида миллий тотувлик ўзаро дўстона муҳитни янада юксалтирадики, бу жиҳат тараққиётнинг оптимал ривожини таъминлашда зарурий омилдир.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган концептуал вазифалар асосида миллий тотувлик ғоясига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу ҳудудда миллатларнинг тадрижий такомилига, уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига, турфа миллатлар тафаккурида ягона фуқаролик менталитетини янада юксалтириш масалаларига тўхталиш, миллатлар фаолиятини миллатлараро муносабатларнинг ижобий ривожини таъминлашга йўналтириш, бунинг учун эса ўрганилаётган масаланинг ижтимоий-тарихий моҳиятига эътибор қаратишга тўғри келади. Зеро, зиёлилар фаолияти миллий тараққиётимизнинг ғоявий асосларини амалдаги Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар асосида йўлга қўйиш, ёшлар тафаккурининг ижобий моҳиятини таъминлашда етакчи омил ҳисобланади. Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат экан, полиэтник жамиятнинг сифатий моҳиятини таъминлашга ҳисса қўшиш масъулияти ҳам, асосан, миллий зиёлиларимиз зиммасидадир. Ушбу жиҳатлар:

1. Бугунги тинчлик ва тараққиётимиз кўп миллатли Ўзбекистон жамиятининг бағрикенглиги асосида жамиятда тотувликка асосланган халқпарвар сиёсат тантанасидан далолатдир.

2. Ўнлаб диний конфессияларнинг фаолияти Ўзбекистон халқининг тинчлик ва тотувликка мойиллигидан гувоҳ бўлиб, маданиятлараро мулоқот концепциясининг тантанаси ушбу жамиятда ўзининг тўлиқ исботини топганлигини билдиради.

3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг 7 тилда олиб борилиши давлат жамиятдаги миллий тотувликнинг кафолати сифатидаги фаолиятини яна бир бор тасдиқлаб, давлатнинг жамиятда миллатлараро муносабатлар оптимал ривожини таъминлашдаги манфаатдор ролини кўрсатади.

4. Оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган ўнлаб тилдаги эшиттиришлар,

кўрсатувлар, маънавий-маърифий мақсадлар тарғиби Ўзбекистон жамиятининг полиэтник характеридан далолатки, бундай кўпмиллатлилик шароитида барча миллат ва элатлар фаолиятини умумий мақсад сари йўналтириш давлатнинг оқилона ва одилона сиёсатига боғлиқ. Ўзбекистон шароитида шундай сиёсат олиб борилаётгани миллий тараққиётнинг оптимал моҳиятидан нишонадир.

Ҳаракатлар стратегиясидаги миллий тотувлик ҳамда диний бағрикенглик концепциялари ўзаро диалектик алоқада бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, кўп миллатли ва кўп диний конфессияли Ўзбекистон шароитида ўта муҳимдир. Зеро, жамиятимиздаги миллатлар муайян диний конфессияларга эътиқод қилар экан, улар маънавиятида бағрикенглик хислатини ривожлантириш зиёлилар зиммасидаги муҳим вазифадир.

Миллий тотувлик концепциясининг тарихий қирраларига эътибор қаратадиган бўлсак, бирлик ва ҳамжиҳатликни байроқ этган ҳукмрон бирликлар тараққиёт сари юз буриб, ўз фуқароларининг тўкин-сочин ҳаётини таъминлаб келган. Яъни ҳақиқатан ҳам инсоният тарихий тараққиётининг цивилизациялашган даври бирон-бир жамиятнинг ўзаро тотувликни таъминлашга йўналтирилган ғоялар ва ушбу мақсад йўлидаги амалий фаолиятсиз ривожлана олмаслигини тасдиқламоқда. Аждодларимиз ўз этнотарихий тараққиёт босқичида жамият аъзолари тафаккурига якдиллик ва бирликка чорловчи ғояларни сингдириб келганки, буни маънавий меросимиз ҳам тасдиқлайди. Эрамиздан олдинги даврларда аждодларимиз эътиқод қилиб келган Зардуштийлик динининг "Авесто" китобидаги ғоявий "Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал" концепцияси жамият аъзолари фаолиятини бирлик ва тотувликка йўналтиришга қаратилган эди. Ундан сўнг ҳам аждодларимиз ўз этнотарихий тараққиётини бирлик ва тотувликни таъминлашга йўналтирилган ғояларсиз тасаввур эта олмай, ўз замондошларини муайян эзгу мақсад атрофида бирлашиб, ўзаро тотувликни таъминлаган ҳолда келажакка интилиш лозимлигини уқтириб келганлар. Буни қадимги туркий Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларига кирувчи Култегин ва Билга хоқон ёдгорликлари мисолида кўриш мумкин. Айниқса, ислом дини шароитида аждодларимиз ўз тафаккур бойликлари, анъана ва урф-одатларидаги ижобий хислатларнинг барисини ушбу тинчликпарвар дин таркибига сингдириб, бугунги кунда биз эътиқод қиладиган маърифий ислом ўзида кўпроқ халқчил жиҳатларни мужассам этиб, унда тотувликка йўналтирилган миллий менталитетимизнинг ижобий қирралари сингдирилганлиги билан эътиборлидир. Демак, тотувликка асосланган ғоявий қарашлар илдизи теран бўлиб, бугунги маънавий тараққиётнинг тадрижий такомили бевосита ўнлаб асрлар давомида миллий тафаккурнинг тараққиёт босқичлари билан боғлиқ. "Ўзбекистоннинг миллий юксалиш фалсафаси моҳиятан башарият тамаддунининг кўп асрлик тажрибаси ва илмий-техник ютуқлар - қадимийлик, антиклик, ўрта асрлик, янги замон ва замонавийликка таянган ҳолда фақат унинг ўзигагина хос бўлган янги хусусиятлар касб этмоқда, кўплаб амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий, миллий ва миллатлараро дастурлар мазмун-моҳиятининг ўзан мезони бўлиб қолмоқда"[3].

Ҳаракатлар стратегияси жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишини кафолатлаш билан бир қаторда, миллий тотувлик ва бағрикенгликка асосланган ғоявий юксалишга ҳам замин яратди. Худди шу ўринда мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожида янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди"[4], деган сўзларини келтириш ўринли. Демак, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашда миллий тотувлик ва фуқаровий ҳамжиҳатликка алоҳида эътибор қаратишимиз янгиланаётган тафаккур ҳамда фуқаролик жамияти асослари шаклланаётган бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Умуман олганда, жамиятда миллий тотувлик, фуқаровий ҳамжиҳатликни таъминлашда

Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг концептуал асосларига таяниш қуйидаги жиҳатларнинг устувор мавқе касб этишини таъминлайди:

1. Миллий тараққиёт ривожидаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда маънавий жараёнларнинг таҳлилида Ҳаракатлар стратегияси дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда миллий тотувликка таяниб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида тобора мустаҳкам ўрин тутаётган миллий ғоянинг бунёдкорлик мақсади ҳамда миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлигига асосланганлигига таяниш зарурий аҳамиятга эга.

2. Жамият тараққиётининг ғоя ва мафкуралар билан узвий алоқадорлиги, бугунги глобаллашув шароитида вайронкор ғояларнинг ҳам таҳдиди кўзга ташланаётган бир пайтда, бунёдкор ғоялар тарғибининг зарурийлигига урғу бериш жамиятда миллатлараро муносабатларнинг ижобий моҳиятини таъминлашда ҳам муҳимдир. Ушбу жиҳатлар Ҳаракатлар стратегиясида ҳам хавфсизлик ҳамда илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш лозимлиги сифатида қайд этилганлиги қувонарлидир[5].

3. Ҳаракатлар стратегиясида таъкидланганидек, жамиятда умумий фуқаровий бирлик ва тотувликни, миллий ва диний бағрикенгликни таъминлашни тарғиб этишда миллий ғояда белгилаб берилган асосларга таяниш ижобий натижа бериши шубҳасиз.

4. Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш, жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, миллий мустақиллик асосларини мустаҳкамлашда, қолаверса, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришда миллий ғоя асосларига таяниш зарурий омил бўлиб, ушбу жиҳатлар ҳам миллий тотувликнинг оптимал ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

5. Миллий маънавий мерос, қадриятлар тарғибида, ёшларда ўзликни англашни ривожлантиришда уларда миллий ғурур, ор-номус, ватанпарварлик ва халқпарварлик жиҳатлари устуворлигини таъминлаш муҳим бўлиб, ушбу жиҳат Ҳаракатлар стратегиясидаги концептуал вазифалар сифатида эътироф этилган.

6. Умуман олганда, жамиятда миллий тотувликнинг ривожланиши тараққиётимиз гарови сифатида муҳим. Зеро, тараққиёт бевосита жамият аъзоларининг бирлигига, якдиллигига боғлиқ ушбу жиҳат кўп миллатли Ўзбекистон учун долзарбдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг ижтимоий-миллий асосларини янада мустаҳкамлаб, Ўзбекистон жамиятининг прогрессив моҳиятини таъминлаш вазифаларини белгилаб берди. Миллий тараққиёт асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган ушбу Ҳаракатлар стратегияси мамлакат аҳолисининг умумфуқаролик менталитетини ўстириб, умуммиллий тараққиётни, демакки, барча миллат ва элатларнинг бошини қовуштириб, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони //Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи //«Халқ сўзи», 2017 йил 25 январь.

3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 2001- Б.220.

4. Ҳакимов З. Ўзбекистоннинг юксалиш фалсафаси //Мозийдан садо. 2016. №4. - Б. 3-7.

5. Эргашев И., Жакбаров М., Назаров Н. ва бошқалар. Миллий истиқлол ғояси ва раҳбар фаолияти. - Т.: Akademiya, 2007. - Б. 47.

Хашимова Н.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ СТРАТЕГИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ И СТРУКТУРНЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ ЭКОНОМИКИ

В статье рассмотрены основные направления долгосрочной стратегии инвестиционной политики и развития инвестиционного потенциала, исходя из стратегии действий по пяти приоритетным направлениям экономического развития страны. Предложены концептуальные основы стратегических задач инвестиционной политики на долгосрочную перспективу и основные направления стратегии развития инвестиционного потенциала на основе агрегатного подхода, включающий в себя финансовый, материально-ресурсный, инновационный и человеческий потенциал.

Мақолада мамалакат иқтисодий ривожланишининг бешта устивор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегияси асосида инвестицион сиёсат ва инвестицион салохиятни узоқ муддатли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ёритилган. Агрегат ёндашув асосида инвестицион салохиятни ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ва узоқ муддатли истиқболга инвестицион сиёсатни стратегик масалаларининг концептуал асослари таклиф қилинган.

The main directions of long-term strategy of investment policy and development of investment potential proceeding from the strategy of actions in five priority directions of economic development of the country are considered in article . Conceptual bases of strategic problems of investment policy for a long-term outlook and the main directions of the strategy of development for investment potential on the basis of modular approach are offered.

В настоящее время перед Узбекистаном стоят огромные по своим масштабам задачи по обеспечению устойчиво высоких темпов экономического развития. При непростых условиях, обусловленных неустойчивостью конъюнктуры мировой экономики, продолжающимся глобальным финансово-экономическим кризисом, предстоит стратегическая задача по достижению устойчивой макроэкономической стабильности и повышения конкурентоспособности экономики страны. Приоритетные направления по модернизации экономики и структурных преобразований, техническое и технологическое перевооружение производства требуют нахождения новых источников и возможностей активизации инвестиционных процессов.

При этом, как подчеркнул Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев: "Наша задача заключается в неуклонном следовании избранной модели развития и обновления с учетом накопленного опыта и передовой международной практики"[1].

Современный этап усиления модернизации экономики, повышения конкурентоспособности, улучшения рыночных механизмов хозяйствования в Узбекистане обуславливает объективную необходимость формирования стратегического управления с более глубоким обоснованием долгосрочных целей, задач, путей и методов их достижения, определения приоритетов на макро и микроуровнях. Целесообразен переход к принципиально новой концепции стратегии развития экономики и её отраслей на стратегические преобразования в будущем. В этой связи общая закономерность "управления - это предвидение будущего" в целях обеспечения устойчивого развития экономики через активи-

ХАШИМОВА Наима, *кандидат экономических наук, Ташкентский государственный технический университет.*

зацию инвестиционного потенциала становится достаточно актуальным, представляет научный и практический интерес.

О необходимости разработки стратегии действий на ближайшую и среднесрочную перспективу отметил Ш.Мирзиёев: "Это стратегия охватывает пять основных приоритетных направлений - совершенствование государственного строительства, судебно-правовой системы, либерализация экономики, ускоренное развитие социальной сферы и осуществление активной внешней политики"[2].

Следует отметить, что впервые за годы независимости на официальном уровне озвучена долгосрочная стратегия развития страны - "не менее чем в 2 раза увеличить к 2030 году объём валового внутреннего продукта, довести долю промышленности в ВВП до 40 процентов против 33,5 процента в 2015 году, а долю сельского хозяйства с 16,6 до 8-10 процентов, сократив энергоёмкость ВВП примерно в 2 раза"[3].

Стратегия нужна не только для определения перспективы, но и глубокого анализа реализуемой экономической и инвестиционной политики, выявления системных проблем, требующих разработки системы мер по их устранению или уменьшению. Комплексный и системный подход даёт возможность глубже обосновать приоритетные направления, определить важные составляющие, требующие особого внимания.

Стратегия инвестиционной политики и развития инвестиционного потенциала

Относительно термина и понятия "стратегия" среди учёных и специалистов существуют различные толкования и нет единой, признанной формулировки. Обобщая все имеющиеся различные взгляды и предложения, автор придерживается мнения, что стратегия-это механизм реализации научно-обоснованных приоритетных направлений (на макро, микро и региональном уровне) для достижения поставленных целей на будущее.

Стратегия развития экономики, прежде всего инвестиционной политики на долгосрочную перспективу, необходима в целях целенаправленного регулирования инвести-

Источник: разработано автором

Рис. 1. Стратегия инвестиционной политики и развития инвестиционного потенциала

ционного поля и потоков, координации участвующих в их деятельности государственных и негосударственных структур, территориальных и отраслевых органов управления, формирования благоприятного инвестиционного климата для привлечения инвесторов, повышения эффективности и результативности экономического развития, своевременного реагирования на внешние и внутренние инвестиционные риски.

Исходя из Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям экономического развития страны, разработана стратегия инвестиционной политики и развития инвестиционного потенциала. (рис.1)

Исходя из проведенного ретроспективного анализа состояния, тенденций, закономерностей, этапов реализации инвестиционной политики за годы независимости Узбекистана, выявленных системных проблем, резервов и возможностей вовлечения дополнительных ресурсов для обеспечения высоких темпов экономического роста, приоритетов глобальных инвестиционных процессов, официально определенных приоритетных направлений социально-экономического развития страны, рекомендуются следующие концептуальные основы стратегических задач инвестиционной политики на долгосрочную перспективу:

- законодательное и правовое обеспечение инвестиционной деятельности, достижение их стабильности, реформирование всей системы государственных и рыночных институтов регулирования для существенной активизации инвестиционных процессов;

- обеспечение приоритетной мобилизации инвестиционных ресурсов на повышение конкурентоспособности, модернизации, технического и технологического обновления промышленного производства, основанной на самых передовых достижениях инновационного развития, реализацию проектов по углубленной переработке и выпуску готовой продукции;

- сквозным приоритетом остаётся поддержание высокого уровня инвестиций в человеческий потенциал, в первую очередь инвестирование объектов социальной и производственной инфраструктуры, жилищного строительства, системы образования и здравоохранения;

- формирование режима наибольшего благоприятствования путём создания необходимого инвестиционного климата для широкомасштабного привлечения иностранных и отечественных инвесторов, расширение сотрудничества с международными финансовыми институтами, авторитетными компаниями и банками;

- внедрение новых форм и инструментов активизации инвестиционных процессов, широко применяемой в мировой практике в области денежно-кредитной, бюджетно-налоговой, внешнеэкономической политики, стимулирование привлечения собственных средств предприятий и сбережений населения, повышение роли ценных бумаг на финансовом рынке;

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5185-сонли Фармони. Lex.uz

2. Erik C. Johnson, How Think Tanks Improve Public Policy // Economic Reform Today, №3,.1996, p. 36.

3. Ратувухери Т. Современные фабрики мысли.//http://skabber.nir.com.ua/node/163

4. Диксон П. Фабрики мысли. - М.: Издательство АСТ, 2004. - С. 37.

5. Лаумулин М. Опыт деятельности мировых аналитических центров и Центральная Азия. // Analytic, 2004, №3-4. - С.11-20.

6. Ратувухери Т. Современные фабрики мысли. Функции и роль фабрик мысли в политической жизни стран. //http://xyz.org.ua/discussion/thnk_tnk3.html#1

7. Baran Z. Hizb ut-Tahrir: Islam's Political Insurgency. The Nixon Centre. - Washington, 2004; Baran Z. Oil, Oligarchs, And Opportunity: Energy From Central Asia To Europe. Committee on Foreign Relations The United States Senate. 2008.; Sam Brownback. The Silk Road Strategy. Central Eurasia Review, 1997.; Диксон П. Фабрики мысли.- М.: Издательство АСТ, 2004. Cohen A. US Policy in the Caucasus and Central Asia: Building a New "Silk Road" to Economic Prosperity. Backgrounder - Heritage Foundation, 1997. Lubin N. Labour and Nationality in Soviet Central Asia: An Uneasy Compromise reviewed in the New York Times Book Review and elsewhere. 2001.; Лаумулин М. Опыт деятельности мировых аналитических центров и Центральная Азия. // Analytic, 2004, №3-4.; Olcott M. The Great Powers in Central Asia. // Current History. October, 2005; Olcott M. The Central Asia's New States: Independence, Foreign Policy, and Regional Security. - Washington, USIP Press, 1996.; Rumer B. Disintegration and Reintegration in Central Asia: Dynamics and Prospects. - N.Y, M.E.Sharpe, 1996.; Rubin B. The Fragmentation of Afghanistan. New Haven, Yale University Press, 1995; Starr F. The New Silk Roads Transport and Trade in Greater Central Asia. Johns Hopkins University-SAIS, - Washington, 2007.; Talbott S. The Great Game is Over. // In Financial Times, 1997, №5.

8. Ратувухери Т. Современные фабрики мысли. http://xyz.org.ua/discussion/thnk_tnk1.html#13a

9. Арзиев Ф. АҚШ сиёсати ва "ақлий марказ"лар // Тафаккур. - 2009. №1. 113-б.

10. Толипов. Ф. Ўзбекистонга таҳлилчилар керакми? // / https://anhor.uz/uz/columnists/10939 / 02 июнь 2017 йил.

11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Т.: Ўзбекистон, 2017. 9-бет.

12. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. \\ http://uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017.

13. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид ДАВЛАТ ДАСТУРИ \\ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 8-ИЛОВА.

Юсупов С.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ушбу мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари, жумладан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид маъмурий масалалар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, жорий қонунларда алоҳида белгиланган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солишга қаратилган қонунларни такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

В настоящей статье рассмотрены вопросы совершенствования нормативно-правовых актов, регулирующих порядок реализации права физических и юридических лиц на обращение, в том числе регулирования общественных отношений, связанных с административными вопросами касательно обеспечения прав и законных интересов юридических и физических лиц, а также совершенствования законов, направленных на урегулирование деятельности, связанной с рассмотрением и разрешением обращений, специально определенных в действующем законодательстве.

This article describes how to improve the normative-legal acts regulating the exercise of the right of individuals and entities to the appeal, including the regulation of public relations related to administrative matters concerning the rights and legitimate interests of legal entities and individuals, as well as the improvement of laws aimed settlement activities related to the consideration and resolution of appeals, specifically defined in the legislation.

Маълумки, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг у ёки бу давлат органига йўллаган мурожаатларини кўриб чиқишни тартибга солувчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилади. Мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гапирганда, айнан қайси ҳужжатлар буни таъминлашини аниқлаш лозим.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонун масалани ҳал этишнинг маъмурий тартибини эмас, балки фуқаровий судлов тартибини ўрнатади[1]. Ушбу Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ: "Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиал ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;

фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;

фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради".

ЮСУПОВ Сардорбек, *Тошкент давлат юридик университети докторанти.*

Шундай қилиб, мурожаатларнинг ҳар бир тури ўзига хос муайян ҳуқуқни муҳофазалаш функциясини бажаради. Кўпчилик муаллифлар мурожаатларни фақат ҳуқуқни муҳофазалашга қаратилган ҳаракатларнинг шакли деб баҳолайдилар. Масалан, Н.А.Ямпольская ҳуқуқни муҳофазалаш ҳаракатларини уч турга бўлади, улар фуқаролар мурожаатларининг турига тўғри келади:

- профилактик ҳаракатлар (уларнинг мақсади ҳуқуқ бузилишини бартараф этиш эмас, балки субъектив ҳуқуқни амалга оширишга шароит яратишдан иборат), уларнинг шакли таклифдан иборат;

- огоҳлантурувчи хатти-ҳаракатлар (уларнинг мақсади ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, огоҳлантириш) шакли ариза ва огоҳлантириш хатлари кўринишида бўлади;

- ҳимояловчи хатти-ҳаракатларнинг (мақсади бузилган ҳуқуқларни тиклаш, салбий оқибатларни бартараф этиш) асосий шакли - шикоятдир[2].

Мурожаатлар тўғрисидаги қонун доирасига фақат фуқароларнинг (чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг) (1-модда) мурожаатлари кирганлиги боис, бизнинг фикримизча, қонунга юридик шахсларнинг ҳам субъектив ҳуқуқини назарда тутувчи қоидани киритиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда шуни ҳам инобатга олиш керакки, Олий Суд Пленуми қуйидаги хулосани беради: "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси мувофиқ, "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 1 ва 3-моддаларига асосан, фуқаролар давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят қилишлари мумкин (бунда қонунчилик билан Конституциявий суд томонидан назорат тартибида кўриб ҳал этиладиган масалалар истисно қилинади)"[3].

Таъкидлаш лозимки, суднинг, судъянинг, прокурор, терговчи, суриштирувчининг, маъмурий ишларни кўриш ваколатига эга бўлган субъектларнинг фаолияти (қарорлари) устидан бериладиган шикоятлар Жиноят-процессуал ва Фуқаролик-процессуал қонунчилигига, маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тўғрисидаги қонунчиликка асосан ўзгача судлов тартибида ҳал этилади. Масалан, юқорида кўрсатилган Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек, юқори турувчи мансабдор шахсларга ушбу моддада кўзда тутилган тартибда мурожаат қилишга ҳақли[4].

Бу ерда баъзи масалалар аниқлик киритилишини талаб қилади, масалан, юқорида келтирилган Олий Суд пленумининг Қарорида таъкидланишича, фаолияти ва қарорлари устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган давлат органларига Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари киради. Фаолияти ва қарорлари устидан судга шикоят берилиши мумкин бўлган ўзини ўзи бошқарув органларига Ўзбекистона Республикаси Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари тўғрисида" ги Қонун ва бошқа қонунчиликка мувофиқ, тегишли ҳудудларда ўз ваколатларига кирувчи масалаларни мустақил ҳал қилувчи ҳар қандай орган киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддаси 1-қисмида Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат бошқаруви органлари тизимини белгилайди дейилган бўлса-да, шу кунга қадар жорий қонунларда давлат органларининг тизими батафсил ифодалаб берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги № ПФ-3358-сонли Фармонида Республика давлат бошқарув органларининг рўйхати келтирилган, аммо яна қандай органлар давлат бошқарув тизимига кириши аниқ айтилмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1998 йил 28 декабрдаги "Фуқароларнинг судлов ишлари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти тўғрисида"ги Қарорида "Мурожаатлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, қайси органларга мурожаат йўлланиши масаласига шарҳ берилмаган.

Давлат интерактив хизматлари ягона портали томонидан муҳокама учун нашр этилган "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг лойиҳасида белгиланган мақсадга кўра, "Маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона принцип ва қоидаларини ўрнатиш орқали юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг маъмурий органлар билан муносабатларидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш"дир. Лойиҳада бир баҳсли қоида бор, яъни бу қонуннинг предметига кирадиган муносабатларга фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик қўлланилмайди. Шу билан бирга, Қонуннинг 40-моддасида маъмурий ишни бошлаш учун ариза ва шикоят асос бўлиши айтилган, 41-модда эса ариза (шикоят)га қўйиладиган талабларни назарда тутади.

Назаримизда, бу ўринда ихтилоф (зиддият, коллизия) бор, чунки, бир томондан, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид маъмурий масалалар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган, аммо, бошқа томондан, мазкур шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёни унинг амал қилиш доирасига кирмайди. Ушбу қонун давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги маъмурий иш юритиш жараёнида юзага келаётган ўзига хос муносабатларни тартибга солади, шу боис, фикримизча, унинг нормалари умумийроқ хусусиятга эга бўлган мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларидан устун туради. Яъни мазкур қонунда мурожаатларни кўриб чиқишнинг махсус тартиби ўрнатилган, чунки уларни кўриб чиқишнинг алоҳида маъмурий тартиб-таомили белгиланган. Айтиш мумкинки, ушбу қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонун ҳужжатлари батафсил ифодасини топган, у мурожаат этувчиларнинг маъмурий органлар билан ўзаро муносабатлари тартибининг процессуал жиҳатини тартибга солади.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда у икки тоифадаги муносабатларга татбиқ этилмаслиги таъкидлаб ўтилган. Бу, биринчи навбатда, кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик-процессуал ва бошқа кодекслар сингари махсус қонун ҳужжатларида, шунингдек, жорий қонунларда алоҳида белгиланган мурожаатлардир. Ушбу махсус ҳужжатларда мурожаатларни тақдим этиш ва кўриб чиқишнинг алоҳида механизмлари ва тартиб-таомили мустаҳкамланган, улар бўйича иш юритишнинг процессуал тартиби (даъво аризалари, илтимосномалар ва ш.к.) батафсил белгиланган. Бу юридик фаолиятнинг мазкур алоҳида соҳаларида иш юритишнинг табиати ва хусусияти билан боғлиқлиги тушунарли.

Масалан, Фуқаролик-процессуал кодексида (350-м.) даъво келтириш тартиб-таомили ва муддатлари алоҳида қайд этилган. ЖПКда прокурорнинг шикоятни (241-м.), шунингдек, жиноятларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни (329-м.) кўриб чиқиш жараёни ва муддатлари махсус тартибга солинган. Жиноят-ижроия (82-м.), Хўжалик процессуал (1921-м.), Меҳнат (90, 197, 264-мм.) кодексида мурожаатларни кўриб чиқишнинг хусусиятларига бағишланган махсус нормалар мавжуд.

Таҳлил этилаётган Қонун лойиҳаси 4-моддаси учинчи қисмининг матнини қуйидагича баён этиб, юқорида келтирилган ифодасини ўзгартириш мазкур ихтилофни бартараф этишга хизмат қилган бўларди: "Ушбу Қонун ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўртасида зиддиятлар юзага келса, Қонундаги қоидалар қўлланишда устуворликка эга бўлади".

Шундай қилиб, амалдаги қонун ҳужжатларининг юқорида келтирилган мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини топшириш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгиловчи "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунни қўшиш зарур. Бинобарин, ушбу қонун давлат органларига мурожаатларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини (маъмурий иш юритишни) батафсил белгилаб берувчи қонун ҳужжатидир.

Мурожаат этиш институтининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш табиати билан боғлиқ ҳолда

улкан аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим жиҳат бор. Юқорида таъкидланганидек, мурожаатлар тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, мурожаатларни қабул қилувчи субъектлар (адресати) давлат органлари ва давлат муассасаларидир. Қонунда фақат давлат органларига (яъни, давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда ташкил қилинган ва оммавий-ҳокимият функцияларини бажараётган органларга) берилган мурожаатларгина назарда тутилгани боис, қонун нодавлат ташкилотларига берилган мурожаатларга тааллуқли эмас.

Бироқ шуни ҳам инобатга олиш лозимки, амалда нодавлат ташкилотлари ва муассасаларига ниҳоятда кўп, жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши билан боғлиқ мурожаатлар уларга ҳам берилмоқда. Демак, бундай мурожаатларнинг берилиши қонун доирасидан четда қолмоқда, уларни берган шахсларнинг ҳуқуқлари эса мурожаатлар тўғрисидаги қонун билан ҳимоя қилинмаган. Юқорида баён этилганлар муносабати билан нодавлат ташкилотлар ва муассасаларнинг мурожаатлари мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли бўлса, ушбу мурожаатларни ҳам "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг амал қилиш доирасига киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун мазкур қонуннинг 2-моддаси иккинчи қисмини "Нодавлат ташкилотлар ва муассасаларнинг мурожаатлари, агар улар мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли бўлса, ушбу Қонунда белгиланган тарзда тартибга солинади", деган мазмундаги матн билан тўлдиришни таклиф этамиз. Бу эса, назаримизда, ушбу қонуннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширади, фуқаролар ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқидан амалий фойдаланиши учун шарт-шароит яратади.

Айни вақтда, мамлакатимизда Президентимиз Ш.Мирзиеёвнинг "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" ғоясини рўёбга чиқариш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда юқоридаги фикримизни давом эттириб, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонунларга қуйидагича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Хусусан, "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади фақат давлат органлари ҳамда давлат муассасаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ адвокатура - ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Шу қонун асосида тузилган адвокатлик тузилмалари нотижорат ташкилоти деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддаси ўн биринчи қисмига асосан, ҳакамлик суди - фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ННТи - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Шу нуқтаи назаридан қараганда, адвокатлик тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларига "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун қоидалари қўлланилмаслиги лозим.

Шу боис, мазкур Қонуннинг 2-моддасини: "Мазкур қонунда назарда тутилган қоидалар адвокатлик тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ҳакамлик судларига татбиқ этилмайди, бироқ мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли

ҳоллар бундан мустасно", деган янги олтинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига асосан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш, фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш ҳисобланади.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига тўртинчи қисм сифатида: "Давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналарга, муассасаларга келиб тушган мурожаатлар ҳақида умумлаштирилган ва таҳлил қилинган ҳисоботларни талаб қилишга ҳақли", деб номлаган янги норма киритиш таклиф этилиб, прокуратура органларига янги ваколат берилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши аҳолининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни мунтазам аниқлаш, уларни қисқа муддатда сифатли ҳал этиш имконини беради.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й. 9-сон, 183-модда.

2. Қаранг: Ямпольская Н.А. О субъективных правах советских граждан и их гарантиях // Вопросы советского государственного права. - М., 1959. - С. 62.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракат ва қарорлар устидан берилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги 18-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 183-модда.

Хонназаров Р.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ СОҲАСИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ

Мақолада расмий соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатининг интеграциялашуви, халқ табобатининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва янада такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Халқ табобатининг ҳуқуқий мақомини белгилаш бўйича хориж тажрибаси чуқур таҳлил қилинган. Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш ва самарали бошқариш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган.

В статье анализируются вопросы интеграции народной медицины в систему общественного здравоохранения, создания и дальнейшего совершенствования правовых основ народной медицины. Был тщательно проанализирован зарубежный опыт определения правового статуса народной медицины. Существуют четкие предложения по правовому регулированию и эффективному управлению народной медициной.

The article analyzes the issues of integrating traditional medicine into the public health system, creating and further improving the legal foundations of traditional medicine. The foreign experience of determining the legal status of traditional medicine was carefully analyzed. There are clear proposals on the legal regulation and effective management of traditional medicine.

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, кенг кўламли янгиланиш ва ривожланиш босқичлари, татбиқ этилаётган мақсадли дастурлар билан бир қаторда, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган халқ табобатини ривожлантириш, уни ҳуқуқий томонидан мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик тизимини шакллантириш долзарб масаладир.

Миллий сиёсат соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатининг ролини аниқлаб берувчи, унинг хавфсиз ва самарали усулларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришнинг юридик механезмларини яратишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Хорижий ва миллий вазият шуни кўрсатмоқдаки, дунё миқёсида халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш сезиларли даражада ортиб бормоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) ўзининг аъзо давлатлари билан биргаликда ҳар бир мамлакатнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, бу соҳадаги сиёсатни ишлаб чиқишга кўмаклашмоқда.

Ҳозирги кунда ЖССТга аъзо 129 мамлакатда халқ табобатинниг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида халқ табобатига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Халқ табобати соҳасида кўп сонли табиблар фаолият юритаётганлиги ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг катталигига қарамай, мамлакатимизда халқ табобати фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий база мавжуд эмас. Бу эса касбий малакаси етарли бўлмаган ҳар қандай шахсларнинг халқ табобати фаолияти билан шуғулланишлари учун ҳамда ушбу фаолиятдан олинадиган ҳақиқий даромадларини яширган ҳолда бюджетга солиқларни тўламасликларига шароит яратмоқда.

Халқ табобати фаолияти давлат органлари томонидан назорат қилинмаслиги ва мувофиқлаштирилмаслиги сабабли табибларнинг аҳолига кўрсатаётган хизматлари ва улар ўртасида-

ХОННАЗАРОВ Рўзимуҳаммад, *юридик фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти.*

ги ўзаро муносабатларда хатарлилик ва хавфлилик даражаси юқори бўлмоқда. Халқ табобати соҳасида кўрсатилаётган табиблик хизматлари ҳамда бу хизматларга баҳоларнинг шаклланиши мутлақо мавҳумлиги ушбу соҳадаги турли суиистеъмолчилик ҳолатларининг келиб чиқишига замин яратмоқда ва табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой илмий-ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар орасида халқ табобатида қўлланиладиган шифобахш гиёҳларни мамлакатимизда етиштириш ва қайта ишлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Халқ табобати дори воситаларини дунё бўйича кенг истеъмол қилишга қизиқишнинг ортиб бориши, унинг ишончли ва хавфсизлигини таъминлашнинг стандартлари ишлаб чиқилиши ва ўрнатилишини, соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакали бўлишини таъминлаш қонун билан асосланган бўлиши керак. Бу масалалар ҳам соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиларини, шу билан бирга, кенг аҳоли қатламини ҳам бирдек ташвишга солади албатта. Бундай масалаларни ҳал қилишда миллий сиёсат соҳани ҳуқуқий баҳолаш, тартибга солиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Миллий соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатининг интеграциялашувини таъминлашда ЖССТ ўзининг аъзо мамлакатларига бу борадаги сиёсатларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш ҳамда унинг самарали усулларидан оқилона фойдаланишни доимий равишда рағбатлантириб келмоқда. Бу борада ЖССТ ўзининг халқ табобати соҳасидаги Стратегиясини ҳам ишлаб чиқди[1].

Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини мувофиқлаштирувчи давлат органи белгиланмаган. Табиблик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахсларнинг ягона давлат реестри ҳам мавжуд эмас. Табиблар фаолиятини лицензиялаш тартиб-таомиллари, уларнинг фаолиятини аттестация қилишнинг ягона давлат тизими, шунингдек, халқ табобати билан боғлиқ бирор-бир муаммони кўриб чиқиш ва хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган бирор-бир кенгаш ҳам амалда мавжуд эмас. Ҳаттоки, мамлакат миқёсида халқ табобати соҳасида расмий ўқув муассасаси ёки ўқув дастури ҳам мавжуд эмас. Тиббиёт олий ўқув юратларида халқ табобати умуман ўқитилмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, амалиётда "табиблар" билан уларнинг хизматларидан фойдаланувчилар ўртасида расмий шартнома тузилмаслиги сабабли жуда кўп ҳолатларда жабрланувчилар судларга мурожаат қилмайдилар.

Ўз навбатида, ҳуқуқий базанинг ривожланмаганлиги халқ табобати соҳасида халқ томонидан эътироф этилган, танилган табибларнинг қонун доирасида фаолият олиб боришларига ҳамда давлат рўйхатидан ўтган айрим ташкилотлар учун ҳам ноқулайликлар ва турли муаммолар туғдирмоқда. Бу уларнинг ўз фаолиятлари доирасида амалга оширган хатти-ҳаракатларини суд томонидан ноқонуний деб топилишидан доимо хавотирда бўлиб келаётганлигида яққол кўринади.

Табиийки, буларнинг барчаси нафақат халқ табобатининг, балки миллий соғлиқни сақлаш тизимининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам халқ табобатига оид муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари тизимли асосини яратувчи ва унинг самарали ривожланишини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг "Халқ табобати тўғрисида"ги Қонунини қабул қилиш таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 405-сонли Қарорига асосан "Табиблик" фаолияти Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лицензияланмайди.

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддаси Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини аниқлашга қаратилган бўлиб, ушбу нормага асосан: "Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради" деб белгилаб қўйилган.

"Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар билан белгиланади".

Ушбу норма талабларидан келиб чиқиб, халқ табобати фаолияти билан шуғулланаётган табибларни "Табибчилик" фаолияти аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита дахлдор бўлганлиги боис ҳам лицензияланадиган фаолият турига қўшилиши, шунингдек, бу фаолият тури (Халқ табобати фаолияти) "Халқ табобати тўғрисида"ги алоҳида қонун билан тартибга солиниши лозим.

Яна бир долзарб масала — лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органни аниқлаш лозим. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепцияси"[2]нинг III. "Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш" йўналишининг 6-банди талабларидан келиб чиқиб, (Лицензиялаш, сертификатлаштириш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари орқали давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларнинг айримларини хусусий секторга ўтказиш белгиланган) халқ табобати фаолиятини лицензиялашни хусусий секторга ўтказиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда Халқ табобати бўйича нодавлат ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 январдаги "Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-2171-сон Фармонига асосан[3], Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан, унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса, ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотида фаол иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан киритилган таклифга асосан Ибн Сино халқаро жамғармаси ташкил этилган эди.

Ушбу Фармонга кўра, Ибн Сино халқаро жамғармасининг асосий вазифаларидан бири сифатида Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт илму фани асосида Шарқ табобатини (халқ табобатини) ривожлантириб бориш белгиланган эди. Бироқ ушбу халқаро жамғарма Президент фармони билан белгилаб берилган вазифаларни тўлиқ уддалаб келмоқда деб айта олмаймиз. Жамғарманинг фаолиятини янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан унинг ҳуқуқий асосларини қайтадан кўриб чиқиш лозим.

Яна бир долзарб масала, халқ табобатида қўлланадиган доривор воситаларнинг ҳаммасига Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бошқармалари рухсати бор, дейиш қийин. Бу эса тараққий этган мамлакатларда йўл қўйилмайдиган ҳолатдир. Шунинг учун халқ табобатининг асосий муаммоларидан бири - бу халқ табобатида ишлатилаётган барча доривор воситаларга тегишли ваколатли ташкилотнинг рухсатномасини олишга эришиш лозим. Халқ табобатида беморлар асосан, табиий воситалар - доривор ўсимликлар, ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотлари ҳамда минерал моддалар билан даволанади. У доривор воситаларга анча бой. Шу доривор воситаларни ҳар тарафлама ва чуқур ўрганиш натижасида уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам самарали дорилар сифатида расмий тиббиётга жорий этилмоқда.

Халқ табобатининг асосий мутахассислари табиблардир. Табиблик - тиббий маълумотга эга бўлмаган шахс томонидан авлод-аждодларнинг тажрибаси асосида шифобахш ўтлар ёрдамида беморларни даволаш усулларини қўллашдир[4].

Кўпчилик табиблар тиббиёт соҳасида махсус билимга эга эмас. Улар бошқа табибларга шогирд тушиб ёки "ота касб" сифатида табибчиликни ўрганганлар. Агарда бу соҳада тегишли тартиб ўрнатиш лозим топилса, унда республикадаги ҳамма табибларни аттестациядан ўтказишга эришиш жуда ҳам муҳим масаладир. Яна бир муҳим масала барча табибларнинг тиббиёт соҳасидаги замонавий билимларни эгаллашига эришишдир. Халқ табобатида билимсиз бирон та табиб бўлмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси талабларидан келиб чиқиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиклаш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши лозимлигини ҳеч ким инкор этмайди. Бунинг учун, эҳтимол, Республикадаги халқ табобати билан боғлиқ ташкилотлар иштирокида тиббиёт билим юртлари қошида турли (қисқа ва узоқ муддатли ёки малака оширувчи ва қайта тайёрловчи) курслар ёки сиртдан ўқишни ташкил қилиш лозим. Ўқиш муддати тамом бўлгандан сўнг табибларни аттестациядан ўтказиб, уларга гувоҳномалар берилишини йўлга қўйиш лозим.

Табибларни ўқитиш учун уларга тегишли ўқув-услубий адабиётларни яратиш, шарқ мамлакатларининг турдош етакчи таълим ва табобат илмий марказлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш керак.

Хитой, Япония, Вьетнам, Корея, Лаос, Малайзия каби мамлакатларда халқ табобатига давлат мақоми берилган. Масалан, Хитойда тиббий хизматнинг 40 фоизи табиблар томонидан кўрсатилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ВОЗ) ўтган асрнинг охирги йилларида халқ табобатини чуқур ўрганиш ва бу соҳадаги тадқиқотларни янада кенгайтириш бўйича бир нечта қарор қабул қилган. Бинобарин, халқ табобати беш минг йилдан буён аҳоли саломатлигини яхшилашга хизмат қилиб келмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, халқ табобати билан боғлиқ масала бугунги кунда ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу масалани ҳал этиш учун давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, кенг жамоатчилик ва асосийси, соҳага алоқадор малакали ва тажрибали мутахассислар жалб этилиши лозим.

Ҳозирги вақтда халқ табобати тўғрисида бирор-бир меъёрий ҳужжат мавжуд бўлмагани боис, бу соҳа стихияли равишда ривожланиб келмоқда. Бироқ аҳолининг халқ табобатига бўлган эҳтиёжи ниҳоятда ортиб бормоқда. Табиий равишда, шунга мос табибчилик билан шуғулланувчиларнинг сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Қолаверса, халқ табобати миллий маданиятимизнинг таркибий қисми, анъанавий қадрият сифатида ўзбек миллий менталитетининг ҳам мағзи-мағзига сингиб кетган. "Халқ табобати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ниҳоятда зарур.

ЖССТга аъзо 194 мамлакатнинг 129 тасида халқ табобати расмий мақомга эга. Яъни қонун доирасида тартибга солинган. Улар ичида Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг қонунчилиги бой тажрибага эга ва такомиллашгандир.

Бу борада МДҲ мамлакатлари қонунчилиги тажрибаси ўрганилганда, айрим давлатларда ушбу соҳа алоҳида қонун билан, айримларида эса қонуности ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилганлиги маълум бўли. Жумладан, Тожикистон Республикасида "Халқ табобати тўғрисида"ги Қонун 2004 йил 9 декабрда қабул қилинган. Беларусь Республикасида, Россия ва Қозоғистонда халқ табобати қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинган. Ушбу давлатларда "Халқ табобати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси жорий йилда парламентга киритилиши режалаштирилган.

Айни пайтда, жаҳоннинг 130 га яқин мамлакатида халқ табобати фаолияти лицензияланиб келмоқда.

Соҳани ҳуқуқий тартибга солишдан мақсад - халқ табобатига оид муносабатлар иштирокчилари ва давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи тизимни яратишдир.

Ушбу мақсадни амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

халқ табобати фаолиятини лицензиялаш, табибларга малакавий талабларни белгилаш ва уларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни жорий этиш, улар фаолиятини назорат қилиш кабилардан иборат бўлган давлат томонидан тартибга солиш шаклларини белгилаш;

халқ табобати фаолиятининг рухсат этилган турларини белгилаш;

халқ табобати ташкилотлари (табиблар) халқ табобати хизматлари буюртмачиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш;

кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий меъёрларини белгилаш.

Халқ табобати соҳасининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва маъмурий бошқарилишидан кутилаётган натижалар:

халқ табобати соҳасини тартибга солувчи қонунчилик тизимини шакллантиради ва сезиларли тарзда кенгайтиради;

табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Уларнинг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан хавф бартараф этилади;

халқ табобати ташкилотлари (табиблар) томонидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш механизмларини яратади;

табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилайди;

халқ табобати соҳасига ноқонуний фаолият юритувчи табибларнинг (сохта табиб) кириб қолишига тўсиқ қўяди;

халқ табобати соҳасини бошқариш самарадорлигини оширади;

халқ табобати фаолиятидан олинадиган солиқ тушумларини легаллаштиради ва қонуний тартибга солади;

ҳам халқ табобати, ҳам замонавий тиббиётнинг интеграциялашган тизимининг барқарор ривожланишини таъминлайди, уларнинг барча иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини мақбуллаштиради.

Манба ва адабиётлар

1. Стратегия Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ) в области народной медицины 2014-2023 гг. Издание: ВОЗ. 16 стр. - 2013 год.

2. "Халқ сўзи", 2017 йил 9 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 31-модда.

4. Русча - лотинча - ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати. -Т.: "Камалак - Хазина", 1996. -Б. 18.

Абдураҳимов М.

АРХИВЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси архивлари фаолияти, улардаги бошқарув жараёни, бошқарув усуллари ва архивларнинг пулли хизмат кўрсатиш тенденциялари ёритилган. Шунингдек, архивларни ўз мақсад ҳамда вазифаларига эришишида стратегик менежментнинг усулларидан фойдаланиш афзалликлари илгари сурилган.

В статье освещена деятельность архивов Республики Узбекистан, процесс управления, методы управления и тенденции платных услуг архивов. А также выдвинуты преимущества использования стратегического менеджмента в достижении целей и задач архивов.

This article describes the activities of the archives in the Republic of Uzbekistan and their management process, management methods and trends of fee-based services of the archives. In addition to achieving the goals and objectives of the archives put forward the advantages of the use of strategic management methods.

Бутун дунёда эҳтиёж ортиб бораётган ахборотнинг қиймати унинг қанчалик янгилиги ёки қадимийлигига боғлиқ бўлади. Маълумки, давлат ва жамият учун қимматли ҳисобланган ахборотлар акс этган ҳужжатларни сақлаш архив муассасалари томонидан амалга оширилади. Амалдаги қонунчиликка асосан архив муассасалари - халқларнинг ҳужжат шаклидаги маданият ёдгорликларини жамлаш, ҳисобга олиш ва фойдаланишни амалга оширувчи ҳамда келажак авлод учун лозим даражада бус-бутун сақловини таъминловчи муассаса[1]. Архив иши тизимини оқилона бошқариш асносидагина бебаҳо ҳисобланган архив маълумотлар сақланишини таъминлаш ва келажак авлод учун лозим даражада мерос қилиб қолдиришга эришилади.

Архивларнинг бойлиги улардаги ҳужжатлар сони билан белгиланади. Мамлакатимиз архивларида сақланаётган Миллий архив фонди (кейинги ўринларда МАФ) ҳужжатлари сони йилдан-йилга ўсиб борувчи тенденцияга эга (1-диаграмма). Улар сони мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 5,4 млн. бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб, 8,6 млн. сақлов бирлигига етган[2].

Истиқлол йилларида мамлакатимиз архив иши тизимида амалга оширилган самарали ислоҳотлар натижасида давлат ва жамиятнинг ҳужжатли маданият ёдгорликларини лозим даражада сақлай оладиган, улар ҳисобини юритадиган ва фойдаланишни ташкил эта оладиган универсал архивлар тизими тўлиқ шаклланмоқда. Натижада, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган архивлар давлат ташкилотлари ва саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг ҳужжат юритиш ва архив хизматлари кўрсатиш борасида ишончли ҳамкорига айланди.

АБДУРАҲИМОВ Музаффар, *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти.*



Манба: "Ўзархив" агентлигининг 1991-2016 йилларга оид йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси МАФдаги ҳужжатлар сонининг ўсиш тенденцияси

Ушбу натижалар мамлакатимизда архивларга берилаётган ҳукумат даражасидаги эътибор ва архивлар томонидан кўрсатилаётган сифатли ҳамда ишончли архив хизматлари натижаси деб билиш мумкин.

Бугунги кунда соҳада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги (кейинги ўринларда "Ўзархив") бошчилигида 103 та давлат, 112 та идоралараро хўжалик ҳисобидаги, 9000 дан ортиқ идоравий архивлар фаолият олиб бормоқда[3]. "Ўзархив" агентлигининг ташкилий тузилмаси қуйидагича (1-чизма):

Манба: Вазирлар Маҳкамасининг "Архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида муаллиф ишланмаси

1-чизма. "Ўзархив" агентлигининг ташкилий тузилмаси[4]

Ривожланган хорижий давлатлар архив иши тажрибаси шуни кўрсатадики, архив муассасалари номарказлашган тартибда бошқарилади. Шунингдек, уларда архив иши, ҳужжат юритилиши, архив ҳужжатлари сақланишини тўғри ташкил этиш каби масалалар юзасидан давлат назоратини олиб борувчи махсус инспекциялар (турли шаклдаги тузилмалар) фаолият юритади[5]. Улар, асосан, ташкилотларда ҳужжатларнинг тўғри юритилишидан бошлаб, МАФ ҳужжатлари, маданият ёдгорликлари сақланишини назорат

қилади. Бундан ташқари, архив ҳужжатларини сақлашда ҳар тарафлама самарали иш олиб бориш мақсадида илмий тадқиқот институтлари (баъзиларида илмий тадқиқот марказлари) фаолият юритади[6]. Илғор тажрибаларни инобатга олиб, «Ўзархив» агентлиги ташкилий тузилмасида архив иши ва иш юритиш борасида давлат назоратини таъминлашни амалга оширувчи бўлим фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Миллий қонунчилигимизда давлат ва нодавлат архивлари фаолиятига рухсат берилган[7]. Нодавлат архивлар фаолиятини ривожлантириш ва уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида юқоридаги шаҳар ва туман нодавлат архивларини ҳам тузилмада акс этириш зарур бўлади. Сабаби, мамлакатимиз архив иши соҳасида ягона давлат сиёсатини "Ўзархив" агентлиги олиб боради.

Мамлакатимиз архивлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга пулли архив хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Архивлар томонидан кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга (3-диаграмма).



Манба: «Ўзархив» агентлигининг 2004-2016 йилларга оид йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-диаграмма. Архивлар томонидан кўрсатилган пулли архив хизматларининг ўсиш тенденциялари

Архивлар томонидан кўрсатилётган пулли хизматлар 2004 йилда 0,2798 млрд. сўм бўлган, унинг ҳажми 2016 йил якунларига кўра 6,673 млрд. сўмдан ошиб кетди. Бу, ўз навбатида, архив муассасалари томонидан пулли хизмат спектрини кўпайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги натижаси, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, "Ўзархив" агентлиги ўз олдига қўйган стратегик мақсад ва унга эришишнинг тактик йўналишлари бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ноёб ҳужжатларни рақамлаштириш, электрон архивлар фаолиятини ривожлантириш, кадрлар сиёсатини кучайтириш, юқори архив иши хизматлари соҳаси учун сифат менежментини жорий этиш, архив ҳужжатлар алмашинуви ва ягона электрон қидирув базаси, ягона электрон бошқарув тизимини жорий этиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Республика архив иши ва иш юритиш тизимини ривожлантириш барқарорлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар архивлар фаолиятини халқаро меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мос ҳолда баҳолаш тизими ва унга ёндашувларнинг ўзгариши шароитида архив стратегик менежменти ҳақидаги билимларга эга бўлиш мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишнинг зарурий шартидир.

Мамлакатимиз архив тизимида 1 йиллик режалар тузилиб, шу асосда ишлар амалга оширилади. Замонавий шароитларда стратегик менежментнинг замонавий архив ва маркетинг технологияларидан фойдаланиши асосида узоқ муддатли рақобат афзаллик-

ларига эришиш мақсадидаги вазифалар, шунингдек, функционал стратегиялар (молиявий, маркетинг, кадрларга оид ва ҳ.к.) айнан ҳам юқори, ҳам ўрта бўғин раҳбарларининг менежерлик функциялари орқали амалга оширилиши билан изоҳланади. Стратегик менежмент эса ташкилотни қисқа, ўрта ва узоқ муддатли режалар асосида бошқаришни таклиф этади[8]. Стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фақатгина юқори раҳбарият иштирок этибгина қолмай, жараёнларга архивнинг ҳудудий менежерларини жалб этиш ҳам талаб этилади. Бунда ташкилот мақсадидан келиб чиқиб, унинг олдидаги муаммоларни ҳал этиш ва соҳани ривожлантириш учун бажариладиган вазифалар ижроси учун аниқ муддатлар ва чора-тадбирлар, масъуллар белгилаб олиниши ана шу стратегик режаларда ўз аксини топади[9]. Узоқ муддатли ривожланиш стратегияларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши давлат ёки ташкилотлар учун ҳам истиқболли ва самарадор ҳисобланади. Мисол учун, АҚШ Миллий архивларини 2014-2018 йилларда ривожлантириш стратегик режаси (U.S. National Archives and Records Administration fiscal year 2014-2018 strategic plan)[10], Россияда "Программа информатизации Федерального архивного агентства и подведомственных ему учреждений на 2011-2020 гг." каби дастур режалари асосида ривожлантирилмоқда[11].

Архив фаолиятини кундалик бошқариш жараёнидаги стратегик қарорлар операцион менежмент орқали ўз ечимини топади. Архив менежерларининг фикрича, республикамиз архивларини бошқаришни ташкил қилишдаги энг долзарб муаммолардан бири стратегик ва операцион менежментнинг тизимли ўзаро алоқадорлиги, хорижий ривожланган давлатлар архивлари менежменти тажрибаси ютуқлари ва мамлакатимиз архив тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш учун ўзлаштиришдан иборат.

"Ўзархив" агентлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган бош директор бошқаради. Ўз ваколатлари доирасида, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, архив ишини юритиш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади. "Ўзархив" агентлигида 5 кишидан иборат Ҳайъат фаолият юритади. Ҳайъат қарорлари кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилиниб, қарорлар ижроси бош директор буйруғи билан амалга оширилади[12]. Вилоят архив иши бошқармалари бошлиқлари маҳаллий ҳокимият томонидан берилган тавсия ҳамда "Ўзархив" агентлиги бош директори томонидан чиқарилган буйруққа асосан тайинланади ва вазифасидан озод этилади. Вилоят давлат архивлари ва уларнинг филиаллари директорлари "Ўзархив" агентлиги розилиги асосида ҳудудий архив иши бошқармаси буйруғи билан лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади.

Мамлакатда самарали демократик бошқарув тизими бўлиши учун бошқарув тизимини номарказлаштириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга ошириш бўйича маҳаллий ҳокимликлар ваколатларини кучайтириш тақозо этилади[13]. Номарказлаштириш давлат бошқаруви тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш омили ҳисобланади. Номарказлаштиришнинг асл маъноси давлат бошқарувидаги муайян функцияларни қуйи тузилма - маҳаллий ҳокимият органларига беришдан иборат[14]. Бу жараённинг субсидиарлик тамойили ҳудудлар, шаҳарлар ва жамоаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга дахлдор аниқ масалаларни ҳал этишнинг маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига берилиши тушунилади. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, архив иши ҳудудий бошқармалари ва архив муассасалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва ундан озод этиш ваколатларини маҳаллий бошқарув органларига бериш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга мувофиқ бўлади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармонининг 1.2-бандида ҳам ўз ифодасини топганлиги фикримизни тасдиқлайди[15].

Мамлакатимизда "Архив иши тўғрисида"ги Қонунга асосан архив ишини бошқарув соҳасидаги давлат ваколатларининг кўриниши қуйидагича (2-чизма)[16]:

Манба: Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисидаги Қарори асосида муаллиф ишланмаси

2-чизма. Ўзбекистон Республикаси архив ишини бошқарув соҳасидаги давлат ваколатларининг чизма кўриниши

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, Вазирлар Маҳкамаси ёки "Ўзархив" томонидан қабул қилинган қарор қуйи архив муассасаларига етиб бориши учун бир неча босқичдан ўтади. "Ўзархив" агентлиги томонидан қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг ижро этилиш жойларига етиб бориши Марказий давлат архивларига тўғридан-тўғри ва Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви, вилоят давлат архивлари ва уларнинг филиаллари, Тошкент шаҳар давлат архивига эса тегишли архив иши ҳудудий бошқармасининг юқоридаги буйруқ ижросини таъминлаш тўғрисидаги буйруғи орқали амалга оширилади. Барча даражадаги архив муассасаларига маҳаллий ҳокимият органларининг тўғридан-тўғри бошқарув таъсирини ўтказиш имконияти мавжуд. Бизнинг фикримизча, маҳаллий ҳокимият органларининг архив ишини бошқариш соҳасидаги ваколатларини ошириш соҳани бошқаришнинг самарадор усули бўлиб хизмат қилади.

Турли мураккаб шароитларда менежментнинг, яъни меҳнат жамоасини энг оқилона тарзда ташкил қилиш ва бошқариш ҳақидаги фаннинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Одамлар фаолиятини бошқариш менежердан юксак малака ва касб маҳоратини, турли усул ва услублардан фойдаланиш, бошқарув ва тадбиркорлик усулларини қўллашни тақозо этади[17]. Менежментнинг фан сифатида жорий этилиши туфайли корхоналарда жуда катта иқтисодий ютуқларга эришилди, одамлар меҳнати самарадорлигини, уларнинг ижодий салоҳиятини ошириш ва ҳоказоларга мутлақо янгича ёндашувлар пайдо бўлди.

Замонавий стратегик менежмент усул ва имкониятларидан фойдаланиш корхона, ташкилот ва компанияларга хўжалик фаолиятида кам харажат билан жуда катта самара беради. Менежмент меҳнат жамоалари, умуман, жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишнинг муҳим омили сифатида ҳам майдонга чиқади[18]. Глобаллашув ва кучли рақобат шароитида барча ташкилотлар узоқ муддатга фаолиятини сақлаб қолиш стратегиясини ишлаб чиқиши лозим, бу ташкилотларга атрофда юз бераётган ўзгаришларга мослашиш имконини беради.

Менежментнинг асосий воситаларидан бири - тизимли ёндашув - ташкилот ишида юзага келадиган муаммолар ўчоғини ташкилотдан ташқарида, атроф муҳитдан излашни тавсия этади[19]. Дарҳақиқат, архивларимиздаги кўплаб "ички" муаммолар "ташқи" сабаблар - макроиқтисодий жараёнлардаги зиддият, ҳамкорларнинг ишончсизлиги оқибатида келиб чиқади. Бундан ташқари, замонавий архив жуда кўп сонли объектлар - жамлаш манбаига кирувчи ташкилотлар, мижозлар, ҳамкорлар, ҳукумат органлари, аҳоли, оммавий ахборот воситалари, суғурта ва инвестиция компаниялари, пенсия жамғармалари ва ҳ.к.лар билан муносабатда бўлади, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашув, ўзига хос стратегия керак.

Архив учун ташқи муҳитнинг аҳамияти ниҳоятда катта, айнан ташқи муҳит ахборот бозорида ўз ўрнини топиш, стратегия ва тактикани белгилаш, ташкилотнинг ички тузилмаси, унинг ривожланиш йўналишларини белгилашга ундайди. Архив стратегияси архивнинг давлат ва жамият олдида фаолият юритишидан кўзланган энг асосий мақсадлари ҳамда уларни амалга оширишга ёндашувлари йиғиндиси бўлиб, у архивнинг асосий ҳужжатларида расман мустаҳкамлаб қўйилиши зарур, деб ҳисобланади.

Хулоса қилсак, архив менежменти бошқарувнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Архив хизматларидан керакли жойда ва миқдорда сифатли фойдалана олиш имкониятини яратиш, жисмоний ва юридик шахслар томонидан архив хизматларига бўлган муносабатни янада ривожлантиради. Архив иши тараққий этган давлатларда қабул қилинган даражага олиб чиқилганда архив хизматларига бўлган талабни, ишончни янада оширади. Жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолияти давомида яратилган ҳужжатларни келажак авлод учун сақловини таъминлашда ва улардан кенг фойдаланиш мақсадида архив муассасалари билан муносабатга киришади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз архив иши тизимида амалга оширилган самарали ислоҳотлар натижасида давлат ва жамиятнинг ҳужжатли маданият ёдгорликларини лозим даражада сақлай оладиган, улар ҳисобини юритадиган ва фойдаланишни ташкил эта оладиган универсал архивлар тизими тўлиқ шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасига асосан: «...барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим»[20]. Мамлакатимиз қонунчилигига асосан, ҳужжатларнинг идоравий сақлов муддати тугаши билан архив муассасаларига топширилиши ана шу конституцион вазифани архивлар зиммасига юклайди. Архив муассасаларини стратегик бошқариш архивларни келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва хавф-хатарлардан холи этади. Шу билан бирга, фикримизча, архив менежменти нафақат у ёки бу стратегик дастурларни ишлаб чиқиши, балки архив иши соҳасида, айниқса, МАФ яратиладиган ташкилотларда архив иши ва иш юритиш тартибларини сифатли юритилишини кузатиб, зарур вақтда методик ёрдамлар кўрсатиб бориши ҳам лозим. Архивлар бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида архив ишини бошқариш жараёнларида замонавий менежмент, стратегик менежмент усулларидан фойдаланиш архивларни кўзланган мақсадга олиб борувчи самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар

1. International Council on Archives. Электрон манба: http://www.ica.org/en/what-archive фойдаланиш вақти 23.02.2017 й.

2. Turkiston-press нодавлат ахборот агентлиги. Электрон манба: http://turkistonpress.uz/article/23012 фойдаланиш вақти 15.02.2017 й.

3. Электрон манба: http://archive.uz/post/arkhiwlarda-wa-idorawii-arkhiwlarda-kadrlar-masalasi-muammo-wa-yechimlar-mawzusidagi-matbuot-anjumani фойдаланиш вақти:10.02.2017 й.

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон, 53-модда; 2008 й., 35-36-сон, 347-модда; 2010 й., 23-сон, 183-модда, 42-43-сон, 362-модда; 2011 й., 45-46-сон, 470-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда.

5. Электрон манба: http://www.archnadzor.ru/2016/12/31/letopis-arhnadzora-2016/ фойдаланиш вақти 01.03.2017; Департамент по архивам и делопроизводству Министерства юстиции Республики Беларусь. Электрон манба: http://archives.gov.by/index.php?id=950727 фойдаланиш вақти 01.03.2017 National Archives Office of Inspector General (OIG). Электрон манба: https://www.archives.gov/oig фойдавланиш вақти 01.03.2017 й.

6. Всесоюзный научно-исследовательский институт документоведения и архивного дела. (ВНИИДАД). Электрон манба: http://www.vniidad.ru/index.php?option=com_content&view=article&id=-1153&Itemid=779 фойдаланиш вақти 01.03.2017й

7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда.

8. Дафт Р. Менеджмент 10-е изд./Пер. С анг. -СПБ.: Питер. 2015. -С,233-257

9. Thomas S. Bateman and Scott A. Snell. Management. Building Competitive Advantage. Irwin.:p-118

10. National Archives United State of America. Электрон манба: https://www.archives.gov/files/about/plans-reports/strategic-plan/2014/nara-strategic-plan-2014-2018.pdf фойдаланиш вақти 27.02.2017й

11. Федеральное архивное агентсво (Росархив). Электрон манба: http://archives.ru/programs/informatization.shtml фойдаланиш вақти 27.02.2017й

12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда.

13. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури. Электрон манба: http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/uz/home/presscenter/pressreleases/2014/04/23/undp-s-new-pilot-region-for-local-governance-modernization.html фойдаланиш вақти 24.02.2017.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Электрон манба: http://www.dba.uz/uz/content/akademiyada-nomarkazlashtirish-davlat-boshkaruvi-tizimida-islokhotlarni-chukurlashtirish-0 фойдаланиш вақти 24.02.2017.

15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда; 20-сон, 354-модда

16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда.

17. Thomas S. Bateman and Scott A. Snell Management. Building Competitive Advantage.:Irwin.:2014. p-16.

18. James H.Donnelly,JR, James L.Gibson, John M.Ivancevich. Fundamentals of management. Ninth Edition. 1995.USA. p-8-9.

19. Thomas S. Bateman and Scott A. Snell. Management Building Competitive Advantage. Third Edition. Irwin. 1996. p 54-57.

20. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т.: Ўзбекистон, 2014. 8-б.

21. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон. 1996. 25-б.

Амиров З.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШ ҲОЛАТИ: ОАВ МИСОЛИДА

Мазкур мақолада давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижасида инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ аниқланган камчиликлар ҳамда айрим турдаги ОАВининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш борасидаги фаолияти таҳлил этилган, ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан назарий-ҳуқуқий асослантирилган таклиф ва тавсиялар берилган.

В этой статье автор анализирует недостатки выявленные в результате действия государственных органов при применении права, а также в деятельности некоторых СМИ при распространении правовой информации, на основе чего делает теоретически и законно обоснованные предложения и рекомендации.

In this article the author analyzes the activity of state organs in discovering flaws regarding the violation of human rights in enforcing laws as well as the activity of some mass media in disseminating legal information on the basis of which he makes theoretically and legally reasoned suggestions and recommendations.

Ҳуқуқий жамият аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти бўлмай туриб мавжуд бўла олмайди. Шунингдек, давлатнинг ўз ҳудудида ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти самарадорлигига ҳам ҳуқуқий маданиятни оширмасдан туриб эришиб бўлмайди. Зеро, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек "Аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш - ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир[1].

Хусусан, мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги савиясини янада ошириш, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтириш, қолаверса, халқнинг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришга қаратилган бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур ислоҳотларнинг яққол ифодаси сифатида истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Юридик таълимни қайта қуришнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1992 йил 14 мартдаги 130-сонли Қарори[2]ни мисол тариқасида келтириш мумкин. Аҳолининг ҳуқуқий билимлардан хабардорлигини ошириш, жамият ҳаётида ҳуқуқнинг устуворлигига эришишни самарали амалга оширишда ҳуқуқшунос кадрларнинг ўрни беқиёс эканлиги боис дастлабки босқичда юридик кадрлар тайёрлаш масаласига айнан ушбу нормативҳуқуқий ҳужжат асосида жиддий эътибор қаратилган эди.

1997 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги ПФ-1791-сонли Фармони қабул қилинди[3]. Айнан мазкур ҳужжат билан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳуқуқий мустаҳкамланди. Шу билан бирга, республикада ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли томонидан чуқур англаб етишга ҳар томонлама кўмаклашиш - дав-

АМИРОВ Зафар, *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти.*

лат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятимизда ҳуқуқий билимлар тарғиботини янада кучайтириш, фуқаролар ва давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий хабардорлигини оширишга доир олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"ги[4] Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 235-сонли Қарори билан тасдиқланган тадбирлар режаси асосида мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияни ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аммо, бугунги кун тараққиёти, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш ҳамда ҳуқуқий билимлар тарғиботини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Мазкур масаланинг долзарблигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтган эди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, "20 йил аввал бу борада қабул қилинган Миллий дастурни янгидан ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда"[5].

Дарҳақиқат, мақсадимиз мамлакатни демократик тараққий эттириш ва эркин фуқаролик жамияти қарор топтириш экан, бу ўринда жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини ҳуқуқий билимлардан хабардор этиш, ҳуқуқий тафаккурни янада бойитиш ва ҳар бир фуқарода ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай муаммони фақатгина ҳуқуқ орқали ҳал қилиш мумкин, деган ҳиссиётни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун эса Миллий дастурни янгидан ишлаб чиқиш билан бирга жамиятимиз ҳар бир аъзосини ҳуқуқий ахборотлар билан тўлиқ таъминлашнинг самарали механизмлари яратилиши лозим бўлади. Буни таъминлаш эса бугунги кундаги аҳоли энг кўп ахборотни қайси манбадан олаётган бўлса, ўша орқали аҳолига ҳуқуқий ахборотларни етказиш асосида амалга оширилади.

Албатта, истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги[6], "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги[7], "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги[8] қатор қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, ахборот эркинлиги принцип ва кафолатларига риоя этилишини, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши ҳамда шахс, жамият ва давлат ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги белгиланди. Аммо қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан аҳолини ўз вақтида таништириш масаласи очиқ қолмоқда.

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, масаланинг асосий жиҳатлари яна бир бор ойдинлашади. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича фаолияти шуни кўрсатадики, 2015 йилги ўрганишларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича 6.363 та тақдимнома киритилиб, давлат органларининг 1.219 та ноқонуний қарори бекор қилинган.

1089 нафар шахс маъмурий, 24 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилган 6.327 нафар ходимнинг 342 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган[9].

2016 йил давомида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича вазирлик ва идораларга 6.088 та тақдимнома киритилиб, уларнинг 1.048 та ноқонуний

қарори бекор қилинган. 265 нафар шахснинг маъмурий, 1 нафар шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланган. 902 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 31 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган[10].

2017 йилнинг 9 ойи давомида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича вазирлик ва идораларга 4.411 та тақдимномалар киритилиб, уларнинг 459 та ноқонуний қарорлари бекор қилинган, 932 нафар шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланган. 3.551 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, 311 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган[11].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан 2015 йилда давлат органларининг қонун ҳужжатларига зид бўлган 19.578 та ҳужжати устидан арз қилинган[12]. 2016 йилда прокуратура томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари бузилган 19752 та ҳолат, шу жумладан, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашилган 129 та ҳолат, ноқонуний текширув ўтказилган 54 та ҳолат, ноқонуний қарорлар қабул қилинган 1657 та ҳолат, ортиқча йиғимлар ундирилган 657 та ҳолат, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда қонун ҳужжатлари бузилган 887 та ҳолат аниқланган[13].

Киритилган тақдимнома ва протестлар шундан далолат берадики, ушбу давлат органлари масъул ходимлари сўнгги қабул қилинган қонун ҳужжатларидан тўлиқ хабардор эмас. Хабардорлари ҳам қонун ҳужжатларининг талабларини етарлича билмайдилар, уни англаб етмайдилар.

Зеро, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизимида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзига хос хусусияти уни қабул қилиш ва ижрочиларга етказиш тартибига қатъий риоя қилишнинг зарурлиги билан белгиланади, деб таъкидлайди М.И.Джоусе[14].

Ҳуқуқий жамият аҳолининг юксак ҳуқуқий маданиятисиз мавжуд бўла олмайди. Шунингдек, давлатнинг ўз ҳудудида ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти самарадорлигига ҳам ҳуқуқий маданиятни оширмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Мазкур масалага эътибор қаратган ҳуқуқшунос олим Г.М.Муртазинанинг фикрича, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат жойлардаги маҳаллий тузилмаларга қадар етиб бормас экан, бунинг учун тегишли шарт-шароитлар таъминланмас экан, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини тамомланган деб бўлмайди. Бунинг учун қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатни расмий тарзда унинг ижрочиларига етказиш лозим бўлади[15].

Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини таъминлаш, уларга қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари билан ўз вақтида танишиш имкониятларини яратиб бериш масаласининг ниҳоятда долзарблиги мамлакатимизда миллий ва халқаро даражада ўтказиб келинаётган тадбирлар натижасидан ҳам маълум.

Жумладан, 2015 йил 24 июнь куни Тошкент шаҳрида "Қабул қилинган қонунлар ижрочилари ва аҳолига етказишнинг халқаро тажрибаси: ҳуқуқий тартибга солиш ва амалий жиҳатлар" мавзусида ўтказилган халқаро давра суҳбати ҳам айнан мазкур масаланинг қанчалик долзарблигини яна бир бор яққол намоён этди. Мазкур тадбирда Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш ва шахс ҳуқуқларининг амалга оширилишида қабул қилинаётган ҳамда ишлаб чиқилаётган қонунлардан барча манфаатдор шахсларнинг хабардорлигини амалда таъминлаш муҳим масала эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

Маълумки, жамият тараққиётида, ислоҳотлар самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини оширишда, мамлакат нуфузини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг муносиб ўрни бор. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан аҳолини хабардор қилиш бўйича ОАВ орқали тизимли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришнинг самарали ҳуқуқий тизими яратилди. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини таъминлашда газета, журнал ва чоп этилаётган амалий қўллан-

маларнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Шундай бўлса-да, таъкидлаш жоизки, мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган муайян муаммолар ҳам мавжудлигини қуйидагиларда кўриш мумкин.

Изланишлар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг "Куч адолатда", Бош прокуратуранинг "Ҳуқуқ", Адлия вазирлигининг "Инсон ва қонун", Ички ишлар вазирлигининг "Постда" газеталарининг 2015 йил сонларида чоп этилган мақолалар таҳлил этилди. "Куч адолатда" газетасида йил мобайнида 519 та турли мавзудаги мақола ва материаллар эълон қилинган бўлиб, улардан 82 таси, яъни 16%и ҳуқуқий маслаҳатлар ва "Савол беринг, жавоб берамиз" рукни остидаги материалларни ташкил қилмоқда.

Аммо унда амалдаги янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун лойиҳалари ҳамда уларга тушунтиришлар бериш юзасидан маълумотлар умуман акс этмаган.

Шунингдек, "Ҳуқуқ" газетасининг 2015 йил давомида чоп этилган сонларида 1824 та турли мавзуга оид мақола ва материаллар эълон қилинган. Шулардан 40 таси, яъни 2%и амалдаги янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун лойиҳалари ҳамда уларга тушунтиришлардан иборат.

"Инсон ва қонун" газетасининг 2015 йилда чоп этилган 52 та сонида 781 та турли мавзудаги мақола ва материаллар берилган бўлиб, уларнинг 45 таси, яъни 6%и амалдаги янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун лойиҳалари ҳамда айрим ҳуқуқий маслаҳатларни ўз ичига қамраб олган.

Шунингдек, "Постда" газетасида ушбу кўрсаткич 0,4% ни ташкил этади. Ваҳоланки, 2015 йил давомида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари Миллий базаси (Lex.uz.)да ўзбек ва рус тилларида жами 2118 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат эълон қилинганлигини эътиборга оладиган бўлсак, республиканинг энг нуфузли ҳуқуқий мазмундаги газеталарида амалдаги қонун ҳужжатлари тўғрисидаги тушунтиришларнинг аҳоли ва жамоатчиликка етказиб берилиш ҳолати яққол намоён бўлади.

Жамият тараққиётида, ислоҳотлар самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини оширишда, мамлакат нуфузини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг муносиб ўрни бор. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан аҳолини хабардор қилиш бўйича ОАВ орқали тизимли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришнинг самарали ҳуқуқий тизими яратилди.

"Постда" газетасининг 2015 йил 15 сентябрдаги 40-сонида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган Ички ишлар вазирлигининг буйруқ ва қўшма қарор тарзидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари рўйхати келтирилган. Аммо унга қадар мазкур буйруқ ва қўшма қарорлар тўғрисида газета саҳифаларида бирор-бир маълумот келтирилмайди[16].

Бунинг тасдиғи сифатида Президент Ш.М.Мирзиёевнинг "Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофлича муҳокама қилиш, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам", деган фикрларини таъкидлаб ўтиш жоиз[17].

Бунинг салбий оқибатларини эса, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидаги "уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган" деган фикрларидан кўриш мумкин.

Шу сабабдан аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини янада яхшилаш, ҳуқуқий тарбия жараёнларининг сифат кўрсаткичини янги босқичга кўтаришни назарда тутган ҳолда газеталарда чоп этилаётган мамлакат ҳуқуқий ҳаётининг долзарб масалаларига бағишланган юридик мазмундаги мақолаларни тайёрлаб, чоп этиш амалиётини кенг жорий этиш ло-

зим. Чунки, жойлардаги мамлакат аҳолисининг аксарият кўпчилиги айнан ушбу газеталар орқали маълумотлардан хабардор бўлади. Буни "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг қуйидаги ҳисобот маълумотларидан ҳам англаш мумкин. Хусусан, Марказ томонидан ўтказилган сўровномаларда "Сиз қандай воситалар орқали ҳуқуқий савиянгизни ошириш чораларини кўрасиз", деган саволга 2012 йилда респондентларнинг 65,3 %и, 2013 йилда эса 67,7%и «Ахборотларни ОАВ орқали олиш асосида», деб жавоб берган[18].

Мазкур масалага янада аниқлик киритиш мақсадида Жиззах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги Жиззах транспорт алоқа касб-ҳунар коллежи (90 нафар) ва Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицей (100 нафар) ўқувчилари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига эътибор қаратдик. Сўровда "Сиз учун ҳуқуқий мавзудаги ахборот олишнинг асосий манбаси нима ҳисобланади?" деган саволга коллеж ўқувчиларидан 45 таси (50,0%), академик лицей ўқувчиларидан 48 таси (48,0%) "Оммавий ахборот воситалари" деб жавоб берганлар[19].

Худди шу саволга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси Зангиота тумани вояга етмаганлар колонияси тарбияланувчиларининг 24 таси (41%) "Оммавий ахборот воситалари", деб жавоб беришган. Бу телевидение, ОАВ жамиятга, унинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга жуда катта таъсир кўрсатишини англатади[20].

Хорижий тажриба ўрганилганда, Хитой Халқ Республикасида "Daily Legal News"[21] номли газета Адлия вазирлиги назорати остида чоп этилиб, унда мамлакат ҳуқуқий ҳаётининг долзарб масалаларига бағишланган юридик мазмундаги ҳар қандай янгиликлар кундалик юридик маълумотлар сифатида тизимли равишда чоп этиб борилади.

Бундан ташқари, АҚШнинг Огайо штатида ҳам айнан "Daily Legal News"[22] номли газета чоп этилади. Унда ҳам юқоридаги каби маълумотлар ёритиб борилади. Эътиборли жиҳати шундаки, айнан мазкур йўналишдаги газеталарни АҚШнинг бошқа штатларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, АҚШнинг Огайо штати Толидо шаҳрида "Toledo Legal News"[23], Вашингтонда эса "The Daily Washington Law Reporter"[24] номли газеталар чоп этилади.

Мухтасар қилиб айтганда, аҳоли ва давлат органларининг ҳуқуқий хабардорлигини таъминлашга оид ривожланган хорижий давлатларнинг бой тажрибасидан келиб чиқиб,

биринчидан, юқорида номлари келтирилган босма ОАВда мамлакатимизда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга берилаётган шарҳларни тизимли равишда ёритиб борилишини кенг йўлга қўйиш;

иккинчидан, мамлакат ҳуқуқий ҳаётининг долзарб масалаларига бағишланган юридик мазмундаги махсус газета ташкил қилиш;

учинчидан, ҳуқуқшунослик илми ва амалиёти ходимларининг телевидение, газета ва журналларда график асосида муайян мавзулардаги чиқишларини тизимли ташкил этиш;

тўртинчидан, барча турдаги босма ОАВда ҳуқуқий маслаҳатга йўналтирилган махсус рукн ажратилишини таъминлаш;

бешинчидан, босма ОАВда ҳуқуқий маслаҳат мазмунидаги мақолаларнинг ёритиб борилиш даражасини тегишли идоралар томонидан тизимли таҳлил қилинишини йўлга қўйиш лозим бўлади.

Шу билан бирга, мақолаларнинг сифатли тайёрланишига нисбатан муайян талаблар белгилаш асосида уларнинг муаллифларини моддий рағбатлантириш механизмларини янада кучайтириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу вазифаларнинг бажарилиши аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳамда сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, пировардида, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлаш жараёнини янги босқичга олиб чиқишнинг бош омили бўлиб хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.128.

2. http://lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 7-сон, 179-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 227-модда.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда.

9. Вазирлик фаолияти/ Бажарилган ишлар бўйича маълумот/ Адлия органлари ва муассасалари томонидан 2015 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот/манба:www.minjust.uz

10. Вазирлик фаолияти/Бажарилган ишлар бўйича маълумот/2016 йил давомида Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотнома/ манба: www.minjust.uz

11. Вазирлик фаолияти/Бажарилган ишлар бўйича маълумот/2017 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотнома/ манба: www.minjust.uz

12. www.prokuratura.uz

13. http://www.prokuratura.uz

14. Джоусе-Иванина Мария. Нормативно-правовой акт в системе источников Российского права. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. -М.:- 2010. -С.15.

15. Муртазина Г.М. Правовое регулирование принятия, опубликования и введения в действие муниципальных правовых актов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - М.: 2011. - С.3.

16. Изоҳ. Тадқиқотимиз давомида республикамизда чоп этилаётган ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган "Инсон ва қонун", "Постда", "Ҳуқуқ" ва "Куч адолатда" газеталарининг 2015 йил давомида чоп этилган барча сонлари тўлиқ ва батафсил ўрганиб чиқилди ҳамда таҳлил натижалари умумлаштирилди.

17. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови//Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 07.12.2016 й. LEX.uz

18. Реформа судебно-правовой системы в зеркале общественного мнения. Из отчетов Центра изучения общественного мнения "Ижтимоий фикр", // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2013, №2.-С.43.

19. "Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни" мавзусида Жиззах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги Жиззах транспорт алоқа касб-ҳунар коллеж ва Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчилари ўртасида 2011 йил 1 ноябрь куни ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари бўйича Жиззах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи И.F.Ганиевнинг маълумотномаси.

20. "Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси Зангиота тумани колония тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси Зангиота тарбиявий колониясининг 2012 йил 30 майдаги 903-сонли чиқиш хати асосида берилган маълумотномаси.

21. https://www.dln.com

22. http://www.dlnnews.com

23. https://www.toledolegalnews.com/static/contact

24. http://www.dwlr.com

Сияева Г.

ПРОЦЕССЫ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СОЦИАЛИЗАЦИИ МОЛОДЁЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Социально-политическая активность представляет собой деятельность социальных групп или индивидов, связанную с формулированием и выражением собственных потребностей и интересов, со стремлением изменить существующий политический или социально-экономический порядок и соответствующие политические институты. В качестве одного из основных субъектов социально-политической активности традиционно принято рассматривать молодёжь как особую социально-демографическую группу. В статье рассматриваются особенности процесса политической социализации в молодёжных общественных объединениях на основе изучения их политической активности.

Ижтимоий-сиёсий фаолият — ижтимоий ёки ижтимоий-иқтисодий тартиб ва тегишли сиёсий институтларни ўзгартириш истаги билан ўз эҳтиёж ва манфаатларини ифода этишга боғлиқ ижтимоий гуруҳ ёки шахслар фаолияти. Ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ёшларни махсус ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида кўриш анъанавийдир. Мақолада ёшлар жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ўрганиш асосида сиёсий ижтимоийлаш жараёнининг хусусиятлари кўриб чиқилган.

Social and political activity is an activity of social groups or individuals associated with the formulation and expression of their own needs and interests, the desire to change the existing political, social, and economic order and the relevant political institutions. As one of the main subjects of social and political activity are traditionally considered as youth specific social and demographic group. The article is devoted to the study of peculiarities of the process of political socialization in youth public associations based on studying their political and social activity.

В настоящее время молодежь - это главная движущая сила развития общества. Она не только быстро воспринимает все перемены, происходящие в стране, но и является в какой-то степени их источником и генератором.

И поэтому изучение процесса политической социализации молодёжи является актуальной и востребованной темой, связанной с продолжающимся процессом трансформации политической системы страны и изменениями, происходящими в механизмах политической социализации молодёжи.

Понятие политическая социализация не имеет единого универсального определения. Тем не менее, несмотря на многие отличия, исследователи схожи в том, что данное понятие связано с изменением комплексных и качественных характеристик человека, связанных с развитием его политического сознания, поведения и ценностно - ориентационной системы. Также связанно со всеми процессами, в ходе которого человек интериоризирует требования статусного и ролевого поведения, политические ценности и нормы политической культуры, позволяющие ему гармонично войти в существующую политическую систему и стать в ней субъектом политических отношений[1].

Процесс политической социализации характеризуется определенной последовательностью: 1) усвоение и восприятие общественно-политического опыта, накопленного пре-

СИЯЕВА Гульнора, *старший преподаватель кафедры "Иностранные языки" Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.*

дыдущими поколениями, а также современного опыта; 2) превращение знания об обществе, политике государства во внутренние убеждения; 3) выработка способности отстаивать свои политические взгляды и интересы; 4) приобретение необходимых навыков общественно-политической деятельности, освоение ее основных принципов и норм; 5) реализация знаний и убеждений в практической политической деятельности и в области других общественных сфер[2].

Сохранение и развитие политической культуры, стабильность политической системы общества напрямую связаны со способностью молодого поколения, которые усвоили ценности, эталоны и модели политического поведения, имеют возможность включиться в политическую жизнь общества, стать субъектами политической и социальной жизни общества. Молодежь обеспечивает трансмиссию общественных отношений и выступает как носитель социальных инноваций, поэтому повышение социальной активности молодежи в период кризиса становится одним из условий поиска новых форм общественного устройства. Задача воспитания социальной активности как значимого интегрированного качества личности ставится и обсуждается как приоритетная различными государственными и общественными институтами. Социальная активность включается в дискурс повышения конкурентоспособности подрастающего поколения и рассматривается как фактор качества жизни, участие в различных социальных практиках, направленных на общественное благо, таких как участие в общественных организациях и движениях, акциях, включенность в молодежные сообщества. Сфера проявления социальной активности может быть совершенно разная, главное - чтобы молодые люди имели право высказать свое мнение в процессе принятия решений, затрагивающих их интересы. Это может касаться социальной сферы, образования, спорта и культуры, а также трудоустройства, жилья, развития транспорта, вопросов здоровья, уважения личности, вопросов межкультурного взаимодействия, защиты прав молодежи и другие. Сегодня молодёжь выражает готовность к участию в социально-значимой деятельности, поддерживая необходимость молодежных объединений. Этот потенциал молодежи может и должен быть использован в интересах развития всего общества и самой молодежи на благо нашей страны.

Время экономических реформ в Узбекистане вывело на первый план вопросы профессиональной готовности к труду молодого поколения. Прежде всего, высокотехнологический характер рыночной цивилизации неизбежно оказывается связанным с образованием и научными исследованиями. Эта связь взаимозависима и взаимодополняема: если образовательные институты стимулируют экономическое развитие посредством подготовки кадров, исследований и новых разработок, то экономика, в свою очередь, обеспечивает рост их материальной основы. Поэтому обслуживание целей современной экономики, решение ее производственных и коммерческих проблем нуждается, в первую очередь, в квалифицированных, мобильных и способных к новаторству специалистах.

Учитывая важность и востребованность активности молодёжи в развитии нашей страны, Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев 14 сентября 2016 года подписал Закон "О государственной молодежной политике". Данный закон был принят в целях дальнейшего совершенствования правовых основ, систематизации в едином законодательном акте прямого действия основных положений, организационно-правовых механизмов формирования и реализации молодежной политики. Учитывая современные требования, были закреплены такие приоритетные направления государственной молодежной политики, как обеспечение социальных, экономических, политических прав и интересов, доступного и качественного образования молодежи, содействие физическому, интеллектуальному и нравственному развитию молодого поколения, создание условий для трудоустройства и занятости молодежи, воспитание ее в духе уважения к законам, национальным и общечеловеческим ценностям, зашита от действий и идей, приводящих к подрыву нравственных устоев, формирование у них здорового образа жизни, развитие молодежного спорта, молодежного предпринимательства. Определены конкретные задачи и полномочия органов и учреждений, осуществляющих и участвующих в реализации

государственной молодежной политики в центре и на местах, их ответственность в этой сфере. Они несут ответственность по реализации государственной молодежной политики, обеспечению безусловного исполнения требований нормативно-правовых актов, направленных на обеспечение прав и законных интересов молодежи в сфере образования, здравоохранения, культуры, спорта, труда и других сферах, осуществлению мер по правовой пропаганде, профилактике правонарушений среди молодежи, взаимодействию с общественными организациями. Положения закона направлены также на усиление роли и места общественных, прежде всего молодежных организаций, органов самоуправления граждан и СМИ в реализации государственной молодежной политики[3], так как важнейшее условие углубления демократического обновления и гражданских свобод в Узбекистане - это осуществление конкретных и последовательных мер по реализации демократических стандартов в развитии средств массовой информации.

Сегодня не секрет, что в политическом контексте, особым образом интерпретируемым СМИ, поддерживается в общественном мнении стереотип, что молодёжь - жертва борьбы различных группировок, готовых использовать её для достижения своих узкополитических целей. В этой ситуации необходимы целенаправленные действия по изменению дискурсивного пространства, связанного с молодёжью, его очищение от многочисленных стереотипов, не позволяющих воспринимать феномен современной молодёжи адекватно. Современной элите необходимо помнить, что формирование условий для вовлечения молодежи в политические процессы через разные виды самоорганизации и взаимодействия - важнейший ресурс развития страны и её конкурентоспособности. Поэтому неизбежно придётся бороться с распространённой уже в молодёжной среде системой стереотипов и ценностных установок, формируемых зачастую целенаправленно со стороны внешних акторов. Учитывая все обстоятельства особое значение имеет принятие Закона "Об открытости деятельности органов государственной власти и управления", который призван создать эффективные правовые механизмы, обеспечивающие широкий доступ граждан к информации, связанной с деятельностью органов исполнительной власти. Также большое значение имеет принятие законов "Об экономических основах деятельности СМИ" и "О телерадиовещании". Это дальнейшая либерализация деятельности печати, телевидения, радио, обеспечение их независимости и свободы как обязательной составляющей процесса углубления реформ в нашей стране. От средств массовой информации люди ждут, наряду с объективной, непредвзятой информацией о событиях, происходящих в стране и за её пределами, в первую очередь, критической оценки деятельности органов власти и управленческих структур. А также открытого профессионального анализа пороков, острых злободневных проблем нашей жизни, всего того, что тормозит продвижение страны по пути реформ и обновления.

Сфера проявления социальной активности может быть совершенно разная, главное - чтобы молодые люди имели право высказать свое мнение в процессе принятия решений, затрагивающих их интересы.

Необходимо ускорить внедрение современных информационных цифровых технологий, слабым продолжает оставаться материально-техническая база и профессиональный уровень кадров областных каналов и студий телевидения.

Нет необходимости говорить о том, что в век информации, актуальными и приоритетными задачами для нашего общества является необходимость ускоренного внедрения современных информационных цифровых технологий, где Интернет с каждым днем будет все шире и глубже входить во все сферы нашей жизни, и борьба за умы и умонастроения людей приобретает решающее значение.

Вступив на путь строительства современного государства с развитой рыночной экономикой, обеспечивая постепенный переход от сильного государства к сильному гражданскому обществу, мы знаем, что только люди, которые осознают необходимость гармонии национальных и общечеловеческих ценностей, располагающие современными знаниями,

интеллектуальным потенциалом и передовыми технологиями, могут добиться поставленных стратегических целей развития.

Не будет преувеличением заявить о том, что кардинальное реформирование системы образования стало важнейшим фактором и фундаментальной основой изменения сознания и мировоззрения людей, роста их политической и гражданской активности, уверенности в своем будущем.

Мы становимся свидетелями того, как на основе общественных наук конструируется новая социальная общность, призванная выполнять некую историческую роль. И возрастная стратификация не является более основой для её существования. Важным условием является осознание молодёжью себя как социального актора. Необходимо дать ему представление о том, к какой общности он относится и какие возможности она ему предоставляют, дать возможность вообразить себя частью дееспособного целого. Ведь молодёжь - это социальный конструкт, имеющий свои пределы, но являющийся актором общественного процесса.

Очень важно соблюдать законы и формировать у молодёжи политическое сознание, культуру, в целом, воспитывая молодёжь в духе преданности добрым традициям нашего народа, создать все условия для глубокого и прочного усвоения ими достижений мировой цивилизации и культуры, овладения современными знаниями. Сегодня необходимо жить в соответствии с высокими требованиями современности и решительно противостоять различным вызовам нашего времени.

Формирование условий для вовлечения молодежи в политические процессы через разные виды самоорганизации и взаимодействия - важнейший ресурс развития страны и её конкурентоспособности.

Воспитание нашей молодёжи духовно и физически развитыми личностями, которые будут иметь самостоятельное мышление и широкий кругозор, а также достойными продолжателями начатого благородного дела - это главный залог в деле всестороннего прогресса страны, и повышения авторитета страны на международной арене[4].

С этой целью Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев внёс предложение о совершенствовании государственной молодежной политики в "Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах", где уделяется большое внимание воспитанию физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение его социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества. Согласно Указу Президента Республики Узбекистан "О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана" в целях последовательной и эффективной реализации молодежной политики, всемерной поддержки молодежи, коренного реформирования системы защиты ее прав и законных интересов на базе общественного движения молодежи Узбекистана "Камолот" организован Союз молодежи Узбекистана.

Союз молодежи Узбекистана станет структурой, обеспечивающей эффективное взаимодействие с государственными органами, негосударственными некоммерческими организациями и другими институтами гражданского общества в реализации государственной молодежной политики, осуществляющей профессиональную деятельность под девизом "Молодежь - строитель будущего". В целях широкого освещения научных и творческих достижений молодежи, ее интереса к науке и литературе, важных новостей о молодежной политике будет организован Издательский дом молодежи, специализирующийся на выпуске изданий Союза молодежи Узбекистана.

Цель нового закона - дальнейшее совершенствование правовых основ, систематизация в едином законодательном акте положений, организационно-правовых механизмов формирования и реализации молодежной политики, обеспечение прямого действия за-

кона. Государственная молодежная политика в законе определяется как система социально-экономических, организационных и правовых мер, осуществляемых государством и предусматривающих создание условий для социального становления и развития интеллектуального, творческого потенциала молодежи.

Основными принципами государственной молодежной политики установлены участие молодежи в ее реализации, открытость и прозрачность, поддержка и стимулирование молодежных инициатив, приоритет духовных, нравственных и культурных ценностей, а также недопущение дискриминации молодежи[5].

Также важным является решение вопросов о трудоустройстве и привлечении в сферу частного предпринимательства выпускников средних специальных, профессиональных и высших образовательных учреждений, обеспечивая социальную защиту молодежи и создавая для молодых семей достойные жилищные и социально-бытовые условия. Поддержка и совершенствование творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения, формирование здорового образа жизни среди детей и молодежи путём привлечения их к физической культуре и спорту также является одним из основных задач стратегии действия нашего государства[6].

Ссылаясь на вышесказанное, можно сформулировать следующее:

- социализация - это один из основополагающих институтов цивилизации, обеспечивающий существование и развитие человечества. Являясь вневременным, глобальным явлением, она стала в последние десятилетия актуальной проблемой социально-гуманитарных научных дисциплин. Политическая социализация представляет собой процесс усвоения личностью политического опыта, накопленного обществом и реализующегося в культурных традициях, в групповых и коллективных ценностях, нормах статусного и ролевого поведения;

- высшая школа - это важный институт политической социализации. Она выступает одним из ведущих элементов системы образования, поскольку здесь происходит не только ретрансляция социального опыта и подготовка специалистов, но и осуществляется подготовка кадров для всей системы управления государством, способных практически претворять в жизнь основные целевые установки на развитие общества;

- при организации пространства гражданского воспитания молодёжи в вузовской среде реализуется системный подход, предполагающий взаимосвязанное использование потенциала всех институтов социализации, содержание социально-гуманитарных учебных дисциплин и организации деятельности, соответствующих внутривузовских структур для решения задач политической социализации учащихся.

Источники и литература

1. Бычков Д.В. Особенности процесса политической социализации молодёжи в современном российском обществе. -М.: Известия РГПУ им. А.И.Герцена, 2008. № 49. -С.35-40.

2. Васецкий А. А., Малькевич А. А. (2011) "Новые СМИ" в процессе политической социализации молодежи // Управленческое консультирование. № 3. С. 43-48.

3. Закон Республики Узбекистан "О государственной молодёжной политике" от 14 сентября 2016 года № 3 РУ-406.

4. Каримов И.А. Прогресс страны и повышение уровня жизни нашего народа - конечная цель всех демократических обновлений и экономических реформ. -Т.: Узбекистан, 2007.

5. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5106 от 5 июля 2017 года "О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности союза молодежи Узбекистана".

6. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. УП 4947 от 07.02.2017 г.

Саидов С.

ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯСИДА "УЧИНЧИ СЕКТОР"НИНГ ЎРНИ

Мазкур мақолада демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қурилишида "учинчи сектор"нинг ўрни ва роли таҳлил этилади. Нодавлат секторнинг функциялари, жамият ижтимоий модернизациясидаги иштирокига алоҳида урғу берилади.

В научной статье анализируется место и роль "третьего сектора" в строительстве демократического государства и сильного гражданского общества. А также, исследуются общественные функции негосударственного сектора и участие их в модернизации общества.

The scientific article analyzes the place and role of the "third sector" in the construction of a democratic state and a strong civil society. And also, the public functions of the non-state sector are investigated, and their participation in the modernization of society.

Фуқаролик жамияти ривожланар экан, унинг институционал асослари ҳам шаклланиб, тараққий этиб боради. Жамиятдаги кўплаб ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий муаммоларни ҳал қилишда "учинчи сектор" деб аталувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)нинг иштироки янада кучаяди. Бугунги кунда "учинчи сектор" тушунчаси дунёдаги барча мамлакатларда ижтимоий ишда ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларига нисбатан кенг қўлланилади (биринчи сектор - давлат, иккинчи сектор - бизнес ёки шахсий сектор.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари деганда, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда тузилган, ўз фаолияти давомида фақат фойда олишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймаган ва олинган фойдани унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот тушунилади[1].

Агар нодавлат нотижорат ташкилотларининг жаҳонда ривожланиш тенденциясига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор қизиқарли фактларга дуч келамиз. Хусусан, бу уларнинг номланиши билан бевосита боғлиқ. Аксарият хорижий давлатларда нодавлат сектори турлича номлар билан аталади. Халқаро доираларда ННТ - нодавлат нотижорат ташкилотлари деб номланади. Буюк Британияда "non-statutory sector" ёки "informal sector", яъни қонун билан ташкил этилмаган норасмий ташкилот ёки сектор деб аталади. АҚШда эса "tax-exempt sector", яъни барча солиқлардан озод этилган сектор дейилади. Франция ва Европа Иттифоқининг кўплаб давлатларида "economie sociale", Германияда - "gemeinnutzige Organisationen", "gemeninwirtschaftliche Unternehmen", Чехияда "obcansky sektor", яъни фуқаролар сектори, деб аталади.

Халқаро умумқабул қилинган стандартларга кўра, ННТлар ижтимоий фойдали ишлар билан шуғулланиб, жамият, фуқароларнинг турмуш даражаси яхшиланиши ва ҳаёт фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Улар ўз фаолияти орқали бирор иқтисодий, молиявий фойда кўришни мақсад қилиб олмайди. ННТлар ўз аъзоларини ижтимоий фойдали ишларга жалб этган ҳолда жамият ҳаётига тобора интеграциялашиб боради.

Хорижий экспертларнинг фикрича, нодавлат сектори субъектлари, биринчи навбатда, жамиятда ижтимоий капитал кўпайиши ва ривожланишига ҳам хизмат қилади. Ижтимоий капитал бир-бирига ўзаро ёрдам берувчи ва ҳамкорлик қилувчи ижтимоий муносабатлар тизими кўринишидаги жамоат ташкилотлари, ижтимоий тармоқ, ижтимоий нормалар ва ишонч орқали мустаҳкамлаб борилади.

САИДОВ Санжар, *Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети докторанти.*

Ижтимоий капиталнинг ривожланиши жараёнида нодавлат секторнинг иштироки ўрганилганда айрим қиёсий таҳлиллар асосида ҳам фикр юритиш мумкин. Масалан, Дж.Хопкинс университетининг Фуқаролик жамиятини тадқиқ қилиш маркази маълумотларига кўра, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатларида нодавлат секторнинг ривожланиш тенденцияси турлича. АҚШда ҳам нодавлат сектори бошқа давлатларда кузатилмайдиган кўринишларга эга. Марказнинг маълумотларига қараганда, Ғарбий Европа ва АҚШда фуқароларнинг нодавлат секторидаги иштироки 8-10 фоизни ташкил этади. Лотин Америкаси мамлакатларида 4 фоиз, постсовет давлатларда бор-йўғи 1,3 фоизни ташкил қилиб келмоқда[2].

ННТларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши, уларнинг моддий-техник ва ташкилотчилик фаолиятини ривожлантириш билан бир қаторда, жамиятда аҳолининг кам таъминланган қатламига ижтимоий хизматлар кўрсатишни яхшилашдан иборат. Шундай экан, ННТлар, уларнинг вакиллари ва аъзоларининг ҳам ижтимоий хизматлар соҳасида компетентлиги ва профессионализми талаб қилинади. ННТлар томонидан аҳолига ижтимоий ёрдам берилиши жамиятда ижтимоий капитал ривожланиши ва мустаҳкамланишига олиб келади.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, фуқароларнинг ННТларга бўлган интилиши ва аъзолиги мамлакатда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Жаҳон тажрибасида нодавлат сектори турли ижтимоий соҳалар: соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, маданият, санъат соҳалари, тарихий обидалар, фауна ва флора, экология, атроф муҳитни сақлаш, номоддий бойликларни, асраш, инсон ҳуқуқлари, аҳолига юридик хизматлар кўрсатиш каби тармоқларни қамраб олади.

"Учинчи сектор" аҳолига самарали ижтимоий хизматлар кўрсатишда энг фаол ташкилотлардан ҳисобланади. Сабаби, ННТлар аҳоли муаммо ва эҳтиёжларини тез пайқайди ҳамда қисқа вақт ичида масаланинг ечимини топа олади. Унинг энг катта ютуғи ўз фаолиятига кўнгиллиларни жалб эта олишида. Нодавлат секторнинг фаолияти натижасида таълим, соғлиқни сақлаш, спортни ривожлантириш орқали иқтисодиётга катта фойда келтириб, ривожланган давлатларнинг ЯИМ ўсишида ўзининг муносиб улушига эга бўлиб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инсон капитали ва ижтимоий капиталнинг ривожланишига таъсир ўтказади[3].

Маълумки, нодавлат сектори аҳолини иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, кадрларни қайта тайёрлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламни (ногиронлар, ишсизлар, турли ёшдаги аёллар ва ёшлар) ижтимоий ва иқтисодий соҳага жалб қилишда муҳим вазифаларни ҳам бажаради.

Бундан ташқари, ННТлар жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, демократик тамойиллар ривожланишида етакчи роль ўйнайди. Айнан, ННТлар кўпчилик фуқаролар учун "Демократия дарсхонаси" вазифасини бажаради. Шу билан бирга, давлат ва жамият тўғрисида ижтимоий фикрни шакллантиради. Давлатнинг "қўли етмаган" соҳаларни ривожлантиришга бевосита кўмак беради. Фуқароларни Ватанга муҳаббат, масъулият, фидойилик, фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши, ўзини ўзи бошқаришида муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг ўрнини ҳеч бир давлат органи боса олмайди. ННТлар томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлиги таъминланади. Шу аснода нодавлат сектори фуқаролик жамиятининг ажралмас ва муҳим бўғини ҳисобланади.

"Учинчи сектор"нинг жамият модернизацияси ва ижтимоий капитал ривожидаги ўрни ўзига хос қуйидаги хусусиятларга эга:

- ННТларнинг ҳар қандай вазият ва шароитга мослашувчанлиги;
- турли ижтимоий вазифаларни бажаришда уюшқоқлиги, тактика ва стратегияси, инструментларининг ранг-баранглиги;
- жамиятдаги муайян муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилишга интилиши;
- аҳолига аниқ йўналтирилган ва манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиши;

• муаммони ҳал қилишда янги инновацион ғоя ва механизмларни жорий қила олиши;
• сарфланган меҳнатнинг административ ресурслар сарфига нисбатан анча арзонлиги;
• кўнгиллилар сифатида фаолият олиб борадиган юқори малакали мутахассисларни жалб қилганда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши;
• давлат органлари дастурлари ва фаолиятига муқобил равишда ўзига хос фаолият тури;
• муаммо ечимини топишда комплекс ва интеграциявий ёндашувнинг мавжудлиги;
• ННТларнинг аҳолига кўрсатадиган ижтимоий ёрдамининг турли-туманлиги ва самарадорлиги.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар ННТлар фаолиятини янада самарали олиб боришга ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, кўп ҳолларда уларнинг фаолиятига тўсқинлик қиладиган бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Германиялик мутахассис Михаэль Бюршнинг, қачонки давлатнинг ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга қурби етмай қолса, унинг нодавлат секторига эҳтиёжи жуда ортади[4], дея таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

Учинчи сектор вакиллари жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни, аҳоли билан бевосита ишлаши, уларни ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш ҳамда жамиятда ижтимоий капитал ривожидаги ўрнидан келиб чиқиб, бир қанча функцияларни бажаради.

Нодавлат секторнинг иқтисодий функциялари. Нодавлат сектор аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида катта салоҳиятга эга ҳисобланади. Ривожланган Ғарбий Европа мамлакатларида бу кўрсаткич анчагина юқори ҳисобланиб, масалан, Бельгия ва Голландияда аҳолининг иш билан банд бўлган қисмининг 10-14 фоизини ташкил қилади.

Бундан ташқари, учинчи сектор бўлажак мутахассисларни тайёрлайди ҳамда ўз сафига кўнгиллиларни жалб этади. Уларда нафақат ўз соҳаси бўйича ходимлар, балки халқ хўжалигининг турли йўналишларида фаолият юритадиган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ишларини амалга оширади. Шунингдек, нодавлат сектор инсоннинг ижтимоий, диний эҳтиёжларини қондириш, жамиятда ўзаро бирдамликни мустаҳкамлаш орқали бозор иқтисодиётининг шафқатсиз қонуниятлари (marketfailure) билан курашишга ҳам ёрдам беради.

Нодавлат секторнинг ижтимоий функциялари. Шахснинг турли-туман интилишлари, ҳис-туйғу ва манфаатларини ифода этишда ННТларнинг роли катта. Улар қадриятлар, манфаатлар ва қизиқишлар умумийлигига асосланган инсонлар учун мулоқот "майдончаси" вазифасини ўтаб беради. Улар турли уюшмалар, хорлар, спорт клублари, диний жамоалар, касаба уюшмалари, этник гуруҳлар ассоциациялари, ўқувчилар клублари, скаутлар (scout) ва кўплаб бошқа турдаги бирлашмалар сифатида фаолият олиб боришади. Бир сўз билан айтганда, ННТлар ҳамжиҳатликда нималарнидир қилишга интиладиган инсонларни бирлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳаётини янада бойитишга хизмат қилади.

Нодавлат сектор турли хилдаги фикрлар жамланмаси ҳисобланиб, жамоатчилик манфаатларини илгари суриш ҳамда демократик тамойилларни тарғиб қилиниши билан жамиятда ижтимоий фикрнинг плюрализациясини таъминлаб беради. Бу эса ягона фикр ва мафкура монополиясининг олдини олишга, жамиятда ғоя ва қарашлар хилма-хиллигига асосланган ижтимоий мунозара ва мулоқотнинг шаклланишига ёрдам беради.

Учинчи секторнинг энг муҳим вазифаларидан яна бири - жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ва дискриминацияга учраётган гуруҳлар манфаатини ҳимоя қилиш (advocacy) ҳисобланади. Бундан ташқари, экологик муаммолар, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, коррупциянинг олдини олиш, жамоатчилик назорати каби "умумий фаровонликни кўзловчи" (watchdog) вазифаларни бажаришда ННТлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Нодавлат ташкилотлари, маргинализация хавфи остидаги инсонлар ва социал гуруҳларга (масалан, узоқ вақтдан бери ишсиз инсонлар ёки ногиронлар) жамиятга интеграциялашувида ёрдам беради. ННТлар уларнинг демократик институтларга ишончини ошириб, ўзаро ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиради. Жамиятда ижтимоий адолат ва бағрикенглик омиллари ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Нодавлат секторнинг сиёсий функциялари. Учинчи сектор соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматлар, маданият соҳасига оид давлат сиёсатидаги камчиликларни тўлдириб боришга ёрдам беради. Мисол сифатида битта нодавлат таълим муассасаси фаолиятига эътибор қаратиш кифоя. Шунинг учун ҳам ННТларнинг давлат ва шахс ҳаётидаги ўрни катта.

Бу борадаги миллий тажрибага тўхталадиган бўлсак, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концепцияси ишлаб чиқилиб, татбиқ этилди. Унинг мазмун-моҳияти фуқаролик институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз ҳаёти ва бутун жамият бошқарувидаги кенг иштирокини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистонда "учинчи сектор"нинг фаолият юритиши ва тараққий этиши борасида етарли даражадаги қонунчилик асослари яратилган. Жумладан, Конституциянинг жамоат бирлашмаларига бағишланган XIII бобида белгилаб қўйилган ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳам фикримиз исботи. Бундан ташқари, ННТлар фаолиятига тааллуқли норматив асослар сифатида "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида" (1991 й.), "Жамоат фондлари тўғрисида" (2003 й.), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида" (1999 й.), "Ижтимоий шериклик тўғрисида" (2014 й.), "Сиёсий партиялар тўғрисида" (1996 й.), "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (2013 й.) ва бошқа қонунларни эътироф этиш лозим. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2008 й.) қўшма Қарори ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма Қарорига мувофиқ, Олий Мажлис ҳузурида ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг ташкил этилиши ҳам фикримиз далили.

Нодавлат нотижорат ташкилот деганда, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда тузилган, ўз фаолияти давомида фақат фойда олишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймаган ва олинган фойдани унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот тушунилади.

Натижада, агар 1991 йил 1 январь ҳолатига кўра ННТлар сони 95 тани ташкил қилган бўлса, 2016 йилнинг охирига келиб уларнинг сони бир неча минг маротаба кўпайиб, 8700 тани ташкил этди. Бундан ташқари, 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларга давлат ҳокимияти органлари ваколатига тааллуқли 30 дан ортиқ вазифалар босқичма-босқич ўтказилди[5].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, нодавлат ташкилотлари тизими ўзига хос демократия мактаби ҳисобланади. Улар фуқароларни жамоатчилик муҳокамаларида иштирок этишга, давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли масалалар юзасидан эркин фикр билдиришга, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек, улар жамоатчилик лидерлари ва ижтимоий иш менежерларини шакллантиради. ННТлар давлат сиёсий элитаси ротацияси жараёнида иштирок этиб, жамият билан давлатни боғловчи ўзига хос "ижтимоий лифт" вазифасини бажариб келади. Шундай қилиб, "учинчи сектор" вакиллари жамиятнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётида ўз ўрни ва овозига эга ҳисобланади.

Қолаверса, "учинчи сектор" давлатнинг кўпгина ваколатларини ўз зиммасига олгани ҳолда жамият бошқарувининг тўлақонли иштирокчисига айланиб бормоқда.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни. 2-модда. LEX.uz

2. Руководство по некоммерческим организациям в Системе национальных счетов: https://www.hse.ru/news/126676910.html

3. Исраелян Е.В. Взаимодействие государства и гражданского общества: опыт Канады и российские реалии. 2002. -С 23.

4. Гражданское общество в Германии: особенности развития и регулирования http://2020strategy.ru/g16/news/32656316.html

5. Эшбоев Р. Нодавлат нотижорат ташкилотларига оид қонун ҳужжатлари уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун кафолатдир. http://www.minjust.uz - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

Имамов У.

ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИНГ ХАЛҚ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛЛИГИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Мақолада истеъмолчиларнинг эркин ҳаракати Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ҳимояланганлиги ва бу борада олиб борилаётган изчил давлат сиёсати акс этган.

Статья посвящена анализу основополагающих документов в сфере защиты потребителей целенаправленной государственной политике в данной области в Республике Узбекистан по созданию благоприятных условий обеспечивающих правовую защиту и свободу потребителей.

There is mentioned about the consumers' free attempts are protected by the laws of Republic of Uzbekistan This article is dedicate to the study of based on that the authority's policy is well being conducted in a successive way.

Биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя ва муҳофаза қилиш олий қадрият деб тан олинган. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий тамойилларини белгилашда жамиятни эркинлаштириш, халқнинг ҳаёт даражасини кўтариш, орзу-ниятларини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсадлар асосий вазифа қилиб олинган, бу йўналишда аҳоли даромадларини ошириш, истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, давлат билан халқ ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш муҳим вазифалардан бири.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистонни ҳар томонлама кучли тараққий этган давлатга айлантириш учун унинг буюк келажагини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-демократик асосдаги давлат ва жамият қурилиши масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда истеъмолчилар танлаш эркинлиги, улар манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, унинг республикада қанчалик амал қилинишига ҳам эътибор қаратишимиз керак. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Ушбу моддага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси томонидан эътироф этилган, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжат мамлакат иштирок этган халқаро шартнома ёки битим деб топилади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлгани боис, унга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари татбиқ этилади. Шу сабабли Фуқаролик кодексининг бу хусусдаги талаблари татбиқ этилишини инобатга олсак, Фуқаролик кодексининг 7-моддаси ҳам "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддаси талабларини белгилайди.

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунининг 3-

ИМАМОВ Улуғбек, *Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети докторанти.*

моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси - республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир.

Халқаро шартномалар шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши ва тузилиши, шунингдек, бошқача номланиши ҳам мумкин.

Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб, икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади. Халқаро шартномалар мазмунига кўра: иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий бўлиши, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳам тузилиши мумкин. Муддатига кўра шартномалар муддатли ва муддатсиз бўлади. Халқаро шартномалар бошқа турларда ҳам тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ республика томонидан тузилган шартномаларга, битимлар ва у қабул қилган мажбуриятларга риоя этилишини таъминлайди. Бугунги кунда бевосита истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор халқаро ҳужжатлар, шартнома ва битимлар мавжуд. Улар жумласига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Истеъмолчилар манфаатлари ҳимоясига оид резолюцияси, 1973 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти Кенгаши томонидан қабул қилинган Истеъмолчилар ҳуқуқлари Хартияси, 1975 йил 14 апрель ва 1981 йил 19 майдаги истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимояси ва Информацион (маълумот) сиёсатга оид Дастлабки (биринчи) ва Иккинчи дастурлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг 1995 йил 13 майдаги Санкт-Петербург шаҳрида имзоланган "Парламентлараро Ассамблеяси қатнашчиси бўлган давлатларнинг истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини тартибга солишнинг умумий тамойиллари ҳақида"ги тавсиявий характердаги қарори ва бошқалар киради. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро шартнома ва битимларгина мамлакат доирасида амалда бўлади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга татбиқ этилади. Шу боис юқоридаги тавсиявий характердаги қарор Ўзбекистон Республикасида амалда бўлмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Истеъмолчиларнинг манфаатлари ҳимоясига оид резолюцияси Олий Мажлис томонидан ратификация қилинганлиги учун мамлакат ҳудудида амал қилади.

Истеъмолчилар борасидаги замонавий сиёсатнинг пойдевори БМТ Бош ассамблеясининг "Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг раҳбарий тамойиллари" деб номланган резолюцияси (№ 39/248, 1985 йил 9 апрель) орқали яратилди[1].

Мазкур резолюциянинг биринчи бўлимида истеъмолчилар талаблари ҳамда эҳтиёжларини, уларнинг тенг ҳуқуқлилик ва барқарорлиги узвийлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистонда фуқароларнинг миллати, ирқи, келиб чиқиши, мавқеи, дини, жинси ва ёшидан қатъи назар тенг ҳуқуқли эканлиги Конституция билан кафолатланган. Масалан, Бош Қонуннинг 2-моддасида кафолатланганидек: "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар". Бу қоида давлат ҳокимияти идораларининг халқ олдидаги ҳисобдорлигини назарда тутади, уларнинг фаолияти устидан жамоат назоратини, шунингдек, давлат фаолиятининг фуқаролар учун очиқ ва ошкора бўлишини шартлаб қўяди. Жамоатчилик назорати — фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири. Шуни айтиб ўтиш керакки, жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун биргина давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятигина етарли эмас. Бунинг учун фуқаролар ўз конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини, фуқаролик бурчларини билишлари, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишлари, уларни ҳимоялаш кўникмаларига эга бўлишлари зарур. Бошқача айтганда, фуқаролар Конституция ва қонунларга амал қилиб яшашни ҳаёт тарзига айлантиришлари лозим.

Ўзбекистон иқтисодиётида истеъмолчилар муҳим ўрин тутади. Шу сабабли истеъмол-

чилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда, давлат органлари билан бир қаторда, жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш ҳам асосий масалалардан бири ҳисобланади. Истеъмолчилар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин. Шуни унутмаслик керакки, истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширишлари керак. Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқи турли конунлар билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида таъкидлангани-дек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар».

Ушбу модда мазмунидан келиб чиқиб, истеъмолчи-фуқаролар ўз ҳуқуқ ва манфаатларига кўра, истеъмолчилар жамоат бирлашмаларини тузишга ҳақлидирлар. Фикримизни аниқ қилиб айтадиган бўлсак, "Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда"[2]. Шунингдек, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддасига биноан, истеъмолчилар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин. Т.Туребековнинг фикрича, барча жамоат ташкилотларининг мақсади битта - нотижорат характеридаги умумий манфаатларни амалга ошириш ва у билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдир[3].

Ўзбекистон Республикаси томонидан эътироф этилган, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжат мамлакат иштирок этган халқаро шартнома ёки битим деб топилади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлгани боис, унга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари ҳам татбиқ этилади.

Жамоатчилик назорати, бир томондан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш механизми вазифасини ўтайди. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги, халқ билан мулоқот йўлга қўйилганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан демократик давлат белгиси ҳисобланиши аниқ далиллар билан такрор ва такрор таъкидланмоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат назорати долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя ва муҳофаза қилиш олий қадрият деб тан олинган экан, глобаллашув туфайли бўладиган турли жабҳалардаги ўзгаришлар адолатли гуманистик жамият қурилишига тўсқинлик қилиши керак эмас. Биз, аввалambор, халқ манфаатларини кўзлайдиган ҳар бир соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишимиз лозим.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат идораларининг халқ олдидаги масъуллигига катта эътибор қаратиш лозимлиги сиёсат даражасида қаралмоқда, бунда жамоат назоратининг долзарблиги ва муҳимлиги тўғрисидаги масалалар Президент Ш.Мирзиёевнинг нутқларида, аҳоли билан учрашувларда, мамлакат ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан бўлган суҳбатлар чоғида ҳам долзарблик жиҳатидан асосий масала сифатида қаралмоқда.

Давлат идораларининг халқ олдидаги масъуллиги ҳамда жамоатчилик назоратининг асл маъноси шундан иборатки, барча жамоат бирлашмалари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, депутатлар, фаоллар, умуман, барча - қария ва ёшлар, эркак ва

аёллар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг суръат ва сифатига, ислоҳотларни бошқараётган раҳбарлар иши ва малакасига холисона баҳо бериб, уларни назорат қилиши, бунда халқнинг дардини эшитиш, улар билан биргаликда мавжуд муаммоларни бартараф этиш даркор. Шунда биз "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йили давлат дастурига монанд вазифаларни оқилона бажарган бўламиз. Хорижий давлатларда амалда бўлган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари таҳлили шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда, хусусан, Англия, Греция, Италия, Нидерландия, АҚШ, Германия, Швецияда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича меъёрлар умумфуқаровий қонунчилик таркибида яратилиб, ривожлантирилган. Бошқа мамлакатлар, масалан, Бельгия, Бразилия, Ирландия, Испания, Канада, Португалия, Финляндия, Франция, Японияда махсус умумлаштирувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, Бразилияда "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш кодекси", Францияда "Француз Республикасининг истеъмолчилик кодекси" амал қилади.

Баъзи Fарб мутахассисларининг фикрича, АҚШ, Япония ва Fарбий Европада ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига "ишлаб чиқарувчининг мутлақ жавобгарлиги" концепциясини қўллаш борасида ҳаракат қилишмоқда. Масалан, бугунги кунда Японияда истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунчилиги соҳасида парламент томонидан тасдиқланган 50 та умуммиллий қонун ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан қабул қилинган ўндан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган. Канаданинг ҳар бир ҳудудида истеъмолчиларни ҳимоя қилишга қаратилган 5-6 та маҳаллий қонун ҳужжатлари амал қилади, яъни уларнинг сони юздан ортиқ бўлиб, уларга қўшимча равишда яна шунча федерал қонунлар ҳам мавжуд. Австрияда 200 га яқин, АҚШда 150 та, Германияда тахминан 80 та, шунингдек, 300 дан ортиқ ҳукумат қарорлари мавжуд (нон, сут, балиқ ва ҳ.з. маҳсулотларга тааллуқли "тўғридан-тўғри таъсир этувчи" қонунлар қабул қилинган). Бу қонунлар бир-бирини тўлдирар экан, истеъмолчи сифатида инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчи хулқи, хатти-ҳаракати, манфаатлари, танлаш эркинлиги тўғрисидаги назариялар А.Смит, Р.Тиффен, Т. Веблен, Э.Энгель, Г.Госсен, У Джевонс, А.Маршалл, Д.Робертсон, Дж.Хикс, В.Парято, Е.Слуцкий, С.Филшер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи, П.А.Самуэльсон, В.Д.Нордхаус, К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, Э.Х. Чемберлин, шунингдек, МДҲ давлатлари олимлари: М.Н.Чегурин, В.Д.Камаев, Р.М.Нуреев, Б.А.Райзберг, Л.ГСимкина, Е.Ф.Борисов, Ф,Я.Иохин, А.А.Костулев, Ю.Л.Сидорова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Давлат идораларининг халқ олдидаги масъуллиги ҳамда давлат органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократиянинг муҳим шартидир. Жамоатчилик назоратининг мавжуд бўлиши давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъуллигини таъминлашга интилаётган ҳар қандай давлат учун ниҳоятда муҳим.

Давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиши жамият ривожида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳозирги даврда Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давлат идораларининг халқ олдидаги масъуллигини ривожлантириш йўлидаги ислоҳотлар жамоатчилик назорати муаммосини чуқур илмий тадқиқ этишни талаб этади. Ҳал қилиниши кутилаётган илмий муаммо ҳам демократик ислоҳотлар жараёнида жамоатчилик назоратининг ўрни ва ролини илмий тадқиқ этиш, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъуллигини ошириш ҳамда уларнинг халқ олдида ҳисобдорлигини таъминлаш борасида муайян механизмларни ишлаб чиқиш лозимлигида.

Энг аввал, қуйидаги илмий вазифаларнинг ҳал қилиниши кутилмоқда:

жамоатчилик назоратининг моҳияти ҳамда жамиятни демократлаштириш жараёнидаги ролини очиб бериш;

жамоатчилик назоратининг ўзига хос хусусиятлари, кўринишлари, шакл ва воситаларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш имкониятларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратини кучайтириш, вакиллик органлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ташкилотлар, касаба уюшмалари, фуқаролар ва бошқа тузилмаларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини юксалтириш борасида изланиш олиб бориш, бу соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган хулосалар, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш билан боғлиқ муаммо ва мураккабликларни очиб бериш ҳамда масаланинг мақбул ечимларини илгари суриш;

Ўзбекистон Республикаси давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш истиқболлари хусусидаги мулоҳазаларни баён этиш;

илмий журналларда давлат идораларининг халқ олдидаги масъуллиги ва инсон манфаатлари мавзусида илмий мақола чоп этиш;

"Жамоатчилик назорати: ривожланган давлатлар тажрибаси" номли рисола тайёрлаш;

"Давлат идораларининг халқ олдидаги масъуллиги ва жамоатчилик назорати, бунда инсон манфаатлари, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқлари - Ўзбекистонда кучли жамият қуриш кафолати" номли рисола тайёрлаш;

"Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш: муаммолар ва ечимлар" мавзуида таҳлилий материал тайёрлаш;

давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг конкрет модели ва механизмларини таклиф қилиш.

Истеъмолчилар борасидаги замонавий сиёсатнинг пойдевори БМТ Бош ассамблеясининг "Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг раҳбарий тамойиллари" деб номланган резолюцияси (№ 39/248, 1985 йил 9 апрель) орқали яратилди. Ушбу резолюцияда истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш давлат тузилмалари фаолияти, мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назорати ўрнатишни шартлаб қўяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг чиқишларида давлатнинг назорат функцияларини кучайтириш эмас, аксинча, текширувларни бартараф этиб, тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш кераклиги таъкидланади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Жамоат назорати объектлари фаолиятининг Конституция моддалари, қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослиги ва улар томонидан давлат интизомига риоя қилиниши устидан фуқароларнинг ташкилий расмийлаштирилган фаолияти жамоат назорати деб номланади. Кўриниб турибдики, жамоат назоратининг амал қилиш доираси анча кенг. Бундан ташқари, жамоат назоратида давлат интизомига риоя қилиниши ҳам ўрганилади. Бунда жамоат назорати объектларининг ўз хизмат вазифаларига амал қилиши, ўз фаолиятида қонунчиликда ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиши, шунингдек, улар томонидан давлат вазифалари ва мажбуриятларининг ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда қатъий бажарилиши текширилади.

Жамоат назорати қонунийлик, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, ихтиёрийлик ва ошкоралик тамойилларига таянган ҳолда амалга оширилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг гувоҳлик беришича, жамоат назоратини амалга оширувчи субъектлар зиммасига фақатгина кузатувчилик ва ахборот бериш вазифалари юклатилади. Улар таш-

килот ва корхоналарнинг фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш ҳамда аралашиш ваколатларига эга бўлмайди. Шунинг учун давлат идоралари фаолиятига аралашувни жамоат назорати билан адаштирмаслик керак. Жамоат назоратини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари чекланиши ёки бузилиши мумкин бўлган ташкилот ва идораларнинг фаолиятига устувор аҳамият берилади.

Жамоатчилик назорати давлат назорати каби барқарор фаолият кўрсатувчи, қатъий тизимга эга бўлмагани боис ҳар бир ҳолатда турлича шакл ва мазмун касб этади. Бироқ жамоат назорати тасодифий табиатга эга бўлмаслиги лозим. Шунинг учун жамоат назорати субъектлари томонидан суиистеъмол ва бузилишларга йўл қўймаслик мақсадида ҳамда жамоат назоратининг самарали бўлишига эришиш учун ижтимоий фаолиятнинг мазкур соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим. Фақатгина махсус қонун орқали жамоат назоратининг ҳуқуқий шарти ва чегараларини белгилаш, зарурий назорат билан номақбул аралашувни ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига кўра: "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар". Айнан шу меъёр ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларидан бирини ўзида ифода этади. Демак, давлат идоралари қонунларга бўйсуниши, фақат қонунга таянган ҳолда фаолият юритиши керак. Бироқ давлат органларининг фаолияти устидан жамоат назоратисиз қонунга тўла итоат қилинишига эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон иқтисодиётида истеъмолчилар муҳим ўрин тутади. Шу сабабли истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда, давлат органлари билан бир қаторда, жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш ҳам асосий масалалардан бири ҳисобланади. Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги илғор тажрибани ўрганиш, Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида давлат идоралари ва мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг самарали механизмларини яратиш давр тақозосидир. Жамоат назорати объектлари фаолиятининг Конституция моддалари, қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослиги ва улар томонидан давлат интизомига риоя қилиниши устидан фуқароларнинг ташкилий расмийлаштирилган фаолияти жамоат назорати деб номланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида муҳим демократик тамойиллардан бири ифодаланган: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар". Бу қоида давлат ҳокимияти идораларининг халқ олдидаги ҳисобдорлигини назарда тутади, уларнинг фаолияти устидан жамоат назоратини, шунингдек, давлат фаолиятининг фуқаролар учун очиқ ва ошкора бўлишини шартлаб қўяди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини янада ошириш борасидаги ишларнинг дастлабки босқичи мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзаро уйғунлик ва мантиқий боғланишни таъминлашдан иборат бўлиши лозим. Шу муносабат билан Фуқаролик кодексидаги тегишли моддалар ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни қайта кўриб чиқиш лозим. Бундан ташқари, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузувчи айрим хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилиш лозим.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, улар фуқаролар ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, улар-

нинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда[4].

Юртимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислоҳотлар халқ учун барқарор ва самарали тараққиёт яратишга йўналтирилган экан, Ўзбекистонда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ортиб бораётганлигини эътироф этган ҳолда улар фаолиятини янада ривожлантириш давр талаби бўлиб бормоқда. Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш деганда, уларга қонун ёки шартнома орқали берилган истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари назарда тутилади. Истеъмолчи бугун маълум даражада иқтисодий тарбияга эга шахс бўлиши лозим. Г.М. Гукасьяннинг фикрича, "Иқтисодий одам - танлов эркинлигига эга ва ўз мақсади, қизиқиш ва эҳтиёжларига асосланиб, имкониятга қараб оптимал ва рационал қарор чиқара оладиган бозор иқтисодиётининг ижодий субъекти"[5]. Шундай экан, истеъмолчи, даставвал, ўзининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ва бошқа тегишли қоидалар билан қуроллантириб олиши керак. Аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши ижтимоий ва давлат ҳаётида фаол иштирок этиши, табиийки, жамиятимизни янада демократлаштиришга, шу билан бирга, фуқаролик институтларининг ривожланишига туртки бўлади.

Одамларнинг дунёқараши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиши истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлиги, нафақат давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятига, балки истеъмолчилар ҳуқуқий билимлари даражасига ҳам бевосита боғлиқ. Чунки истеъмолчи мамлакатда амал қилиб турган ҳуқуқий нормалардан хабардор бўлиб туриши, аввало, фуқаролик ҳуқуқлари ноҳақ бузилишида ҳимоячи вазифасини ўтайди.

Истеъмолчи замон билан ҳамнафас бўлиши, ўзининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онгини амалдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа ҳужжатлар қоидалари билан қуролланиб, маънавий иммунитетини шакллантириши лозим.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида жамоат бирлашмаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлари, кафолатлари ҳамда рағбатлантирилишини таъминлаш мақсадида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Демак, демократик жараёнларнинг такомиллашуви борасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш йўналишида яна бир муҳим қадам қўйилди, ушбу тадбирларни амалга ошириш ва назоратни олиб бориш Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига топширилиши пуллик савдо, маиший, тиббий хизмат ва истеъмолчиларга тааллуқли қонун доирасидаги бошқа муносабатларда кенг жамоанинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ўз ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ҳамда истеъмол бозори ва турли хизматлар кўрсатилишида доимий назоратни ташкил этиб, тартибга солинишига асосий замин яратилди.

Маълумки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уюшмалар ривожида ҳам намоён бўлади. Мазкур ташкилотлар назоратини кучайтириш натижасида давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини шакллантириб, қонун ижроси таъминланишига эришишимиз, давлат бошқаруви идораларининг вазифаларини босқичма-босқич давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш, шу тариқа ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла институти ҳамда жамоат бирлашмалари ролини мустаҳкамлаш масаласи муҳим аҳамият касб этиб, олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида акс этади.

Манба ва адабиётлар

1. Борисов А.К. Законодательные акты зарубежных стран: Приложение к Резолюции № 39/248 Генералной Ассамблеи ООН от 9 апреля 1985 года. П.4 -М.: 1998. -С. 62.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2010.

3. Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф. Дисс....канд юрид. наук. - Тошкент., 2002.

4. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир -Т.: Ўзбекистон. 2011.-360 б.

5. Г.М. Гукасьян. Экономика от "А"до "Я", тематический справочник. -М.: 2010.-С.248.

Utegenov O.

LOCAL SELF-GOVERNING BODIES TO IMPROVE THE LEGAL STATUS AS A SUBJECT OF PUBLIC ENVIRONMENTAL CONTROL

This article is about particular qualities and conceptions of socio-ecological control, conclusions and offers done about this problem.

Мақолада жамоат экологик назорати субъекти сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида сўз юритилади, тегишли таклиф-тавсиялар берилган.

В статье говорится о правовом статусе субъекта общественно-экологического контроля, имеются выводы и предложения по данной проблеме.

During the years of independence, self-governing bodies consistently expanded the powers of the central part of the powers of state and local governments, civil society and special attention was paid to go to this unique Institute.

It should be noted that, as a result of reforms implemented in recent years, especially in the Concept of further deepening democratic reforms and formation of civil society as a result of legislation adopted in the framework of a series of self-government control of the public, including the public authorities related to the implementation of environmental control and the role of a qualitatively new level.

It should be mentioned that the European and North American countries and regions of democracy, and experience has shown that[1] most essential Institute, known as one of the important subjects of public control. This is in connection with the special legal status of these bodies, their way of life of the local people directly regulate the personal participation and support.

At the same time self-governing bodies with legal status as a subject of public ecological control of December 27, 2013, "Environmental monitoring" and dated 22 April, 2013 "Self-government of citizens" (New edition) laws, as well as the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan October 7, 2013 "On measures to further improve the activity of the self-governing bodies". The same private network as well as in environmental law, citizens' self-governance bodies, including environmental, regulated by the public authorities in the field of environmental control.

In particular, the new edition of "Self-governing bodies of the Law" on civil society institutions, which depends on the level of public environmental control, or that envisages the following powers: in buildings, the implementation of laws and other legislation related to the construction of cottages and houses in the surrounding area observance of rules on land use and the protection of public control; each quarter, the Republic of Karakalpakstan, regions and Tashkent city, the heads of executive authorities of districts and cities reporting on matters within the sphere of activities of citizens' assemblies; (exercise) control over the consideration of appeals of citizens' assemblies; environmental protection, the sanitary condition of the territory within its competence on the landscaping of it in enterprises, institutions, and hear reports of the heads of the organizations as well as the results of their decisions; land contributes to the protection of the environment (realization) of district, city commission will send its representative; each farm business books (Article 11); the establishment of protected natural areas, conservation

UTEGENOV Ongarbay, *Independent researcher of Tashkent state law university, assistance professor docent.*

and utilization activities, control over the observance of sanitary and environmental status of the region contributes to the implementation of the relevant state bodies; the improvement of the population in the region, and territory on a voluntary basis, to participate in the work of the public assistance (hash) organization; in ensuring public order and public security will help law enforcement authorities; citizens in the fight against natural disasters and contribute to the elimination of the consequences of their involvement (Article 13); relevant government agencies in protected natural areas, and asked for information about the intangible cultural heritage (Article 14).

Article 16 of the Law, the implementation of local self-governing bodies of public control by three (the study of the status of the implementation of legislative acts; state agencies; requests) enshrined.

In this regard, Article 18 of the Law on the main activities of the citizens' gatherings of citizens in ecology and environmental protection, landscaping and gardening structure envisaged by the Commission.

This, in turn, as Z.R.Ro'ziev noted, balanced harmonic development of the relationship between man and nature, and environmental systems, natural complexes and to ensure the protection of certain objects, as well as the right to a favorable environment as an issue of local importance.

As, the decision of Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on October 7, 2013 No. 274, "On measures to further improve the activity of the self-governing bodies", this commission approved the standard (9).

According to this, the activities of the Commission for the necessary information prescribed by the relevant organizations, and if necessary place to go to learn about the proposals to the assembly of citizens; environmental protection of the environment, the improvement of citizens as well as the organization of activities on the territory of the Council; In order to carry out the tasks assigned to it, of government officials, representatives of non-governmental organizations, experts and other persons involved other rights of citizens and make proposals to the Council (paragraph 8).

According to the results of analysis and studies, the powers of citizens in the implementation of public environmental monitoring by self-government bodies can be divided into 3 models:

1st model. Citizens' self-government bodies which implement in practice of social and environmental control take first place among non-state non-profit organizations. At present, this model dominates in practical sectoral environmental legislation, possibly turning into a modern trend, for example, in the second part of Article 84 of the Land Code, in the third part of the 14th article of the law on sanitary and ecological conditions of the population, in the 13th article of the law "On Waste "and others, the right of citizens and non-profit organizations to participate in the implementation of public environmental control in citizens' self-government bodies is given.

2 model considers equality of the self-government bodies of citizens and non-governmental and non-profit organizations, as well as citizens' in the implementation of public environmental control.

For example, the 10th article of the law of 3 December 2004 on Protected Natural Territories considers the creation of natural protected areas, the protection and the same authorization of self-governing bodies of citizens, non-state or non-commercial organizations, citizens of the society in the implementation of environmental control.

The third model provides non-governmental and non-profit organizations and citizens for additional opportunities to implement public and environmental control.

For example, in the 5th article of the law "on the protection of wildlife and their use", the right of citizens and associations of societies in the field of protection of fauna and their territories is distributed in this regard: public examination and public control.

However, there is no mention of the right and responsibilities of citizens' self-government bodies in this sphere.

And this, in turn proves the absence of a direct attitude and approach, the subject of public environmental control in the current environmental legislation.

From our point of view, even if at present time in the documents of the law does not have a priority, it is advisable to develop the second model. Because, the1st model which is widely used at present time restricts the rights of other subjects of public environmental control (non-state, non-profit and citizens). If necessary, it restricts their legal points as an independent subject of public environmental control.

In addition to the above, taking into account the current socio-political and organizational and legal conditions, as well as the fruitful activity of self-governing bodies of citizens, it is advisable to pay special attention at the expansion of their powers.

Thus, as the first president of our state IA.Karimov stressed:

"Makhalla, which is a rare way peculiar to our people in the organization of public control and self-government has such intelligence and capabilities, we have not been able to use fully.

In order to establish public control over the activities of government bodies, expanding the responsibilities of the makhalla, implementing social programs and activities implemented in the field, ensuring strong concern of state bodies over citizens' self-government bodies with a view to wide public awareness and in the future should always be at the center of our attention.

Commission citizens (meeting of the representatives of the citizens), chairman of the citizens' assembly (the elder) and his advisers 10-15, within one month after the members of the committee.

The number of members of the Commission, depending on the size of the working population and the number of citizens' assemblies. The chairman of the committee members and citizens (citizens' representatives) shall be elected for a term of two and a half years. Head of the commission, as a rule, the chairman of the citizens' assembly (the elder) is carried out by the adviser.

The Commission consists of the bodies of internal affairs officers, educational institutions, public service organizations, "Kamolot" youth movement in the region, enterprises, organizations and institutions as well as representatives from the Organization for life experience, have a reputation among the population and its impact on educational citizens, including youth initiatives may be included.

With the adoption of the law "Environmental control" on December 27, 2013 on local self-government in the field of environmental monitoring activities further expanded. Citizens' self-government bodies, public authorities related to the implementation of environmental control network environment is also reflected in the legislation.

In particular, the "Protection of Nature" in accordance with Article 29 of the Law on environmental conservation activities as one of the main objectives of control as well as to improve the efficiency of state environmental programs and the implementation of environmental programs will be to ensure the participation of local self-governing bodies.

According to "On the sanitary-epidemiological well being of the population," on August 26, 2015 No. 393, in the Article 14 of the Law of ensuring sanitary and epidemiological wellbeing of the citizens' self-government bodies, non-governmental organizations shall be regulated, in particular, the bodies of 4 defines competence. According to him, citizens' self-government bodies in the implementation of the sanitary-epidemiological wellbeing activities in the construction yard and around the house and the courtyard and adjacent territories, public oversight of compliance with the rules.

However, important to note that this law, the provision of sanitary-epidemiological wellbeing of the citizens' self-government, non-profit organizations to participate in Article 14, related to the "peace of mind of sanitary-epidemiological sector of the population of the state regulation" contained in Chapter 2 of this this is contrary to the nature of the structures and legal status. "the protection of animals and the use of" citizens and public associations in the field of the protection of wildlife and its habitat on the rights and obligations listed in Article 5 of the general rules, and it logically and legally correct measures. Therefore, the "sanitary-epidemiological wellbeing of the population," Article 14 of the Law of the purpose of chapter 1 of the Law.

According to "The actions of the Law" on May 25, 2000 on public ecological expertise, focusing on the analysis of Article 23, which only the right to initiate a public examination of the environmental non-governmental organizations and citizens can be seen by itself.

However, this "self-government" (new edition) and Article 16 of the Law "Environmental Control" is not fully compatible with Article 15 of the Law. Because "environmental control" in accordance with paragraph 9 of the first part of Article 15 of the Law on local self-governing bodies are considered to have the right to conduct public environmental examination. Therefore, in order to overcome the laws of this improper "actions of the Law" On public ecological examination of the purpose of the new wording of Article 23.

In addition, the Cabinet of Ministers dated August 5, 2014, approved by Resolution No. 216 "On the procedure for the implementation of environmental control" On the 29-point "n" the eighth paragraph of part of one of the officials carrying out the state ecological control powers in the field of protection of the natural environment as a verb, the result of a citizens' self-government bodies is planned to deliver.

However, this authority is not reflected in the mechanisms of implementation of the law. In other words, if the above official authority in the field of protection of the natural environment using a self-governing authority in the person who committed the violation of citizens' self-governing bodies, and this can affect how a person measures, in this case, actions remains unclear. Therefore, the current legislation is precisely the intended purpose.

In addition, the Cabinet of Ministers, approved by Resolution No. 246, "Environmental Protection Fund" on the not emphasize the role of local self-governing bodies on May 24, 1993. Opinion provided for in paragraph 12 of this Regulation of the Board of the National Fund for Nature Protection, representatives of public organizations, the rule is to fill in the "neighborhood" of the charity's purpose is to provide access to.

References

1. Belokrylova O.S. Vaxtina MA Neither Putin k grajdanskomu Obshchestvo. Weather in Russia charity Touch social controls // Journal of Economic Regulation (Voprosova regulirovaniya ekonomiki). - 2014. - No. 4 5. Tom. - S. 19.

2. The Republic of Uzbekistan dated 22 April 2013 No. 350 "On the self-governing bodies of Uzbekistan" On introducing amendments and additions to the "Law // Law of the Republic of Uzbekistan, 2013, N., 17, 219 Article.

3. Ruziyev Z.R. Citizens' self-government bodies in the Republic of Uzbekistan in the sphere of protection of the environment // improvement of the legal framework for environmental protection system: the republican scientific-practical conference materials. Tashkent: Law, 2014. - B. 174.

4. October 7, 2013, the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the activity of the self-governing bodies", No. 274 // Law of the Republic of Uzbekistan, 2013, N., 41, Article 549.

5. S. Bory B. Samoilov Social ecological control as an important factors of preserving ecosystems // 24.07.2013 G. Narodnoe Slovo

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. //Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин 10-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2002.

Арабов Н.

МЕҲНАТ БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ушбу мақолада меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ва омиллари таҳлил этилган, унинг шаклланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар аниқланган ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

В данной статье анализированы социально-экономические показатели и факторы эффективного развития инфраструктуры рынка труда и определены социально-экономические вопросы, связанные с повышением эффективности формирования инфраструктуры, а также определены основные тенденции в сфере общественных и негосударственных служб занятости.

This article analyzes the socio-economic indicators and factors of effective labour market infrastructure development and identifies socio-economic issues related to improving the efficiency of infrastructure development, as well as the main trends in the sphere of public and non-state employment services.

Аҳолининг меҳнатда бандлик даражаси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланиш кўламини ифодаловчи кўрсаткичлардан биридир. Меҳнат ва аҳоли иш билан бандлиги соҳасида бозор алоқаларини ривожлантириш янги ва ўхшаш бўлмаган ёндашишни, меҳнат бозори элементларини ўрганишда мунтазамлиликни, бозор категориялари ва тушунчаларининг услубий базасини янгилашни талаб этади. Иқтисодиётни қайта қуриш ва шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида аҳолини иш билан бандлиги соҳасидаги институционал тузилмалар фаолиятини жадаллаштириш ва нормативҳуқуқий базаларини ривожлантиришни талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ"[1]. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда "янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш"[2] долзарб масала ҳисобланади.

Меҳнат бозори инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари ёритиб берилган бўлиб, унинг ташкилий таркиблари ва устқуртмавий элементлари, вазифалари ва функциялари, даражавий бўлимларининг поғонали тизими ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасидаги иш фаолиятини ташкил қилиш асослари илмий жиҳатдан асосланган[3].

«Меҳнат бозори инфратузилмаси» тушунчасининг моҳияти, унинг функционал элементлари, таркибий қисмларининг таснифи ва ўзаро алоқадорлиги ёритиб берилган ҳамда

АРАБОВ Нурали, *иқтисод фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети.*

меҳнат бозори инфратузилмаси даража ва функциялари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптимал усуллардан фойдаланиш зарурати қисман асосланган[4].

Меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши, унинг тур ва шакллари, ишлаш механизми, меҳнат бозори моделлари ҳамда ишсизликни камайтириш йўллари ва иш билан бандликни тартибга солиш механизмлари тадқиқ этилган. Шунингдек, мавзуга доир жиҳати бўйича аҳолини иш билан таъминлаш дастури ва иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таснифининг илмий асослари тадқиқ этилган[5].

Меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланган. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепцияси ишлаб чиқилган[6].

Тадқиқот жараёнида меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро самарали алоқадорлигини аниқлаш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди ҳамда иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг оптимал усуллардан фойдаланиш зарурати асосланди.

Меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиш самарадорлиги унинг таркибий қисмлари самарадорлиги билан аниқланади, уларнинг ҳар бири унинг натижасига ўз ҳиссасини қўшади. Лекин меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишини умумлашган ҳолда баҳолашни таъминловчи иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари унинг таркибий қисмларининг қайтимини тавсифлаш, ривожланишининг истиқболли йўналишларини аниқлаш асосида кучли ва кучсиз томонларни ажратиш имконини бермайди.

Давлат иш билан бандлик хизмати барча тизимлари самарадорлиги масалалари долзарб ҳисобланиб, унинг ҳудудий органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш зарур. Давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама баҳолашда унинг якуний ши натижаларини тавсифловчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилди. Шунингдек, республикамиз Бандлик меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозори мониторингини мустаҳкамлаш мақсадида ва ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизимини кенгайтириш зарур. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги "Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 106-сонли Қарорига кўра, меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш методикасига асосланган ҳолда таҳлил жараёни амалга оширилди[7].

Меҳнат бозори ҳолатининг етарли даражада барқарор таъминланиши меҳнат бозори инфратузилмаси барча субъектлари, шунингдек, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари томонидан кутилаётган бир қатор жорий масала ва муаммоларнинг муваффақиятли ечимларини ҳал этишни тақозо этади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қўлга киритилаётган ижобий натижалар, шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш асосида замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этаётганлигининг далили ҳисобланади.

Иқтисодиётни диверсификациялаш ва замонавий иқтисодиёт тармоқларини модерни-

зациялаш жараёни уни ташкил этувчи субъектлар иқтисодий фаолияти моддий базасининг ривожланишига боғлиқ, чунки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг шарти ва бош омили ҳисобланади.

ЯИМ сўнгги йилларда нисбатан ўсиш тенденцияси (ўтган йилга нисбатан 2000 йилда - 3,8%, 2016 йилда - 7,8%) республикамизнинг барча соҳаларида кузатилди. Жумладан, ҳудуд иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида олиб борилаётган туб ислоҳотлар кейинги йиллар мобайнида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётида саноат ишлаб чиқариши ўтган йилга нисбатан 2000 йилда 101,3 %ни, 2015 йилда эса 105,8 %ни ташкил этди. Худди шундай ўсиш суръатларини бошқа соҳа ва тармоқларда ҳам кўриш мумкин, яъни таҳлил этилаётган йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 2015 йилда 28544,3 млрд. сўм, ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажми 88587,6 млрд. сўм, аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 27297,1 млрд. сўм, қурилиш-пудрат ишлари 12587,0 млрд. сўм, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 41670,5 млрд. сўмни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, млрд. сўмда

Кўрсаткичлар	2000 йил	Ўтган йилга нис-т ўсиш, %да	2005 йил	Ўтган йилга нис-т ўсиш, %да	2010 йил	Ўтган йилга нис-т ўсиш, %да	2015 йил	Ўтган йилга нис-т ўсиш, %да	2016 йил	Ўтган йилга нис-т ўсиш, %да
Ялпи ички маҳсулот	3255,6	103,8	15923,4	107,0	62388,3	108,5	171369,0	108,0	199325,1	107,8
Саноат	462,4	101,3	3370,9	103,8	14882,5	104,2	41531,0	105,8	111267,2	106,0
Қишлоқ хўжалиги	978,5	103,2	4192,8	105,9	11226,0	106,6	28544,3	106,8	48431,1	106,6
Ишлаб чиқарилган хизматлар	x	x	x	x	32749,8	115,1	88587,6	113,2	90991,7	112,5
Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар	309,9	115,7	1628,5	116,3	7858,0	112,5	27297,1	110,7	-	-
Жами капитал қўйилмалар	744,5	101,0	3165,2	105,7	15338,7	108,7	41670,5	109,6	49476,8	109,6
Қурилиш	196,2	102,9	771,1	110,7	4033,5	105,1	12587,0	117,8	29265,8	112,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ЯИМнинг ижобий динамикаси, аҳолининг табиий ўсиши, миграцияни оптималлаштириш, ҳудудлар иқтисодиёти ривожланиши билан инвестициянинг ўсиши, кичик бизнеснинг ривожланиши, аҳоли даромадларининг ўсиши, ходимлар малакаси, маҳсулот ишлаб чиқаришда инновацияларни татбиқ этиш суръатининг ўсиши, хўжалик субъектлари бошқаруви самарадорлигининг ошиши меҳнат бозори ривожланишининг муҳим омиллари ҳисобланади.

Шу билан бирга, меҳнат бозори элементлари шаклланишининг ҳудудий хусусиятлари демографик, ҳудудий ва табиий иқлим омиллари таъсири билан ҳам боғлиқ. Меҳнат бозорида демографик омилларнинг салмоқли таъсирини мамлакат аҳолисининг ҳудудлар бўйича турлича зичликда жойлашуви оқибатида юзага келган меҳнат ресурсларининг вилоятлар кесими бўйича нотекис ҳудудий тақсимотида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакат жами меҳнат ресурслари сони мустақиллик йилларида аҳоли ўсишига мос равишда мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич 1991-2015 йилларда 78,9%га ёки 8063,3 минг кишига кўпайган. Умумий меҳнат ресурсларининг ҳудудий жойлашуви бўйича салмоқли улушини Хоразм (94,5%), Сурхондарё (3,3 марта), Самарқанд (99,6%), Қашқадарё (2,2 марта), Фарғона (82,2%), Жиззах (98,9%), Андижон (88,2%) каби вилоятларда кузатиш мумкин.

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида банд аҳоли таркибининг ўзгаришига оид таҳлилий маълумотларга кўра, жами бандлар 8255,0 минг кишини ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб, 58,2 %га ошган. Мустақиллик йилларида саноатнинг замонавий тармоқлари ривожланиши натижасида унда банд бўлганлар ҳиссаси 2015 йилга келиб, 41,4 %га ошган. Қишлоқ хўжалигидаги таркибий ислоҳотлар натижаси ҳамда қишлоқ жойларда ноқишлоқ хўжалиги соҳасида бандларнинг мунтазам равишда ўсиб бориши натижасида тармоқда бандларнинг ҳиссаси (1991-2015 йилларда - 4,5 %) нисбатан паст суръатларда ўсган.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасида бандларнинг улуши 1991 йилда 35,7 % бўлган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич жами бандларнинг 50 %ини ташкил этган. Хусусан, бундай ўсиш суръатлари савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов (3,2 марта); уй-жой, коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатишда (2,5 марта); соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминотда (189,7 %),; таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатишда (146,1 %); молия, кредит ва суғуртада (2,6 марта) кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида банд аҳоли сони (минг киши)

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	1991	1995	2000	2005	2010	2015	2016
Жами бандлар	**8255,0**	**8449,2**	**8983,0**	**10196,3**	**11628,4**	**13058,3**	**13298,4**
Шу жумладан,							
Саноат	1179,4	1093,2	1145,0	1347,5	1539,6	1668,2	1808,6
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3456,8	3484,7	3093,0	2967,4	3127,5	3610,9	3683,7
Транспорт ва алоқа	399,0	347,5	382,0	488,1	603,8	710,6	-
Қурилиш	675,8	538,1	676,0	848,5	1065,1	1248,5	1263,3
Савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов	464,2	705,1	754,0	903,9	1243,2	1481,0	1449,5
Уй-жой, коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш	188,8	214,1	251,0	316,4	400,5	481,5	-
Соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот	488,0	487,1	587,0	735,5	894,1	925,6	598,4
Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1126,0	1053,6	1146,0	1385,1	1609,9	1645,8	1103,8
Молия, кредит ва суғурта	25,0	39,9	52,0	54,2	66,3	65,2	-
Бошқалар	252,0	485,9	897,0	1149,7	1078,4	1221,0	2752,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланади

Республикамиз меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши ва ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудий меҳнат бозорининг шаклланиш самарадорлиги бир қатор муаммолар ечимини ёритишни назарда тутади. Бизнингча, бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

— *малакали кадрларнинг тақчиллиги.* Иқтисодиётда меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши замонавий янги тармоқларнинг вужудга келиши учун асос яратмоқда. Бу-

нинг натижасида меҳнат бозорида замонавий касбдаги малакали кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда БКМларида малакали ишчи кучи ошганлиги ҳамда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларни иш билан таъминланганлик даражасининг ўсиши кузатилмоқда. Лекин республикамиз ҳудудий меҳнат бозорларида олий маълумотли ва малакали кадрларнинг таклифи 9-10 %ни, айрим ҳолларда 7-8 %ни ташкил қилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бозорининг самарали шаклланиши учун малакали кадрлар жами ишчи кучининг 20-30 %ини ташкил қилиши зарур;

— *таркибий ишсизлик.* Ҳозирги кунда иқтисодиёт тармоқларидаги технологик ва мулкчилик муносабатларининг ўзгариши таркибий ишсизлик миқдорининг ошишига олиб кемоқда;

— *иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган малакали кадрлар таркиби ва касбга тайёрлаш ҳамда йўналтириш бўйича ўқув юртлари ўртасидаги номувофиқлик.* Таълим тизими ва марказларида битирувчиларнинг ишга жойлашиш даражаси малакали кадрлар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичлари бўлиши зарур;

— *ишсизлик давомийлигининг юқорилиги,* бу кўрсаткич ишсизлик муддатини ўртача 6-7 ойгача чўзмоқда. Бунинг натижасида, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнат ресурслари салмоғининг ошиб бориши бир неча ўн минглаб кишилар иш вақтининг йўқолишига олиб келмоқда. Ишсизлик давомийлигининг юқорилиги: бўш иш ўринлари ҳақида ахборотларнинг етишмаслиги; қонунчиликда кўрсатилмаган ортиқча ҳужжатларнинг иш берувчилар томонидан талаб этилиши; кадрларни танлаш усуллари муддатининг чўзилиб кетиши; кўпчиликнинг бир хил касблар бўйича мутахассисликка эгалиги; кадрларни қайта тайёрлашнинг узоқ муддатлилиги ва бошқа сабаблар натижасида юзага келмоқда;

— *иш изловчи фуқаролар учун бўш иш жойларига танловлар ўтказиш ҳақида ахборотлар олишнинг қийинлиги, иш берувчиларнинг бўш иш жойлари ҳақида ахборотларни сир тутиши.* Кўпгина иш берувчилар Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг талабларига қарамасдан иш билан бандлик хизмати органларига бўш иш жойлари ҳақида тўлиқ ахборот бермайдилар. Улар бошқа имкониятлардан фойдаланиш мақсадида қариндошлари, ўз корхонасидаги яқин танишлари орқали бўш иш ўринларига номзодлар танлайдилар;

— *кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш доирасидаги муаммолар.* Буларга: хом ашё-материаллар етказиш бўйича ҳамда тайёр маҳсулот реализацияси бўйича муаммоларнинг мавжудлиги; зарур билим ва маслаҳат хизматларидан фойдаланиш имкониятларининг чегараланганлиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозори инфратузилмасининг барча субъектлари, шунингдек, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари юқорида келтирилган меҳнат бозоридаги муҳим муаммоларнинг ечимини вилоятлар иш билан бандлик хизматлари доирасида содир бўладиган жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш ва назорат қилиш асосида қуйидаги ишларни амалга оширишлари зарур: ишсизликни ушлаб туриш, унинг давомийлигини қисқартириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга эришишни таъминлаш, фуқароларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш, ишсизларни, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз вақтида тўлиқ миқёсда амалга ошириш[8].

Меҳнат бозори инфратузилмаси таркибига иш билан бандликка кўмаклашувчи давлат ва нодавлат муассасалар, меҳнат бозорида тижорат ва нодавлат меҳнат воситачилигини амалга ошириш билан шуғулланувчи органларни (универсал меҳнат биржалари, кадрлар агентлиги, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда касбга йўналтириш бўйича турли хил ўқув марказлари, ихтисослашган меҳнат биржалари) ўз ичига олади[9].

Меҳнат бозор инфратузилмасининг бош масаласи меҳнат бозорини тартибга солишда инфратузилма субъектлари ўртасида алоқадорликни таъминловчи механизмларни яратиш ва функцияларни тақсимлашни назарда тутади.

Шундай қилиб, меҳнат бозори инфратузилмасининг асосий субъектлари ҳамда меҳнат бозорини тартибга солувчи институцион тузилмалари сифатида давлат иш билан бандлик

хизмати ва ишга жойлаштириш бўйича нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятини кўриб чиқамиз.

Давлат иш билан бандлик хизмати давлат иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишнинг таркибий қисми бўлиб, уни амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради[10].

Давлат иш билан бандлик хизматининг асосий масалаларига меҳнат бозорини бошқариш ва ишсизларга персонал ёрдам кўрсатиш, уларни ҳал этиш йўлларини аниқлаш, меҳнат воситачилиги, касбий ва географик касбий ҳаракатчанликни рағбатлантириш, меҳнат бозори ҳақида ахборотлар тўплаш, ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ишларни амалга ошириш киради. Шундай экан, давлат иш билан бандлик хизматининг ижтимоий функциялари ва меҳнат бозорини тартибга солишдаги иқтисодий функциялари бирга олиб борилиши назарда тутилади. Бу икки функция давлат иш билан бандлик хизматининг икки томонлама моҳиятини аниқлаб беради. Давлат иш билан бандлик хизмати ишсизлик муаммоларини (ижтимоий функция) ва иш билан бандлик муаммоларини (иқтисодий функция) ҳал этиш ўртасида турли вариантларни ишлаб чиқади.

Меҳнат бозори инфратузилмасида иш билан бандлик хизматининг нодавлат тузилмаларига ходимларни танлаш бўйича агентликлар (рекрут агентликлари), тижорат меҳнат биржалари, Интернет тармоғидаги биржалар киради.

Меҳнат бозорининг ҳолати иш билан бандлик соҳасида жами ижтимоий-иқтисодий жараёнларни акс эттиради. Иқтисодий ўсишда инвестицияларнинг юксалиши ишчи кучига бўлган талабни оширади, инқироз даврида эса корхоналар ўз мавжуд штатларини қисқартиради. Бошқа томондан, иқтисодиётда тармоқларнинг ривожланиши кўпинча шунга боғлиқ бўладики, тезлик билан молиявий ва технологик имкониятлар асосида малакали кадрларни таъминлаш шарт-шароитлари юзага келади.

Меҳнат бозорида иш жойини сифати бўйича икки хил асосий сегментга бўлиш мумкин: юқори малакали ва паст малакали иш жойлари, (меҳнат бозори сегменти-ишчи кучига демографик талаб ва таклиф тузилмаси (жинси ва ёши бўйича), касбий (мутахассислиги ва малака даражаси бўйича) ва ҳудудий (минтақаларнинг ишчи кучига талаб ва таклифдаги ҳиссаси) жиҳатларга бўлинади)[11].

Ҳозирга кунда республикамизнинг йирик шаҳарларида, хусусан, Тошкент, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда янги тармоқларнинг ривожланиши натижасида меҳнат бозорида маълум даражада юқори малакали иш жойлари сегменти шаклланмоқда.

Меҳнат бозорида тижорат иш билан бандлик хизматининг давлат иш билан бандлик хизматидан ижтимоий-иқтисодий фаолиятидаги фарқи шундаки, унинг мақсади фойдага йўналтирилган. Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, тижорат меҳнат воситачилигининг фаолияти давомида юқори тўловга эга иш жойлари сегментида фаол ривожланди.

Меҳнат бозорида уларнинг фаолияти рентабелли корхоналар ёки юқори касбий-малакага эга бўлган ишчи кучларига бўлган талабга қаратилган. Ривожланган корхоналарнинг тўловга лаёқатлилиги ва малакали ишчиларга воситачилик хизматларининг кўрсатилиши тижорат меҳнат воситачилигининг ривожланиши учун иқтисодий база яратди.

Кадрлар агентлиги ўзининг мижозлари сифатида унга ташриф буюрувчи, яъни ариза билан мурожаат қилган фирмаларга ходимлар танлаш бўйича фаолият юритади. Аммо агентликда бўш иш жойларини изловчилар асосий мижоз ҳисобланмайди. Шундай экан, Кадрлар агентлигининг давлат иш билан бандлик хизмати билан тенглаштирилгандаги фарқи шундаки, у иш берувчи мижозлар билан ишлайди. Тижорат ихтисослашган меҳнат биржаларининг кадрлар агентлигидан фарқи, уларнинг фаолияти ҳам иш берувчилар, ҳам иш изловчиларга йўналтирилган.

Меҳнат бозорининг бу сегментида тижорат меҳнат воситачилиги бўйича фаолият фойда бермайди. Чунки корхоналардаги мавжуд молиявий имкониятларнинг чегараланганлиги меҳнат воситачилиги учун маблағ ажратишни тақозо этмайди. Бироқ иқтисодиётда бундай фаолиятнинг амалга оширилиши ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли ва иқтисодий жиҳатдан корхоналар учун самаралидир.

Меҳнат бозорининг бу сегментида ижтимоий функцияларни давлат иш билан бандлик хизмати амалга оширади. Меҳнат ресурслари ва корхоналарга меҳнат воситачилиги давлат иш билан бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш натижасида бепул кўрсатилади. Ўзининг чекланган ташкилий ва молиявий ресурсларига эга бўлган давлат иш билан бандлик хизмати меҳнат бозорида монопол характерга эгадир. Шундай экан, бизнингча, давлат иш билан бандлик хизмати нодавлат ташкилотлар тузишда, шунингдек, ихтисослашган, самарали имкониятларга эга бўлган ва қонунлар доирасида меҳнат воситачилиги билан шуғулланувчиларга ёрдам бериши керак.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ишга жойлаштириш бўйича тижорат ташкилотларининг бошланғич фаолияти даврида уларнинг фаолияти бўйича турли ёндашувлар асосида қарашлар вужудга келмоқда. Кўпгина давлат иш билан бандлик хизмати органлари раҳбарлари хусусий агентликлар ва тижорат меҳнат биржаларига номақбул рақобатчилар сифатида қарамоқдалар.

Хўш, уларнинг қарашларини қандай баҳолаш мумкин?

Хусусий кадрлар агентлиги ривожланган корхоналар учун махсус воситачилик хизматлари кўрсатиши натижасида меҳнатга энг нуфузли талабномаларни олишга ҳаракат қилади.

Давлат иш билан бандлик хизматининг ишга жойлаштириш бўйича юқори самарали фаолиятига қарамай, унчалик катта бўлмаган қисмга эга бўш иш жойлари унинг ёрдамида тўлдирилади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қўлга киритилаётган ижобий натижалар, шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш асосида замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этаётганлигининг далили ҳисобланади.

Юзага келган ҳолатлар билан давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1) Давлат иш билан бандлик хизмати ўзининг маълумотлар банкида нуфузли бўш иш жойларига ҳам, кам иш ҳақи тўланадиган ва кам малакали меҳнат талаб қиладиган иш жойларига ҳам эга. Корхоналардан иш билан бандлик хизматига берилаётган талабноманинг катта қисми ночор тармоқлардан, оз қисми барқарор ривожланаётган тармоқлардан ташкил топади. Барқарор ривожланаётган тармоқларга тез ва сифатли меҳнат воситачилиги хизматлари, асосан, хусусий кадрлар агентлиги томонидан кўрсатилади;

2) Давлат иш билан бандлик хизматига ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган малакали ишчилардан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, яъни нодавлат иш билан бандлик органлари хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган ишчилар ҳам мурожаат қиладилар;

3) фойдали бўш иш жойларига эга бўлган тадбиркорлар ва малакали мутахассислар Давлат иш билан бандлик хизматидан кам фойдаланадилар. Улар ходимларни танлаш ва бўш иш жойлари тўғрисидаги ахборотларни қариндошлари, танишлари орқали оладилар, маълумотга эга бўладилар;

4) Давлат иш билан бандлик хизмати ўзининг ижтимоий функцияларини ижтимоий таъминот органларига айнан ўхшаш ҳолда амалга оширади, қайсики ривожланаётган фирма ишчига бўлган талабномани беришга шошмайди, чунки иш билан бандлик хизмати ҳисобида меҳнатга нолойиқ ишлашни хоҳламайдиганлар бўлиши мумкин.

Меҳнат бозорида давлат иш билан бандлик хизмати ижтимоий-иқтисодий функцияларини бажаришда, асосий субъект сифатида чиқишга мажбур: ишсизларга ижтимоий тўловлар, фуқароларни касбга йўналтириш бўйича хизматлар кўрсатиш, узоқ муддат ишсиз бўлганларга ишсизлик мақомини бериш, ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёр-

лаш, фуқароларни ишга жойлаштириш ва илгариги ҳуқуқларини тиклаш бўйича турли ташкилотлар билан қўшма лойиҳаларни ташкиллаштириш ишларини амалга оширади.

Меҳнат воситачилиги доирасида *«Хусусий кадрлар агентлиги давлат иш билан бандлик хизмати билан рақобатлаша оладими?»* деган савол туғилади.

Бизнинг фикримизча, йўқ. Иш берувчилар кадрлар агентлигига ўзларида мавжуд бўш иш ўринларига ходимларни танлаш бўйича мурожаат қилганларида номзодларга катта талаблар қўядилар.

Шунинг учун хусусий агентлик меҳнат бозорининг маълум сегментида фаолият олиб боради. Агентлик кўп меҳнат талаб қиладиган иш жойларига ишчи кучини қисқа кунларда ишга жойлаштиради, бир ойда ўртача 10-12 та талабномани бажаради, бунда ҳар бир фуқаронинг аниқ касбий гуруҳ ва категориялари бўйича ихтисослашади. Маълумки, кадрлар агентликлари ўз фаолиятида миқдорий натижалар бўйича аниқ касб ёки категориялари асосида ишга жойлаштириш бўйича қўшимча омиллардан фойдаланадилар.

Меҳнат бозорида иш билан бандлик соҳасидаги институционал тузилмалар ичида давлат иш билан бандлик хизмати монопол бўлиб, ўз фаолияти самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади.

Нодавлат иш билан бандлик органлари меҳнат бозорида хизматлар сифатини ошириши, бу йўналиш бўйича хизматлар доирасини кенгайтириши ва ижтимоий кафолатланган минимумдан юқори даражада хизматлар кўрсатиши мумкин. Бунда нодавлат иш билан бандлик тузилмалари давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти доирасидан алоҳида ҳолда меҳнат бозори сегментида иш юритадилар. Нодавлат иш билан бандлик тузилмалари фаолияти меҳнат бозорини бошқариш ва иш билан бандликни тартибга солиш самарадорлиги ошишида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тижорат бандлик органлари ва ўқув марказлари бюджет маблағларини талаб этмайди, балки бунинг акси-давлатга маълум миқдорда аниқ даромадлар келтиради.

Хулоса ўрнида, давлат иш билан бандлик хизматининг нодавлат иш билан бандлик органларини ташкил этиш ва меҳнат воситачилиги билан самарали шуғулланиши учун имкониятлар яратишига кўмаклашиш зарур.

Меҳнат бозорида ташкилий тузилмаларни иш билан бандлик соҳасидаги фаолиятининг асосий мақсади ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мувозанат ҳамда аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлашдан иборат.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиш ҳолатининг таҳлилий натижалари шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бозоридаги ташкилий тузилмалар самарадорлигини таъминлашда юзага келадиган муаммолар қуйидаги асосий ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири билан белгиланади: ташкилотлар томонидан тўловсиз таътил берилиши, иш вақтининг қисқартирилиши; ишчиларни бўшатиш ўрнига маош тўловларининг кечиктирилиши; ишсизлик нафақасининг камлиги; БКМлари таклиф этаётган иш жойларининг маъқул эмаслиги; иқтисодиёт пинҳоний секторининг мавжудлиги; ишсизликнинг узоқ давом этиши; меҳнат бозорида кам сонли малакали кадрларнинг таклифи; меҳнат бозорида юқори малакали кадрларга талабнинг мос келмаслиги; ишсизлар ўртасида ижтимоий ҳимояга муҳтожлар салмоғининг ошиб бориши; корхоналарда кадрлар қўнимсизлигининг ортиб бориши; иш берувчилардан келадиган катта миқдордаги қийин бажариладиган талабномалар; бўш иш ўринлари ҳақида ахборотларнинг етишмаслиги; ўқув юртларининг иқтисодиёт тармоқлари билан талабалар амалий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича етарли даражада алоқаларнинг мавжуд эмаслиги; нодавлат иш билан бандлик хизматларининг етарли даражада ривожланмаганлиги; иқтисодиёт тармоқларида нуфузли бўлмаган иш ўринларининг кўпайиб бориши; меҳнат бозори конъюнктурасининг номутаносиблиги; ишчи кучи талаб ва таклифининг сон ҳамда сифат кўрсаткичлари билан мос келмаслиги ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган омиллар таъсири натижасида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш йўл ва усулларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий муҳитни юзага келтиради.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.1-банд, Lex.uz

3. Бейсенов С, Мухамбетов Т. Инфраструктура рынка труда // Человек и труд. - 1999.-№1. -С. 25-28.

4. Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд, 2002. № 3.-С.55-56.

5. Рынок труда. Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х., д.э.н., проф. Одегова Ю.Г. - Т.: ТФ РЭА, 2009. -С.384.

6. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. -Т.: Фан ва технологиялар, 2016. 150-155 б.

7. Рынок труда. Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х., д.э.н., проф. Одегова Ю.Г. - Т.: ТФ РЭА, 2009. -С.384.

8. Холмўминов Ш., Арабов Н. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. -Т.: Фан ва технологиялар, 2016. -332 б.

9. Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд. - 2002. № 3. -С.55-56.

10. Холмўминов Ш., Арабов Н. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. -Т.: Фан ва технологиялар, 2016. -332 б.

11. Словарь терминов, применяемых в деятельности служб занятости. - М.: 1997. -С. 74.

Ахмедов И.

ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ушбу мақолада компанияларда халқаро маркетинг тамойилларини жорий қилишда истеъмолчиларга таъсир ўтказиш йўллари, шу жумладан, маркетинг тадқиқотининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

В данной статье рассматриваются способы воздействия на потребителей при реализации принципов международного маркетинга, а также особенности осуществления маркетинговых исследований в компаниях.

This article discusses the ways to impact on consumers in the implementation of international marketing principles, as well as the peculiarities of marketing research companies.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, рақобатнинг кучайиши, маҳсулот ва хизматлар ҳаётийлик даври кескин қисқаришининг ҳозирги тенденциялари компания ходимларида янги кўникма ва малакани шакллантириш, тажриба тўплаш, шу асосда халқаро савдо ўзгаришларига нисбатан ҳозиржавоб ва мослашувчанлик каби сифатларни ривожлантиришни илгари сурмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик бозор ислоҳотлари ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири жаҳон хўжалигига интеграциялашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва эркинлаштириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт таркибини, географиясини диверсификация қилиш ҳисобланади. Мамлакатимизда кейинги йилларда ташқи савдо айланмасини ошириш, экспорт ва импорт таркибини диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамай, 2016 йилда ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестиция йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсиб, 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳани амалга ошириш якунланди.

Айни вақтда, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда[1]. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: "...принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш" каби вазифалар белгиланган.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон ман-

АХМЕДОВ Икром, *Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси.*

фаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида "2018-2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш Концепцияси"ни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган бўлиб, у қуйидаги йўналишдаги вазифаларни ўз ичига олади:

юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш;

Ўзбекистон учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасидаги мақсадли бозорларни аниқлаш;

ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш;

ташқи бозорларни маркетинг ўрганиш усулини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали белгиланган бозорларни миллий маҳсулотлар билан таъминлаш;

халқаро сифат стандартларини (ISO 9001) кенг жорий этиш, ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш.

Ҳаракат дастурида қўйилган ушбу вазифаларни ҳал этишда иқтисодиёт ривожини жадаллаштирувчи омиллардан бири бўлган ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Илғор ускуналар билан жиҳозланган замонавий корхоналарнинг барпо этилиши саноатнинг янги тармоқларини ўзлаштириш, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш, пировардида, экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилади. Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари ҳақида бораётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: "Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар - мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, "ноу-хау" намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир,"[2] деб таъкидлаган эди. Шу маънода, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида корхоналарни бошқаришнинг муҳим концепцияларидан бири сифатида маркетинг фаолияти майдонга чиқмоқда. Мақсадга мувофиқ ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулотлар сотиш бозорларида вужудга келувчи вазиятларга тезкорлик билан жавоб бериш ва охир-оқибат рақобат курашида ғолиб чиқишда маркетинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг: "Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин туғдиради"[3], деган фикрлари республикамиз компаниялари зиммасига ташқи бозорда мустаҳкам ўрнашиб олиш каби ўта муҳим вазифани юклади.

Шу жиҳатдан олганда, компанияда маркетинг тадқиқотини самарали ташкил этиш, ҳар бир бўлинма фаолиятини энг юқори натижаларга йўналтириш лозим. Халқаро савдодаги кучли рақобат компаниялардан халқаро маркетингга асосланган ҳолда қарорлар қабул қилиш, ташқи бозор эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда юқори молиявий натижаларга эришишни таъминлайдиган замонавий халқаро маркетинг тадқиқотини шакллантиришни талаб этади. Ўз навбатида, халқаро маркетинг тамойил ва тадқиқотлари жиддий билим ҳамда кўникмалар талаб этадиган усулларга таянади. Замонавий бозорда маркетинг нафақат аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни (ҳаракат) амалга ошириш учун қўлланма, балки "замонавий бизнес фалсафаси"дир. Шу нуқтаи назарга кўра, маркетинг ҳозирда хўжалик фаолиятининг яхлит механизми ҳамда ички ва ташқи иқтисодий режалаштиришда марказий ўринни эгаллайди[4].

Компания ўз маҳсулотини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида халқаро маркетинг воситаларидан тўла-тўкис фойдаланади. Компаниялар халқаро маркетинг усулларини қўллаган ҳолда хорижий мамлакатлар бозорида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга

ошириш доирасида рақобат позицияларини мустаҳкамлайди. Халқаро маркетинг ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида унинг хусусиятлари, кўлами ва эҳтиёжларини ўзида ифода этади[5] ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда компаниянинг ишлаб чиқариш, савдо тизимини қайта ташкил қилади ва тартибга солади.

Халқаро маркетингнинг сўнгги натижага асосланган ушбу тамойили бир қатор ўзига хос жиҳатларни қамраб олади[6]:

- ташқи иқтисодий фаолиятда компания маҳсулотларига бўлган (хизмат) хорижий истеъмолчиларнинг реал талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ ишлаб чиқаришни сўнгги натижага йўналтириш;
- ташқи бозор ва истеъмолчилар эҳтиёжларига асосланиб, маркетинг фаолиятини узоқ муддатли натижаларга йўналтириш;
- компания маркетинг тадқиқотларининг маҳсулот сифатини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилиши ҳамда мунтазам тарзда тизимли асосда ташкил этилиши;
- маҳсулотларни хорижий истеъмолчига етказиб беришнинг самарали логистик тизимини ишлаб чиқиш;
- потенциал истеъмолчилар талабларини инобатга олган ҳолда уларга таъсир этишнинг стратегик ва тактик усулларини яхлит тарзда қўллаш;
- маҳсулотнинг ҳаётлик даври билан боғлиқ илмий ишланмалар, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ жараёнларини мақсадли тартибга солиш;
- компания ташқи муҳитида истеъмолчилар, маҳсулот етказиб берувчилар, рақобатчилар билан боғлиқ ўзгаришларга тезкор ва ҳозиржавоб бўлиш;
- ташқи бозорга чиқарилаётган маҳсулотларнинг турини узлуксиз янгилаб бориш;
- ташқи бозорда мустаҳкам ўрнашиб олиш мақсадида компания ва рақобатчиларнинг устувор ва заиф жиҳатларини аниқлаш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш;
- компания маҳсулотининг ютуқли томонларини ривожлантириш, ташқи бозордаги реклама ва тарғибот ишлари ҳамда ишлаб чиқаришни шу йўналишда ташкил этиш;
- ташқи бозорга фақат юқори сифатли маҳсулотлар етказиб берилишини муттасил назорат этиш;
- компания маҳсулотларининг ўзига хос жиҳатларини тўла намоён қилувчи техник кўрсаткичларни яхшилаш, истеъмолчига янги турдаги маҳсулот таклиф қилиш билан бирга, қўшимча хизмат имкониятларини яратиб бериш;
- савдо уйлари ва дилерлик шаҳобчалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ҳамкорликни самарали таъминлаш учун улар билан доимий алоқада бўлиш;
- компания маркетинг хизмати олдига маҳсулотларни бозорда силжитиш, ташқи бозорда кучли позицияни эгаллаш, юқори савдо ҳажмини ошириш, ривожланаётган бозорларни излаб топиш масаласини қўйиш.

Аммо Fарб мамлакатларида чоп этилган аксарият иқтисодий адабиётларда халқаро маркетингни фақат савдо-сотиқнинг миллий бозор чегараларини кенгайтиришга бўлган уриниш, деб қарамайдилар. Ушбу масаланинг яна бир жиҳати шундаки, халқаро маркетингда ташқи бозордаги истеъмолчига "муайян бурчак" остида қараш орқали ташқи бозорнинг ижтимоий-маданий муҳити хусусиятлари ва муайян давлатда компания хатти-ҳаракатининг стратегияси ҳамда тактикасини ишлаб чиқиш бўлса, бошқа жиҳати халқаро маркетинг бошқарув функцияси сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолатда халқаро маркетинг фаолияти ташкилий режалаштириш ва назорат қилиш орқали амалга оширилади.

Халқаро маркетингнинг ушбу жиҳати германиялик маркетологлар таърифига мос келади. Чунки миллий компанияларнинг турли мамлакатлар ишбилармонлигининг фаоллиги ва маркетинг қарорлари халқаро концепция таъсирида қабул қилинади[7].

Бироқ франциялик маркетологлар миллий компанияга хорижий бозорни эгаллаши ва кейинчалик етарли миқдорда мижозларни ушлаб туриш тадбирлари мажмуаси тизими сифатида қарайдилар[8].

Халқаро компанияларнинг миллий компаниялардан фарқи шундаки, унинг товарлари оралиқ ёки тайёр ҳолда бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юради[9].

Халқаро маркетингда муҳими - мақсадли фаолият юритиш, бизнес, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ фаолиятини ўзаро боғлиқ яхлит тизимга айлантириш. Бу компания маркетинг хизматининг фаолияти сўнгги асосий натижа - молиявий маблағлар ҳажмини оширишга бўйсундирилганини билдиради.

Маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари томонидан қонун, қарор, фармон, фармойишларни жойларга етказиб, ўз вақтида ижросини таъминлаш хат, ариза, таклиф ва шикоятларга белгиланган муддатларда ҳуқуқий жиҳатдан тўла асослантирилган жавоб қайтариш ишларини тизимли йўлга қўйиш, умумий бўлим ва назорат мониторинг гуруҳи вазифаларини аниқ тақсимлаш ишнинг сифати ва самарадорлигини таъминлайди. Назорат мониторинг гуруҳида кадрлар қўнимсизлиги масаласини ҳал этиш, тизимни янада такомиллаштириш масаласини ҳал этиш талаб этилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижро интизомини мустаҳкамлаш, назоратнинг марказлашган тартибини такомиллаштириш, тизимдаги барча ташкилотларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, уни мунтазам ва узлуксиз ишлашини таъминлаш муҳим. Иш самарадорлиги, албатта, тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг масъулияти, ижро интизоми бўйича тегишли билим ва тажрибага эга бўлишига боғлиқ. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, электрон ҳужжат алмашишнинг тезкор тизимини йўлга қўйиш фаолият самарадорлигига хизмат қилади. Асосийси, ўзининг давлат идораларига қонуний ечимини сўраб қилган ёзма ёки оғзаки мурожаатига жавоб олган фуқаро ёки тадбиркор тўлиқ қаноат ҳосил қилиши муҳим.

Бошқарувнинг анъанавий ҳужжат таъминоти билан ҳужжатсиз таъминотини энг мақбул тарзда бирга қўшиб олиб бориш асносида барча иш юритиш операциялари, амалларининг жадаллиги юксак техник таъминоти мақбуллиги ва тежамлилиги тамойиллари ҳар қандай замонавий бошқарув органи фаолиятининг асосидир.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан 2009 йил 30 августда "Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби" тасдиқланган. Унда тартиб-қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойиши ҳамда Ҳукумат қарорлари ва топшириқларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини ҳамда бутун бошқарув вертикали: вазирлик, давлат қўмитаси, идора, хўжалик бирлашмаси - вилоят бошқармаси ёки бўлинмаси - шаҳар (туман) бошқармаси - корхона, муассаса, ташкилот бўйича ижронинг тизимли назорати ташкил этилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги "Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шасларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 73-сонли Қарорининг 32-бандида: "Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади. Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар ижродан ёки назоратдан олинмайди", деб белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида: "Бундан буён агар аризачи олган жавоб хатидаги ўз қонуний муаммоси ечимидан қаноат ҳосил қилмаса, бундай мурожаат назоратдан олинмайди", деб таъкидлаган эди.

Мурожаатлар билан ишлаш тизими, унинг ҳуқуқий ва амалий ечими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб, эълон қилингани муносабати билан ҳамда аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси иши тўғрисидаги кўплаб ижобий фикрларини эътиборга олиб, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Президент девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона фаолияти назоратини амалга оширади. Халқ қабулхоналари ходимлари Президент девонининг ходимлари ҳисобланиши ушбу органнинг мақомини янада ошириши билан бирга, Юртбошимизнинг ушбу янги тизим орқали ҳалқ билан мулоқотнинг янада шаффофлиги ҳамда муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечимига эътибор қаратаётганини ҳам англатади. Қабулхонага қилинган мурожаатларнинг аксарияти қонуний ва амалий ечимни топаётгани халқимизнинг кўплаб эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончи янада ортишини таъминламоқда. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида имтиёзли қонун ва қарорлар қабул қилинаётгани уларда ўз тадбиркорлик фаолиятининг келажагига ишонч, кучли ҳимоя билан бирга, ташаббускорликни рағбатлантирмоқда. Уларда янги-янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш имконияти яратилаётгани, ўз навбатида, давлатимиз иқтисодий имкониятининг мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Ютбошимиз "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" номли маърузасида: "Энг муҳим вазифамиз - мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл-юртимиз, аввало, биз - раҳбарларнинг фаолиятидан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун ўзи шахсан жавоб бериши керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади,[6]", деб ўринли таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида"ги Қарори барча вазирлик, қўмита, тегишли ҳокимлик ва ташкилотларда ўрганиб чиқилиб, натижаси юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди[7].

Ижро интизомида сифат ва самарадорликка эришишда ваколатли раҳбарлар томонидан ижро этилиши лозим бўлган ҳужжатларни ижрочиларга тўғри йўналтириш, бевосита уларнинг хизмат вазифалари ҳамда ваколатлари доирасига киришида тажрибаси ва билимининг инобатга олиниши ижро интизомининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Айрим мурожаатлар мазмуни ва мақсадига мос келмаса-да, бир нечта вилоят ва республика даражасидаги идоралар, қўмита ва вазирликлар манзилига йўлланган ҳолатлар кузатилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ваколатли идораларнинг аҳоли билан учрашувлари, ариза, таклиф ва шикоят каби мурожаатлар билан айнан ваколати бор органларга мурожаат қилиш, уларнинг ёзилиш тартиби ҳақида тушунтириш ишлари

олиб бориш фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишда муҳим ҳисобланади. Бу аниқ йўналтирилган мурожаатлар ижросининг тез ва сифатли бажарилиш имконини беради. Тегишли бўлмаган мурожаатлар билан ишлашга кетган вақт ҳам тежалади.

Ҳужжатларни қабул қилиш ва дастлабки ишлаш, жўнатилаётган ҳужжатлар билан ишлаш, ҳужжатлар сонини ҳисобга олиш, ҳужжатлар ижроси назоратининг автоматлаштирилган тизими дастури ва ҳисобга олиш дафтарлари бўйича амалга ошириш, рўйхатдан ўтказиш ва индекслаш қоидалари, электрон ҳужжатлар алмашинуви ва уларни назорат қилиш, ҳужжатлар йиғмажилдларини шакллантириш, идоравий архив ва унга қўйилган талабларнинг соддалаштирилган, оптимал механизмини жорий этиш муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одобахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорида давлат хизматчиларининг мажбуриятлари хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш, ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш, юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш[8] ва яна бир қанча одоб-ахлоқ қоидалари ва ижро интизомининг муҳим талаблари белгилаб берилган.

Маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари томонидан қонун, қарор, фармон, фармойишларни жойларга етказиб, ўз вақтида ижросини таъминлаш хат, ариза, таклиф ва шикоятларга белгиланган муддатларда ҳуқуқий жиҳатдан тўла асослантирилган жавоб қайтариш ишларини тизимли йўлга қўйиш, умумий бўлим ва назорат мониторинг гуруҳи вазифаларини аниқ тақсимлаш ишнинг сифати ва самарадорлигини таъминлайди.

Маҳаллий ижроия ҳокимликларида "Қарорни ижро қилиш учун кўп ҳолларда ҳокимни ўз вақтида берган фармойиши зарур бўлади. Мансабдор шахслар томонидан зарур моддий-техника ва молиявий маблағларни кечиктирмасдан ажратилиши жуда муҳим"[9].

Ижро интизоми деганда, нафақат ҳужжатлар билан ишлаш, балки унинг натижали ва самарали ижросини ҳам тушиниш лозим. Мисол учун, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароит ва имкониятларини инобат олган ҳолда ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш режасининг натижаси каби аниқ мақсадга йўналтирилган режаларнинг бажарилишини ҳам тушуниш керак. Аввало, режаларда амалга оширса бўладиган чоратадбирлар киритилиши муҳим ҳисобланади. Режа мантиқан мос келмайдиган, қоғозда қолиб кетадиган бўлмаслиги лозим. Режалаштирилган ишлар, талаб этиладиган ҳаражатлар, унинг манбалари, ижро муддати ва ижро учун масъул шахслар аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Белгиланган муддатда унинг ижроси юзасидан белгиланган вазифалар, ижродаги камчилик ва уларнинг аниқ сабаблари ўрганилиб, ўз вақтида бартараф этилиши ижро интизомининг муҳим бўғинидир.

Назаримизда, ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга "Фуқароларнинг маҳаллий давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқи" номли янги боб киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ўзлари яшаётган ҳудуд тақдири учун масъулиятли бўлишларини таъминлайди. Ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг зарурлиги яна қатор омиллар таъсири билан тавсифланади. Хусусан, ижро ҳокимияти фаолияти бошқа ҳокимият тармоқларига кўра жамият томонидан кўпроқ назорат қилинишни тақозо этади[10].

Замон мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Дунё давлатлари томонидан бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда, уддасидан чиққан мамлакатлар ривожланмоқда.

Манба ва адабиётлар

1. Раҳимова Д., Муҳиддинова С. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси бошқарув тизимида иш юритиш (ўқув қўлланма) -Т.: Akademiya, 2007. 6-б.

2. Темур тузуклари. - Т.: 1996, 26-27-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. -http://www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ижро назоратини ташкил қилиш ва иш юритиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори.-http://www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни.-http://www.lex.uz.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017. 53-б.

7. http://www.minjust.uz

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 94-модда.

9. Рузметов Х.И. Правовое регулирование организации и деятельности местных органов исполнительной власти в Республике Узбекистан // Общественные науки в Узбекистане. Т.: 2004. -С.2-3.

10. Мухамедходжаева Х.Р. Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимияти юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилишининг айрим муаммовий жиҳатлари // Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. - Т.: 2008. 3-5 б.

Хайитов Х.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг аҳамияти, экспертиза турлари ва уларни амалга ошириш зарурати ёритилган ҳамда экспертлик таъминотини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

В статье раскрыто значение проведения юридической экспертизы законопроектов в укреплении правовых основ демократических реформ, видов экспертизы, важность их реализации, а также разработаны предложения по совершенствованию механизмов реализации экспертного обеспечения.

This article studies the significance of legal expertise in drafting laws, which strengthen legal bases of democratic reforms, types of expertise and its importance. Some suggestions on improvement of the mechanisms of expertise have been developed.

Қонун ижодкорлиги қонунчилик тизими шаклланишининг энг муҳим босқичидир. Ушбу жараён долзарблиги билан бир қаторда, ўзига хос мураккабликка ҳам эга. Айниқса, ижтимоий ҳаётнинг такомиллашуви, ўзгарувчанлиги ва қонунлар сифатини оширишга бўлган талабнинг ошиб бориши шароитида эҳтиёжни тўлиқ қамраб олиш жиддий изланишларни талаб этади. Таъкидлаш лозимки, сифатли қонунлар қабул қилиш ҳар доим ҳам қонуншуносга боғлиқ бўлмайди, балки ушбу жараёнда иштирок этувчи манфаатдор субъектларнинг фаол иштироки ҳам муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, қонун лойиҳаларининг сифатига баҳо берувчи эксперт ва мутахассислар фаолияти ҳам қонун нормаларининг ҳар томонлама чуқур асосга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Қонунларнинг сифатини оширишда уларнинг илмий асосланганлигини, олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотлар ривожи билан узвий боғлиқлиги ҳамда қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифанинг амалга ошишида қонун лойиҳаларини экспертиза қилиш муҳим жараён ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Жаҳон андозаларига монанд қонунлар қабул қилиш учун уларни, албатта, тегишли ташкилотлар экспертизадан ўтказиши керак"[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши қаторида қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш вазифаси келгуси беш йил давомида амалга ошириладиган долзарб вазифа сифатида белгиланган[2]. Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг ахборот-таҳлил ва тадқиқот фаолиятини кучайтиришга қаратилган таркибий бўлинмаларини тузиш вазифаси белгиланди. Ушбу чора-тадбирлар парламент қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишга фаол таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

ХАЙИТОВ Хушвақт, *юридик фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти.*

Юқорида белгиланган вазифалар ижроси доирасида қонун ижодкорлиги субъектларининг ҳуқуқни ижод қилиш фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уни бартараф этишга оид ишларни тизимли равишда амалга ошириб бориш зарур. Чунки, бугун парламентнинг фаол ҳуқуқ ижодкорлиги бу борада қўшимча ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Қонун ижодкорлиги ҳақида таниқли мутахассис, олим Е.Каньязов қайд этганидек: "Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш қонун ижодкорлиги жараёнининг изланувчанликни, юксак салоҳиятни, ижодий ёндашувни, кўплаб тадбирлар ташкил этишни, тадқиқотлар ўтказишни, лойиҳа матнини ҳамда унинг ҳар томонлама асосларини тайёрлашни, лойиҳани мувофиқлаштиришни, уни ҳуқуқий ва бошқа экспертизалардан ўтказишни талаб этадиган муҳим босқичидир"[3]. Шу боис, қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳада фаолият кўрсатувчи мутахассисларнинг малакасини ошириб бориш алоҳида долзарблик касб этади.

Ҳозирги вақтда экспертиза давлат бошқарувида қарорлар ва ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш жараёнида уларни асослантириш воситаси сифатида жуда кенг қўлланмоқда. Бу ҳолат ҳуқуқни қўллаш ва бошқарув фаолияти усулларини ривожлантириш, қарорлар қабул қилишнинг объектив мезонларини излаш, ҳозирги замон фани, техникаси ва технологиялари ютуқларидан жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида фойдаланиш зарурати билан белгиланади.

Мутахассис Б.Абдуллаев таъкидлаганидек: "Бугунги кунда биз эксперт фаолиятининг сезиларли даражада кенгайиш жараёнларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу объектив жараён бўлиб, давлат ҳокимиятининг турли даражаларида жамият ва давлатнинг ривожланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш тўғрисида қарорлар қабул қилишда хавф-хатарларни камайтириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, технологик ва ахборотга оид хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳим ҳисобланади. Ушбу вазифаларни адо этишда зарур чора-тадбирларни аниқлаш, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик республика ва минтақавий мақсадли дастурларни амалга ошириш, йирик инвестиция, инновация, илмий-техник, экология лойиҳаларини бажаришда хавф-хатарларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади"[4].

Бундан ташқари, қонун лойиҳалари экспертизасининг аҳамияти шу билан белгиланадики, давлат органлари фаолиятининг хўжалик, тиббиёт, ҳуқуқий, илмий ва бошқа соҳалардаги кўпдан-кўп масалаларни фақат экспертиза ёрдамида ҳал этиш мумкин, хулоса эса ўтказилган экспертизанинг натижаси сифатида тўғри, асослантирилган қарор қабул қилиш учун замин бўлиб хизмат қилади[5].

Мамлакатимизда олиб борилаётган фаол ҳуқуқ ижодкорлиги шароитида парламентимиз фаолияти учун ҳуқуқий экспертиза алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда Ў.Муҳамедов қайд этганидек: "Қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси экспертизанинг асосий ва муҳим турларидан бири бўлиб, унинг кенг йўлга қўйилганлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг конституциявий ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади"[6].

Илмий адабиётларда ҳуқуқий экспертизани тушунишга бўлган ёндашувларда айрим фарқлар кўзга ташланади. Масалан, Б.Абдуллаев: "Қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси - қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқлигини баҳолаш ва қонун лойиҳасининг сифатини қўлланилган қонунчилик техникаси қоидалари нуқтаи назаридан аниқлаш учун ўтказиладиган махсус текширувдир", деб таъриф берган[7]. Мутахассис Б.Қаюмов эса қонун ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш уларнинг самарали қўлланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, ушбу экспертиза орқали қонун ҳужжати лойиҳаларининг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилишини таъкидлайди[8].

А.Жумаев ва Б.Кушакаевлар ҳам мазкур ёндашувга яқин бўлган фикрни билдирган-

лар: "Ҳуқуқий экспертиза - қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конституциявий қонунлари ҳамда қонунларига мослиги, парламент томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш-текширишдир"[9].

Фикримизча, юқорида қайд этилган таърифлар ҳуқуқий экспертиза мазмунини тўлиқ ифода этмаган. Чунки экспертиза тадқиқотида қонунчиликда назарда тутилмаган, бироқ қонунни татбиқ этишда таъсир қиладиган омилларга ҳам эътибор қаратилади. Масалан, келгусида қонунни қўллашда асоссиз қийинчиликларни келтириб чиқариши ёки қонун бузилишларининг олдини олишга таъсири кабилар ҳам баҳоланади. Бу эса қонун лойиҳасининг қабул қилиш зарурати ёки қабул қилишни рад этиш бўйича асослантирилган хулосаси илгари сурилади. Шундай қилиб, қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси деганда, ҳуқуқ соҳасида махсус билимлар асосида қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлигини баҳолаш ва қонун лойиҳасининг қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлигини белгилаш ҳамда қонун лойиҳасининг рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш фаолияти тушунилади.

Қайд этиш лозимки, қонуннинг сифатли бўлишида нафақат Конституция ва қонунлар, унинг халқаро шартномаларга мослиги, балки бошқа омиллар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, қонунни қабул қилиш зарурлиги, унинг устуворлиги ва оқибатлари, ижро механизмлари, иқтисодий самарадорлигини ўрганиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Зарур ҳолларда қонун лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ташқари лингвистик, иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экологик, халқаро ҳуқуқий экспертизалардан ҳам ўтказилади. Айрим ҳолларда ҳуқуқий экспертиза доирасида унга тегишли бўлмаган саволларга жавоб берилади. Бу эса экспертиза мақсадларига унчалик мувофиқ эмас. Шу ўринда экспертизанинг ихтисослашган турлари кенгроқ жорий этилса, қўйилаётган саволларга тўлиқроқ жавоб олиш имконияти яратилади.

Белгиланган вазифалар ижроси доирасида, қонун ижодкорлиги субъектларининг ҳуқуқни ижод қилиш фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уни бартараф этишга оид ишларни тизимли равишда амалга ошириб бориш зарур. Чунки бугун парламентнинг фаол ҳуқуқ ижодкорлиги бу борада қўшимча ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, қонун ижодкорлиги жараёнида ўтказилувчи экспертизаларнинг аксарияти комплекс хусусият касб этади. Уларни ўтказишда қонунчилик ва илм-фаннинг турли соҳаларига ихтисослашган экспертлар иштирок этиши талаб этилади. Чунки муайян тор соҳа бўйича малакали мутахассис бўлган экспертлар соҳа эҳтиёжларини, унинг камчилик ва муаммоларини яхши билишади. Зеро, "Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак"[10]. Шу билан бирга, қонун нормаларида тор, идоравий манфаатлар устун бўлишига асло йўл қўйилмаслиги лозим.

Қонун лойиҳалари экспертизаларини бир неча мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Масалан, расмий ва норасмий, комплекс ва ихтисослашган кабилар. Агар қонун лойиҳаси лойиҳа тайёрланишига масъул давлат органи томонидан ўтказилса — расмий, бирор жамоат ташкилоти томонидан амалга оширилса, жамоатчилик экспертизаси сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, қонун лойиҳаларининг мураккаблик даражасига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Бундай экспертизалар комплекс ва ихтисослаштирилган экспертизалар сифатида ўзаро фарқланади[11]. Шундай қилиб, "Қонун лойиҳаси қонун йўли билан тартибга солишнинг бир неча соҳасига дахлдор бўлса, тегишли соҳалар мутахассислари иштирокида комплекс экспертиза ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонун йўли билан тартибга солишнинг фақат бир соҳаси тармоғига тааллуқли бўлган қонун лойиҳаларига нисбатан ихтисослаштирилган экспертиза ўтказишнинг ўзи кифоя"[12].

Ҳуқуқий экспертиза қонунчилик фаолиятини амалга ошириш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган экспертиза турларидан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, унинг аҳамияти қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси қонунчилик жараёнининг муқаррар ва мажбурий таркибий қисми сифатида белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни 21-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Бу эса нафақат қонун ижодкорлиги, балки норма ижодкорлиги жараёнида ҳам мазкур экспертизани ўтказиш шарт эканлигини белгилайди[13].

Қонун ижодкорлигида ҳуқуқий экспертиза институтининг кенг татбиқ этилиши парламентнинг қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунлар сифатини янада яхшилаш, уларнинг самарадорлигини ошириш, умуман олганда, "қонун ижодкорлиги борасидаги ишнинг сифатини кескин ошириш"[14] воситаси сифатида қаралиши лозим.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, ҳуқуқий экспертизанинг мақсади қонун лойиҳасининг Конституция, қонунлар, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига мувофиқлик даражасини аниқлашдан иборат. Шунингдек, экспертиза қонунчиликнинг ижтимоий жараёнларга таъсирини таҳлил қилади. Бу таъсир унинг бош объекти бўлиб, хилма-хил жиҳатларга эга. "Экспертиза объектининг жиҳатлари турли нуқтаи назардан қаралиши ва турли мезонларга мувофиқ баҳоланиши мумкин. Экспертизанинг энг кўп зикр этиладиган мезонлари орасида қуйидаги уч мезонни алоҳида қайд этиш мумкин: таъсирчанлик, самарадорлик ва мақсадга мувофиқлик"[15].

Қонун лойиҳалари экспертизасининг аҳамияти шу билан белгиланадики, давлат органлари фаолиятининг хўжалик, тиббиёт, ҳуқуқий, илмий ва бошқа соҳалардаги кўпдан-кўп масалаларни фақат экспертиза ёрдамида ҳал этиш мумкин, хулоса эса ўтказилган экспертизанинг натижаси сифатида тўғри, асослантирилган қарор қабул қилиш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Б.Абдуллаев қайд этганидек, экспертизанинг институционаллашуви айрим устунликларга эга. Хусусан у: методологик жиҳатлар ва талабларни қонун тайёрлаш босқичидаёқ ҳисобга олиш имконини беради; зарур молиявий ресурслар ва кадрлардан фойдаланиш имкониятини кафолатлайди; баҳолашни қонунчилик қарори қабул қилиш жараёни билан оқилона уйғунлаштириш имконини беради ва шу тариқа баҳолаш натижаларини бу жараёнга татбиқ этишни оптималлаштиради; қонунчиликни қўллаш учун жавобгар бўлган ва тегишли маълумотлар олиш имконини берувчи маъмурий органлар ҳамкорлигига, шунингдек, янада холисона, объектив ёндашувни қўллашга имконият яратади; ниҳоят, баҳолаш натижаларига қонуний ва сиёсий тус беради[16]. Дарҳақиқат, қонун ижодкорлигида давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин эгаллайди. Бизнингча, ушбу соҳада "электрон ҳукумат" имкониятларидан фойдаланишни кенг йўлга қуйиш лозим.

Қайд этиш лозимки, ҳуқуқий экспертиза қонун ижодкорлигининг барча босқичларида фаол қўлланилади. Хусусан, қонун лойиҳаларининг парламент муҳокамасига қадар ҳам жиддий иш олиб борилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби субъектлар ҳам бу борада салмоқли вазифаларни амалга оширади. Биргина мисол: Адлия вазирлиги томонидан 2015 йилда 1472 та, 2016 йилда эса 1737 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлигини қайд этиш жоиз[17].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳам қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўйича самарали ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, илмий муассаса томонидан 2005-2016 йиллар мобайнида 900 дан зиёд қонун лойиҳалари экспертизадан ўтказилган. 2015 йил давомида институт томонидан бир қатор қонун лойиҳалари ва қонунлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлиб, улар асосида 80 дан ортиқ экспертлик хулосалари тай-

ёрланган ва тақдим этилган. Институт томонидан тақдим этиладиган экспертлик хулосалари ва баҳолари тавсиявий характерга эга. Бироқ қабул қилинган қонунлар ва институт томонидан тақдим этилган хулоса ва баҳолар таҳлили Институт хулосаларининг 80% дан ортиғи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳалари устида ишлаш жараёнида инобатга олинганлигини кўрсатди[18].

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, 2014 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунида давлат органлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини уларнинг розилигига кўра жалб этиши мумкинлиги тўғрисидаги норманинг белгилаб қўйилиши ушбу йўналиш ривожига ҳуқуқий асос бўлди. Бундан ташқари, қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишда, ишлаб чиқувчилар билан келишувга кўра, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ташаббуси билан чиқишда иштирок этишга, лойиҳалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга, уларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширишга, шунингдек, ушбу таклифларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга ҳақли эканликларининг белгилаб берилиши мазкур институтларнинг қонун ижодкорлигида фаол иштирок этишига кенг имконият яратмоқда[19].

Шунингдек, мазкур тартибот қонун лойиҳаларининг жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилиши ва унинг энг мақбул шаклда қабул қилинишига кўмак бермоқда. Шу боис, ҳуқуқий экспертизани ўтказишда жамоат ташкилотлари вакилларининг кенг жалб этилиши қонунни янада такомиллаштириш ва уни бирёқлама ёндашувларсиз тайёрлашда қўшимча восита бўлиб хизмат қилади. Бироқ, қайд этиш жоизки, мазкур йўналишда барча имкониятлар ишга солиняпти, деб бўлмайди.

Шундай қилиб, қонун ижодкорлигида ҳуқуқий экспертиза ўтказиш самарадорлигини оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

биринчидан, қабул қилинадиган қонунлар ижро механизмларининг яратилиши ва етарлилик даражасига жиддий эътибор бериш ҳамда унинг қонунбузарликларни келтириб чиқармаслик омилларини ҳисобга олиш;

иккинчидан, ҳаволаки нормалар, такрорланишларнинг олдини олиш, қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ риоя этилишига эришиш;

учинчидан, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш механизмини такомиллаштириш. Яъни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли жамоат ташкилотлари экспертизасидан ўтказишни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш. Айниқса, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш институтидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

тўртинчидан, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдан олдин у қабул қилингандан сўнг ижтимоий муносабатларга қандай таъсир қилишини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш. Бунда эксперимент ўтказиш тажрибасидан кенг фойдаланиш;

бешинчидан, қонунчилик техникаси қоидаларини ўз ичига оладиган методик қўлланма яратиш, бу ишга юридик хизмат ходимлари, ҳуқуқшунос олимларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қонун ижодкорлигининг жамият ҳаётига бўлган таъсирини инобатга олиб, унга мос равишда ушбу соҳадаги фаолият доимо такомиллаштириб борилиши лозим. Чунки барча ислоҳотлар қонунчилик базасини шунга мос равишда ўзгартиришни, вужудга келадиган муаммоларни тез ва сифатли ҳал қилиб боришни тақозо этади. Мазкур вазифалар ижроси бизни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги мақсадларимизга эришишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 126.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Т., 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Каньязов Е. Ҳуқуқий экспертиза қонун ижодкорлигининг муҳим босқичидир. // - Т. Huquq va burch. 2012. - № 10. / Манба: www.huquqburch.uz

4. Абдуллаев Б.Д. Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизасини такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. номз. ... дис. - Тошкент: 2010. - Б. 32.

5. Андреев И.С. Системный подход к понятию экспертизы нормативно-правового акта // Журнал Российского права. 2001. № 6. - С. 51-55.

6. Муҳамедов Ў. Қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасининг назарий ва амалий муаммолари // Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари: илмий-амалий семинар материаллари. -Тошкент: 2005. - Б. 7.

7. Абдуллаев Б.Д. Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизасини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. - Т., 2010. - Б. 32.

8. Қаюмов Б. Қонун ижодкорлиги - долзарб масала. // - Т.: Huquq va burch. 2012. - № 7. / Манба: www.huquqburch.uz

9. Жумаев А., Кушакаев Б. Қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш муаммолари. - Т.: Олий суд ахборотномаси. 2006. - № 2. - Б. 26.

10. Каримов И.А.Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 320.

11. Радулгин Н.В. Правовая экспертиза проектов федеральных законов. - М.: МГУ, 2001. - С.16.

12. Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. Ўқув қулланма. - Т.: ТДЮИ, 2008. - Б. 127.

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда.

14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - Б. 180.

15. The International Journal of Speech. Language and the Law: Forensic linguistics. Ed. by Cotterill. The University of Birmingham, 2003. - P. 56.

16. Абдуллаев Б.Д. Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизасини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. - Т.: 2010. - Б. 45.

17. http://www.minjust.uz/uz/activity/review/

18. http://monitoring.uz/uz/legal-review-uz.html

19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

Ҳусанов О.

КОНСТИТУЦИЯ - ХАЛҚ ОНГИ, ИЖОДИ МАҲСУЛИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига 25 йил тўлиши муносабати билан тайёрланган мазкур мақолада Конституция лойиҳасини тайёрлаш ва унинг халқ муҳокамаси жараёни, унда мамлакатнинг барча фуқаролари кенг ва фаол иштирок этганлиги ҳамда лойиҳа юзасидан тушган таклифларни оммавий ахборот воситалари ҳеч қандай чекловларсиз тўла ёритганлиги, шунингдек, муҳокама вақтида мақола муаллифининг билдирган таклифлари лойиҳани такомиллаштиришда ҳамда келажакда Конституцияга ўзгартиришлар киритишда эътиборга олинганлиги кўрсатиб берилган.

В этой статье, подготовленной в связи с 25-й годовщиной принятия Конституции Республики Узбекистан, показан процесс подготовки проекта Конституции, подлинного всенародного обсуждения, широкого и активного участия всех граждан в стране в этом процессе, освещение в средствах массовой информации, принятие рассмотрения всех предложений и замечаний без каких-либо ограничений, а также и такой момент, как все предложения автора этой статьи были учтены при совершенствовании проекта и последующих поправок к Конституции.

This article, drafted in connection with the 25th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, provides for the process of preparation of the Constitution draft and the process of public discussion, the broad and active involvement of all citizens in the country, and the media coverage of the draft proposals without any limitation, suggestions made by the author have been taken into account in improving the project and in the future amendments to the Constitution are shown.

Йигирманчи асрнинг охирги ўн йиллиги ўзбек халқи ҳаётидаги унутилмас ва оламшумул аҳамиятга эга воқеалар билан тарихда қолди. 1991 йил 1 сентябрда мамлакатимиз мустақил давлат деб эълон қилинди. Бу дегани ижтимоий ҳаётда катта имкониятлар билан бирга халқ, давлат раҳбарлари зиммасига жуда катта масъулият ҳам юкланди.

Энди ҳаётнинг барча жабҳалари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларни, мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини ўзимиз ташкил қилишимиз, бошқаришимиз керак бўлди. Уларни муваффақиятли ташкил қилиш ва бошқариш учун эса кучли ҳуқуқий асос зарур эди. Энг муҳим ижтимоий муносабатлар жаҳон тажрибасига кўра Конституция билан тартибга солинади. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мустақил давлатнинг Конституциясини ишлаб чиқиш ишларига алоҳида эътибор берилди. Тўғри, Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ишлари анча аввал, ҳали мустақиллик эълон қилинмасдан бошланган эди.

Лекин у даврдаги муҳит, шароит мутлақо бошқача бўлиб, у ишланаётган Конституция лойиҳасига таъсир қилмасдан иложи йўқ эди. У пайтда Конституция лойиҳаси қандай бўлиши, унда нималар ўз ифодасини топиши ҳақида марказдан кўрсатмалар, "катта оғаларимиз" вакиллари, мутахассисларининг маслаҳатлари ҳам йўқ эмас эди.

Мустақиллик шароитни, вазиятни, муҳитни мутлақо ўзгартириб юборди. Энди Асосий Қонун - Конституциямизни ўзимиз яратишимиз керак бўлди. Бундай ҳолга раҳбарият, мутахассислар биринчи марта дуч келинаётган, Конституция лойиҳасини тайёрлашдек масъулиятли, шарафли ишга илк бор қўл урилаётган эди.

Шунинг учун лойиҳа тайёрловчи комиссия таркиби тубдан мустаҳкамланди, ишчи гу-

ҲУСАНОВ Озод, *юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.*

руҳлар шакллантирилди ва комиссия раисининг аниқ кўрсатмалари асосида Конституция лойиҳаси яратилиб, 1992 йил сентябрда умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди.

Конституция лойиҳасининг муҳокамасига жиддий ёндашилди. Лойиҳа матни деярли барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Телевидение, радио, ОАВда муҳокама учун, таклиф, истаклар учун кенг ўрин ажратилди. Меҳнат жамоаларида, жамоат ташкилотларида муҳокамалар уюштирилиб, натижалари ОАВ да бериб борилди.

Шу воқеанинг жонли гувоҳи сифатида айтадиган бўлсам, икки босқичда ўтган лойиҳа муҳокамаси чинакам халқ муҳокамасига айланди. Унда хоҳлаган киши иштирок этиб, ўз мулоҳазаларини ОАВда баён қилиш имконига эга бўлди. Муҳокамада шу даврдаги ўзини "мухолифатчи" деб ҳисоблаган шахслар ҳам иштирок этди ва ҳеч қандай чекловсиз, уларнинг фикрлари оммага етказилди.

Муҳокама қандай ўтганлиги, унда қанча таклиф, тавсия тушганлиги, уларнинг натижасида лойиҳага қандай ўзгартириш, қўшимча киритилганлиги ҳақида жуда кўп ёзилган. Шунинг учун улар ҳақида тўхталиб ўтирмасдан мен ўзим лойиҳа муҳокамасида Ўзбекистон фуқароси, ҳуқуқшунос сифатида иштирок этганим ва таклифларим қандай эътиборга олингани ҳақида эслаб ўтмоқчиман.

1992 йил 9 октябрда "Халқ сўзи" газетасида Конституция лойиҳасининг муҳокамаси муносабати билан "Янада такомиллаштириш лозим" деб номланган мақола билан чиқиб, лойиҳадаги айрим нормаларни янада такомиллаштириш, аниқлаштириш, баъзи масалаларни бошқача ҳал қилиш ҳақида бир нечта таклифларни илгари сурган эдим.

Лойиҳадаги айрим моддалар аниқмаслиги, муқобилликни кўзда тутиши, Конституция нормаси аниқ бўлиши ҳақида таклиф киритиб, мисол тариқасида лойиҳанинг 36-моддаси, 97-моддасининг 15-банди хусусида таклиф илгари сурилган эди. 36-модда 1-бандида "Мажбурий меҳнат тақиқланиши белгиланиб, ҳарбий ҳолат чоғида, фавқулодда шароитда ва ҳоказоларда" деган жумла тавсия қилинган эди. Шу ўриндаги "ва ҳоказо" сўзи мажбурий хизматга жалб қилиш йўлларининг кўпайишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун "ва ҳоказо" деган жумладан Конституция нормаларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас деган таклиф берилган. 97-модданинг 15-бандида фавқулодда вазиятлар юз бериши кўрсатилиб, фавқулоддаги вазиятларга "реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, катта ҳалокатлар, табиий офат, эпидемия" кўрсатилиб ундан кейин "шу кабилар" деган жумла билан норма тугалланган эди. "Шу кабилар" деган сўзни маъноси чексиз бўлиб, ундан хоҳлаганча фойдаланиш мумкин. Шунинг учун Конституция нормаларида "шу кабилар" деган тушунча ишлатиш тўғри эмас, деган таклиф берилган эди.

Конституцияни қабул қилишда шулар эътиборга олинди, лойиҳадаги 36-модда (қабул қилинишида 37-модда) "Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади", деб қачон мажбурий меҳнат бўлиши аниқ белгилаб қўйилди.

Лойиҳанинг 97-моддаси 15-бандидаги фавқулодда вазиятларни келтириб чиқарувчи сабаблар кўрсатилиб, у нормадан ҳам "шу кабилар" деган жумла чиқарилиб, Конституция нормаси аниқ белгиланди. (Бу норма Конституция қабул қилинганда 93-модда 15-банд).

Яна бир таклиф ҳокимиятлар бўлиниши принципи, Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бўлиб, унда 75-модда 24-бандидаги: "Олий Мажлис ўзининг мутлақо ваколатларини бошқа органларга ва мансабдор шахсларга беришга ҳақли" деган норма ортиқча эканлиги, Олий Мажлис ваколатларини бошқа орган, шахсларга бериш нотўғри бўлиб, шундай ҳолат бўлса олий қонунчилик органи ваколатларини бошқа орган, шахслар эгаллашга уриниши, бу эса ҳокимият бўлиниши принципига зид эканлиги қайд қилинган эди. Конституция қабул қилинишида шу норма чиқариб ташланди.

Ушбу мисолларнинг ўзи Конституция лойиҳасини мукаммаллаштиришда, такомиллаштиришда ҳар бир ишончли, асосли таклифлар эътиборга олинганини, Конституцияга мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро истак-орзуси, қарашлари сингдирилганини кўрсатади. Шу асосда айтиш мумкинки, Конституция бир гуруҳ мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат бўлмай, унинг яратилишида барча халқ, халқ вакиллари иштирок этган

ва Ўзбекистоннинг биринчи Президенти таъбири билан айтганда, Конституциямиз — халқимиз онги, ижоди маҳсули.

Конституция лойиҳаси юзасидан киритилган айрим таклифлар, Конституция қабул қилинишида эътиборга олинмаган бўлса, шу таклифларнинг баъзилари кейинчалик Конституцияга киритилган ўзгартиришларда ўз аксини топди.

Юқорида тилга олинган (1992 йил 9 октябрдаги) мақолада Парламент - Олий Мажлисда доимий асосда, ишдан ажралган ҳолда депутатлик фаолиятини юритувчи депутатлар бўлиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр билдирилган эди. Бу таклиф ўз ўрнини 2002 йилда топди. Яъни 2002 йилда Парламентимиз икки палатали қилиб тузилиб, Қонунчилик палатаси доимий ишлайдиган палатага айлантирилди.

Бундан ташқари, мақолада Конституцияда Вазирлар Маҳкамасини, Бош вазирнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, уларнинг ваколатлари ва масъулиятини кучайтириш таклифи берилган эди. 2014 йил 16 апрелдаги Конституцияга киритилган ўзгартиришга асосан Конституциянинг 98-моддаси мутлақо янгича таҳрирда мустаҳкамланди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Бош вазирнинг ваколатлари, масъулиятлари аниқ конституциявий даражада белгиланди.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнида, докторлик диссертациясини тайёрлашда, Конституция нормалари, уларнинг амалиётда қўлланилиши ўрганилиб, таҳлил қилиниб, амалдаги Конституциянинг айрим моддаларини такомиллаштириш хусусида илмий таклифлар илгари сурилган эди.

Жумладан, вилоят ҳокимларини лавозимга тайинлаш тартиби, Тошкент шаҳри туманларида ҳам халқ депутатлари Кенгашлари ташкил қилиш ҳақида. Бу таклифлар ва уларнинг асослари "Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият" номли рисолада (Тошкент, "Шарқ" нашриёти, 1996 йил, 18-19, 36-бетлар) батафсил кўрсатилган.

Шуни мамнуният ва фахр билан қайд қилишим керакки, бу таклифлар ҳам эътиборсиз қолмади. Улар Конституцияга кейинчалик киритилган ўзгартиришларда ўз ифодасини топди.

Конституцияни такомиллаштириш, у орқали давлат бошқарувини янада демократлаштириш борасида олиб борилган ишларни қайд қилиш билан бирга, Конституциямизни бундан кейин ҳам такомиллаштириш, унинг нормалари ҳаётийлигини таъминлаш мақсадидаги ишлар давом этиши замон талаби эканлигини эътироф этар эканмиз, Конституциянинг айрим моддаларидаги таъкид, қоидалар ҳақида фикр билдиришни лозим деб топдик.

Конституциянинг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига кирувчи масалалар қаторида "фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш" вазифаси ҳам кўрсатилган. Маҳаллий ҳокимият органларининг фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлашни вазифа сифатида кўрсатилиши 2003 йил сентябргача тўғри кўрсатилган эди. Шу вақтда бу вазифани адлия органлари орқали маҳаллий ҳокимият органлари бажарар эди. Адлия вазирлигининг маҳаллий тузилмалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирар эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, адлия органларининг маҳаллий тузилмалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил деб белгиланди. Энди улар маҳаллий ҳокимиятдан мустақил равишда фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш вазифасини бажаради. Шунинг учун Конституцияда бу вазифани маҳаллий ҳокимият органлари вазифаси сифатида кўрсатилишига ҳожат йўқ. Шу нормани Конституциядан чиқариш лозим.

Яна бир масала, Конституциянинг 52-моддасида: "Фуқаролар ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдир", деган қоида мавжуд. Лекин муқобил хизмат мамлакатимизда йўлга қўйилмади, унга эҳтиёж бўлмади. Шунинг учун "фуқаролар муқобил хизмат ўташга мажбур", деган қоидани ҳам Конституциядан чиқариш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қиладиган бўлсак, халқ онги ва ижоди маҳсули бўлган Конституциямиз, бир томондан, жамиятнинг турли жабҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб борар экан, иккинчи томондан, жамиятдаги ўзгаришлар Конституциянинг ўзини ҳам ўзгаришига, такомиллашувига олиб келмоқда.

Иноятов У.

ҲУДУДЛАРДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Ушбу мақолада ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омиллар, иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари ёритиб берилган.

В этой статье описывается экономический и статистический анализ малого бизнеса и частного предпринимательства, факторы, влияющие на социально-экономическое развитие регионов, и экономическая эффективность.

This article outlines economic and statistical analysis of small business and private entrepreneurship, factors affecting socio-economic development of the regions, and economic efficiency.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислоҳотлари ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш ҳисобланади. Халқаро валюта жамғармаси (IMF)нинг ҳисоботига кўра, "Бугунги кунда дунёда 90 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнес (КЎБ)га тегишли бўлиб, улар бутун дунёнинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида КЎБнинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда 85 фоиз аҳолини иш билан таъминламоқда"[1].

Ўзбекистонда ҳам 26 йил мобайнида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда КБХТни ривожлантиришга алоҳида устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...аввалambor, соҳа ривожи учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганини айтиш лозим"[2].

КБХТни тизимли ва комплекс равишда қўллаб-қувватлаш, ривожланишини таъминлаш, жумладан, унинг ЯИМдаги, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Мазкур ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, 2016 йил якунларига кўра[3], КБХТнинг улуши ЯИМда қарийб 57,0 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажмида 45.3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида 98,2 фоиз, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида 39,1 фоизга етди ва жами аҳолининг 78,2 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.

Шу сабабли, минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнлари-

ИНОЯТОВ Умидбек, *Тошкент архитектура-қурилиш институти мустақил тадқиқотчиси.*

нинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги, экспортдаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, ҳудудий тадбиркорлик субъектларининг турли даражаларда ривожланиш омиллари ва тенденцияларини статистик усулларда баҳолаш, статистик кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш, ҳудудий иқтисодий ривожланиш стратегиялари статистик моделларини тузиш ва статистик прогнозлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Барчамизга маълумки, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёс бўлиб, у иқтисодиётнинг локомотиви вазифасини бажариб келмоқда. Жумладан, 2016 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,9 фоизни ташкил қилган бўлса, иқтисодиётдаги жами бандларга нисбатан соҳадаги бандлар улуши 78,2 фоизни ташкил қилган[4]. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда соҳа тараққиётини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан туб ислоҳотлар амалга оширилиб, ҳуқуқий асослари такомиллаштириб келинмоқда. Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини таъминлашда яратилаётган меъёрий-ҳуқуқий база билан бир қаторда, улар учун ажратилаётган кредитлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг олиб бораётган илмий тадқиқотларимиз натижалари мамлакатимизда кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш ижтимоий жиҳатдан 3 та омилни ривожлантиришга олиб келишини кўрсатмоқда. Яъни аҳолининг даромад омили сифатида ҳаёт даражаси юксалишига олиб келади; иш билан бандлик омили сифатида ишсизликни камайтиришга олиб келади; маҳсулот ва хизмат омили сифатида диверсификациялашга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги" ПФ-4947-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 1 апрелдаги "Тошкент вилоятини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 138-сонли Қарори, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг 2016 йил 17 сентябрдаги "2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги 289-сонли Қарори ҳудуд ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ҳамда иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари келтириб ўтилган, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар вилоятнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик нуқтаи назаридан мамлакатимиз ҳудудлари орасида олдинги ўринларни эгаллаб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) яратишда салмоқли ҳиссага эга.

Ҳудудлар ,жумладан, Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида соҳанинг тараққиётини таъминлашга эришилмоқда. Натижада, 2016 йилга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 57.1 фоизни ташкил қилиб, 2005 йилга нисбатан 1.77 баробарга ошиши таъминланган. Вилоятдаги жами банд аҳолининг 76.9 фоизи мазкур соҳада фаолият олиб бормоқда[5]. Юқорида келтирилган натижаларга эришишда республикамизда қабул қилинган алоҳида қонунлар тизими, меъёрий ҳужжатлар, айниқса, Давлат дастури асосида яратилган ҳуқуқий-меъёрий база замин бўлмоқда. Шу сабабли, вилоятда бу тоифадаги субъектлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Вилоят миқёсида олиб қараганда, 2013 йилда 633 миллиард сўм миқдорида тижорат банклари кредитлари ажратилган бўлса, 2016 йилга келиб, вилоятдаги умумий инвестициялар ҳажмининг 40.1 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ўзлаштирилган[6].

Соҳа ривожини иқтисодий-статистик таҳлилини давом эттиришдан олдин Тошкент

вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқаришдаги моҳияти, иқтисодий-ижтимоий аҳамияти мезонларига эътибор қаратиб ўтишни жоиз топдик. Фикримизча, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- иқтисодий-таркибий жиҳатдан у тармоқ тузилишини белгилаб, ички бозорни талаб ва таклиф асосида товар ва хизматлар билан тўлдиришга хизмат қилади;
- ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аҳолини иш жойлари ҳамда барқарор даромад манбаи билан таъминлайди, аҳоли турмуш даражасини оширишда асос бўлиб хизмат қилади;
- молиявий жиҳатдан ишлаб чиқариш ва иш жойларини кўп маблағ талаб қилмасдан қайта ташкил этиш ва жиҳозлашга имкон беради;
- ижтимоий-психологик жиҳатдан оилада меҳнат кўникма ва анъаналари авлоддан-авлодга ўтишини, маҳсулот етиштириш маданияти ва маҳорати ҳамда сир-асрорларини эгаллаш жараёни давом этишини таъминлайди.

Таҳлилимизни давом эттирар эканмиз, вилоятдаги рўйхатдан ўтган корхоналарда фаолият кўрсатаётганлари улушини кейинги йиллардаги динамикасини келтириб ўтмоқчимиз (1-диаграмма). Қуйида келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, кейинги йилларда мазкур кўрсаткич камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. 2014 йил биринчи январь ҳолатига жами 19971 та кичик тадбикорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, унинг яшаб қолгани сони 17848 тани ташкил қилган. Бироқ 2017 йил 1 январь ҳолатига юқоридаги кўрсаткичлар мос равишда 23936 ва 20083 тани ташкил қилган.



1-диаграмма. Тошкент вилояти бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг фаоллилик даражаси

Манба: Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Миқдорий жиҳатдан олиб қараганда рўйхатдан ўтган корхоналар сони 3965 тага ошган, шунингдек, фаолият юритаётган, бошқача айтганда, яшаб қолган корхоналар сони 2235 тага ошган. Натижани нисбий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қиладиган бўлсак, рўйхатдан ўтган корхоналарда яшаб қолган корхоналар улушини камайиш тенденциясини кузатишимиз мумкин, яъни 2013 йилда рўйхатдан ўтган кичик тадбикорлик субъектларининг 89.4 фоизи яшаб қолган бўлса, 2016 йилган келиб бу кўрсаткич 84.1 фоизни ташкил қилган холос.

Бу ҳолатни табиий ҳолат сифатида қабул қилишимиз мумкин, чунки ички бозорларни тўйиниши, рақобатнинг кучайиши, яъни бир сўз билан айтганда ривожланиш бозорда яшовчанлик даражаси коэффицентининг камайишига олиб келади.

Биз вилоятдаги кичик корхона ва микрофирмаларни яратиш ҳамда тугатиш коэффицентлари динамикаси таҳлилини амалга ошириб ўтишни жоиз топдик. Мазкур коэффи-

центлар мавжуд кичик корхона ва микрофирмаларга нисбатан яратилган ҳамда тугатилган субъектларнинг фоиздаги улуши сифатида аниқланган.

Яратиш ва тугатиш коэффициентларидан ҳудудда тадбиркорлик ривожланишига баҳо бериш мақсадида фойдаланилган. Яъни яратиш коэффициенти қуйидагича аниқланган.

$$К_{яр} = \frac{ЯККМ}{ЖККМ} * 100 \qquad (1)$$

Бу ерда: $К_{яр}$ = яратиш коэффициенти, ЯККМ - яратилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, ЖККМ - жами кичик корхона ва микрофирмалар сони

Мазкур кўрсаткич янгидан яратилган корхоналарни жами корхоналардаги улушига тенг бўлиб, ҳудудий тадбиркорликни баҳолашда қўлланилган. Бироқ мазкур кўрсаткич орқали баҳолаш муоммага бир томондан қараш бўлиб, ундан фақат умумий баҳолашда фойдаланиш мумкин. Аммо ҳолатга батафсил баҳо бериш учун бизга яна бир кўрсаткич-тугатиш коэффициенти лозим бўлади. Мазкур кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$К_{туг} = \frac{ТККМ}{ЖККМ} * 100 \qquad (2)$$

Бу ерда: $К_{туг}$ = тугатиш коэффициенти, ТККМ-тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, ЖККМ- жами кичик корхона ва микрофирмалар сони бу кўрсаткич тугатилган корхоналарни жами корхоналарга нисбати сифатида аниқланади ва ундан ҳудудий тадбиркорликнинг ривожланишига баҳо беришда салбий кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

Тадқиқотимизда ҳудудий тадбиркорликнинг ривожланишига объектив баҳо бериш мақсадида соф яратиш коэффициентидан фойдаландик. Ҳудудда тадбиркорликнинг ривожланишига нафақат яратиш коэффициенти, балки тугатиш коэффициенти ҳам таъсир кўрсатади. Иккала таъсирни ҳисобга олган ҳолда соф яратиш коэффициенти баҳолаш кўрсаткичи сифатида олиниб қуйидаги кўринишда ҳисобланган.

$$К_{соф\ яр} = К_{яр} - К_{туг} = \left(\frac{ЯККМ}{ЖККМ} - \frac{ТККМ}{ЖККМ}\right) * 100 \qquad (3)$$



2-диаграмма. Тошкент вилояти бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларни яратиш ва тугатиш коэффициенти[6]

Манба: Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Яратиш ва тугатиш коэффицентлари ўртасидаги фарқ соф ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларни мавжудларига нисбатан фоиздаги улушини билдиради. 2-диаграмма маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2008 ва 2009 йилларда яратиш коэффициентининг кескин пасайиши натижасида соф яратиш коэффициенти минималлашган, яъни мос равишда 3.2 ва 2.6 фоизни ташкил қилган. Кейинги минималлашиш даражаси 2012 йилга тўғри келиб, 5 фоизни ташкил қилган. Энг минимал даражага 2016 йилда тушган бўлиб, 2.4 фоизни ташкил қилади.

1.Кичик бизнес корхоналарининг "яшовчанлик даражаси" коэффициенти

$$КБ_{яд} = \frac{Ё_c}{Ф_c} \quad (4)$$

бу ерда: $К_{яд}$ - кичик бизнес субъектларининг яшовчанлик даражаси коэффициенти; $Ё_c$- ёпилган субъектлар сони; $Ф_c$ - фаолият юритаётган субъектлар сони, у умумий ҳудуддаги кичик бизнес субъектлари сонидан вақтинча фаолият юритмаётган субъектлар сонини айириш йўли билан топилади, яъни $Ф_c = У_c - В_c$, акс ҳолда, коэффициент мавжуд аҳволни тўлиқ баҳолашга имкон бермайди.

Бундан ташқари, $КБ_{яд}$ коэффициент $0 \le КБ_{яд} \le 1$ оралиқда ўзгаради. Коэффициент қанчалик нолга яқинлашса, субъектларнинг яшовчанлик даражаси юқори ва аксинча. Агар биз (4) формулани "янги очилган КБХТ субъектлари" ва ёпилган субъектлари нисбатида олсак, қуйидагича "корхоналарнинг очилиш коэффициенти" каби кўрсаткични ҳосил қиламиз:

2. Кичик бизнес субъектларининг "очилиш" коэффициенти:

бу ерда: $ЖЙО_{КБС}$- жорий йилда очилган субъектлар сони; $ЖЙЁ_{КБС}$ - жорий йилда ёпилган субъектлар сони (коэффициент қанчалик 1 дан катта бўлса, шу минтақа ёки вилоятда субъектлар сонининг ўсиши ижобий бўлади, масалан $КБ_{ОК} = 2$ бўлса, демак муайян минтақада жорий йилда очилган субъектлар сони ёпилганлари сонига нисбатан 2 мартага ошган бўлади ва ҳ.к.)

3. Кичик бизнес корхоналарининг "сўнувчанлик даражаси" коэффициенти":

бу ерда: $ЖЙЁ_{КБС}$ - жорий йилда ёпилган субъектлар сони; $ЖЙО_{КБС}$ - жорий йилда очилган субъектлари сони; (коэффициент қанчалик 1 дан катта бўлса, шу минтақа ёки вилоятда кичик бизнес субъектлари сонининг "сўниши" шунча юқори бўлади, масалан, КБСД = 1,2 бўлса, демак муайян минтақада жорий йилда ёпилган субъектлар сони очилганлари сонига нисбатан 1,2 мартага ошган бўлади ва ҳ.к.)

Биз юқорида вилоятда ташкил этилаётган корхоналарнинг яшовчанлик коэффицентинитаҳлилий кўриб чиқдик, энди уни янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида вилоят ҳудудлари кесимида кўриб чиқамиз (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2013 йилда энг юқори яшовчанлик даражаси коэффициенти Чирчиқ, Ангрен шаҳри ҳамда Чиноз туманларига тўғри келган бўлса, энг паст кўрсаткичлар Бекобод, Зангиота ва Бўка туманларига тўғри келган. 2014 йилга келиб эса юқори яшовчанлик Чирчиқ, Ангрен шаҳри ва Қибрай туманларига тўғри келган бўлса, энг паст кўрсаткич Бекобод шаҳри ва Зангиота ҳамда Бўка туманларига тўғри келган. 2015 йилга келиб юқори яшовчанлик даражаси Чирчиқ шаҳри ҳамда Қибрай, Чиноз туманларига тўғри келган бўлса, энг паст кўрсаткич Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Бўка туманларида кузатилди. 2016 йилда ҳам олдинги йилдаги тенденция сақланиб қолган.

1-жадвал

Тошкент вилояти бўйича ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг фаоллилик даражаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг улуши, %			
		01.01.2014 й.	01.01.2015 й.	01.01.2016 й.	01.01.2017 й.
	Вилоят бўйича жами	89.4	87.4	84.6	84.1
1	Оққўрғон тумани	89.9	89.8	91.5	90.1
2	Оҳангарон тумани	87.0	87.1	74.7	71.8
3	Бекобод тумани	86.8	85.4	86.9	88.8
4	Бўстонлиқ тумани	89.2	88.6	67.9	65.6
5	Бўка тумани	64.9	72.0	55.4	49.4
6	Қуйичирчиқ тумани	90.0	88.5	82.9	80.2
7	Зангиота тумани	85.3	76.7	80.1	79.2
8	Юқоричирчиқ тумани	93.8	94.3	92.0	90.0
9	Қибрай тумани	93.7	94.7	96.6	96.0
10	Паркент тумани	87.1	87.0	87.6	87.2
11	Пскент тумани	92.0	94.6	90.7	89.9
12	Ўртачирчиқ тумани	89.9	88.1	81.3	81.4
13	Чиноз тумани	94.4	93.9	93.4	92.4
14	Янгийўл тумани	89.4	83.9	77.3	78.3
15	Олмалиқ ш.	92.8	91.7	91.9	91.7
16	Ангрен ш.	95.0	94.8	87.5	88.8
17	Бекобод ш.	87.6	81.7	86.1	86.1
18	Чирчиқ ш.	95.9	96.4	97.7	98.5

Манба: Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, олинган 4 йилда ҳам Чирчиқ шаҳрида кичик бизнес субъектларининг яшовчанлик даражаси юқорилигича сақланиб қолган ва ўсиш тенденциясига эга бўлган. Тескари ҳолатни эса Бўка туманида кузатишимиз мумкин бўлиб, у ерда йиллар давомида пасайиш кузатилган ва 2016 йилга келиб таҳлил қилинаётган йиллардаги энг паст кўрсаткич 49.4 фоизга етган. Кейинги таҳлилларга ўтишдан олдин, умумий тенденцияни кўрсатиб ўтиш мақсадида биз 2016 йилда вилоятдаги корхоналарни иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимотига тўхталиб ўтмоқчимиз, фақат бу ерда фермер ва деҳқон хўжаликлари инобатга олинмаган (3-диаграмма).



3-диаграмма. Тошкент вилоятидаги мавжуд корхоналарнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти

Бу ерда ҳар бир тармоқдаги корхоналар сони ҳамда уларнинг фоиздаги улуши келтирилган бўлиб, энг катта улуш хизмат кўрсатиш корхоналарига тўғри келмоқда, яъни уларнинг сони 9336 тани ташкил қилгани ҳолда вилоятдаги жами корхоналардаги улуши 32 фоизни ташкил қилади. Вилоятдаги савдо корхоналари сони 2016 йилда 7125 тани ташкил қилган бўлиб, уларнинг улуши 25 фоизга тенг бўлган.

Саноат соҳасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, саноат корхоналари сони 5248 та бўлиб, уларнинг улуши 18 фоизни ташкил қилган. Вилоятнинг саноат салоҳияти юқорилиги ҳамда у ерда йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги ва тармоқнинг хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, уни нормал кўрсаткич деб қабул қилиш мумкин.

Қурилиш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳамда қишлоқ, ўрмон балиқ хўжалиги йўналишидаги корхоналар улуши мос равишда 6, 8 ва 9 фоизни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши камлиги фермер ва деҳқон хўжаликлари инобатга олинмаганлиги билан боғлиқдир.

Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кичик тадбиркорликнинг улуши турли хил бўлиб, асосан, қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо соҳасида юқори ҳисобланади. Саноат соҳасида кичик бизнеснинг улуши анча пастлигини кўришимиз мумкин (4-диаграмма).



4-диаграмма. Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улуши, 2016 йил

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши вилоят билан Республика миқёсида деярли бир хиллигини, бироқ саноат соҳасидаги фарқ анча катта эканлигини кўришимиз мумкин. Тошкент вилоятида саноатда кичик бизнеснинг улуши 34.0 фоиз, аммо Республикада 45.3 фоизни ташкил қилмоқда. Юқоридаги таҳлилларимиздан маълумки, ҳудуднинг ЯҲМда саноатнинг улуш катта бўлиб, йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги натижасида кичик бизнеснинг улуши кичикроқ бўлмоқда.

Фикримизча, корхоналарнинг тармоқлар бўйича тақсимоти билан кичик бизнеснинг улардаги улуши ўртасида боғлиқлик мавжуд. Яъни тармоқларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда.

Қурилиш соҳасига тўхталадиган бўлсак, қурилиш корхоналарининг минтақадаги умумий корхоналар сонига нисбатан улуши 6.2 фоизни ташкил этган бўлишига қарамай, бажарилган ишларнинг 73.8 фоизи кичик тадбиркорлик субъектларига тўғри келмоқда.Савдо соҳасини қараб чиқадиган бўлсак, тескари ҳолатни кузатишимиз мумкин. Корхоналар улуши ҳам, тармоқда кичик бизнеснинг улуши ҳам юқори эканлигини кузатишимиз мумкин. Яъни мазкур кўрсаткичлар мос равишда 24.6 ва 90.9 фоизни ташкил қилган.

Саноат соҳасига тўхталадиган бўлсак, бу ерда ҳам юқорида келтирилган тенденция сақлаб қолинган бўлиб, соҳадаги корхоналар улуши билан кичик тадбиркорликнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ўртасида боғлиқлик мавжуд. Яъни улар мос равишда 18.1 фоиз ҳамда 34.0 фоизни ташкил қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мазкур тенденциянинг таъминланмаётганлиги биз соҳадаги корхоналар сони ва улушини вилоят жами корхоналарига нисбатан ҳисоблаганда фермер ва деҳқон хўжаликларини инобатга олаётганимиз йўқ. Бироқ соҳа маҳсулотларини етиштиришда кичик тадбиркорликнинг улушини ҳисоблаганда фермер ва деҳқон хўжаликлари инобатга олинмаган. Натижада, қишлоқ хўжалик корхоналари улуши 9.3 фоизни, аммо кичик тадбиркорликнинг улуши 96.3 фоизни ташкил қилмоқда.

Тошкент вилоятида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда вилоят иқтисодиёти учун янги бўлган бозор муносабатларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўрсатадиган таъсир даражасини тўлароқ ҳисобга олиш ва шу асосда мақсадли йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш имкони юзага келади.

Иқтисодиётимиз локомотиви ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят экспорт салоҳиятини оширишдаги роли ҳам аҳамиятга молик ҳисобланади. Чунки юқорида келтириб ўтганимиздек, ЯҲМнинг 57.1 фоизи мазкур соҳа субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, кўриб ўтганимиздек, иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот етиштиришда соҳанинг улуши юқори.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши 2006 йилда 10.4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 28.7 фоизни ташкил қилган (5-диаграмма).



5-диаграмма. Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги улуши

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улушини таҳлил қилар эканмиз, унинг кейинги йилларда юқори суръатлар билан ошганлигини, аммо 2016 йилга келиб кескин пасайганлигини кузатишимиз мумкин. Лекин унинг йиллар бўйича ўзгариш тенденциясини кузатар эканмиз, тўрт ҳолатда олдинги йилга нисбатан пасайишни кўрамиз. Булар 2008, 2010, 2012 ва 2016 йилларга тўғри келмоқда. ЯҲМнинг ўзгариш тенденциясига мос равишда ўзгаришни кузатамиз, аммо 2010 ва 2016 йиллар бундан мустасно.

Шунингдек, вилоятнинг экспорт ва импорт салоҳиятини таҳлил қилганимизда 2008 ва 2009

йилларда экспортнинг пасайганлиги, аммо 2010 йилда ошганлигини кўрамиз. Бу ҳолат вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ёки экспортдаги ўзгариш билан эмас, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан боғликдир. 2016 йилдаги ҳолатда эса минтақадаги экспорт миқдори ҳам олдинги йилга нисбатан пасайганлиги кузатилади.

Олиб борилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, вилоятда кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражаси пасайиш тенденцияга эга. Бунинг асосий сабаби яратиш коэффициентининг пасайиши ва кейинги йилларда паст даражада ўсиши, аксинча, тугатиш коэффициентининг мос йиллардаги пасайиш тенденциясининг анча пастлиги ва охирги йилларда ўсиш тенденциясининг юқорилигидир.

Бундан ташқари, тармоқлар кесимида корхоналар тақсимоти билан кичик бизнес субъектларини тармоқлардаги улуши ўртасида боғлиқлик мавжуд. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспортдаги улуши камайишини инобатга олган ҳолда экспортини қўллаб-қувватлаш вилоят экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралади.

Манба ва адабиётлар

1. http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf

2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 2012 йил 14 сентябрь. - www.uza.uz

3. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Статистик тўплам. - Т., 2017, 18-50-б.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. -Т., 2017 йил.

5. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

6. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

7. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

8. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

9. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

10. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

12. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Мухаммадиев Ж.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Информационная безопасность является самым главным элементом по обеспечению жизненно важных интересов нашей страны, так как угрозы национальной безопасности страны во всех сферах деятельности государства все больше осуществляются через информационную среду. В связи с бурным развитием информационных технологий появляются угрозы нового типа - угрозы информационной безопасности в масштабе страны, соответственно, государство должно оперативно реагировать на изменяющуюся обстановку и предпринимать решительные шаги по организации слаженной комплексной системы информационной безопасности. В статье анализируются основные подходы к обеспечению информационной безопасности страны, сформулированы цель, задачи, функции, принципы обеспечения информационной безопасности страны.

Ахборот хавфсизлиги мамлакатимиз ҳаётий манфаатларини таъминлаш бўйича энг муҳим элементдир, чунки давлатнинг барча соҳалардаги фаолиятида мамлакатнинг миллий хавфсизлигига таҳдид ахборот муҳити орқали амалга оширилмоқда. Ахборот технологияларининг шиддатли ривожланиши билан боғлиқ равишда янги турдаги таҳдидлар ҳам пайдо бўлмоқда, мамлакат кўламида ахборот хавфсизлигига таҳдидлар, мос равишда, давлат ўзгараётган ҳолатларга тезкорлик билан жавоб қайтариши ҳамда ахборот хавфсизлигининг тартибга солинган комплекс тизимини ташкил этиш бўйича кескин чораларни кўриши керак.

Мақолада мамлакатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги асосий ёндашувлар таҳлил қилинган, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифа, функция ва принциплари шакллантирилган.

Information security is the most important element in ensuring the vital interests of our country, since threats to the country's national security in all areas of the state's activities are increasingly being implemented through the information environment. In connection with the rapid development of information technologies, threats of a new type are emerging - threats to information security on a national scale, respectively, the state must respond quickly to a changing situation and take decisive steps to organize a coherent complex information security system. The article analyzes the main approaches to providing information security of the country, formulated the goal, tasks, functions, principles of ensuring information security of the country.

Осуществление деятельности по обеспечению информационной безопасности Республики Узбекистан возложено на государство, которое в соответствии с законодательством является основным субъектом обеспечения безопасности. В связи с бурным развитием информационных технологий появляются угрозы нового типа, требующие от государства оперативного реагирования.

В целях коренного повышения эффективности проводимых реформ, создания условий для обеспечения всестороннего и ускоренного развития государства и общества, модернизации страны и либерализации всех сфер жизни Президент Республики Узбекистан

МУХАММАДИЕВ Жаббор, *Национальный университет Узбекистана, заведующий кафедрой, доцент.*

подписал Указ "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан"[1], где, в частности, определены пять приоритетных направлений развития страны.

В рамках пятого направления - "Обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, а также осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики" - предусматриваются реализация мер по защите конституционного строя, суверенитета, территориальной целостности республики, совершенствование системы информационной, нормативно-правовой базы в сфере кибербезопасности, организация и развитие системы оповещения населения о чрезвычайных ситуациях, смягчение последствий Аральской катастрофы, а также разработка Концепции приоритетных направлений политики в сфере межнациональных отношений и Концепции государственной политики в религиозной сфере.

Под информационной безопасностью Республики Узбекистан понимается состояние защищенности ее национальных интересов в информационной сфере, определяющихся совокупностью сбалансированных интересов личности, общества и государства[2], в соответствии с законами Республики Узбекистан "О принципах и гарантиях свободы информации" (12.12.2002 г., №439- I I)., "О гарантиях и свободе доступа к информации" (24.04.1997 г. N 400-I) [3]. Национальные интересы в информационной сфере включают следующие основные составляющие:

- соблюдение конституционных прав и свобод человека и гражданина в области получения информации и пользования ею, обеспечение духовного обновления Узбекистана, сохранение и укрепление нравственных ценностей общества, традиций, патриотизма и гуманизма, культурного и научного потенциала страны;
- информационное обеспечение государственной политики Республики Узбекистан;
- развитие современных информационных технологий, отечественной индустрии информации, обеспечение потребностей внутреннего рынка ее продукцией и выход этой продукции на мировой рынок; обеспечение накопления, сохранности и эффективного использования отечественных информационных ресурсов;
- защита национальных информационных ресурсов от несанкционированного доступа, обеспечение безопасности информационных и телекоммуникационных систем.

Основными объектами обеспечения информационной безопасности Республики Узбекистан являются ее национальные интересы, такие как:

- информация в форме сведений (свобода мысли, национальные культурные ценности);
- информация в форме сообщений (архивные документы, документы, являющиеся музейными предметами или составляющие музейные коллекции, тиражированные документы);
- информационная инфраструктура (сети связи и инфраструктура информатизации, инфраструктура средств массовой информации и книгоиздания, инфраструктура открытых информационных ресурсов библиотек, архивных и музейных фондов);
- правовой статус субъектов информационной сферы Республики Узбекистан (совокупность реальных прав и обязанностей субъектов).

К угрозам информационной безопасности Республики Узбекистан относятся:

- противодействие реализации гражданами своих конституционных прав на личную и семейную тайну, тайну переписки, телефонных переговоров и иных сообщений;
- противоправные сбор и использование информации;
- разработка и распространение программ, нарушающих нормальное функционирование информационных и информационно-телекоммуникационных систем, в том числе систем защиты информации;
- уничтожение, повреждение, радиоэлектронное подавление или разрушение средств и систем обработки информации, телекоммуникации и связи;
- утечка информации по техническим каналам;
- внедрение электронных устройств для перехвата информации в технические средства обработки, хранения и передачи информации по каналам связи, а также в служеб-

ные помещения органов государственной власти, предприятий, учреждений и организаций независимо от формы собственности;

- уничтожение, повреждение, разрушение или хищение машинных и других носителей информации;

- перехват информации в сетях передачи данных и на линиях связи, дешифрование этой информации и навязывание ложной информации;

- несанкционированный доступ к информации, находящейся в банках и базах данных;

- нарушение законных ограничений на распространение информации.

Деятельность по обеспечению информационной безопасности Республики Узбекистан осуществляется на основе принципов, которые разделяются на общие и особенные.

К наиболее важным общим принципам деятельности по обеспечению безопасности относятся гуманизм, конкретность, эффективность, сочетание гласности и профессиональной тайны[4], законность и конституционность[5].

Принцип гуманизма заключается в обеспечении прав и свобод человека и гражданина при осуществлении противодействия угрозам информационной безопасности, недопущении противоправных посягательств на его личность, унижения чести и достоинства человека, произвольного вмешательства в его частную жизнь, личную и семейную тайны, ограничения свободы его информационной деятельности, а также в минимизации ущерба этим правам и свободам в случаях, когда их ограничение осуществляется на законных основаниях.

Принцип конкретности состоит в обеспечении безопасности применительно к конкретным жизненным обстоятельствам с учетом разнообразных форм проявления объективных законов на основе достоверной информации как о внутренних и внешних угрозах, так и о возможностях противодействия им. Достоверная информация позволяет установить конкретные формы проявления угроз, определить в соответствии с этим цели и действия по обеспечению безопасности, конкретизировать методы противодействия угрозам, а также необходимые для их реализации силы и средства.

К наиболее важным общим принципам деятельности по обеспечению безопасности относятся гуманизм, конкретность, эффективность, сочетание гласности и профессиональной тайны, законность и конституционность.

Принцип эффективности заключается в достижении целей противодействия при наименьших затратах сил и средств. Обеспечение информационной безопасности в любой социальной общности требует определенных материальных, финансовых и людских ресурсов. Исходя из этого, обеспечение безопасности, как и всякая общественно полезная деятельность людей, должно осуществляться рационально и эффективно. Обычно критерием эффективности, который применяется на практике, является отношение размера предотвращенного ущерба от реализации угроз к затратам на противодействие этим угрозам.

Принцип сочетания гласности и профессиональной тайны состоит в нахождении и поддержании необходимого баланса между открытостью деятельности по противодействию угрозам информационной безопасности, позволяющей добиться доверия и поддержки общества, и защитой определенной информации, разглашение которой может снизить эффективность противодействия угрозам безопасности.

Принцип законности и конституционности означает осуществление всех свойственных государственным организациям и должностным лицам функций в строгом соответствии с действующей конституцией, законами и подзаконными актами, согласно установленной в законодательном порядке компетенции. Строгое и неуклонное соблюдение законности и конституционности должно быть непременным требованием, принципом деятельности не только государственных, но и негосударственных органов, учреждений и организаций.

К числу особенных принципов деятельности по обеспечению информационной безопасности следует отнести прежде всего глобальность.

Принцип глобальности заключается в том, что указанная деятельность должна осуществляться согласованно как в конкретном обществе, так и в международном сообществе. К важным формам осуществления деятельности по обеспечению информационной безопасности относится социальное регулирование, в том числе правовые и организационные мероприятия.

Важнейшими формами осуществления деятельности по обеспечению информационной безопасности являются регулятивная и организационная формы.

Регулятивная форма деятельности по обеспечению информационной безопасности характеризуется нормами регулирования общественных отношений по поводу противодействия угрозам и мерами по выработке и поддержанию этих норм. Выделяют два основных типа норм: технические и социальные.

Технические нормы определяют порядок взаимодействия человека с окружающей средой, осуществления деятельности по созданию материальных благ, пользования орудиями труда, в частности средствами и системами информатизации, телекоммуникации и связи. Современную систему технических норм составляют правила использования современных информационных технологий, правила защиты информации и информационных систем от несанкционированного доступа, правила пользования средствами автоматизации управления и обработки информации. Следование этим правилам способствует более производительной и эффективной работе, предупреждает нанесение ущерба таким объектам национальных интересов, как информация и информационно-телекоммуникационные системы, производственный травматизм и заболевания.

Социальные нормы регулируют поведение индивидов и подразделяются на поддерживаемые силами социальной общности без участия государства и на поддерживаемые с использованием государственного принуждения.

Первые включают прежде всего мораль, обычаи и традиции, корпоративные и религиозные нормы. Эти нормы играют большую роль в противодействии угрозам сохранения национальной идентичности.

Мораль или моральные нормы - правила поведения, основанные на представлениях национальной общности о добре и зле, справедливости и несправедливости, честности и бесчестии и других подобных этических качествах. Значительная часть моральных норм вырабатывается и поддерживается нацией в целом или большей частью ее социальных групп.

Под обычаями понимаются правила поведения, сложившиеся в далеком прошлом и поддерживаемые в силу привычки в современном обществе. Норма, ставшая обычаем, оказывает свое регулирующее воздействие в силу ее эмоционального восприятия членами общества, привыкшими к ее соблюдению настолько, что реализация данной нормы превратилась в потребность.

Традиции представляют собой правила поведения, которые определяют порядок, процедуру проведения каких-либо мероприятий, связанных с торжественными или знаменательными, значительными событиями в жизни индивида как представителя конкретной нации, а также другие элементы социального и культурного наследия, передающиеся от поколения к поколению (идеи, взгляды, вкусы, образ действия и мысли и т.п.).

Широкое распространение в современном обществе получили нормы общественных объединений, политических партий, закрепленные их уставами, - корпоративные нормы. Эти нормы определяют порядок участия членов в деятельности конкретных организаций, их взаимоотношения с руководством, взаимодействие с другими организациями.

Религиозные нормы представляют собой правила, установленные различными вероисповеданиями. Такие нормы содержатся в Коране, Библии, Талмуде и других религиозных книгах либо в сознании верующих, исповедующих языческие, многобожеские культы. Они определяют порядок совершения религиозных обрядов.

Общим для всех этих норм является то, что они, как правило, составляют значительную часть национальных духовных ценностей, отличающих одну нацию от другой.

Важной составляющей социального регулирования деятельности по обеспечению ин-

формационной безопасности является правовое регулирование общественных отношений. Оно заключается в установлении определенных правовых норм осуществления наиболее важных общественных отношений и охраны этих норм от нарушения с использованием государственного принуждения. Правовое регулирование отношений в целях обеспечения информационной безопасности осуществляется в рамках правовой деятельности государства, в структуре которой выделяются законодательная (правотворческая), правоприменительная и судебная деятельность.

Законодательная деятельность заключается в подготовке, принятии и издании законодательными органами нормативных правовых актов, регулирующих отношения в области удовлетворения национальных интересов в информационной сфере, а также создающих условия для предотвращения реализации угроз информационной безопасности или минимизации их воздействия на защищаемые общественные отношения. Законодательная деятельность направлена на создание правовой основы выполнения государственными органами задач по противодействию угрозам, на установление таких правил реализации общественных отношений в рассматриваемой области, при которых ни внешние, ни внутренние угрозы не оказывают на защищаемые отношения существенного негативного воздействия. Совокупность нормативных правовых актов, являющихся источниками права в данной сфере, составляют основу так называемого нормативного правового обеспечения информационной безопасности.

Правоприменительная деятельность представляет собой основанную на законодательстве оперативную, повседневную реализацию органами исполнительной власти (государственного управления) функций государства в области обеспечения информационной безопасности. Эта деятельность осуществляется в следующих формах:

- подготовка, принятие и исполнение решений органов исполнительной власти об осуществлении конкретных мероприятий по противодействию угрозам информационной безопасности;
- координация деятельности органов исполнительной власти в процессе подготовки и реализации конкретных мероприятий;
- осуществление правоприменительной практики в рассматриваемой области;
- проведение консультативной и информационной деятельности органов исполнительной власти, направленной на создание условий для эффективного выполнения возложенных на эти органы задач;
- выполнение учетной, аналитической, прогнозной и программной работы, административных договоров;
- взаимодействие органов исполнительной власти с другими ветвями и институтами государственной власти в целях согласования усилий по противодействию угрозам;
- информационное обеспечение всех субъектов противодействия угрозам информационной безопасности в системе исполнительной власти;
- государственный контроль за законностью деятельности субъектов правового регулирования в рассматриваемой области[6].

Судебная деятельность охватывает реализацию функции государства по обеспечению правосудия в процессе выполнения задач противодействия угрозам информационной безопасности. Эта деятельность является неотъемлемой составляющей обеспечения информационной безопасности, так как позволяет каждому реализовать свое конституционное право на объективное рассмотрение всех обстоятельств, связанных с применением к нему мер государственного принуждения.

Правовое обеспечение информационной безопасности характеризуется двумя основными составляющими: деятельностью государства по обеспечению информационной безопасности, осуществляемой в правовой форме; органами государственной власти, осуществляющими эту деятельность. Данное правовое обеспечение возникает в процессе взаимодействия права (как средства регулирования общественных отношений) и государства (как основного субъекта противодействия угрозам его безопасности). Правовое обеспече-

ние проявляется в воздействии правовых механизмов на общественные отношения в целях осуществления функций государства по противодействию угрозам безопасности.

Правовое обеспечение информационной безопасности регулирует отношения в области организации противодействия угрозам информационной безопасности как отдельных организаций, так и Республики Узбекистан в целом, во многом определяя структуру и принципы других видов обеспечения информационной безопасности, в частности организационного обеспечения.

Правовые средства обеспечения информационной безопасности выражаются в установлениях (субъективные права, обязанности, льготы, запреты, поощрения, наказания и т.п.) и деяниях (технологии - акты реализации прав и обязанностей)[7], противодействующих реализуемым в информационной сфере угрозам, интересам субъектов права и обеспечивающих достижение социально полезных целей. Они отражают функциональную, прикладную сторону правовой системы, выступают в качестве элементов механизма правового регулирования, во многом определяя эффективность данного механизма.

Организационное обеспечение информационной безопасности состоит в осуществлении планирования и управления материальными, людскими, финансовыми и другими ресурсами государства, выделяемыми для противодействия угрозам. В рамках этой деятельности могут приниматься меры, направленные на развитие научных исследований в области повышения устойчивости информационной инфраструктуры к проявлению угроз, на содействие в установленном законодательством порядке работе общественных организаций, ставящих своей целью противодействие угрозам информационной безопасности и определение форм возможного взаимодействия с ними, на согласование деятельности государственных органов исполнительной власти и её субъектов Республики Узбекистан в области противодействия угрозам, на развитие системы массовой информации, способной удовлетворять потребности граждан в актуальных, достоверных сведениях об интересующих их событиях общественной жизни, обеспечивать их своевременное поступление к гражданам и т.д.

Организационное обеспечение информационной безопасности Республики Узбекистан осуществляется с использованием средств технического, кадрового, материального, финансового, информационного и научного обеспечения.

Средства технического обеспечения информационной безопасности образуются совокупностью технических и программных средств защиты информации, предотвращения несанкционированного доступа в информационные, телекоммуникационные и вычислительные системы и сети связи, а также методического обеспечения их использования.

Средства кадрового обеспечения информационной безопасности характеризуются программами подготовки кадров по различным аспектам данной деятельности, а также используемыми учебными и методическими материалами.

Средства материального обеспечения характеризуются совокупностью объектов, выделяемых для размещения средств технологического обеспечения, сил, участвующих в обеспечении информационной безопасности, средств организации их деятельности и т.п.

Средства финансового обеспечения представляют собой совокупность экономических инструментов получения, привлечения, перераспределения и использования денежных средств для решения задач обеспечения информационной безопасности.

Средства информационного обеспечения образуются совокупностью информационных фондов и банков данных, используемых в процессе решения задач обеспечения информационной безопасности, а также средств их актуализации.

Средства научного обеспечения информационной безопасности определяются совокупностью научных теорий, концепций, категорий, закономерностей и методов, предназначенных для изучения процессов и явлений развития информационной сферы общества, угроз национальным интересам, реализуемым в этой сфере, и для противодействия этим угрозам.

Рис. 1.

Общая структура средств обеспечения информационной безопасности представлена на рис. 1.

Основные субъекты обеспечения информационной безопасности Республики Узбекистан объединены в рамках государственной системы защиты информации. К их числу относятся:

- службы контроля, надзора и обеспечения информационной безопасности государственных органов;
- специализированные предприятия и организации, осуществляющие деятельность в области разработки средств и предоставления услуг по защите информации;
- сертификационно-испытательные центры; аттестационные центры;
- службы безопасности и защиты информации предприятий и организаций, осуществляющих обработку персональных данных, конфиденциальной информации и информации, составляющей государственную тайну.

Источники и литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" 07.02.2017 г. № УП-4947.

2. Закон Республики Узбекистан "Об утверждении концепции национальной безопасности Республики Узбекистан" 29.08.1997 г. N 467-I.

3. Закон Республики Узбекистан "О принципах и гарантиях свободы информации" 12.12.2002 г. N 439-II; Закон Республики Узбекистан "О гарантиях и свободе доступа к информации" 24.04.1997 г. N 400-I.

4. Гыскэ А. В. Теоретико-методологические аспекты обеспечения общественной безопасности Российской Федерации. - М.: Прогрессивные биомедицинские технологии, 2000. - С. 41.

5. Теория государства и права. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. - С. 528.

6. Исполнительная власть в Российской Федерации. Проблемы развития / отв. ред. И.Л. Бачило. - М.: Юрист, 1998. - С. 206.

7. Малько А. В. Проблемы правовых средств. В кн.: Проблемы теории государства и права. - М.: Проспект, 1999. - С. 326.

Садиков С.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В РАМКАХ СОЗДАНИЯ И РАЗВИТИЯ "ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА" В УЗБЕКИСТАНЕ

"Электронное правительство" - это целая система правовых и технических средств, позволяющих интерактивным образом посредством ИКТ оказывать потребителям государственные услуги - быстро, комфортно, прозрачно и эффективно, а, самое главное, без случаев коррупционного столкновения. В данной статье рассматриваются некоторые аспекты эффективного внедрения системы "Электронное правительство" в государственное управление страны. Проведен анализ нескольких нормативно-правовых норм и сформулированы предложения по совершенствованию нормативной базы системы.

"Электрон ҳукумат" - ҳуқуқий ва техник воситалар тизими бўлиб, истеъмолчиларга тез, қулай, шаффоф ва самарали, энг асосийси, коррупцион тўқнашувларсиз АКТ орқали интерактив усулда давлат хизматлари кўрсатиш. Мазкур мақолада мамлакатнинг давлат бошқарувига "электрон ҳукумат" тизимини самарали жорий қилишнинг баъзи жиҳатлари кўриб чиқилмоқда. Мақолада бир неча норматив-ҳуқуқий нормалар таҳлил этилиб, тизим ҳуқуқий базасини такомиллаштиришдаги таклифлар шакллантирилган.

"E-government" is a whole system of legal and technical means allowing interactive public services to provide public services to consumers - quickly, comfortably, transparently and effectively, and most importantly, without cases of corruption. This article examines some aspects of the effective implementation of the e-government system in the country's public administration. Several normative legal norms have been analyzed and proposals have been formulated to improve the regulatory framework of the system.

Сегодня в нашей стране начата широкомасштабная работа по переходу к системе "Электронное правительство", ее поэтапное логическое продолжение является важной задачей, находящейся в центре нашего внимания.

Ш.М.МИРЗИЁЕВ

Обеспечение государством высокого уровня информированности создает условия для повышения политической активности населения, углубления демократических процессов, в результате чего обеспечивается участие граждан в жизни общества и государства.

Первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов в своем докладе "Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране", выступая на совместном заседании палат Парламента, подчеркнул: "Обеспечение свободы и прав граждан в информационной сфере, включающие в себя такие составляющие, как свобода и реализация прав на получение, распространение информации и собственных идей, является краеугольным камнем основ построения демократического общества в Узбекистане"[1].

САДИКОВ Санжар, *самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета.*

С первых дней обретения нашей страной независимости осуществляются комплексные меры по обеспечению всестороннего развития средств массовой информации и свободы слова. За истекшй период было принято более 10 законодательных актов, направленных на создание действенного и эффективного механизма в сфере информации, обеспечения роли и престижа СМИ как "четвертой власти", повышения качества и активности их работы.

Первоначальной правовой основой обеспечения свободы информации, дальнейшего повышения политической активности граждан и их участия в данных процессах является Конституция Республики Узбекистан[2]. Согласно статье 29 Конституции "каждый имеет право на свободу мысли, слова и убеждений. Каждый имеет право искать, получать и распространять любую информацию, за исключением направленной против существующего конституционного строя и других ограничений, предусмотренных законом"[3]. Кроме того, в статье 30 Основного закона Республики Узбекистан отмечается: "Все государственные органы, общественные объединения и должностные лица Республики Узбекистан обязаны обеспечивать гражданам возможность ознакомления с документами, решениями и иными материалами, затрагивающими их права и интересы"[4].

Для свободного и полноценного обеспечения каждого человека доступом к информации, к ее использованию, а также защиты персональных данных были приняты Законы Республики Узбекистан "О приниципах и гарантиях свободы информации" и "О гарантиях и свободе доступа к информации". Именно во 2-й части статьи 8 Закона "О приниципах и гарантиях свободы информации" закреплена норма: "Органы государственной власти и управления, органы самоуправления граждан, общественные объединения и другие негосударственные некоммерческие организации и должностные лица обязаны в установленном законодательством порядке обеспечивать каждому возможность ознакомления с информацией, затрагивающей его права, свободы и законные интересы, создавать доступные информационные ресурсы, осуществлять массовое информационное обеспечение пользователей по вопросам прав, свобод и обязанностей граждан, их безопасности и другим вопросам, представляющим общественный интерес"[5]. Кроме того, в целях развития и модернизации деятельности СМИ был принят в новой редакции Закон Республики Узбекистан "Об информатизации", в котором закреплено, что граждане и юридические лица имеют право на получение информации не только в устной или письменной форме, но и с использованием современных компьютерных технологий.

В целях практического воплощения в жизнь предложений, выдвинутых в докладе Первого Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Парламента 12 ноября 2010 г. "Концепция дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества в стране" был разработан и принят Закон "Об открытости деятельности органов государственной власти и управления"[6].

Основной целью данного Закона является обеспечение окрытости, прозрачности деятельности органов государственной власти и управления, создание условий для регулярного информирования населения об основных направлениях внутренней и внешней политики государства, а также дальнейшего повышение политической активности граждан. Принятие данного Закона позволило определить порядок информирования общественности о деятельности органов государственной власти, а на органы государственного и хозяйственного управления возложило задачу по информированию населения и различных общественных объединений о принимаемых решениях и их содержании. Кроме того, Закон "Об информатизации" дал возможность обеспечить конституционные права граждан на высоком уровне и, в конечном итоге, повысить ответственность органов государственной власти по принятым решениям.

Одной из эффективных мер по формированию и развитию "информационного общества" и обеспечения открытости деятельности государственных органов стало создание системы "электронное правительство".

В целях коренного повышения эффективности проводимых реформ, создания условий

для обеспечения всестороннего и ускоренного развития государства и общества, реализации приоритетных направлений по модернизации страны и либерализации всех сфер жизни, в том числе продолжения исполнения вышеуказанной Концепции 7 февраля 2017 года Президентом Ш.Мирзиёевым подписан Указ "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" № УП-4947, где системе "электронного правительства" выделено отдельное внимание, в частности, совершенствование системы "Электронное правительство", повышение эффективности, качества оказания и доступности государственных услуг для населения и субъектов предпринимательства в разделе "Реформирование системы государственного управления" данной Стратегии действий[7].

"Электронное правительство" - организационная форма государственного управления, учитывающая интересы граждан, которая предназначена для оказания услуг населению органами государственной власти, обеспечения открытости и прозрачности деятельности органов государственной власти и управления с применением информационно-коммуникационных технологий.

Вопросы внедрения современных информационных систем в государственное управление и формирования системы "Электронное правительство" нашло свое отражение в более чем 30 законодательных актах, в число которых входят такие Законы, как "Об электронном документообороте", "Об информатизации", "Об электронной цифровой подписи", "Об электронной коммерции", "Об электронных платежах", "Об электронном правительстве".

Кроме того, вопросы, связанные с информатизацией государственного управления, непосредственно регулируются Указом Первого Президента Республики Узбекистан "О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий", Постановлением "О дополнительных мерах по дальнейшему развитию информационно-коммуникационных технологий", Постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшему совершенствованию взаимодействия органов государственного и хозяйственного управления, государственной власти на местах с юридическими и физическими лицами с использованием информационно-коммуникационных технологий" и "О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности правительственного портала Республики Узбекистан в сети Интернет с учетом предоставления интерактивных государственных услуг" и т.д.

Однако, как показывает анализ норм законодательства Республики Узбекистан, касающихся системы "электронного правительства", некоторые организационно-правовые особенности не нашли отражение в нормативно-правовых актах.

Во-первых, на сегодняшний день не во всех нормативно-правовых актах, касающихся сетей, отражены или дополнены нормы по внедрению электронных форм государственных услуг, что негативно сказывается на развитии системы "Электронное правительство". В частности, основная часть базовых интерактивных государственных услуг реестра, утвержденного Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 августа 2007 г.[8], носит в большинстве случаев односторонний и информативный характер (из 195 базовых услуг 18 интерактивные), исключая, таким образом, обратную связь с пользователями. В связи с этим, данные услуги нельзя считать интерактивными.

Кроме того, большинство государственных интерактивных услуг не нашли отражение в нормах действующих нормативных актов Узбекистана. Для решения данного вопроса целесообразно закрепить на уровне закона порядок оказания интерактивных государственных услуг, приняв Закон "О государственных услугах".

Для тотальной электронизации государственных услуг необходимо внести ряд изменений и поправок в некоторые законодательные акты, т.е. закрепить императивные нормы по предоставлению государственных услуг с использованием ИКТ физическим и юридическим лицам. В Законах "Об образовании", "Об охране здоровья граждан", "Об обжаловании в суд действий и решений, нарушающих права и свободы граждан", "О государственном пенсионном обеспечении", "О защите прав потребителей", "О государ-

ственном кадастре", "О нотариате", "Об архивном деле", "О банках и банковской деятельности", "О биржах и биржевой деятельности", "О лицензировании некоторых видов деятельности", "О государственной статистике", "О частном предпринимательстве", "О железнодорожном транспорте", "О связи", "О рынке ценных бумаг", "О сертификации продукции и услуг", "О бухгалтерском учете", "Об авторских и смежных правах" не закреплены нормы о возможности предоставления гражданам государственных услуг в электронной форме.

В Гражданском Кодексе Республики Узбекистан не существует нормы о равноценности договоров в письменной и электронной формах, а также о предоставлении электронных услуг. В статье 105 ГК определена возможность заключения договоров в устной или письменной форме, но вопрос составления договоров в электронном виде оставлен открытым.

В статье 74 Трудового Кодекса Республики Узбекистан (о видах трудового договора) заключение трудового договора между сотрудником и работодателем определено только в письменной форме и не дается определения понятия "электронный трудовой договор".

Во-вторых, в Кодексе "Об административной ответственности" Республики Узбекистан не закреплены меры ответственности, касающиеся нарушений в области законодательства об электронном документообороте, электронной цифровой подписи, электронных платежей.

Одной из эффективных мер по формированию и развитию "информационного общества" и обеспечения открытости деятельности государственных органов стало создание системы "Электронное правительство".

В-третьих, хотя в соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 июля 2012 г. за №228 было предусмотрено создание Центра внедрения электронного образования при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, в Законе Республики Узбекистан "Об образовании" нет норм, касающихся электронного образования, в том числе дистанционного.

В-четвертых, в Узбекистане не существует утвержденного правительством Единого типового регламента по оказанию интерактивных государственных услуг в электронном виде. На наш взгляд, отсутствие единого и целостного порядка предоставления данных услуг становится причиной разночтений норм и неоднозначного применения их на практике.

В целях совершенствования организационно-правовых основ, повышения эффективности деятельности системы "Электронное правительство" Республики Узбекистан рекомендуется следующее:

Во-первых, принятие Закона Республики Узбекистан "О внесении изменений и поправок в некоторые законодательные акты в связи с развитием системы "Электронное правительство".

Следует отметить, что, например, в России 3 декабря 2011г. был принят Федеральный Закон РФ "О внесении изменений в некоторые законодательные акты Российской Федерации в связи с применением обращений граждан в электронном виде", несколько раньше 15 июля 2010 г. в Республике Казахстан был принят Закон за №337-IV "О внесении изменений и поправок в некоторые законодательные акты Республики Казахстан в связи с развитием системы электронного правительства".

Во-вторых, в Кодекс "Об административной ответственности" Республики Узбекистан необходимо внести статью, определяющую меру ответственности для нарушений в сфере электронного документооборота, электронной цифровой подписи, электронных платежей.

Заметим, что, например, статьи 163 - 14 и 163 - 15 Украинского Кодекса административных правонарушений определяют меры административной ответственности за нарушения правил электронной торговли, купли-продажи и платежей. В Кодексе административной ответственности Республики Казахстан в статье 497-2 также предусмотрена

ответственность за нарушение норм законодательства в области электронного документооборота и электронной цифровой подписи.

В-третьих, в целях правового закрепления статуса электронных систем сферы образования и устойчивого развития дистанционного образования следует внести изменения и поправки в Закон Республики Узбекистан "Об образовании".

Например, в Российской Федерации 28 февраля 2012 г. был принят Федеральный Закон за №11 - ФЗ "О внесении изменений и поправок в некоторые законодательные акты Российской Федерации в связи с применением электронного и дистанционного образования".

В-четвертых, Кабинету Министров Республики Узбекистан необходимо утвердить "Типовой регламент государственных электронных услуг". В частности, во многих странах утвержден типовой регламент по государственным электронным услугам.

Так , Постановлением правительства Республики Казахстан от 26 октября 2010 г. "Об утверждении Типового регламента электронных услуг", за оказанием каждой государственной услуги закреплен соответствующий государственный орган.

В-пятых, целесообразно принятие Закона "Об административных процедурах" для логического завершения правовой основы механизма эффективного осуществления всех составляющих системы "Электронное правительство", в том числе предусмотренным в Указе Президента Республики Узбекистан "Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан" от 8 сентября 2017 года № УП-5185[9].

Таким образом, широкое внедрение системы "Электронное правительство" в Республике Узбекистан приведет к дальнейшим позитивным изменениям и обновлению в жизни населения и в целом общества. Повсеместное внедрение системы во всех направлениях создаст условия для защиты прав и свобод человека на самом высоком уровне и активизации его участия в государственных делах и будет способствовать повышению эффективности государственного управления. В конечном итоге все это позволит достичь высокой эффективности в любой сфере страны.

Источники и литература

1. http://www.press-service.uz/ru/news/794/
2. Конституция Республики Узбекистан. Узбекистан. - Т., 2014. - С. 74 .
3. См.там же - С. 29.
4. См.там же - С . 30.
5. См.там же - С. 74.
6. http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2381138
7. http://lex.uz-/pages/getpage.aspx?-lact_id=3107042 (посещ. 20 сентября 2017 года)
8. http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?-lact_id=1240502
9. http://lex.uz/-pages/getpage.aspx?-lact_id=3331176 (посещ: 20 сентября 2017 года)

Элмуратова У.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИГА АКТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

XXI асрда таълим-тарбия тизими ривожланишида инновациялар муҳим аҳамиятга эга. АКТларни таълим тизимига жалб қилиш устувор вазифа ҳисобланади. Ушбу мақолада мазкур масалалар таҳлил қилинган.

Инновации в XXI веке имеют важное значение в развитии системы образования и воспитания. Следует отметить, что привлечение информационных технологий в систему образования является приоритетной задачей Узбекистана. В статье исследуется вопрос применения ИКТ в развитии системы образования и воспитания.

Innovations in the XXIst century have great value in education system and upbringing development. It shoul be notice that attraction information technologies in an education system, is a priority problem of Uzbekistan. The article investigates the question of application of ICT in education system and upbringing development.

XX асрнинг сўнгги чорагида глобал миқёсда жамиятнинг энг етакчи соҳаларига инновацияларнинг шиддат билан кириб келиши натижасида туб ўзгаришлар содир бўлди. Инновацион ривожланиш, аввало, ижобий таъсирининг юқорилиги билан ажралиб турди.

Дарҳақиқат, инновация атамаси XVIII аср ўрталарига келиб, Европада туб янгиланишлар авж олган даврда (лотин тилидаги "in- дан, ичидан, ўзагидан, novus- янгилик, янгилик яратиш, яъни, ўзидан, ўзагидан янгилик яратиш, бу ўринда доимий равишда янгилик яратиш жараёни", янгиланиш, тубдан ислоҳ қилиш тарзида) тилга олина бошлади[1]. Ушбу даврда инновация атамаси бугунги кундан фарқли равишда, оммавий ҳолда, кам сонли илмий фаолиятда ишлатилган эди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки давридан инновацион фаолиятнинг татбиқ қилиниши давлат ўз тараққиёт стратегиясини белгилаган ҳолда, мақсадли режаларни кечиктирмай амалга ошириш позицияларини қўллаш жараёнларида намоён бўлди. 1992 йил 8 июлда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илм-фан ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони[2] таълим-тарбия тизимининг замонавий ривожланиш босқичларини амалга оширишда бошланғич қадам вазифасини ўтади.

Таъкидлаш жоизки, янгиликлар оқимининг шиддат билан кириб келиши, ўз навбатида, инсон ҳаёти ва фаолиятига узвий таъсир этувчи таълим-тарбия тизимига ахборот-коммуникация технологиялар (АКТ)ини кечиктирмаган ҳолда татбиқ қилиниши давр талабига айланди.

Албатта, XXI аср - ахборот асри, яъни ҳар қандай соҳада ўз таъсирини жорий қиладиган омил эканлигини қайд қилар эканмиз, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг фикрига мурожаат этамиз: "Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас."[3].

ЭЛМУРАТОВА Умида, *Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчиси.*

Айтиш ўринлики, АКТнинг халқлар ва давлатлар бошқарувидаги аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини сўнгги йилларда содир бўлган тарихий ривожланиш жараёнлари кўплаб далиллар орқали намоён қилди. Замонавий таълим-тарбия тизими ютуқларини ўзлаштириш, янгиликларга ижобий ёндашиш, яъни, XXI аср ривожланиши айнан шу хусусиятига кўра, бироз бўлса-да бир-биридан фарқланиб бормоқда. Натижада, АКТларнинг бир-биридан ўзаро фарқли хусусиятларини акс эттирувчи иккита тенденция намоён бўлмоқда. Булар:

1. Ўз фаолиятини ташкил этишда АКТларнинг татбиқ қилинмаслиги натижасида жамиятнинг ноқулай аҳволга тушиб қолиши, замондан орқада қолиш ҳолатининг вужудга келиши, ҳатто ёпиқ (изоляцияланган) жамиятга айланиб қолиши мумкинлиги эътироф этилади.

2. Қайси жамият ўз ривожланиши йўлида АКТларни самарали қўллаши ва эксплуатация қилишни жорий этган бўлса, унда ўсиш кўрсаткичлари ижобийлиги билан характерланди[4].

Ўзбекистон ҳукумати халқаро ҳамжамиятнинг фаол аъзоси сифатида таълим-тарбия тизимига АКТларнинг киритилишини фаоллаштириш юзасидан босқичма-босқич тадбирлар режасини амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги пайтда таълим-тарбия тизимига АКТларни жадал равишда татбиқ этиш ҳамда компьютерлаштириш асосий масалага айланди. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш" ҳамда "Интернетнинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 230-сонли, 2002 йил 6 июндаги "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ келиб чиқадиган вазифаларнинг ижроси бўйича кўрсатмаларига биноан ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш ҳамда барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш жараёнларига кўра, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга замин яратилди.

Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати, энг аввало, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, яъни таълим-тарбия тизимининг тараққиёти ҳамда унинг сифат даражасининг устувор йўналиши билан белгиланади. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боисдан ахборотлашган даврда таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари долзарб аҳамият касб этиб, янги АКТни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аввалари телевизор, видеомагнитофон, кинопроектор, диапроектор ва бошқалар бажарган функцияларни бугунги кунда компьютер ўз зиммасига олди. Қолаверса, ахборотни узатиш, сақлаш, тасвирлаш сифати сезиларли даражада ортди. Демак, ҳозирги кунга келиб, компьютер саводхонлиги таълим-тарбия тизимида муҳим ўринга чиқди. Айтиш жоизки, у ҳар бир инсонга қаерда, қайси жабҳада ишлашидан қатъи назар, энг зарур эҳтиёжга айланмоқда. Яъни компьютер иши, компьютерни ўргатиш, бизнингча, яқин вақт ичида умумий ишга айланиши шубҳасиз!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этгандек: "Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва айниқса, Интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур"[5].

Шу муносабат билан барча таълим-тарбия муассасаларида ўқув тизимини ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жалб этиш, ривожланган мамлакатлар ўқув тизимидаги янгилик ва ютуқларни ўрганиш ҳамда уларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Масофавий ўқитиш — информацион ва коммуникацион технологиялар, яъни электрон почта, Интернет, видео-конференция, аудио, видео маълумотлар ва мультимедиа

ўқув қўлланмаларига асосланган ҳамда узоқдан туриб ўқитиш, ўргатиш усули. Масалан, масофадан туриб янги мавзу ёки предмет бўйича маълумотларни вилоятлардаги тегишли ўқув юртларига узатиш мумкин. Агар жойларда бу соҳа бўйича мутахассис бўлмаса, масофадан ўқитиш ягона усулдир. Масофавий таълимда талабадан доимий фаолият - интерактив ўқитиш талаб этилади. Бу эса мутахассиснинг билими ва қобилиятини, яъни сифат даражасини оширади. Бундай ўқитиш, яъни сиртқи таълимнинг ривожланиш йўлидаги янги коммуникацион ва информацион технологияларга таянган ҳолда қонунлаштирилган ўқитишни амалга оширишдир. Шунинг учун "Масофавий ўқитиш" шакли "XXI аср таълими" деб ҳисобланмоқда.

Сўнгги йилларда масофавий ўқитишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, бу борада биринчилик учун даъвогарлар - АҚШнинг NTU - Миллий технология университети, OU - Буюк Британиянинг очиқ университетлари курашмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, улар давлат ва нодавлат гуруҳларга бўлиниб, ўқитиш хизматларини мамлакатларнинг таълим бозорларида ҳаракатга келтирмоқда, масофавий ўқитиш гуманитар йўналишларни ўз ичига қамраб олмоқда. Масофавий ўқитиш тизимининг корпоратив тизими алоҳида синф бўлиб, у ташкилотлар ва ишлаб чиқариш ходимларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш учун мўлжалланган.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, масофавий ўқитишнинг технологик элементлари кўп йиллардан буён қўлланиб келинади. Бунга Россия тажрибасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Генерал А.М.Шанявский номидаги Москва Халқ университети ва Нахотка шаҳридаги Мореходная мактаби шулар жумласидан.

АКТнинг халқлар ва давлатлар бошқаруви-даги аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини сўнгги йилларда содир бўлган тарихий ривожланиш жараёнлари кўплаб далиллар орқали намоён қилди. Замонавий таълим-тарбия тизими ютуқларини ўзлаштириш, янгиликларга ижобий ёндашиш, яъни XXI аср ривожланиши айнан шу хусусиятига кўра, бироз бўлса-да бир-биридан фарқланиб бормоқда.

Ҳозирги замон мутахассиси қайси соҳада ишламасин, ўз фаолиятига оид муҳим жараёнларни билиши ҳамда билим савиясини доимий равишда ошириб бориши талаб этилмоқда. Таълим-тарбия тизимида АКТни жадаллаштириш мақсадида қатор истиқболли режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 2013 йил 27 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам ўз ифодасини топди. Мазкур Қарорга мувофиқ 2013-2020 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган Телекоммуникация технологиялари ва тармоқлари ҳамда алоқа инфратузилмасини ривожлантириш комплекс дастури тасдиқланди.

Комплекс дастур - Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган 22 та лойиҳа ва 6 та тадбирни ўз ичига олади. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу лойиҳалар орасида 2016-2020 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган "Таълим" комплекс ахборот тизими ҳам бор. Ушбу тизим Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда таълим соҳасининг барча босқичларини ўз ичига оладиган идоралараро тизим сифатида яратилиши назарда тутилади. Айни вақтда, ушбу тизимнинг олий таълим тизими босқичини яратиш ва ишга тушириш бўйича вазирлик ҳузуридаги "Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш" маркази томонидан бир қатор ахборот тизимлари ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида:

- вазирлик ва олий таълим муассасалари ўртасида on-line ахборот алмашиниш (infox.edu.uz.) тизими;
- видео-конференция жараёнларини on-line режалаштириш ва бошқариш (vkc.edu.uz.) тизими;
- магистрлар учун илмий ишлар мавзулари (nauka.es.uz.) ахборот тизими;

- On-line тест (test.edu.uz.) тизими;
- педагог кадрлар партфолиоси (bimm.uz/portfolio) тизими;
- малака ошириш жараёни мониторинги (bimm.uz/monitoring) тизими[6] фаолият олиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони[7] эълон қилинди. Унга асосан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бугунги кунда амалиётга кенг татбиқ қилинаётган бўлиб, унинг тўртинчи устувор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига қаратилган. Таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш ва модернизация қилиш ушбу йўналишда долзарб аҳамият касб этиб, уни замонавий асосда ривожлантириш тизимга АКТнинг татбиқ қилиниши, ундан самарали фойдалана олишга боғлиқлигини бугунги кунда ҳеч ким инкор қила олмаса керак. Ривожланган давлатлар тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, сўнгги чорак асрдаги таълим тизимининг ривожланиши учта асос:

- моддий-техник база;
- ахборот-коммуникацион технологиялар билан таъминланганлик;
- инсон омилига боғлиқ.

Хуллас, мамлакатда инновацияларни таълим-тарбия тизимига татбиқ қилишда АКТларнинг жадал қўлланилиши муҳим роль ўйнамоқда. Демак, бу жараён белгиланган дастур асосида ташкил этилиб, амалга оширилаётганлиги унинг қанчалик долзарб эканлигини англатади.

Манба ва адабиётлар

1. Глазьев В.В. Теория долгосрочного технико-экономического развития.-М.: 1993.- С.60.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илм-фан ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони. //"Халқ сўзи", 1992 йил 9 июль.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. -Б.112.

4. Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании. Отчет о деятельности за 2012-2013 гг. 2015. -С.2.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.- Т.: Ўзбекистон, 2017.- Б.47.

6. Uz. Lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

Нематов Ж.

МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРАЛАРНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Ушбу илмий мақолада маъмурий процедураларнинг институционал асослари замонавий маъмурий процедура борасида илғор тажрибага эга бўлган АҚШ мисолида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги маъмурий процедуралар институтига оид назарий қарашлар ва қонунчиликдаги сўнгги ислоҳотлар таҳлил этилган.

В данной научной статье проведен сравнительно-правовой анализ институциональных основ административных процедур на примере США – государства, имеющего уникальный опыт в сфере административных процедур. Также проанализированы научные воззрения и последние новеллы законодательства касательно института административных процедур Узбекистана.

This article corries out comparative legal analysis of institutional bases of administrative procedure in example of USA as a country, which possesses unique experience on administrative procedure. Additionally, this article analyses theoretical thoughts and least novels of legislation on administrative procedure in Uzbekistan.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишдаги тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида: "...аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман. Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айни шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этаман. Сизларга яхши маълумки, биз 2017 йилни юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилдик. Лекин, ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш – бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас. Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки, биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз. Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ

НЕМАТОВ Жўрабек, *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси, фалсафа доктори (PhD), доцент.*

биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади", деб таъкидлади[1]. Ушбу тадқиқот мавзуси ҳам айнан халқ билан мулоқот масаласига қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий процедура маъмурий органлар ҳамда хусусий шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган жараён бўлиб, тарафларни кўриб чиқиладиган иш юзасидан хабардор қилишдан бошланиб, то қарор чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Маъмурий процедурада энг муҳим босқич тарафларнинг тингланиши (эшитилиши) ҳисобланади.

Бу эса Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаган "Халқ билан мулоқот"нинг ажралмас қисмини ташкил этади.

Маъмурий процедуранинг энг муҳим босқичи бўлмиш тарафнинг тингланиши тарафни хабардор қилиш, ишга доир ҳужжатлар билан тараф ҳам танишиш имконига эга бўлиш, шунингдек, тарафга ўз фикри (важлари)ни айта олиш имкониятини бериш кабиларни ўз ичига олади[2].

Маъмурий процедура ҳақидаги замонавий мазмун-моҳиятдаги қонун илк бора АҚШда қабул қилинган, қуйида маъмурий процедуранинг умумий жиҳатларига тўхталиб ўтилади.

АҚШ маъмурий процедурасининг вужудга келиши ва назарий-ҳуқуқий асослари.

"АҚШда маъмурий процедура тўғрисида"ги Қонун 1946 йилда қабул қилинган[3], бунда АҚШ Адвокатлар ассоциацияси (American Bar Association)нинг ўрни катта бўлган[4]. Намунавий қонун (model act) уч қисмдан иборат бўлган: маъмурий қонунчилик ижодкорлиги (rule making), маъмурий акт қабул қилиниши (administrative adjudication or "proceedings in contested cases") ҳамда маъмурий судлов (judicial review of administrative action). Тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда қуйида маъмурий актнинг квази-суд тартибида қабул қилиниши (administrative adjudication or "proceedings in contested cases") ҳақида сўз боради.

АҚШда маъмурий амалиётнинг ҳар хиллиги ва ягона қоидаларнинг мавжуд бўлмаганлиги бир қанча муаммоларни келтириб чиқарган эди. Шундан келиб чиқиб, 1938 йилда АҚШ Бош прокурори Президентга Маъмурий процедура қўмитаси (комиссияси) тузиш ва маъмурий процедуранинг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф тайёрлаш лозимлигини ўз ҳисоботида тақдим этган эди. Қўмита 1941 йили Сенатга "Маъмурий процедура тўғрисида" қонун лойиҳасини тақдим этган. Аммо бу пухта ишланмаган эди. Ҳаттоки Қўмита ичида маъмурий амалиёт ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, маъмурий процедура тўғрисида кодекс ёки қонун қабул қилиниши тўғрисида ҳам кўплаб баҳслар юзага келган[5].

Бундай баҳслар маъмурий органларнинг квази-суд ваколатлари маъмурий органларининг оператив бошқарув фаолиятидан қанчалик алоҳида бўлиши лозимлиги (how far should adjudicating functions be separated from other administrative activities), эшитиш процедурасида раислик қилувчининг мустақил қарор қабул қила олиши (how far should hearing commissioners be independent of the administrative agencies), судлар маъмурий органлар томонидан қабул қилинган қарорларни қай даражада текшириши мумкинлиги (how far should the courts review administrative action) каби масалаларни ўз ичига олган эди[6].

АҚШда қонуннинг бир нечта лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Булардан, биринчиси, Адвокатлар ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган, Walter-Logan bill номи билан танилган, 1940 йилда Конгрессда муҳокамадан ўтган лойиҳа эди. Ушбу лойиҳанинг ўзига хос хусусияти - маъмурий органлар устидан назорат қилишда суд ваколатларини кенгайтириш назарда тутилган эди. Иккинчи лойиҳа Маъмурий процедура қўмитаси (комиссияси)нинг лойиҳаси бўлиб, унда маъмурий органларнинг турли ички йўриқномаларини қабул қилиш ва уларни суд тартибида текширишга қаратилган меъёрлар назарда тутилган эди. Учинчи лойиҳа Адвокатлар ассоциацияси томонидан аввалги икки лойиҳанинг умумлашмаси тарзида ишлаб чиқилиб, Сенатга тақдим этилган эди. Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан 1941 йилда муҳокама этилган учала лойиҳа ҳам ижобий баҳо ололмагач, 1944 йил 21 июнда Адвокатлар ассоциацияси яна иккита янги лойиҳани ишлаб чиқиб, Сенатга тақдим этади. Қўмита муҳокамаларида манфаатдор давлат органлари ва

мутахассислар таклиф этилиб, уларнинг ёзма хулосалари олинди, шу тариқа қонун лойиҳасининг якуний варианти шаклланади[7].

Таъкидлаш жоизки, гарчи АҚШ замонавий маъмурий процедура тўғрисида қонун қабул қилган илк давлат бўлса-да, лекин 1958 йилга қадар мазкур қонуннинг барча меъёрларини ҳамма штатларда амалга оширишнинг имкони бўлмаган[8].

АҚШ Адвокатлар ассоциацияси ўша даврда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш юзасидан фаол қатнашиб, керакли тавсияларини ҳукуматга тақдим этган. Унинг натижаси ўлароқ, 1956 йил декабрь ойида Бош прокурор (General Attorney) томонидан Адлия департаменти (Department of Justice) таркибида маъмурий процедура бўлими (Office of Administrative Procedure) ташкил этилишига эришилган[9].

Маъмурий процедура тўғрисида ягона қонуннинг қабул қилиниши ижобий жиҳатларга, жумладан, судья Артур(Arthur T. Vanderbilt, (Chief Justice, Supreme Court of New Jersey)нинг фикрига кўра, бир-бирига яқин ёки такрорловчи ваколатларга эга бўлган маъмурий органлар ва уларнинг фаолият тартибини ягона шаклга келтириши билан эътиборга моликдир[10].

АҚШда маъмурий процедуранинг асоси АҚШ Конституциясининг V ва XIV ўзгартиришида намоён бўлади[11]. АҚШда маъмурий процедура тўғри процедура - дю процесс (due process) асосида ўрганилади[12]. АҚШ Конституциясида назарда тутилган дю процесс принципи инсон ҳаёти, эркинлиги ва мулкига дахл қиладиган ҳар қандай маъмурий ҳаракатларга татбиқ этилишини назарда тутади. Аммо маъмурий ҳаракатларнинг инсон ҳаётига дахл қилиши жуда кам учраганлиги сабабли асосий эътибор ва назарий изланишлар инсоннинг эркинликлари ва мулкига ҳар қандай шаклда дахл қиладиган маъмурий ҳаракатларнинг дю процесс принципи асосида амалга оширилишига қаратилади. Дю процесс принципи асосида вужудга келган маъмурий процедураларнинг асосий ғояси - маъмурий қарорнинг адресатига иш юзасидан унинг далил ва важларини тинглаш имконини тақдим этиш, бошқача қилиб айтганда, "тингланиш ҳуқуқи" билан таъминлашда акс этади. Таъкидлаш жоизки, адресатнинг муайян ҳуқуқий манфаатларига нисбатан ҳам дю процесс принципи татбиқ этилиши мумкин бўлиб, шу маънода, дю процесс принципи адресатнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, унинг ҳуқуқий манфаатларини ҳам ҳимоя қилиши мумкин[13]. Мулкий ҳуқуқларга дахл қилиш турли шаклларда бўлиши мумкин, айнан тўғридан-тўғри мулк ҳуқуқига дахл қилинишини назарда тутмайди, турли асосли, қонуний манфаатларни ҳам ҳимоя қилишни назарда тутади. Инсоннинг эркинлигига дахл қилинишида ҳам фақатгина унинг озодликдан маҳрум қилиниши кабилар эмас, балки кенг маънода маъмурий ҳаракат натижасида инсоннинг муайян эркинликларига дахл қилиниши каби ҳолатларни тушуниш лозим бўлади[14]. Таъкидлаш жоизки, инсоннинг эркинликлари ва мулк ҳуқуқига дахл қиладиган ҳар қандай ҳолда ҳам дю процесс принципи татбиқ этилавермайди, зеро бунинг талаб ва истисно этувчи баъзи ҳолатлари мавжуд[15]. Бу ўринда маъмурий қарор қабул қилиниши натижасида дахл қилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва манфаатнинг характери ҳамда дю процесс принципи татбиқ этилиши натижасида маъмурий органларнинг ишига қанчалик тўсқинлик қилишига қаралади[16]. Мазкур мувозанат асосида дю процесс принципини татбиқ этиш ёки татбиқ этмаслик масаласи кўриб чиқилади[17]. Зеро, маъмурий қарор адресатининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиш характерига кўра аҳамияти унчалик юқори даражада бўлмаган ишларга нисбатан ҳам дю процесс принципини татбиқ қилиш маъмурий органларнинг фаолиятига ортиқча юк юклаб, уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин. Маълум бир маъмурий ҳаракат юқорида таъкидланган ҳуқуқ ва манфаатларга дахл қиладиган ҳаракат деб топиладиган бўлса, уларга нисбатан дю процесс принципи татбиқ этилади, қуйида мана шу ҳақда фикр юритилади[18].

Маъмурий процедура маъмурий органлар ҳамда хусусий шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган жараён бўлиб, тарафларни кўриб чиқиладиган иш юзасидан хабардор қилишдан бошланиб, то қарор чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Дю процесс принципининг илк процессуал талаби тарафнинг фикрини тинглаш учун уни хабардор қилинишида намоён бўлади. Дю процесс принципининг кейинги процессуал талаби тарафга суд тартибига ўхшаган тартибда фикрини тинглаш имкониятини тақдим этишда намоён бўлади[19]. Бундан ташқари, дю процесс принципининг процессуал талаблари тарафнинг маслаҳатлашув ҳуқуқи, қарор чиқарувчи (маъмурий орган ёки мансабдор шахс)нинг холис бўлиши, маъмурий қарор (акт) чиқарилишида тегишли фактик ҳолатлар ва ҳуқуқий асослар, қарорни асослантирувчи далил ҳамда сабаблар тўла ва етарли даражада асослантирилишида намоён бўлади[20].

Дю процесс принципи турли кўринишларда амалга оширилиши мумкин. Шулардан энг муҳими ва процессуал талаблар энг юқори даражада кафолатлангани расмий қарор чиқариш процедураси (формал аджудикэшон - formal adjudication) деб аталади[21]. Гап шундаки, маъмурий ҳаракатлар турли характерда бўлади ва амалиётда бундай ҳаракатлар юзасидан чиқариладиган маъмурий қарор (акт)ларнинг ҳаммасига нисбатан ҳам дю процесс принципининг барча талабларини қўллаб бўлмайди, чунки бу кўп вақт ва ресурсларни талаб қилади. Бу эса маъмуриятнинг фаолият юритиши ва қонуний вазифа ҳамда функцияларини тўла-тўкис амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам формал аджудикэшон, яъни расмий қарор чиқариш процедурасини ҳар қандай ишларга нисбатан эмас, балки адресат учун энг муҳим бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларга дахл қиладиган маъмурий ишларга нисбатан амалга оширишга эътибор бериш лозим бўлади[22].

Маъмурий қарор адресатининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиш характерига кўра аҳамияти унчалик юқори даражада бўлмаган ишларга нисбатан ҳам дю процесс принципини татбиқ қилиш маъмурий органларнинг фаолиятига ортиқча юк юклаб, уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин.

АҚШ маъмурий процедура тўғрисидаги қонунининг вужудга келиши масаласига мурожаат этганда унинг кўплаб асосларига тўхталиб ўтиш мумкин. Зеро, мазкур қонунга эҳтиёж юзасидан келтирилган таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, АҚШ маъмурий процедура тўғрисидаги қонун маъмурий ҳуқуқни тушуниш ва маъмурий амалиётда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларнинг ҳал қилинишида ўзига хос ҳамда муҳим аҳамият касб этган[23].

Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедура назарий-ҳуқуқий асосларининг вужудга келиши ва ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистонда маъмурий процедуранинг институционал асосларини такомиллаштириш масаласига мурожаат этар эканмиз, шуни тан олиб айтиш лозимки, маъмурий процедура институти маъмурий ҳуқуқнинг кам тадқиқ этилган мавзуларидан бири ҳисобланади. Республикада ҳозирги кунда маъмурий процедуранинг яхлит назарий-ҳуқуқий асослари ҳали шаклланмаган дейиш мумкин.

Маъмурий процедуранинг илмий-назарий асосларига тўхталиб ўтишдан аввал, Ўзбекистонда нашр этилган илмий адабиётларда келтирилган "маъмурий процесс", "маъмурий процедура", "маъмурий жараён", "маъмурий иш юритув" тушунчаларининг фарқи ҳақидаги фикрларни айтиб ўтиш жоиз.

Жумладан, Игорь Цай муайян юридик фаолиятда процесс - мазмун, процедура - шакл маъносида келишини таъкидлайди[24].

Э. Хожиевнинг таъкидлашича, "Маъмурий жараён - маъмурий процессуал шаклда амалга ошириладиган ҳамда маъмурий ҳуқуқий актларни қабул қилиш ва ижро этиш орқали маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган ижро органларининг ҳокимият фаолиятидир", "маъмурий жараён" ва "маъмурий-процессуал фаолият" бир-бирига яқин ва боғлиқ бўлган тушунчалардир. Лекин ҳар қандай маъмурий жараён фаолияти маъмурий-процессуал фаолият ҳисобланмайди".

У маъмурий жараённинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтган:

"Биринчидан, маъмурий жараён - ижро органларининг мақсадга мувофиқ йўналтирилган ҳокимият фаолиятидир;

иккинчидан, ижро органларининг ҳокимият фаолияти қонун ҳужжатларига асосланиб, уларга тегишли бўлган аниқ масалаларни ҳал этишга қаратилган;

учинчидан, маъмурий жараён натижаси бўлиб, маъмурий-ҳуқуқий актнинг қабул қилиниши ҳисобланади;

тўртинчидан, ижро органларининг ҳокимият ваколатлари маъмурий ҳуқуқ, хусусан, унинг процессуал нормалари билан тартибга солинади;

бешинчидан, маъмурий жараён қоида бўйича, соддалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ"[25].

Олимнинг фикрича "Давлат ҳокимияти органлари, маълум бир маъмурий жараён доирасида, турли хилдаги ишларни ҳал этишига тўғри келади. Уларни умумий процессуал қоидалар билан тартибга солиш мушкулдир. Шу сабабли, маъмурий фаолиятнинг ўзига хос турлари, яъни маълум бир ишларни ҳал этишнинг махсус процессуал қоидалари мавжуд бўлиб, уларнинг йиғиндиси - иш юритиш фаолиятини ташкил этади. Масалан, шикоятларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини тайинлаш фаолиятлари кўпгина умумий хусусиятларга эга, лекин бу фаолият турлари махсус қоидаларга муҳтож бўлади. Демак, маъмурий иш юритиш - маъмурий жараённинг бир қисми бўлиб, умумий ва махсус процессуал нормалар ёрдамида маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган маъмурий фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади"[26].

Шунингдек, дарсликда маъмурий иш юритишнинг бир неча кўринишлари келтириб ўтилган. Жумладан, 1) маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида: Президент актларини қабул қилиш, ҳукумат ва марказий ижро ҳокимияти органлари актларини қабул қилиш, ижро ҳокимияти субъектларининг актларини қабул қилиш бўйича иш юритиш; 2) маъмурий ҳуқуқни қўллаш (оператив-фармойиш бериш) жараёнида: шахсий таркибни бутлаш бўйича, давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича, рағбатлантириш чораларини қўллаш бўйича, ресурсларни тақсимлаш бўйича, рухсат бериш, рўйхатга олиш бўйича, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини текшириш бўйича, назорат ва бошқалар бўйича иш юритиш; 3) маъмурий юрисдикциявий жараёнда: фуқароларнинг шикоятлари бўйича, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича, интизомий, ижро этиш, маъмурий чеклов (эҳтиёт) чораларини қўллаш бўйича иш юритиш кабилар шулар жумласидан[27].

Аввало, юқорида келтирилган Э.Хожиевнинг: "Давлат ҳокимияти органлари, маълум бир маъмурий жараён доирасида, турли хилдаги ишларни ҳал этишига тўғри келади. Уларни умумий процессуал қоидалар билан тартибга солиш мушкулдир", деган фикрини тўғри тушуниш лозим. Чунки, маъмурий процедура туб маъноси ва мазмунига кўра, маъмурий органларнинг хусусий шахслар билан бўладиган муносабатларида энг муҳим бўлган маъмурий фаолиятдан бири, яъни маъмурий индивидуал актни тайёрлаш, қабул қилиш, ўзгартириш, тўхтатиб туриш, бекор қилиш жараёнининг умумий процессуал қоидаларини белгилаб беради. Ҳар қандай маъмурий соҳада маъмурий индивидуал акт қабул қилинар экан, айнан мана шу умумий процессуал қоидалар асосида қабул қилиниши шарт бўлади (қонунда кўрсатиладиган истиснолар бундан мустасно). Лекин маъмурий индивидуал актни тайёрлаш, қабул қилиш, ўзгартириш, тўхтатиб туриш, бекор қилиш жараёни ҳисобланмайдиган бошқа кўринишдаги маъмурий фаолиятлар (масалан, маъмурий режалаштириш, текширишлар ва ҳ.к.)нинг ҳаммасига нисбатан ягона процессуал қоидаларни битта норматив-ҳуқуқий ҳужжат доирасида қамраб олиш қийин.

Бундан ташқари, маъмурий процесс деганда, давлат бошқаруви органларининг хусусий шахслар билан бўладиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларининг умумпроцессуал жиҳатлари назарда тутилади. Шу маънода, маъмурий процессга давлат бошқаруви органларининг муайян соҳани маъмурий жиҳатдан тартибга солишида маълум бир идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилиш жараёни, режалаштириш, текшириш, (индивидуал) қарорлар қабул қилиш, қарорлар ижросини таъминлаш каби маъмурий фаолиятнинг процессуал асослари жамланмасини назарда тутиш мумкин[28].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маъмурий процессни тушунишда унга фуқаролик ва жиноят процесси мазмунидан келиб чиқиб ёндашиш ҳам мавжуд. Жумладан, Германияда маъмурий процесс деганда, маъмурий судлов иш юритуви тушунилади. Аммо ушбу тадқиқот доирасида маъмурий процесс ва маъмурий жараён бир-бирига яқин маънодаги сўзлар ҳисобланади, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, процесс деганда умумий характерга эга бўлган фаолият мазмуни, процедура деганда эса муайян аниқ фаолият шакли тушунилади. Жумладан, маъмурий процесс деганда, давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлардаги давлат бошқарувининг умум процессуал жиҳатларини тушуниш мумкин. Маъмурий процедура деганда эса, асосан, маъмурий индивидуал актни тайёрлаш, қабул қилиш, ўзгартириш, тўхтатиб туриш, бекор қилиш жараёнини тушуниш мумкин[29].

Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимлари томонидан ёзилган илмий адабиётларда маъмурий процесснинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва талқин этишнинг уч концепцияси мавжуд. Жумладан, Игорь Цай маъмурий процессни тушунишнинг: а) юрисдикциявий; б) бошқарув (ёки маъмурий-процедуравий); в) юстициявий концепциясини келтириб ўтган. Унга кўра, юрисдикциявий концепцияда маъмурий процесс маъмурий жавобгарлик (жазо, мажбурлов) маъносида тушунилади. Бошқарув (маъмурий-процедуравий) концепцияга кўра, маъмурий процесс деганда, маъмурий ҳуқуқнинг моддий нормаларини қўллашга оид, маъмурий-процессуал нормалар билан тартибга солинган, давлат бошқарувининг бир қисминигина ташкил этадиган фаолият назарда тутилади. Юстициявий концепцияда эса маъмурий процесс маъмурий низолар бўйича судлов (суд ишини юритиш) процесси сифатида қаралади. Албатта, мазкур учала концепциянинг ҳам ўз тарафдорлари мавжуд. Игорь Цай эса маъмурий процесс деганда, учала концепцияни ҳам қамраб оладиган, маъмурий органларнинг хусусий шахслар билан бўладиган муносабатларидаги ҳуқуқни қўллашнинг ҳар қандай фаолиятини киритиш мумкин, деб ҳисоблайди. Жумладан, маъмурий жазони қўллаш, маъмурий низоларни суд тартибида ҳал этиш процедураларини ҳам маъмурий процессга киритади[30]. Қуйида мана шу илмий фикрлар юзасидан таҳлилимизни келтириб ўтамиз.

Биринчидан, ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Германия ва Япония маъмурий ҳуқуқидан келиб чиқадиган бўлсак, Игорь Цайнинг маъмурий юрисдикциявий (яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки маъмурий жавобгарлик (жазо) концепциясини ҳам маъмурий процессга қўшиш тўғрисидаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Давлат бошқарувидаги маъмурий индивидуал акт маъмурий соҳада хусусий шахсларнинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонуний манфаатлари юзасидан қабул қилинади. Унда жазолаш табиати мавжуд бўлмайди. Албатта, ушбу билдирган фикримиз совет маъмурий ҳуқуқидан давом этиб келаётган маъмурий ҳуқуқ предметини маъмурий жавобгарлик (жазо) доирасида тушуниш ҳақидаги мураккаб илмий баҳсни келтириб чиқаради[31].

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, "жазо" деган сўз кўпроқ жиноят қонунчилигида қўлланиладиган термин. Шунинг учун маъмурий соҳадаги жазо ҳақида фикр юритганда ривожланган давлатлар, жумладан, Германия ва Японияда, асосан, жиноят ҳуқуқининг маъмурий соҳадаги жиноятлар ҳақидаги таркибий қисми назарда тутилади. Лекин масаланинг энг асосий нуқтаси маъмурий жазо масалаларининг қайси ҳуқуқ соҳаси предметига кириши (маъмурий ҳуқуқми ёки жиноят ҳуқуқими) билан бир қаторда, маъмурий жазо турларининг жиноий жазолардан фарқ қилиши лозимлигида намоён бўлади. Буни қандай ижтимоий хавфли қилмиш учун қай даража ва турдаги жазо беришни фарқлашда кўриш мумкин. Масалан, Японияда жиноят жазоси сифатидаги жарима билан (жиноят ҳуқуқидаги жазо тури) маъмурий ҳуқуқдаги "пул тўлови" ёки "товон" деган ҳар хил терминлар ишлатилади, қонунчиликда бундай жавобгарлик турларининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва жазоларнинг оғирлиги бир-биридан фарқ қилади.

Японияда маъмурий жазонинг икки тури мавжуд: а) маъмурий жиноий жазо; б) маъмурий соҳадаги тартибни бузганлик жазоси (аниқроғи, маъмурий соҳадаги тартибни буз-

ганлик ҳуқуқий таъсир чораси). Маъмурий жиноий жазо деганда, жиноят қонунчилиги (Жиноят кодекси)да назарда тутиладиган ва соҳаси бўйича маъмурий соҳа (давлат бошқаруви соҳаси)да содир этилган жиноятлар назарда тутилади. Маъмурий соҳадаги тартибни бузганлик жазоси (ҳуқуқий таъсир чораси) деганда, маъмурий соҳада ҳуқуқий тартибни таъминлаш (ушлаш) мақсадида ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан таъсир этиш чораси сифатида қўлланиладиган молиявий тўлов (ва бошқалар) назарда тутилади. Умуман олганда, бундай бўлинишни қуйидагича англаш мумкин. Содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан жиноий жазони қўлламаслик ва енгил турдаги ҳуқуқбузарликларга бошқача таъсир чорасини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан қонунчиликдаги чора-тадбир сифатида бундай икки хил маъмурий жазонинг мавжуд бўла олишини (яъни, ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жазо ва ижтимоий хавфи юқори бўлмаган қилмишлар учун майда (кичик) жиноий жазолар) тушунтириш мумкин. Бунда қилмишларнинг жиноятлар ва майда жиноятлар деган таснифлаши юзага келади.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий соҳадаги жиноятларни декриминализациялашнинг бошқа кўринишлари АҚШ, Германия, Япония каби ривожланган давлатларда ҳам мавжуд. Масалан, Японияда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун молиявий жарима қўлланилади. Бунда йўл ҳаракати қоидасини бузган шахсга нисбатан молиявий жарима қўлланилиши тўғрисида хабарнома қарори берилади. Агар шахс ўз ихтиёрига кўра, қонун билан ўрнатилган 10 кунлик муддат ичида ушбу жаримани тўлайдиган бўлса, иш шу билан тугатилади. Агар жарима ўрнатилган муддатда тўланмаса, иш тўғридан-тўғри прокурорга оширилади ва жиноий иш тариқасидаги процесс бошланади. Бунда аввалги ихтиёрий ижро муддати - 10 кун ичида жаримани тўлаш ёки тўламаслик тамоман ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Агар шахснинг айби судда исботланмаса, ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат юзага келмайди. Шунга ўхшаш тартиб орқали кўп такрорланадиган, содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар билан ишлаш амалга оширилади. Чунки бу каби соҳаларда муайян турдаги майда ҳуқуқбузарликлар кўплаб содир этилишини инобатга оладиган бўлсак, ҳамма ишни ҳам жиноий процесс бўйича ҳал қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг имконияти (вақти ва ресурслари) мавжуд эмас. Шунинг учун шундай тартиблар ўрнатилган.

Давлат ҳокимияти органлари, маълум бир маъмурий жараён доирасида, турли хилдаги ишларни ҳал этишига тўғри келади. Уларни умумий процессуал қоидалар билан тартибга солиш мушкулдир. Шу сабабли, маъмурий фаолиятнинг ўзига хос турлари, яъни маълум бир ишларни ҳал этишнинг махсус процессуал қоидалари мавжуд бўлиб, уларнинг йиғиндиси - иш юритиш фаолиятини ташкил этади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистонда маъмурий соҳадаги тартибни бузганлик жазоси ҳам ўз ҳуқуқий табиатига кўра маъмурий жиноятлардан фарқ қилмайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тегишлича моддий ҳуқуқий нормалар юзасидан Жиноят кодекси ва процессуал нормалар юзасидан Жиноят процессуал кодекслари меъёрлари бир-бирига ўхшашлигини кўриш мумкин. Шу боис маъмурий ҳуқуқшунос олимлар маъмурий жазо масалаларини кўпроқ жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал ҳуқуқи соҳаларига тааллуқли, деб билишган.

Масаланинг бошқа томони шундаки, совет маъмурий ҳуқуқидан қолган ёндашув, яъни маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги "катта" қонун бизга керакми? Ўзбекистон бозор муносабатлари ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кенг жорий этиш даврида эскича услубда, яъни маъмурий жазолаш орқали маъмурий соҳаларни тартибга солиш, бошқариш қанчалик тўғри ва самарали деган муаммо ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Аслида, давлат бошқаруви органлари ўзларининг кундалик маъмурий фаолиятида маъмурий ижрони таъминлаш ва жазолаш мақсадини эмас, балки жамиятнинг иқтисодий ривожланиши, соғлом турмуш тарзини ошириш, фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса, Конституция, қонунлар ижросини амалга ошириш каби мақсадларни кўзлайди.

Шулардан келиб чиқиб, Игорь Цайнинг юқорида келтирилган Юрисдикциявий концепцияси доирасида маъмурий процессни тушуниш, фикримизча, назарий жиҳатдан нотўғри бўлади. Маъмурий жавобгарлик майда жиноят сифатида кўрилиши ҳамда жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқи доирасида тадқиқ этилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, маъмурий процессни маъмурий қарор чиқаришдан олдинги (аввалги) жараён ("аввалги процедура") ва кейинги жараён ("кейинги процедура") маъноларида тушуниш мумкинлигини ҳам рад этиб бўлмайди. Шунинг учун юқорида келтирган Игорь Цайнинг фикрларидан бироз фарқ қилган ҳолда, маъмурий процессни маъмурий индивидуал актни тайёрлаш, қабул қилиш, ўзгартириш, тўхтатиб туриш, бекор қилиш жараёни ("аввалги процедура" маъносидаги маъмурий процесс) ҳамда маъмурий низоларни ҳал қилиш жараёни ("кейинги процедура" маъносида) деб тушуниш мумкин. Шу ўринда келтирилган маъмурий низони ҳал қилиш жараёни деганда, маъмурий органлар томонидан хусусий шахслар томонидан келтирилган маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини тушуниш лозим. Тўғри, Ўзбекистонда суд томонидан ҳам маъмурий низолар бўйича шикоят (ариза)лар янги ташкил этилган маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиб, ҳал қилинади[32]. Лекин бу процесс маъмурий органларнинг фаолияти эмас, балки маъмурий соҳага тегишли суд фаолияти ҳисобланади.

Маълумки, давлат бошқарувига оид барча жараёнлар ҳам маъмурий процесс, шунингдек, маъмурий процедура предмети (қамрови, доираси)га киравермайди. Жумладан, Игорь Цайнинг таъкидлашича, давлат бошқарув фаолиятининг ҳуқуқ билан тартибга солинмаган аспектлари (ҳали ҳуқуқий тартибга солинмаган масалалар), ташкилий, материал-техник ҳаракатлар маъмурий процессга кирмайди. Бундан ташқари, Игорь Цайнинг таъкидлашича, маъмурий процесс фақат ташқи (оммавий) характерга эга бўлган ҳуқуқни қўллашни назарда тутади. Шунинг учун, маъмурий органларнинг ички-ташкилий (ҳуқуқ нормаси ёки маъмурий регламент билан тартибга солинган бўлса-да), яъни ҳуқуқни қўллашнинг ички жараёнлари маъмурий процессга кирмайди. Бундай ички ташкилий-бошқарув жараёни исталган давлат бошқаруви органида мавжуд бўлса-да, маъмурий процессга тегишли ҳисобланмайди[33].

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, маъмурий процесс, шунингдек, маъмурий процедура мазмун-моҳиятига кўра, маъмурий органлар ва хусусий шахслар ўртасидаги маъмурий соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни процессуал жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам, юқорида таъкидланганидек, маъмурий органларнинг ички ёки ташкилий бошқарув процесси, маъмурий органларнинг ўзаро муносабатлари процесси - маъмурий процесс, шунингдек, маъмурий процедура доирасига кирмайди. Маъмурий процесс, жумладан, маъмурий процедура ўз моҳиятига кўра хусусий шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини нафақат моддий ҳуқуқ нормалари билан, балки процессуал нормалар билан ҳам тўғри процедура асосида амалга оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Э.Хожиев маъмурий жараённинг уч босқичи ҳақида фикр юритади: 1) маълум бир ҳолатни баҳолаш; 2) маъмурий актни тайёрлаш ва қабул қилиш; 3) ҳуқуқий актни ижро этиш[34]. Аммо бу маъмурий процедуранинг босқичлари ёки процессуал талабларидан фарқ қилади. Маъмурий процедурада муайян иш юзасидан, аниқроқ айтадиган бўлсак, хусусий шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсирга эга бўлган маъмурий қарор чиқаришнинг процессуал талабларига кўпроқ эътибор берилади.

Маъмурий процедура (маъмурий тартиб-таомиллар) деганда, асосан, маъмурий органларнинг турли маъмурий фаолият юзасидан маъмурий қарор (акт)лар чиқариш тартиби, жараёни тушунилади[35]. Лекин маъмурий фаолиятнинг ҳар бир кўриниши ҳам муайян маънода маълум маъмурий процедурадир. Масалан, маъмурий текшириш процедураси, маъмурий режа процедураси ва ҳоказо. Лекин илмий адабиётлар ва ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида маъмурий процедура деганда, асосан, индивидуал маъмурий акт (қарор) чиқариш процедураси ва унга қўшимча равишда бошқа маъмурий ҳаракатлар, яъни маъмурий қонунчилик, маъмурий режа чиқариш ёки маъмурий қонунчилик

ижодкорлиги жараёни (процедураси) ҳам тушунилади[36].

Маъмурий процедура доирасини шартли тарзда маъмурий акт (маъмурий қарор) чиқаришгача бўлган дастлабки (олдинди, аввалги) процедуралар ва маъмурий акт (маъмурий қарор) чиқарилгандан кейинги процедураларга бўлиш мумкин. Илмий адабиётларда маъмурий процедура деганда, асосан, маъмурий қарор чиқаришгача бўлган дастлабки (олдинги, аввалги) процедура(лар) назарда тутилади[37]. Маъмурий қарор чиқарилгандан кейинги процедуралар эса маъмурий юстицияда ўрганиладиган маъмурий тартибдаги шикоят мавзусида ўрганилади. Маъмурий процедурани турли маъноларда, жумладан, маъмурий соҳадаги процессуал қонунчилик сифатида ҳам англаш мумкин.

Маъмурий процедура ўз мақсадига кўра икки хил кўринишда бўлиши мумкин: а) ҳуқуқни ҳимоя қилиш процедураси; б) иштирок этиш процедураси. Масалан, муайян шахсга тегишли бўлган лицензия (рухсатнома)ни бекор қилиш процедурасида адресатнинг фикрини тинглаш жараёни ўтказилишидан мақсад - адресатнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган процедура ҳисобланиши билан изоҳланади. Бундай ҳолларда маъмурий процедура ўз функциясига кўра, ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган суд процессининг баъзи етишмовчиликларини тўлдиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Иштирок этиш процедураси эса оммавий манфаатларни кўзлаб амалга оширилади, иложи борича янада яхшироқ маъмурий қарор қабул қила олиш учун аҳоли (фуқаролар) иштирокини амалга ошириш орқали маъмуриятнинг ўз иродасини акс эттирадиган қарорида аҳоли (фуқаролар) иродасини акс эттиришга қаратилганлиги билан тавсифланади. Бу процедура "демократия" тушунчасидан келиб чиқади, функциясига кўра парламентнинг қонунчилик ижодкорлиги жараёнини тўлдирувчи жараён ҳисобланади. Масалан, маъмурий органлар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда аҳоли (фуқаролар) фикрини ўрганиш жараёнининг жорий этилиши мазкур процедуранинг амалдаги ифодаси ҳисобланади[38].

Маъмурий процесс деганда, давлат бошқаруви органларининг хусусий шахслар билан бўладиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларининг умумпроцессуал жиҳатлари назарда тутилади. Шу маънода, маъмурий процессга давлат бошқаруви органларининг муайян соҳани маъмурий жиҳатдан тартибга солишида маълум бир идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилиш жараёни, режалаштириш, текшириш, (индивидуал) қарорлар қабул қилиш, қарорлар ижросини таъминлаш каби маъмурий фаолиятнинг процессуал асослари жамланмасини назарда тутиш мумкин.

Маъмурий процедура моҳияти. Маъмурий процедура ҳақида умумий маълумот билан бир қаторда, унинг моҳияти ва аҳамиятини билиш ҳам зарур. Игорь Цайнинг таъкидлашича, суд процесси кўпгина давлатлар ва даврларда нисбатан батафсил тарзда процессуал нормалар билан ҳуқуқий тартибга солиниб келинган. Лекин маъмурий органлар фаолиятини процессуал жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солиш кўпгина ҳолларда пайсалга солинади. Бунинг сабаби маъмурий соҳада маъмурий органларга оперативлик (тезкорлик) ва бошқарув эркинлигининг (бошқарувдаги эркин фаолият юрита олиш) зарурлигидир. Игорь Цай бундай қарашнинг хато эканлигини қуйидагича изоҳлайди:

биринчидан, ҳуқуқий давлатда маъмурий органлар қонун асосида фаолият юритиши талаб қилинади. Шунинг учун маъмурий органлар фаолияти процессуал жиҳатдан ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши лозим бўлади;

иккинчидан, маъмурий процедуралар билан амалга ошириладиган ҳуқуқий регламентация (тартибга солиш) маъмурий органлар фаолиятини мушкуллаштиришга, сиқишга, оғирлаштиришга қаратилган ҳисобланмайди; Маъмурий процедурани рационал (оқилона) мувозанат асосида жорий этиш худди мана шу асосдан келиб чиқади;

учинчидан, маъмурий процедуранинг жорий этилиши давлат бошқаруви соҳасидаги кўпгина хато ва камчиликларнинг процессуал нормаларни жорий этиш йўли билан секин-аста йўқолишига (олдини олинишига) хизмат қилар эди[39].

Маъмурий процедуранинг функциялари қуйидагиларда намоён бўлади[40].

Биринчидан, маъмурий процедура маъмурий қарорларнинг демократик легитимлигини таъминлаш, кафолатлашга хизмат қилади. Айтиш лозимки, маъмурий қарорларнинг демократик легитимлиги, аввало, қонунларга мувофиқ амалга ошириладиган маъмурий қарорларда акс этади. Кўпгина ҳолларда маъмурий органлар томонидан чиқариладиган қарорлар фақатгина амалдаги қонунларни ижро этиш билангина чекланмайди. Чунки аксарият ҳолларда қонунлар жуда мавҳум ва умумий характерга эга бўлади, шунинг учун маъмурий органлар кенг доирадаги маъмурий дискреция (хоҳиш, ирода)га эга бўлади. Шу асосда қарор чиқарадилар. Шундай ҳолларда қонун билан соҳанинг тартибга солинганлиги орқали ушбу соҳадаги маъмурий фаолиятни амалга оширишда легитимлиликнинг мавжуд бўлиши ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Шундай ҳолларда демократик давлатдаги маъмуриятга қўйиладиган талаблардан бири сифатида маъмурий қарорларда халқ фикр-иродасининг акс эттирилиши лозимлиги келтириб ўтилади. Буни амалга ошириш воситаси сифатида маъмурий процедуранинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши келтириб ўтилади.

Иккинчидан, маъмурий процедура - ўз мазмун-моҳиятига кўра, маъмурий органларнинг янада жиддийроқ фаолият юритиши, маъмурий органларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади (кафолатлайди). Маъмурий процедуранинг бундай функцияси "асосланган жавобнинг ёзилиши"да ҳам намоён бўлади[41].

Учинчидан, маъмурий органлар фақат ўзида мавжуд бўлган асосларга таяниб қарор чиқаришидан кўра, маъмурий процедура орқали янада асослироқ қарор чиқаришга имкон бўлади. Яъни, маъмурий процедурада тарафларнинг фикри ва далиллари, манфаатдор шахсларнинг фикр ва далилларини ҳам тақдим этишга ҳуқуқий жиҳатдан кафолат мавжуд бўлади, шу асосда чиқарилган маъмурий қарорлар кўп ва ҳар томонлама ўрганилган асосларга эга бўлгани учун янада асослироқ қарор ҳисобланиши имкони кучаяди. Шунингдек, ушбу ҳолларда ҳар бир тақдим этилган далил ва фикр-мулоҳазаларни батафсил ўрганиш, шу асосда ишдаги ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш кафолатланади ҳамда маъмурий органларнинг маъмурий дискрецияси юзасидан қарор қабул қилишда рационаллик, объективизм кафолатланади. Шунингдек, маъмурий процедуралар орқали маъмурий қарор қабул қилиш юзасидан хусусий шахслар орасида қарама-қаршилик мавжуд бўлганида ҳам манфаатларни мувозанатга келтиришдаги рационаллик, адолат таъминланади.

Тўртинчидан, маъмурий процедуралар маъмурий қарор чиқарилгунга қадар бўлган босқичда амалга оширилгани сабабли, асоссиз, ноқонуний маъмурий қарорлар чиқарилишининг шу орқали адресат (фуқаро)ларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши энг асосийси, тугалланган фактик ҳолатлар юзага келишининг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Тан олиш керакки, асоссиз ёки ноқонуний маъмурий қарорлар қабул қилинганда бундай қарорлар устидан маъмурий ёки суд тартибида шикоят қилиш орқали ҳам бузилган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлар ҳимоя қилиниши мумкин. Шунингдек, маъмурий процедуралар маъмурий органларнинг иш жараёнини секинлаштиради, маъмурий органларнинг самарадорлиги ва мослашувчанлигини пасайтиради, деган фикрлар ҳам мавжуд. Лекин очиғини айтиш лозимки, ҳозирги ҳуқуқий механизмлар асосида бузилган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлар ҳимоя қилинишини тўла кафолатлаб бўлмайди. Чунки, суд процессида муайян маъмурий қарорнинг асоссиз, ноқонуний эканлигини исботлаш учун кўп вақт, далил ва ҳуқуқий асосларнинг мавжуд бўлиши, шунингдек, моддий ва процессуал қонунчилик билан ўрнатилган турли меъёрларнинг амалга оширилиши талаб қилинади. Бундан ташқари, токи суд ёки маъмурий органнинг иш юзасидан қарори чиқмагунича фуқароларнинг, адресатнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари бузилиб турган ҳолатда бўлади[42].

Хуллас, юқорида маъмурий процедурага оид баъзи назарий масалаларга тўхталиб ўтдик. Қуйида маъмурий процедурага оид Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўртасидаги муносабатларга тааллуқли моддалар умумий мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат органлари ўз фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини етарли даражада ифода этиши зарурлиги, маъмурий органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг асослантирилган бўлиши, фуқароларга тушунарли ва тегишли тартиб-қоидалар асосида амалга оширилиши зарурлигини англаб олиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас"лиги белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 35-моддасида: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт", деб белгиланган.

Конституцияда тўғридан-тўғри маъмурий процедура ёки маъмурий тартиб-таомиллар деган сўзлар мавжуд бўлмаса-да, у ва қонунларнинг умумий мазмунидан "фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган тартиб асосидагина чекланиши мумкин"лигини англаш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари "белгиланган тартиб асосида", бошқача айтганда, дю процесс, яъни процессуал жиҳатдан тўғри ташкил этилган тартиб (процедура) асосида амалга оширилишини келтириб чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедура тўғрисида қонун ҳали қабул қилингани йўқ. Лекин Япония (JICA), АҚШ, Германия (GTZ) томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш дастури доирасида 2007 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, аммо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқулланмаган қонун лойиҳаси мавжуд[43].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий процедурага оид масалалар юзасидан "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида" Қонун қабул қилинган[44]. Ушбу Қонун, мазмун-моҳиятига кўра, тадбиркорлик соҳасидаги рухсат бериш характеридаги маъмурий актларнинг маъмурий процедураларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Лекин ушбу Қонун фақат тадбиркорлик соҳасидаги рухсат берувчи процедураларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бўлиб, фуқаролар адресат бўлиб қатнашадиган ишлар ва тадбиркорлик соҳасидаги бошқа турдаги маъмурий процедураларга ушбу Қонун татбиқ этилмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги умумий характердаги қонун қабул қилиш зарурияти ҳали ҳам мавжуд.

"Маъмурий процедура тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамиятини қуйидагиларда кўриш мумкин. Масалан, фуқаролик ёки жиноят ишлари бўйича суд процессида суд томонидан маълум иш юзасидан қарор чиқаришда процессуал ҳаракатларни тўғри амалга ошириш ва суд томонидан ўзбошимча қарор чиқарилишининг олдини олиш, асосли ҳамда қонуний қарор чиқариш мақсадида суд процессуал қонунчилиги мавжуд. Шундан келиб чиқиб, маъмурий органлар қабул қиладиган маъмурий қарорни чиқариш учун нега энди маъмурий ҳаракатларни процессуал жиҳатдан ҳуқуқий тартибга соладиган қонун мавжуд бўлмаслиги керак, деган савол туғилади. Бу саволга кўпгина ривожланган давлатларда маъмурий процедура тўғрисидаги қонунни қабул қилиш билан маъмурий органлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳам процессуал ҳуқуқ билан тартибга солиниши лозим, деган тўхтамга келинган. Шунинг учун Ўзбекистонда "Маъмурий процедура (тартиб-таомиллар) тўғрисида"ги умумий характердаги қонун қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади[45].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги 4947-сонли Фармонида "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунни 2017 йилда қабул қилиш назарда тутилган. Ҳозирда 87 моддадан иборат бўлган қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси қонунчилигида белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси асосида тақдим этилган.

Лекин мазкур Қонун лойиҳасида бир қанча муҳим ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топмаган. Масалан, тинглаш (эшитиш) жараёни ҳақидаги ҳуқуқий меъёрлар шулар жумласидан[46]. Шунинг учун Ўзбекистонда "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги умумий характердаги қонун қабул қилишда илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосидаги, халқаро стандартларга жавоб берадиган ва кўпгина ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунчилик тажрибасини инобатга олган ҳолда ва миллий ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари асосидаги қонун қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Манба ва адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Маъмурий процедуранинг аҳамияти кўпгина жиҳатларда намоён бўлади: фуқаролар маълум бир процедура асосида ўз ишининг кўрилиши, натижада маъмурият билан муносабатларнинг мувозанатлашуви, шунингдек, маъмурий ҳуқуқнинг кўпгина принципларига амал қилинишида намоён бўлади; См. Галлиган Д., Полянский В.В., Старилов Ю.Н. Административное право: история развития и основные современные концепциию - М.: Юристь, 2002. -С.276-305.

3. See, Pub. Law 404, Ch. 324, 79th Cong., 2nd sess., approved June 11, 1946; Қонуннинг тўлиқ матни учун; http://www.archives.gov/federal-register/laws/administrative-procedure/ (acsessed on December 17, 2014).(Federal Administrative Procedure Act of US) га қаранг.

4. See, Ferrel Heady. "State Administrative Procedure Laws: An Appraisal", Public Administration Review, Vol. 12, No. 1 (Winter, 1952), -p. 10. O. R. McGuire ўз илмий ишида АҚШ Адвокатлар ассоциацияси президенти Elihu Root биринчилардан бўлиб, 1916 йилги маърузасида мамлакатда маъмурий процедурага оид ислоҳотларни ўтказиш ҳамда маъмурий органлар фаолиятига муайян мажбурий процессуал қоидалар асосида ишлашни жорий этиш лозимлигини таъкидлаганини келтириб ўтган (See, O. R. McGuire. "Administrative procedure reform moves forward", American Bar Association Journal, Vol. 27, No. 3 (March, 1941), - p. 150-153).

5. See, Carl McFarland. "A Code of Administrative Procedure", The Annals of the American Academy of Political and Social Science, Vol. 221, Administrative Regulation of Private Enterprise (May, 1942), -p. 160-165.

6. See, Gilbert H. Montague. "Reform of Administrative Procedure", Michigan Law Review, Vol. 40, No. 4 (Feb., 1942), -p. 516-540.

7. See, Foster H. Sherwood. "The Federal Administrative Procedure Act", The American Political Science Review, Vol. 41, No. 2 (Apr., 1947), -p. 271-281.

8. See, Ferrel Heady. "The New Reform Movement in Regulatory Administration", Public Administration Review, Vol. 19, No. 2 (Spring, 1959), -p. 89.

9. See, Ferrel Heady. "The New Reform Movement in Regulatory Administration", Public Administration Review, Vol. 19, No. 2 (Spring, 1959), -p. 93.

10. See, Arthur T. Vanderbilt. "Administrative Procedure: Shall Rules Before Agencies Be Uniform?", American Bar Association Journal, Vol. 34, No. 10 (October 1948), -p. 896-898,974-976.

11. See, Bernard Schwartz, Roberto L. Corrada, J.Robert Brown, Jr. "Administrative Law: a casebook" seventh edition. Aspen Publishers, 2010. -p. 385. See, William F.Funk, Richard H.Seamon "Administrative Law: examples ? explanations" 2nd edition. Aspen Publishers, 2006. -p.116.

12. See, William F.Funk, Richard H.Seamon . "Administrative Law: examples ? explanations" 2nd edition. Aspen Publishers, 2006. -p.117.

13. See, Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin "Administrative Law and Process in a Nutshell" fifth edition. Thomson/West, 2006. -p200-205.

14. See, Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin., 2006. -p.205, 210-211.

15. АҚШ умумий ҳуқуқ тизимига асосланган давлатчилигидан келиб чиққан ҳолда, судлар маъмурий процедура қоидаларининг татбиқ этилишини назорат қилишдаги ўрни катталигини эътироф этиш лозим. See, Allan D. Jergesen. "The Enforcement of Administrative Procedures in Great Britain and the United States", The American Journal of Comparative Law, Vol. 30, No. 2 (Spring, 1982), -p. 267-295.

16. Мисол учун, Феррел Хэди ўз илмий ишида маъмурий процедура қоидалари шахсни адолатсиз муносабатдан сақлайдиган бўлса, бошқа томондан, оммавий дастурларни амалга оширишга тўсиқларни бартараф этишдаги ўрни катталигини таъкидлаб ўтган. See, Ferrel Heady. "State Administrative Procedure Laws: An Appraisal", Public Administration Review, Vol. 12, No. 1 (Winter, 1952), -p. 10.

17. Англо-саксон ҳуқуқи асосидаги давлатларда бу масала суд прецеденти асосида шаклланиб боради.

18. Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin, 2006. -p. 217-219, 222-224.

19. Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin., 2006. -p.224-225, -p.227-229, -p.230-234.

20. Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin., 2006. -p.234-236, .-p237-240, -p.240-241.

21. Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin., 2006. -p.246-249.

22. Англо-саксон ҳуқуқи асосидаги давлатларда бу масала суд прецеденти асосида шаклланиб боради.

23. АҚШ қонунининг вужудга келиш тарихи ва аҳамияти тўғрисида қаранг.: Kathryn E. Kovacs. "A history of the military authority exception in the administrative procedure act", Administrative Law Review, Vol. 62, No. 3 (Summer 2010), -p. 673-728. See, Lisa Schultz Bressman. "Procedures as Politics in Administrative Law", Columbia Law Review, Vol. 107, No. 8 (Dec., 2007), -p. 1749-1821. See, Cornelius J. Peck. "Recent efforts to improve state administrative law and procedures", Administrative Law Review, Vol. 16 (Fall, 1963), -p. 70-73. See, J. D. Bond. "Administrative Procedure Act Committee report", Administrative Law Bulletin, Vol. 6, No. 3 (May 1954), -p. 150-155.

24. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. -Т.: Консаудитинформ-Нашр. 2012. -С.410-411.

25. Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ, Бакалавриатнинг 5380100 - //Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. - Т.: 2006. 631-632-б.

26. Ўша манба. 633-б.

27. Ўша манба. 633-634-б.

28. Маъмурий иш юритишда, асосан, аниқ масала ёки ҳолат бўйича материаллар (ҳужжатлар ва бошқа) билан ишлашни назарда тутадиган бўлсак, Э.Ҳожиев томонидан келтирилган таърифга қўшилиш мумкин. Яъни, "маъмурий иш юритиш - маъмурий жараённинг бир қисми бўлиб, умумий ва махсус процессуал нормалар ёрдамида маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган маъмурий фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади".

29. Гарчи тушунча сифатида "маъмурий жараён" термини илмий адабиётларда қўлланилса-да, лекин маъмурий жараённинг мазмуни юқорида келтирилган маъмурий процесс ёки маъмурий процедуранинг мазмунидан катта фарқ қилмайди. Шунинг учун маъмурий жараённи маъмурий процесс ёки маъмурий процедура сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш жоизки, Э.Хожиев маъмурий жараённинг босқичлари ҳақида фикр юритганда, маъмурий жараёнга давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлардаги давлат бошқарувининг умум процессуал жиҳати сифатида таҳлил этганини тушуниш мумкин. Қаранг: Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. Бакалавриатнинг 5380100 - //Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. - Т.: 2006. 635-637-б.

30. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. -Т.: Консаудитинформ-Нашр 2012. -С. 400-404.

31. Ушбу масала илмий жиҳатдан баҳсли бўлгани сабабли тадқиқот предмети ва ҳажмидан келиб чиқиб қисқача тўхталиб ўтилади. Масаланинг батафсил илмий баҳси алоҳида илмий изланиш доирасида ўрганилган. Қаранг.: Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий муаммолари: Япония тажрибаси билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. //"Жамият ва бошқарув", 2015 3-сон. 62-71-б.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. ПФ-4966 сонли 21.02.2017 й. //Lex.uz

33 Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть.-Т.: Консаудитинформ-Нашр 2012. -С. 404.

34. Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. - Т.: 2006.635-636-б.

35. Бундан кейинги ўринларда "маъмурий процедура" деган термин қўлланилади.

36. Мисол учун, АҚШда маъмурий қонунчилик ижодкорлиги (Rulemaking) ҳам маъмурий процедура доирасига киритилган.

37. Маъмурий процедурани шартли равишда маъмурий органларнинг (маъмурий актни қабул қилишга қаратилган) маъмурий ишларни қўзғатиши, кўриб чиқиши ва мазкур ишлар бўйича қарор қабул қилишига доир фаолиятнинг белгиланган тартиби сифатида ҳам тушуниш мумкин.

38. Shibaike Yoshikazu. "Gyouseihousouronkougi" Yuuhikaku, 2007, -p.277-279. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни //lex.uz

39. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. - Ташкент. Консаудитинформ-Нашр 2012. -С. 407-408.

40. ShibaikeYoshikazu. "Gyouseihousouronkougi" Yuuhikaku, 2007, -p.280-281.

41. Бунга қуйидаги мисолни келтириб ўтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 357-сонли Низомнинг қарорига 1-илова тарзида тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги 491-бандига кўра, техник шартларни бериш имконияти бўлмаган ҳолларда фойдала-

нувчи ташкилотлар 3 иш куни мобайнида инспекцияга асосланган рад этиш ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма жавоб жўнатади. Инспекция томонидан техник шартларни бериш рад этилишининг асосланганлиги ўрганилади. Рад этишнинг асоссизлиги аниқланган тақдирда Инспекция ҳужжатларни фойдаланувчи ташкилотга қайтаради, у рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш масаласини 3 иш куни мобайнида ҳал этиши шарт. Рад этиш асосланган тақдирда Инспекция рад этиш кунидан кейинги кундан кечикмай бу ҳақда аризачини ёзма равишда хабар қилади. Бунда аризачининг розилигига кўра техник шартлар учун параметрлар ўзгартирилиши мумкин. Техник шартлар беришнинг рад этилиши юзасидан аризачи қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиши мумкин.

42. ShibaikeYoshikazu. "Gyouseihousouronkougi" Yuuhikaku, 2007, -p.280-281.

43. Қонун лойиҳасининг 2007 йил 21 июндаги варианти 34 моддадан иборат таркибда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, дастлабки варианти эса жами 143 моддадан иборат бўлган.

44. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги ЎРҚ-341-сонли Қонуни /LEX.uz

45. 2007 йилдан кейин ҳам маъмурий процедура тўғрисидаги қонуннинг лойиҳалари ишлаб чиқилган эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 25 июндаги Р-4305 сонли фармойишининг 4-банди "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддалар)га киритилган ўзгартиришлар муносабати билан амалдаги қонунларни мақбуллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури" 3-кичик бандига асосан «Маъмурий процедура тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

46. "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг 47-51 моддаларига қаранг.

Раимова Н.

О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ ПРАВОВОЙ РЕГЛАМЕНТАЦИИ КОММЕРЧЕСКОЙ КОНФИДЕНЦИАЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИИ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

В данной статье проведен анализ зарубежного опыта, в основу которого были взяты нормативно-правовые акты ряда государств, которые условно обозначены как первая группа стран. Данный выбор объясняется тем, что, во-первых, как показывает новейшая история, именно эти страны подвержены наиболее высокой степени вероятного вступления с Республикой Узбекистан в интеграционные процессы. И, во-вторых, эти страны до распада СССР имели единую правовую основу, регулировавшую вопросы установления правового статуса государственных секретов и коммерческой тайны.

Осуществлен также сравнительный анализ нормативно-правовых актов по вопросам защиты информации некоторых экономически развитых государств, в том числе США, Великобритании, ФРГ, Китая, Таиланда (т.н. вторая группа стран) с учетом перспективы дальнейшего развития сотрудничества постсоветских стран, в т.ч. Узбекистана, с ведущими странами мира.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги бўйича фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида тижорат сирининг аҳамияти кўрсатилган. Маълумки, интеллектуал фаолият объектлари аҳамияти беқиёс ошган, чунки улар иқтисодий муомалада анъанавий моддий объектлар билан бир қаторда тенг ҳуқуқли бўлиб қатнашади. Ушбу ҳолат яна шу билан белгиланадики, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида рақобатбардошликни мустаҳкамлаш учун турли интеллектуал фаолият объектларидан фойдаланишмоқда. Шунга мувофиқ, бозор муносабатлари ривожланишида иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш доирасида махфий ахборотлардан фойдаланишга қизиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, мақолада хорижий мамлакатларда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида махфий ахборотни иқтисодий жосусликдан ҳимоя қилиш комплекс таҳлили берилган, мазкур соҳани тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш учун бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

This article discusses the role of a trade secrets in civil legal relations by the legislation of the Republic of Uzbekistan and foreign countries. It is common knowlage age, that the role of objects of intellectual activity has immeasurably increased, as they became along with traditional material objects full participants of economic turnover. It is caused also by that circumstance that subjects of an entrepreneurial activity began to use various objects of intellectual activity for strengthening of the competitiveness. In this connection, within the limits of legal regulation of economic activities in the conditions of development of market relations the special importance is acquired by interest to confidential information turnover.

In article is also given a complex analyses of protection of confidential information from economic espionage in civil legal relations in foreign countries is also given here. decisions to improve acting legislation regulating present sphere.

РАИМОВА Наргиза, *кандидат юридических наук, самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета.*

Во многих странах в условиях интенсивного развития рыночных отношений важное значение приобретает гражданско-правовой оборот информации, так как на сегодняшний день информация охватывает все стороны жизни и деятельности человека, общества и государства в различных сферах.

Действительно, информация, информационные ресурсы, конфиденциальная информация представляют собой очень важный и необходимый элемент всякой деятельности человека, общества и государства в общественной, социально-экономической и политической сферах. Накопление, передача и обогащение знаний является стержнем общественного прогресса, основой экономики постиндустриального общества, где информационные ресурсы, наряду с природными, финансовыми, трудовыми и иными ресурсами, составляют важнейший потенциал государства и общества.

От степени правовой защищенности информации, в том числе и коммерческой конфиденциальной информации, зависит авторитет предпринимательских структур как в Узбекистане, так и на международной арене. Соответственно, вопросы закрепления в законодательстве норм о конфиденциальной информации являются весьма актуальными на сегодняшний день.

Данное явление стало весьма актуально для нас и в связи с тем, что, когда Республика Узбекистан перешла на новый уровень жизни, где предпринимательство и конкуренция в предпринимательской деятельности стали важнейшими составляющими экономики, вопросы закрепления конфиденциальной информации в законодательстве стали очень актуальны, так как обладание информацией, имеющей определенную ценность в силу ее неизвестности третьим лицам, способствует успешной конкурентной борьбе в рыночных условиях.

Проблема правового регулирования конфиденциальной информации не является новой для нашей республики, однако можно с уверенностью утверждать, что данный правовой институт окончательно не сформировался. Практически каждый субъект предпринимательской деятельности на сегодняшний день формирует свой объем коммерческой конфиденциальной информации, не всегда четко понимая, что же стоит за этим определением.

К сожалению, все предшествующие исследования и Закон Республики Узбекистан "О коммерческой тайне" - это лишь первый шаг в построении теоретической и нормативно-правовой базы, которая необходима для эффективного правового регулирования отношений, связанных с признанием, реализацией и охраной прав на коммерческую конфиденциальную информацию.

В связи с этим, в данной статье нами подняты проблемы правовой защиты коммерческой конфиденциальной информации как в Республике Узбекистан, так и в зарубежных странах.

Анализ зарубежного законодательства о конфиденциальной информации свидетельствует о том, что во многих зарубежных странах с рыночной экономикой широко внедрен и законодательно закреплен эффективный правовой механизм защиты коммерческой тайны от различного рода вмешательств как государственных, так и негосударственных структур.

Будучи разновидностью конфиденциальных сведений и непосредственно связанной с формами собственности и методами управления экономикой, не существовавшими при командно-административной системе, коммерческая тайна практически является новым направлением для правовых систем первой группы государств. Отсюда и разнообразие в определении правового статуса коммерческой тайны в первой группе стран.

Например, в Молдове и Кыргызстане под коммерческой тайной понимаются "...не являющиеся государственной тайной сведения, связанные с производством, технологией, управлением, финансовой и другой деятельностью хозяйствующего субъекта, разглашение которых может нанести ущерб его интересам"[1].

В Беларуси, наряду с информацией о различных сторонах и сферах производственно-

хозяйственной, управленческой, научно-технической, финансовой деятельности, к коммерческой тайне также относятся и экономические интересы субъекта хозяйствования, охрана которых обусловлена интересами конкуренции и возможной угрозой экономической безопасности субъекта хозяйствования[2].

В Российской Федерации коммерческой тайной обозначается не сама информация, а ее состояние: - это "...конфиденциальность информации, позволяющая ее обладателю при существующих или возможных обстоятельствах увеличить доходы, избежать неоправданных расходов, сохранить положение на рынке товаров, работ, услуг или получить иную коммерческую выгоду"[3].

Для сравнения отметим, что в США, согласно федеральным законам 1979 года "О коммерческой тайне" и 1996 года "Об экономическом шпионаже", коммерческая тайна определяется как информация (включая формулы, модели, программы, механизмы, способы, технологии) или технология, которая обладает самостоятельной экономической ценностью (действительной или потенциальной) и не доступна для других лиц, которые могли бы извлечь экономическую выгоду из ее пользования или разглашения, и в отношении которой приняты меры по защите ее секретности[4].

В Германии, согласно Закону "О недобросовестной конкуренции" к коммерческой тайне относится информация, отвечающая признаку секретности (доступная только известному ограниченному кругу лиц), при условии наличия у владельца информации обоснованного интереса в ее сохранении[5].

В Китае понятие коммерческой тайны определяется как "техническая и управленческая информация закрытого характера, обладающая признаком экономической или практической ценности, и в отношении которой приняты разумные меры по защите секретности". Законодательство КНР не содержит специального акта о коммерческой тайне, но существует ряд норм, затрагивающих данный вопрос. Так, Положение о коммерческих службах безопасности 1988 года предусматривает возможность создания таких служб, деятельность которых направлена, в том числе и на охрану коммерческой тайны[6].

Информационные ресурсы, конфиденциальная информация представляют собой очень важный и необходимый элемент всякой деятельности человека, общества и государства в общественной, социально-экономической и политической сферах.

В Таиланде, согласно Закону 2002 года "О коммерческой тайне", понятие коммерческой тайны трактуется аналогично американскому. Вместе с тем, Закон Таиланда разделяет коммерческую тайну на два вида. К первому виду относятся промышленные тайны, которые состоят из коммерческой информации, затрагивающей технические вопросы, связанные, например, с производственным процессом или химическими формулами. Ко второму виду относится коммерческая информация, включающая в себя методику продаж, договорные формы, клиентскую базу, рекламные технологии и т.д.[7].

В английском праве, несмотря на отсутствие четкого легального определения коммерческой тайны, судебные прецеденты выделяют следующие признаки таковой. Во-первых, информация по своей сути должна иметь "неотъемлемый признак конфиденциальности". Во-вторых, информация должна быть связана с условиями, из которых следует обязательство о ее неразглашении. И, в-третьих, должна иметь место неправомерность использования этой информации, причинившей ущерб ее обладателю[8].

Следует отметить, что проведенный сравнительный анализ перечисленных нормативно-правовых актов позволяет выявить тенденцию некоторых законодателей исследуемых стран объединить правовые подсистемы защиты госсекретов и коммерческой тайны в единую систему.

Так, например, в законодательстве Российской Федерации роль общего знаменателя государственных секретов и коммерческой тайны сыграло объединение их в группу ин-

формации с ограниченным доступом[9], а в Кыргызской Республике коммерческая тайна отнесена к секретам негосударственного характера[10].

